

*Илмнинг аввали сукут, сўнг  
эшитиш, сўнг ёд олиш, сўнг амал  
қилиш, сўнг уни тарқатишдир*

Ҳадисдан

**Ёрқин Абдуллаев**

# **Қ И З И Қ А Р Л И СТАТИСТИКА**

**(Ҳаёт, илм, фалсафа, дин, маънавият  
ва маърифат сабоқлари)**

**Тошкент  
«IQTISOD-MOLIYA»  
2005**

***Статистика менга ўзим билан суҳбат-  
лашишни, рақамларни тилга киритиш  
маҳоратини ўргатди.***

**Муаллиф**

*Ёшлик тез ўтиб кетадиган  
камчилик*

И.Гете



Аспирант  
**ЁРҚИН АБДУЛЛАЕВ**  
Москва (МЭСИ)  
1973

*Кексайганинда, ёшликнинг бутун кучини эскирмайдиган асарларда мужасамлаштиришга муваффақ бўлинганини англашдан яхшироқ таскин берадиган нарса йўқ*

Шопенгауэр



**Профессор  
ЁРҚИН АБДУЛЛАЕВ**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан  
арбоби, Олий таълим аълочиси, иқтисод  
фанлари доктори  
2003

### Муқаддима

Инсон насли инсон бўлиб, қўли ишга, тили сўзга келиб, бир-бири билан муомала қила бошлабди-ки, бу ажиб, чигал, борлиғи сир-синоатдан иборат дунёда яшаш дарсини ўқийди ва то шу кунгача бу дарс тугамаган. Энг буюк донишмандлар умрларини илму фанга бағишлаб, жаҳон кезиб, дунё-дунё китоб ўқиб, оламдан рихлат қилар чоғи, мен ҳаётдан ҳеч нарса билмай кетмоқдаман, деганлар. Хусусан, қадимги юнон файласуфи Платон шундай деган:

*«Биз, дарҳақиқат, ҳеч нимани билмаймиз»,* - деб сўнгги сўзларини айтган бўлса, 1749-1832 йилларда яшаган немис донишманди Иоганн Гете шундай деган:

*Мен забт этдим илоҳиётни,  
Кўтармадим фалсафадан бош.  
Ёд олдим ҳуқуқшуносликни,  
Тиббиётни ҳам ўргандим  
Ҳаммаси шундай бўлсада, мен, бироқ  
Эдим тентак, шундайлигимча қолдим.*

Қадимги юнон файласуфи Сукрот (469-399 милоддан олдин) эса: *«Бир умр ўрганиб билганим ҳеч нарсани билмаслигим бўлди»,* деб сўнгги сўзларини айтиб оламдан ўтади.

Не ажаб, ҳаёт илмини тугал англамоққа нафақат бир инсон умри, балки инсонлар умри етмайди.

Ҳар бир киши бу ёруғ дунёга келиб, то ундан рихлат қилгунига қадар ўзининг инсоний бурчини қандай ўташи кераклигидан баҳс очади, сабоқ олади ва сабоқ беради, ўзгаларнинг фикрларини ўрганиш ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратишга ҳаракат қилади.

Қўлингиздаги тўрт қисмдан иборат рисола ҳам ана шундай фикрлар ҳамда қизиқарли статистикага оид турфа маълумотлар, жумбоқли рақамлар ва топишмоқлар мажмуасидир.

I-қисм «Рақамларнинг сир-синоати» деб аталиб, у учта бобни, яъни «Жумбоқли рақамлар ва топишмоқлар»,

«Биласизми?» ва «Рақамлар тилга кирганда» бобларини ўз ичига олади. Ушбу қисмнинг дастлабки бобида ўқувчининг интеллеktуал салоҳиятини синаш учун жумбоқли рақамлар ва қатор топишмоқлар рақамлар келтирилган. 2-бобда эса биз билган ва билмаган турфа олам тўғрисида қизиқарли статистик маълумотлар, рақамлар ўқувчилар диққатига ҳавола қилинган.

3-бобни тузишда биз 1838-1923 йилларда яшаган инглиз давлат арбоби, журналист, танқидчи Ж.Морлейнинг қуйидаги фикрларига таяндик:

**«Ҳикматли сўз ва афоризмлар чинакам ҳаётий донишмандлик ва адабиётнинг мағзи эканини, ҳикматли сўз ва афоризмларга бой китобларгина кўпроқ наф беришини унутмаслик керак: одамлар китоб ўқиётганда асосан шу ҳикматли сўзларни излашлари зарур».**

Дарҳақиқат, Қуръони карим ва ҳадислар, мутаффақирларнинг фикрлари билан танишиш мия учун тенгсиз машқ: ақлга ақл қўшади ва фикрни чархлайди.

И.Гёте таъбири билан айтганда, **иложи бўлса ҳар кун истаган бир ҳикматли сўзни ўзлаштириб олмоқ даркор.** Чунки улардан ҳар бир киши ҳаёт учун фойдали жуда кўп фикрларни топиши мумкин.

Ҳикматли сўзлар, мақоллар биз учун асрларнинг садоси, узоқ ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу чақирик, замонлараро кўприқдир. Улар - ҳеч бир подшо эълон қилмаган фармон, ҳеч бир президент муҳрламаган қонун, ҳеч бир давлат томонидан битилмаган конституциядир.

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.*

Улуғ шоир Бобур Мирзо шеърига асос солган шу бир халқ мақолида неча-неча китобларга жо бўлган қонун мажмуаларининг маъноси бор.

Ҳа, инсоннинг бошига тушган мусибатлар – бевақт ўлим, касаллик, очлик, муҳтожлик, бахтсизлик, омадсизлик ва ҳоказоларнинг барчаси замирида ана шу биз билган ва билмаган ҳикматлар, ҳадислар, сиру синоатлар яширинган. Бу дунёда тасодиф деган нарса бўлмайди.

Рисоланинг II-қисмида қирқ йил давомида (1964-2004 йиллар) статистика илмини ўрганиш, олий таълим тизимида талабаларга сабоқ бериш, шахсий кузатувлар, ўйлар, бир қадар истеҳзоли хулосаларимиз асосида статистика ҳақида битилган фикрларимиз ҳикмат мақомида берилган.

Улар: «Статистика – бу қайсар ҳақиқат», «Статистика – бу рақамлар тизими», «Аниқлик – бу статистиканинг биринчи тамойили» ва «Статистика бу қиёсий таҳлил ибтидоси» бобларида ўз аксини топган.

Шуниси борки, ҳеч ким ҳикмат мақомидаги лўнда гап айтиш учун махсус қўлига қалам олмайди. Тўғри, ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари, олимларнинг ён дафтарларидан, кўпгина доно фикрларни топиш мумкин. Булар муаллифларнинг бой тажрибасидан, мутассил илм билан шуғулланишидан, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни узоқ вақт давомида кузатишларидан туғилади.

Статистика ҳақидаги фикрларимиз ҳам кўп йиллар давомида гўё «ўз-ўзидан», «беҳосдан», «фавкулудда», «қиссадан-ҳисса» тарзида туғилган. Бундай фикр ва мулоҳазалар муқаррар суратда ниманидир тасдиқлаши эмас, рад этиши ёки шубҳа остига олиши ҳам мумкин.

Умуман, китобда рақамлар кетма-кетлигида жамланган Қуръони Карим оятлари, ҳадислар ва ҳикматлар, Президентимиз тамойиллари, қизиқарли статистикага оид рақамлар, топишмоқлар ўқувчиларнинг энциклопедик билимларини оширишга, ўтмиш ва ҳозирги аҳвол, шунингдек, эртанги кун ҳақида реал фикр юритишларига бир қадар хизмат қилиши мумкин.

Китобнинг III-қисми «Тириклик фалсафаси»да жамланган ҳаётий шеърӣ лавҳалар кенг ўқувчилар оммасига, аввало ҳар бир жамиятнинг суянчиғи бўлган оилага – оталар ва оналарга, болалар ва қизларга, келинлар ва куёвларга ибрат мактабини ўташи мумкин. Чунки уларда панд-насиҳат билан боғлиқ ғоялар, инсонпарварлик, юксак хулқу ахлоқни ифодаловчи фикрлар ўткир ва таъсирчан қилиб изҳор этилган.

Муҳтасар қилиб айтганда, биз мазкур китобни қўлимиздан келганича тайёрлашга интилдик, унинг муқаррар камчиликлари учун аввалдан уэр сўраймиз ва ишонамизки, айнан статистика ҳақидаги фикрларимиз ва таърифларимиз, бундай ишларни янада яхшироқ уддалайдиган статистика илмининг фидойиларига бир самарбахш туртки бўлса, ажаб эмас.



*Статистика фақат рақамларда  
ўзини-ўзи англашга қодир.*

Муаллиф

## **I-қисм. Рақамларнинг сир-синоати**

Статистика - бу қизиқарли рақамлар ва сонлар тизимидир. Биз кундалик турмушимизнинг ҳар қадамида рақам ва сонларни ишлатамиз. Рақамлар бозор-ўчарда, пул санашимизда, вақтни аниқлашимизда, транспортга чиқишимизда, телефон қилишимизда энг яқин ёрдамчимиз. Кўзи ожиз кишига ҳасса қанчалик асқотса, рақамлар ҳам бизга шунчалик кўмакка келади. Инсоният рақамларни ўйлаб топгани учун аждодларимизга ҳамиша таҳсинлар айтади.

Рақамлар ҳатто хоҳишимизни, ўйимизни, ишимизни, мактаб ёки олий ўқув юртида қандай ўқишимизни ҳам кўрсатиб туради. Қўйинг-чи, фазовий кемалар учишидан тортиб, ердаги қадамимиз ҳам рақамлар ва сонлар билан ўлчанади. Статистикада кўпинча сонлар ва рақамлар билан иш кўришга тўғри келади. Гап шундаки, статистикада ўрганадиган муаммоларнинг асосий қисми сонлар воситасида табиийроқ ва осонроқ ифодаланади. Бунга кундалик газета ва журналларнинг иқтисодиётга бағишланган сатрларини кўришингиз билан ишонч ҳосил қиласиз. Улар рақамларга бой: булар акцияларнинг қийматлари, сотилган ва харид қилинган акциялар сони, чет эл валюталарининг қиймати, фоизи, маош, ойлик белгиланмалари ва жуда кўп бошқа тушунчалардир.

Хўш, биз рақамларни шунчалик кўп ишлатар эканмиз, уларнинг қаерда ва қандай келиб чиққанлигини, пайдо бўлиш тарихини биламизми?

Инсонлар ибтидоий даврда қўл саноғи билан овларнинг сонини, кунларини, қурол-аслаҳалари салмоғини имо-ишоралар билан бир-бирига аңлатган бўлса, кейинчалик уларни сўзлар билан ифодалашган. Дастлаб, рақамлар ёзувда ҳам сўзда ифодаланган. Энг биринчи рақамларни ёзувда белги, аломатлар ёрдамида бундан 3 минг йил муқаддам бобилликлар ва мисрликлар ишлатган. Бугунги кунда бутун дунёда араб ва рим рақамларидангина фойдаланилади.

Араб рақамлари- 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9

Ушбу рақамлар ёрдамида ҳар қандай катта ёки кичик сонларни ҳосил қилиш мумкин. Масалан, XIII асрда яшаган машҳур сайёҳ Марко Поло Хитойга боради. У мамлакатнинг ниҳоятда бойлигидан ҳайратга тушади. Уни ифодалаш учун мавжуд рақамлардан фойдаланишнинг иложи бўлмагач, “миллион” сўзини ўйлаб топган. Бироқ, миллион сўзи ҳам

сўнги энг катта рақамни билдирмайди. Бу рақамлар ниҳоятда каттадир, уларнинг катта-кичиклиги бир рақамининг ёнидаги ноллар сонига боғлиқ бўлади.

Айтайлик, бир рақамининг ёнида битта нол бўлса -ўн, иккита бўлса- юз, учта бўлса-минг, тўртта бўлса- ўн минг, бешта бўлса- юз минг, олтита бўлса- миллион бўлади. Кейинги саноклар: миллиард, триллион, квадриллион, квинтиллион ва ҳоказоларда эса ноллар сони ундан ҳам кўп бўлади. Мана бу рақамлар тизимига эътибор беринг-а:

### Рақамлар тизими

№	Саноклар	Ноллар сони	Яъни:
1.	Ўн	1	Ўнта бир ( $10 \cdot 1 =$ )
2.	Юз	2	Ўнта ўн ( $10 \cdot 10 =$ )
3.	Минг	3	Юзта ўн ( $100 \cdot 10 =$ )
4.	Миллион	6	Мингта минг ( $1000 \cdot 1000 =$ )
5.	Миллиард	9	Мингта миллион ( $1000 \cdot 1000 \cdot 1000 =$ )
6.	Триллион	12	Мингта миллиард ва ҳ.к.
7.	Квадриллион	15	Мингта триллион
8.	Квинтиллион	18	Мингта квадриллион
9.	Секстиллион	21	Мингта квинтиллион
10.	Септиллион	24	Мингта секстиллион
11.	Октиллион	27	Мингта септиллион
12.	Нониллион	30	Мингта октиллион
13.	Дециллион	33	Мингта нониллион
14.	Ундециллион	36	Мингта дециллион
15.	Дедэциллион	39	Мингта ундециллион

Бундан кейинги рақамларнинг номи йўқ. Мавжуд рақамлар ҳам квадриллиондан бошлаб деярли қўлланилмайди.

Миллионнинг ўзи ҳам қанча катта сон эканлигини тўла тасаввур қилиш учун қўйидаги қизиқарли рақамларни келтириш мумкин:

- Инсон миллион қадам юрса, 600 километр йўл босган бўлади;
- Бир қатор саф торган бир миллион киши 250 км.ча масофани эгаллар экан;
- Ангишвонада бир миллион марта олинган сув қарийб бир тонна бўлади;
- Миллион бетли китобнинг қалинлиги 50 км.га етади;
- Эрамиз бошлангандан буён ҳали миллион кун ўтганича йўқ.

Араб рақамларининг дунёга тарқалишида ватандошимиз, VIII асрнинг буюк риёзиётчиси Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг жуда улкан ҳиссаси бор. Буюк олим Ҳиндистонда V асрда пайдо бўлган рақамларнинг жойлашиш тизимини чуқур ўрганади, уларни соддалаштиради, катта сонларни пайдо қилиш, мураккаб масалаларни ечишни ўйлаб топади, рақамлардан фойдаланишни кенгайтиради ва ўз кашфиётларини араб тилида битилган “Арифметика” асарида баён қилади. Хоразмий “Риёзиёт”и орқали ҳинд рақамлари дастлаб араб мамлакатларига ўтади, кейинчалик унинг бу асари арабчадан лотинчага таржима қилиниб, X асрдан бошлаб бутун Оврупага тарқалади.

Араб тили орқали бу рақамлар Оврупага, кейинчалик бутун дунёга тарқалгани учун “Араб рақамлари” номини олган. Афсусланарли жойи шундаки, Муҳаммад Хоразмий даврида агар бизнинг мукамал ўз ёзувимиз-ўзбек ёзуви, мустақил давлатимиз бўлиб, буюк олимнинг “Арифметика” ва “Ал-жабр” асарлари ана шу ёзувда битилганда эди, бугунги кунда бу рақамлар, айтиш мумкинки, дунёга “Ўзбек рақамлари” деб тарқалиши ҳам мумкин эди.

Араб рақамларини бутун дунёга тарқатган Муҳаммад Хоразмий эканлигини Абу Райҳон Беруний ҳам ўзининг “Ҳиндистон” асарида алоҳида таъкидлаб кўрсатган.

Статистикада рим рақамларидан ҳам фойдаланилган.  
Чунончи:

I - 1	L - 50
V - 5	C - 100
Λ - 8	D - 500
X - 10	M - 1000

Кафтингизга ҳеч диққат билан разм солганмисиз? Ҳар хил чизиклардан бошқа нарса йўқ деб ўйларсиз. Лекин, ўша чизиклар қандай маъно англатишини биласизми?

Ўнг кафтингизга қарасангиз, қуйидаги белгини кўрасиз:

IV бу рим рақамини, яъни 18 ни билдиради.

Чап кафтингизга қарасангиз, шу рақамнинг тескараси 11, яъни 81 ни кўрасиз. Агар биз икки кафтимиздаги рақамларни кўшсак,  $18+81=99$  чиқади. 99 рақами Аллоҳнинг 99 та сифатини кўрсатади.

81 дан 18 айирсак, 63 чиқади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) шу ёшида бу дунёдан у дунёга рихлат қилган. Аллоҳнинг ҳақлиги ҳар қадамда бизга мўъжизалар орқали намоён бўлаверади.

Рим рақамлари билан мураккаб арифметик, хусусан, статистика амалларни бажариш ва кўрсаткичларни бажариш анча мушкул. Улар билан ҳатто кўп хонали сонларни бериш ҳам ноқулай. Буюк бобокалонимиз Муҳаммад Хоразмий ихтиросидаги араб рақамлари билан эса ҳар қандай каттаю-кичик сонларни бериш мумкин шунинг учун ҳам дунё халқлари минг йилдан зиёд вақтдан бери улардан кенг фойдаланиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаётда ва амалиётда ҳар бир рақам ҳам ижобий, ҳам салбий маъноларда ишлатилиши мумкин. Масалан, инсонда салбий қусурларнинг бўлмаслиги, яъни рақамда “0” бўлиши шу инсоннинг яхши фазилатли инсон эканлигини ифодаласа, бошқа томондан ноль (0) – йўқликни билдириб, хосиятли рақам саналмайди. Тилимизда кейинчалик пайдо бўлган, “ишлар ноль”, “ишни нолдан бошладик”, “ҳаммасини ноль қилдинг” каби иборалар ишлатилади.

Яна бир мисол, рус миллатига мансуб кишилар 13 рақамини ҳосиятсиз ҳисоблайдилар. Сабаби, ўтмишда ойнинг 13 санаси кўплаб фалокатлар ва нохушлиklar келтирилганлигидир.

Буни қарангки, корейликлар ҳам 4 рақамини умуман суймас эканлар. Баъзи вазиятларда ёзишни ҳам ўзларига раво кўрмас эканлар.

Кўпчиликни ҳайрон қолдирган томони шундаки, кўп қаватли уйларнинг лифтидаги тугмачаларда 4 рақами умуман белгиланмас экан. Бунинг ўрнига F белгиси қўйилар ва одамлар шу белгили тугмачани босиб, 4-қаватга кўтариларканлар.

Ғ белгиси инглиз тилидаги Four, яъни тўрт сўзининг бош харфи ҳисобланади. Барчада нима сабабдан, деган савол туғилиши табиийдир.

Хитой иероглифида 4 сони ўлимни англатар ва шу сабабдан у бехосият рақам ҳисобланади.

Ҳа, рақамларнинг сир-синоати, мафтункорлиги, ўжарлиги ва қизиқарлилиги ўзгача. Улар ҳар биримизни комил инсон бўлишга, қаддимизни тик туриб яшашга, кўкракларни тўлдириб нафас олишга, янгича бир жўшқинлик билан ишлашга даъват этади. Бунга Қамбар отанинг куйидаги «Рақамлар» шеърини ўқиб амин бўлишимиз мумкин.

## Рақамлар

Рақамлар,  
Рақамлар.  
Сафида илҳомлар.  
Кўп эзгу соғломлар,  
Ҳар ишга ҳамдамлар.  
Баркамол, бардамлар,  
Сизларни одамлар  
Доим дўст ҳисоблар.  
Меҳрли, одобли,  
Зўр ҳисоб-китобли,  
Кўрсатиб диёнат,  
Мангу-то қиёмат,  
Омонат нақдина,  
Сақланар хазина.  
Бойликни тилсимлаб,  
Пайтида тақсимлаб,  
Яйрамоқ сизга мос,  
Яшамоқ сизга хос.

\* \* \*

Рақамлар,  
Рақамлар.  
Иймони маҳкамлар.  
Бирликлар, ўнликлар.  
Юзликлар, мингликлар  
–  
Жамул-жам инсофлар,  
Хизматда шитоблар.  
Қайрилмас шахдлари.

Аҳдлари, бахтлари,  
Мустаҳкам нақдлари.  
Тилладан тахтлари.  
Баҳрида садоқат,  
Муҳрли тасдиқ хат.

\* \* \*

Рақамлар,  
Рақамлар.  
Ҳисобдон одамлар.  
Хизмати ҳалоллар,  
Ҳиммати ҳалоллар.  
Қувончни ҳисоблаб,  
Ишончни ҳисоблаб,  
Жамиул-жумлага;  
Ҳаммага,  
Ҳаммага.  
Бахт-толе тақсимлаб,  
Кўпайтириб,  
Тақдирлаб.  
Ғамларни чегирган.  
Ҳасратни ўчирган.

\* \* \*

Рақамлар,  
Рақамлар.  
Миллионли акамлар.  
Ҳамёни бардамлар,  
Кўп дадил қадамлар.  
Миллиардлар,

Триллионлар,  
Сахийлару мардлар.  
Маърурлар,  
Жасурлар.  
Ҳамманинг ризқини,  
Омманинг ризқини  
Ҳисоблаб толмаслар,  
Бурчидан тонмаслар.  
Элимнинг хизматин,  
Фахрли шавкатин,  
Меҳнату шуҳратин,  
Мамлакат қудратин  
Компьютер жо-бажо  
Қиларкан, халқ ризо.  
Ҳар кимнинг улушин,  
Бахтининг кулишин  
Бемалол,  
Энг ҳалол,  
Ишончли, инсофлаб,  
Покиза ҳисоблаб  
Берувчи ҳакамлар –  
Энг софдил рақамлар,  
Энг одил рақамлар.  
Умрлар сеҳридан,  
Ҳаётнинг меҳридан  
Айнан биз, болалар,  
Уқиб кўп маънолар,  
Ақлни чархлаймиз.  
Баҳолаб, нархлаймиз,

Яшашнинг лаззатин.  
Унутмай хизматин,  
Ҳар битта рақамга,  
Ҳисобдон одамга,  
Қилиб кенг тафаккур,  
Айтамыз ташаккур!

\* \* \*

Рақамлар,  
Рақамлар.  
Иймонда маҳкамлар,  
Тонмаслар,  
Толмаслар.  
Меҳнатда жўшувчи,  
Олиб, гоҳ қўшувчи.  
Кўпайтиб, тақсимлаб,  
Тақдимлаб, тақдирлаб.  
Бўлганда сазовор,  
Ишига баравар  
Ҳар кимга ҳақ берган.  
Насиба-нақд берган.  
Кўрсатиб илтифот,  
Сийловли мукофот  
Зарб этган рақамлар,  
Бу соннинг соғломлар  
Бахтлари бекамлар,  
Бағри кенг бардамлар,  
Рақамлар,  
Рақамлар.

Қамбар Ота  
(«Маърифат», 25.02.04)

### **Ажойиб рақам!**

Россия фуқаросининг шахсини тасдиқловчи маълумотлар рўйхати бир устунга кенгаяди. У бошқа барча устунлар рўйхати ўрнини боса оладидиган бўлади ва х.к. Фуқароларда индивидуал рақам, яъни шахснинг универсал индикатори (ШУИ) пайдо бўлади. Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ҳукумат мажлисида тақдим этган бутун аҳолини рақамлаш режаси тўла қўллаб-қувватланди. Аҳолини рақамлашни 2006 йилда бошлаш кўзланмоқда. Илк ШУИлар янги туғилган

чақалоқларга берилади, катта ёшдаги аҳоли давлат органларига мурожаатларига қараб «рақамланади». Рақам машина ўқиши мумкин бўлган штрих-код кўринишида ёзилиши эҳтимолроқдир. У инсон ва давлат муносабатларини акс эттирувчи барча ҳужжатларда учрайди. Аҳолини рақамлаш 60 мамлакатда амал қилмоқда. Тартиб рақами паспортда ҳам, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада ҳам, ва, албатта, СТИРда ҳам мавжуд. Муаммо шундаки, бугунги кунда аҳоли ҳақидаги маълумотлар бир-бири билан тўқнашмайдиган 18 та маълумотлар базасида сақланмоқда: ИИБ, солиқ хизмати, ЗАГСлар, сайлов қўмиталари, Пенсия жамғармаси ва бошқаларда. Рақамлар керагидан ҳам ортиқ, шу даражада кўпки, амалдорлар уларда адашиб кетмоқдалар. ШУИ жорий қилиш таклиф қилинаётганининг асл сабаби ҳам шунда.

Президентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақида қонун лойиҳасига мувофиқ «Шахсий код» реквизитининг мундарижаси ҳукумат томонидан белгиланади.

(СБХ №44. 01.11.2004)



*Борлиқнинг боши ҳам, поёни  
ҳам йўқ. Барчаси жумбоқ.*

Муаллиф

## **1-боб. Жумбоқли рақамлар ва топишмоқлар**

*Билагонлар бор-ди, ўхшаш офтобга,  
Ҳар бири хазина илму одобга.  
Бу қоронғу тундан йўл топишолмай,  
Бирор афсона деб кетдилар хобга.*

**Умар Ҳаём**

Ушбу бобдаги жумбоқли рақамлар ва топишмоқлар ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини синаш учун тузилган бўлиб, уларнинг ҳаммасига, яъни 100 фоизига жавоб топсангиз интеллектуал салоҳиятда, ақл-идроқда яғонасиз.

Агар жавоб берилиши лозим бўлган саволларнинг ярмидан кўпига тўғри жавоб берсангиз, зеҳнингиз жойида экан. Фикрлаш қобилиятингиздан шикоят қилмасангиз бўлади.

Агар жавоб берилиши лозим бўлган саволларнинг ярмидан камига тўғри жавоб топсангиз, у ҳолда сиз ўзингиздан хафа бўлишга тўлиқ ҳақлисиз.

## **45 рақамдан 45 рақамини айириб 45 сонини чиқаринг**

1. 987654321 Рақамлар орасига мусбат ва манфий ишораларни қўйиб, натижаси 100 чиқадиган математик ифода тузинг.
2. 1 дан 9 гача бўлган сонларни ё қўшиб, ё айириб 100 сонини чиқаринг.
3. 45 рақамдан 45 рақамини айириб 45 сонини чиқаринг.
4. Фақат бешта икки ва қўшиш белгиси ёрдамида 28 сонини ҳосил қилинг.
5. Бир километр бир миллиметрдан неча марта узун?
6. Миллиард дақиқа неча асрга тенг?
7. Маълумки, ерда бир кеча кундуз 24 соатга тенг. Хўш айтингчи, Марсда бир сутка неча соатга тенг?

### **«Юнон алифбоси»да неча ҳарф бор?**

8. Янги йил кечаси Японлар бир-бирлариникига борганда нимадир олиб боришлари керак экан. Ўша «нимадир» Японларга йил бўйи бахт-иқбол ва иноқлик келтирар экан. Топингчи у нима?
9. 8 та дарахт бир-биридан 3 метр узоқликда ўсаяпти. У четдаги дарахтдан бу четдаги дарахт ўртасидаги масофа қанча?
10. Хуршид қўл соатига янги батарея қўйгандан сўнг миллион сония ўтди. Бу қанча вақтга тенг? Неча кун, неча ҳафта ёки неча йил?
11. «Юнон алифбоси»да неча ҳарф бор?
12. Арифметик амаллар ва бешта 1 ёрдамида 100 сонини қандай ҳосил қилса бўлади? 5 та 5 ёрдамида-чи?
13. Бешта тақсимчада жаъми 100 дона ёнғоқ бор. Биринчи ва иккинчисида 52 та. Иккинчиси ва учинчисида –43 та, учинчи ва тўртинчисида –34 та, тўртинчи ва бешинчисида эса 30 та. Ҳар бир тақсимчада нечадан ёнғоқ бор?

### **Ниманинг учини ва охирини топиш мумкин эмас?**

14. Қуёш атрофида кундузи тезроқ айланадими ёки кечаси?
15. Тухумни синдирмасдан пиширилган ёки хомлигини қандай билса бўлади?

16. Қандай уч соннинг кўпайтмаси 1 га тенг.
17. Тўртта чўпни синдирмасдан 15 ни қандай яшаш мумкин?
18. 4 ва 5 орасига шундай белги қўйиш керакки, ҳосил бўладиган сон 4 дан катта, 5 дан кичик сони бўлсин.
19. Бу қизнинг отаси – менинг отамнинг ўғлидир. Лекин менинг акам ҳам, укам ҳам, опам ҳам, синглим ҳам йўқ. Бу қизнинг отаси ким?
20. Ниманинг учини ва охирини топиш мумкин эмас?
21. Югуриш мусобақасида бир пайтда маррага етиб келган беш нафар спортчининг тўрттаси қуйидагича рақамланган: 219, 176, 133, 90. Бу рақамлашда ўзаро математик боғлиқлик бор. Шунга кўра бешинчи спортчи қандай рақамланади?

**102+1=101 тенгликнинг ўринли бўлиши учун  
нима қилиш керак?**

22. Афандининг эшак араваси йўқолиб қолди. Миршаблар Алдар кўсани тутиб келишди. У менинг бу воқеада иштироким йўқ, эшак аравани Султон ўғри ўғирлаган бўлса керак, деди. Султон ўғри бу давони кескин рад этиб, Карим киссавурни ҳам бир чақириб кўринлар-чи деган гапни айтди. Киссавур менга қуруқ тухмат қиялпсизлар, деб тўполон кўтарди. Миршаблар учовидан қай бири эшак арава ўғриси эканлигини билолмай, роса бошлари қотди. Миршабларга ёрдам беринг-чи.
23. Дилбар исмли қизалоқ тўққизинчи қаватда яшайди. У ҳар кун и эрталаб мактабга кетишда биринчи қаватгача лифтда тушади. Мактабдан қайтишда эса... олтинчи қаватгача лифтда чиқади, сўнг тўққизинчи қаватга зина билан кўтарилади. Сиз қандай ўйлайсиз: қизалоқ нима учун шундай қилади?
24. Машинада 100 та яшик жойланди. Биринчи бекатда яна 25 та яшик қўшилди. Бекатлардан бирида 45 та яшик тушириб қолдирилди. Энг сўнгги бекатда эса яна 20 та яшик ортилди. Машинада нечта яшик қолди?
25. Икки нафар ота ва икки нафар ўғил балиқ овига боришипти. Ҳар бири биттадан балиқ тутишган бўлса-да, уйга учта балиқ олиб келишди. Нима учун?
26. Қуйидаги нотўғри ифодада битта рақамнинг ўрнини шундай жойлаштирингки, натижада тенглик ўринли бўлсин:

$$102+1=101$$

## 1 дан 100 гача сонлар қаторида нечта 9 бор?

27. Маълумки, ерда бир кеча-кундуз 24 соатга тенг. Хўш, Меркурийда бир сутка неча соатга тенг?
28. Тўрт бўрчак шаклидаги хонанинг ҳар бир бурчагида биттадан мушук ўтрибди хонада жами нечта мушук бор?
29. Маълумки, қўлимизда ўнта бармоқ бор. 10 та қўлда нечта бармоқ бор?
30. 1 дан юзгача сонлар қаторида нечта 9 бор?
31. Бир бола боғдан олма терди. Боғдан тапқарига чиқиш учун 4 та эшикдан ўтиши лозим. Ҳар бир эшикда иккитадан соқчи бор. Бола бир эшикда турган соқчиларга терган олмаларининг ярмини, иккинчи эшикда эса қолган олмаларининг яримини берди. Қолган соқчиларни ҳам шундай сийлади. Ташқарига чиқиб қараса, саватида 10 та олма қолган экан. У нечта олма терган?
32. Икки ота ва икки ўғил учта тухумни едилар. Уларнинг ҳар бири нечтадан тухум еган?
33. 3%нинг 3 фоизи неча фоизни ташкил қилади

**Қайси бири катта: 70 сўмнинг 5 %ми ёки 5 сўмнинг 70 фоизими?**


34. Қимиз сотувчи одатда 30 ва 50 литрдан шифобахш неъмат сотади, чунки унда фақат шундай сиғимдаги идишлар бор. Харидорлардан бири 10 литр қимиз сўраб келди. Сотувчи икки идишдан фойдаланиб 10 литр қимиз берди... Айтингчи, у буни қандай уддалади.
35. Маълумки, ерда бир кеча-кундуз 24 соатга тенг. Хўш, Юпитерда бир сутка неча соатга тенг?
36. Учта хонада учта осма соат ишлаб турибди. Биринчиси ҳар 24 соатда 1 минут орқада қолади. Иккинчи хонадаги эса ҳар бир соатда 2 минут орқада қолади. Учтинчи соат умуман ишламайди. Айтингчи, қайси соат аниқ вақтни кўрсатади?
37. Арифметик амалларни қўлласангиз туриб 666 сонини бир ярим мартага ошириш мумкинми?
38. Қайси бири катта: 70 сўмнинг 5% ми ёки 5 сўмнинг 70% ми?

**Пўлат нинани қандай қилиб сув устида суза оладиган қилиш мумкин?**

39. Қандай қилиб 5 та олманинг бирортасини ҳам 6 та бўлакка бўлмасдан туриб, 6 кишига тенг қилиб бўлиб бериш мумкин?
40. Пўлат нинани қандай қилиб сув устида суза оладиган қилиш мумкин?
41. Маълумки; ерда бир кеча-кундуз 24 соатга тенг. Хўш, Сатурнда бир сутка неча соатга тенг?
42. Бир сайёҳ ўрмонда адашиб, айлана-айлана ўрмондан ўтган сув қувурига дуч келиб қолади. Албатта ундан оқаётган сув одамлар яшайдиган жойга боради. Лекин сайёҳ қандай қилиб қувурдаги сувнинг қайси томонга оқишини билиб олиши мумкин?
43. Икки ота ўғилларига пул ҳадя этишди. Биринчи ота ўғлига 150 сўм, иккинчиси эса 100 сўм берди. Шундай бўлса-да, икки ўғил биргаликда ўз жамғармаларини атиги 150 сўмга орттиришди. Буни қандай изоҳласа бўлади?
44. Алишер яқинда бир китобни ўқиб чиқди. Унинг сўнги саҳифасини тугатганда руҳи кўтарилиб, кўнглида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш урарди. Топинг-чи, Алишер қандай китоб ўқиган? Сизга ёрдам бўлиши учун бир белгини айтамыз: мазкур китоб 26 бобдан иборат.

**Етти ака-уканинг биттадан синглиси бор. Уларнинг ҳаммаси неча бўлган?**


45. Мамлакатимизнинг бир шаҳридаги аҳолининг 35 фоизи ўзбекча, 75 фоизи эса тожикча сўзлаша олади. Агар бу шаҳардаги ҳар бир фуқаро камида бу икки тилдан бирини билса, бу шаҳарда ҳар иккала тилда сўзлаша оладиганлар неча фоизни ташкил қилади?
46. Боғда буви, уч она, икки хола, икки ўғил, беш қиз, икки ака-ука, беш опа-сингил, учтаси қиз, иккитаси ўғил бўлган жиянлар йиғилишиб дам олишмоқда. Боғда ҳаммаси бўлиб неча киши йиғилишган?
47. Етти ака-уканинг биттадан синглиси бор. Уларнинг ҳаммаси неча бўлган.
48. Ушбу шаклда неча тўғри тўртбурчак борлигини айтинг.



49. Беш ҳарфдан иборат шундай сўз борки, унинг биринчи ҳарфини тушириб қолдирсак, азоб –қийинчилик маъносини англатувчи сўз келиб чиқади. Яна бир ҳарфни (олдидан, албатта) ўчирсак, етишмовчилик, тагин бир ҳарфни олиб қўйсак номус маъносини билдирувчи сўз пайдо бўлади. Гап қайси сўз ҳақида кетяпти?
50. 3 га бўлганда 1 қолдиқ, 4га бўлганда 2 қолдиқ, 5 га бўлганда 3 қолдиқ ва 6га бўлганда 4 қолдиқ қоладиган сон мавжудми?
51. Кемада бир неча мушук, бир неча матрос, ошпаз ва бир оёқли капитан бор. Уларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда 15 та калла ва 41 та оёқ борлиги маълум бўлди. Кемада неча мушук борлигини топинг.

**“Сен менинг ўғлимсан, лекин мен сенинг отанг эмасман”, деб ким айта олади?**

52. Бешта тақсимчада жамми 100 дона ёнғоқ бор. Биринчи ва иккинчисида 52 та. Иккинчи ва учинчисида –43 та, учинчи ва тўртинчисида –34 та, тўртинчи ва бешинчисида эса 30 та. Ҳар бир тақсимчада нечадан ёнғоқ бор?
53. Иккита бир хил челақка лиммо-лим қилиб сув қўйилган. Уларнинг бирида ёғоч бўлаги сузиб юрибди. Айтингчи, бу челақлар тарозига қўйилса, уларнинг қайси бири оғирроқ чиқади?
54. Юзасида 12 та ёнғоқ мағзи билан безатилган ушбу тортни сизга совға қилишди. Сиз уни уч нафар ўртоғингиз билан баҳам кўришингиз керак. Шарти шуки, тўртга тенг бўлинган торт бўлаги устида 3 та ёнғоқ мағзи бўлсин. Буни уддалай оласизми?



55. Бешта 4 рақами билан 55 ни ёзинг.
56. Олмасанг ярим нафас, йўлдан ўтгани қўймас?
57. Соат 8 дан ухлашга ётдингиз. Соат қўнғироғини тўққизга тўғрилаб қўйдингиз. Неча соат ухлайсиз?
58. “Сен менинг ўғлимсан, лекин мен сенинг отанг эмасман”, деб ким айта олади?
59. Қоғоз-қаламсиз 22 ни 0,5га бўлинг. Ҳосил бўлган рақамга ўн сонини қўшинг. Қандай сон ҳосил бўлади?
60. Қишлоқда бир неча парранда боқаман,-деб ҳикоя қилди Ботир. – иккитасидан бошқа бариси ўрдак, иккитасидан бошқа ҳаммаси –жўжа ва иккитасидан ташқари ҳаммаси гоз. Менда неча парранда бор, топингчи?
61. Ҳозир милодий ҳисоб бўйича ХХI асрнинг дастлабки ойларида яшаяпмиз. Айтингчи, йил ҳисоби бошлангандан бери миллиард дақиқа ўтдими? Эслатамиз, милод (арабча-“туғилиш”, “янги”)-янги эра дегани.  
Ҳозир амалда бўлган милодий йил ҳисоби рус императори Петр 1 нинг фармонида кўра 1700 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилган.
62. Темир 5000 даража ҳароратда қиздирилса нима бўлади?


### **Эркак ўз бевасининг синглисига уйлана оладими?**

63. Эркак ўз бевасининг синглисига уйлана оладими?
64. Менежер бир суткада 26 соат ишлаши учун нима қилиши керак?
65. “Мен эрталаб оч қоринга иккита тухум едим”. Бу ерда мантиқан қандай ноаниқлик бор?
66. Еттита ёниб турган шамнинг иккитаси ўчиб қолди. Нечта шам қолади?
67. Самолётни оптимистлар ихтиро қилишган, дейишади. Унда пессимистлар нимани ихтиро қилишган?
68. Саватдаги бешта тухумни 5 кишига шундай тарқатингки, саватда яна битта тухум қолсин. Шундай бўлиши мумкинми?
69. 3.4.5.6 сонларини фақат айирув (-) дан бошқа амалларни бир мартадан ишлатиб, 28 рақамини ҳосил қилинг.



**84 ёшга кирган киши неча марта туғилган кунини нишонлайди?**

70. 25 катакка 1 дан 25 гача бўлган рақамларни шундай жойлаштирингки, энига, бўйига ва диагоналига рақамлар йиғиндиси 65 га тенг бўлсин. Бунда бирор рақам такрорланмасин ёки тушиб қолмасин.



71. Ҳикмат: Қулоғинг иккитаю, оғзинг биттадир. Бундан қандай хулоса чиқариш керак?
72. Ҳаёли паришон сайёҳ зажигалкасини йўқотиб қўйди. Унда фақат бир дона гутурт чўпи қолганди. У иккита йўл плиткасини, қўлчироқни ёқиши ва сигарет туташни керак эди. Айтингни, сайёҳ биринчи навбатда нимани ёқиши керак?
73. Кундалик муомалада ишлатиладиган, етти ҳарфдан иборат шундай сўз борки, у яхлит ҳолда ва ҳарфларнинг ўрнини алмаштирмай бўлақларга бўлганда саккизта маънони англатади. У қайси сўз?
74. 84 ёшга кирган киши неча марта туғилган кунини нишонлайди?
75. Чўпоннинг 17 та қўйи бор, 6 тасидан ташқари ҳаммаси тўсатдан ўлиб қолди. Чўпоннинг неча қўйи омон қолди?
76. Дўхтир сизга учта таблетка ёзиб берди ва ҳар ярим соатда ичишингизни тайинлади. Дори неча соатга етади?

**Пойинтар-сойинтар**

<b>Пойинтар (савол)</b>	<b>Сойинтар (сойинтар)</b>
77. Нега бошқа сайёраларда ҳаёт йўқ деймиз?	77. Ердаги одамлар қочиб кетмаслиги учун.
78. Ишсиз қолмаслик учун нима қилиш керак?	78. Бугунги ишни эртага ҳам қолдириш керак.
79. Биринчи ўринни эгаллаш учун нима қилиш керак?	79. Икки кишидан ўзиб кетиш керак.

80. Хўроз нега тонг саҳарда қичқиради?	80. Уйғонганлигини билдириб қўйиш учун.
81. Қандай нарсани сотиб олиб бўлмайди?	81. Йўқ нарсани.
82. Ер нега думалоқ?	82. Одамлар айланиб ўз қозигини топиш учун.
83. Охирги ўғри қўлга тушса нима бўлади?	83. Изқуварлар ишсиз қолади.
84. Калишнинг йўқолмаган бир пойини нима қилиш керак?	84. Бир пойини топганга бериш керак.
85. Автобуснинг доимий “қуёни” ким?	85. Ҳайдовчи-да.
86. Кимга копток оширилмайди?	86. Бош ҳакамга.
87. Маош билан харжнинг фарқи нимада?	87. Маош оладиган тешик битта харжники мингта.
88. Ҳаётнинг муқаррар яқуни нима?	88. Ўлим.
89. Ҳаёт муҳлатининг тугаши-ни нима дейишади?	89. Алвидо.
90. Туянинг бўйни нега эгри?	90. Жирафадан фарқланиш учун.
91. Қулоқ битта бўлса, нима бўлади?	91. Дўппи қийшайиб қолади.
92. Номи қолиб, ўзи йўқолган қуш?	92. Мушук еб қўйган қуш.
93. Ўзини яхши кўрган эркак қачон соқол олади?	93. Эргалаб.
94. Тақа қачон бахт келтиради?	94. Устида от бўлса.
95. Қишин-ёзин бир хил рангда?	95. Доллар

### Жавоби сиздан

96. Қарз олган ақллими ёки қарз берган?  
 97. Театрда тамошабин зарурми ёки актёр?

98. Чопадиган от бўлса-ю, нега чавандоз мукофот олади?
99. Хазина топганга мукофот бериш шартми?
100. Қанақа одам бир сўзли бўлади?
101. Қаерда боши берк кўча бўлмайди?
102. Келажак келмайди. Нима қилиш керак?
103. Ақлли бўлиш учун нима қилиш керак?

### Саволи ҳам жавоби ҳам биздан

Савол	Жавоб
• Бошингда нима бор?	• Тожи давлат
• Тилингда нима бор?	• Калимаи шаҳодат
• Қўзингда нима бор?	• Нури Муҳаммад
• Пешонангда нима бор?	• Азали қисмат
• Қўнглингда нима бор?	• Иймону муҳаббат
• Қулоғингда нима бор?	• Қуръони тиловат
• Елкангда нима бор?	• Фариштаи аломат
• Қўлингда нима бор?	• Хайру саховат
• Белингда нима бор?	• Камари ҳиммат
• Тиззангда нима бор?	• Насибай меҳнат
• Оёғингда нима бор?	• Йўли ҳидоят
• Тепангда нима бор?	• Соҳиби қудрат
• Остингда нима бор?	• Мулки валоят (валилар)
• Орқангда нима бор?	• Аркони давлат
• Олдингда нима бор?	• Рўзи қиёмат

### Қандай китобни танлаб ўқиш мучалга боғлиқми?

Маълумки, мучал Осиё ва Африка қитъаларидаги мамлакатларда қабул қилинган 12 та ҳайвон номи билан аталиб, 12 йилни ўз ичига олади. Ҳар бир инсон муайян йилда ўзининг ўзининг келгусидаги ҳаётига таъсир кўрсатувчи туғма хислатларга эга бўлиб туғилади. Ҳатто уларнинг қандай китоб ўқишларини тиниб-тинчимас олимларимиз, руҳшунослар аниқлашган.

1. **Сичқон мучалидагилар** қисқароқ, аммо даҳшатга соладиган ваҳимали китобларни ўқишга мойил бўлишаркан. Бундайларга Эдгар Понинг новеллалари ва Стивен Кинг ҳикоялари роса маъқул кетар экан.

2. **Сигир мучаллилар** жудаям сабр-бардошли бўлишгани учун улар орасида Лев Толстой, Абдулла Қодирий,

Достоевский, Агата Кристи романларининг мухлислари кўпроқ. Улар том-том китобларни эринмай ўқиб чиқишга қодирлар.

3. **Тиниб-тинчимас, билимга ўч йўлбарс мучалдагилар** ҳар қандай китобни – енгил-елпи китоблардан семиз-семиз қомусларгача, Шекспирдан олий математика дарсликларигача ўқиб ташлашлари мумкин экан, баъзан ярмигача ҳам ўқмай чанг бостириб ташлаб қўйиш одатлари ҳам бор.

4. **Қуён мучаллилар** йиғлатиб юборадиган ишқий романлар ва ёқимли эртакларни ўқишни хуш кўришади.

5. **Балиқ мучаллилар** Сидни Шилдон китобларидаги каби саргузаштли воқеалар ва кутилмаган авантюраларга ўч бўлишаркан.

6. **Илон мучалидагиларининг** китоб тоқчаларидан бундай китобларни тополмайсиз, улар хаёлпарастлик ва ёлғон-яшиқларни тан олишмайди, турли қўлланмалар, луғатлар, рўзғорга оид маслаҳтаномалар, гоҳида тарихий қиссалар уларнинг жони-дили.

7. **От мучалидаги кишилар** ҳаёт ва муҳаббат ҳақидаги узун қиссалар, айниқса ўтмишдаги воқеаларни суюб ўқишади. «Шамол олиб кетганлар», опа-сингиз Бронтерларнинг «Жейн Эйр» китобларини кўп мутолаа қилишади.

8. **Қўй мучали соҳибларини** негадир ўлим билан боғлиқ асарлар қизиқтираркан. Шунинг учун улар фожеали қиссалар, қонли даҳшатга солувчи мистика ва Чехов пьессалари билан ошно бўлишни ёқтиришар экан.

9. Саргузашт ишқибозлари бўлган **маймун мучалидагилар** саёҳатлар, олис мамлакатлар, сирли ўзга оламлар ҳақидаги китобларнинг ашаддий мухлиси эканлар.

10. **Товуқ мучалидагилар** китоб ўқишни унчалик ёқтиришмаса-да, аммо унга билим манбаи сифатида қарашади. Бундайларга Дейл Карнегининг китобларига ўхшаш ҳаётда қандай яшашни ўргатадиган асарлар ёқаркан.

11. Келажакка умидвор ит **мучаллилар** фантастика ишқибозлари, афсонавий асарларни қизиқиб ўқишаркан.

12. Кўнгли бўшроқ **тўнғиз мучалидагилар** эса юмшоқ муқовали ишқий романларни ўқиб йиғлаб юришади, гоҳо асар қаҳрамонига айланиб қолишни исташади.

(Маърифат, 22.09.2004)

***Ҳеч қачон ҳамма нарсани билдим, энди  
ўрганишга ўрин қолмади, дея ҳисоблама***

**Марк Аврелий**

**2-боб. Биласизми?**

*Инсоний ҳаётда ҳамма нарса шу  
қадар ноаниқ ва шу қадар мураккабки, бу  
ерда ҳеч нимани билиб бўлмайди чоғи.*

Эризм

Нидерландиялик донишманд

Ҳаётда билиб қўйиш лозим бўлган айрим қизиқарли маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамизки, уларнинг баъзиларини билсангиз, баъзиларидан беҳабар бўлишингиз мумкин. Бинобарин, бу ҳақда ҳазрат Алишер Навоий бобомиз:

*Билмагани сўраб ўрганган олим*

*Орланиб сўрамаган ўзига золим,*

деганлар. Билимнинг ортиқчаси бўлмайди, улар ҳаётингизда асқотиб қолар, деган ниятда мазкур бобда бу маълумотларни келтиряпмиз.

Қизиққанга кенг дунё деганларидек куйидаги рақамлар ва воқеликлардан хабардормисиз?

### Энг кам гапирадиган қайси халқ?

- Швециялик этнограф доктор Страндберг беш қитъанинг ҳаммасида ўтказган статистик кузатиш натижаларини эълон қилди. Унинг таъкидлашича, дунёдаги энг кам гапирадиган халқ-бу **финлар** экан. Улардан кейинги ўринда **канадаликлар** туришади, дейди швед олими. Унинг фикрича, энг кўн ва баланд овозда гапирадиганлар италянлар, **бразилияликлар** ва **мексикаликлар** экан.
- Яқинда ўтказилган статистик кузатиш натижаларини эълон қилишди. Унга кўра: инсониятнинг кейинги 5559 йили ичида 14 минг 513 марта катта ва кичик урушлар бўлган экан. Энг даҳшатли урушлардан 2 таси ХХ асрда рўй берди. Иккинчи жаҳон уруши даврида 80 миллион жондан жудо бўлди.
- Урушларга сарфланган маблағдан олтин тасма ясалса, эни 8 километрлик, узунлиги Ер шарини экваторидан бир марта белбоғ қилиб, айлантириб чиқишга етар экан. Айтайлик, урушга 4 триллион доллар пул сарф бўлди. Бу пулларнинг асосий қисми фабрика, заводларнинг эгаларига тегади. Ана шу миқдордаги пулга 500 миллион (!) оиллага уй-жой қуриб бериш ёки ер юзидаги 6 миллиард одамни нон билан таъминлаш мумкин.
- Дунёдаги қурол ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган мамлакатларда 50 миллиондан ортиқ киши уруш учун хизмат қилаяпти.

(«Маърифат», 19.01.2000 й.)

- Дунёда энг кичик шаҳар Югославияда жойлашган бўлиб, у Хум деб аталади. Шаҳарда 25 киши яшайди. У ерда ҳафтасига икки марта тушгача ишлайдиган дўкон бор. Битта автобус бу манзилга уч марта қатнайди. Икки кўча, ўн олтига ёриткич чироқ ва одам доимий истиқомат қиладиган ўн учта уй мавжуд.
- Дунё бўйича энг узун аёл деб хитойлик Зенг Джинман тан олинган. Унинг бўйи 2 метру 47 см.
- Паканалик бўйича рекорд ўрнатган голландиялик Палин Маетерс, унинг бўйи 59 см.
- Одам Атонинг бўйлари 60 зироъ (1 зироъ – 75 см), ҳозирги ўлчов бўйича 45 метр бўлган.

## Муваффақиятнинг неча фоизи омад?

Тилга кирган рақамларнинг янада сержилолигини улардаги сир-синаотни қўйидаги мафтункор **нисбий кўрсаткичларда** кўришимиз мумкин.

- Мамлакатимизда ҳар 100 қизга 105 та ўғил бола туғилади. 30 ёшга бориб эркак ва аёлларнинг сони (нисбати) тенглашади. 40-49 ёшларда 100 аёлга 85 эркак тўғри келади, 60-69 ёшга бориб эркаклар аёллардан икки барабар камайиб кетади.
- Социологларнинг ҳисобига қараганда жисмоний машқларга бўш вақтнинг 10 фоизини сарфлаш керак. 10 фоиз –бу ишлайдиган катта одам учун кунига тахминан бир соатдир. Тан олиш керак, истаса буни ҳамма қилиши мумкин.
- Қон инсон оғирлигининг 7 фоизини ташкил этади. Агар киши 70 килограмм оғирликка эга бўлса, унинг организмида 5 литрга яқин қон бўлади.
- Муваффақият – бу 10 фоиз омад ва 90 фоиз тер тўқишдир.
- Ер юзи аҳолисининг сони 5 миллиарддан 6 миллиардга етиши учун салкам 12 йил керак бўлади. Мутахассислар тахминан 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг 8-9 миллиардга етишини башорат қилмоқда. Уларнинг таъбирича, кейинги йилларда демографик ўсишнинг 95 фоизи дунёнинг ривожланаётган мамлакатларига тўғри келмоқда.
- Саноат ва қишлоқ хўжалиги чучук сувларни ишлатиши бўйича биринчи ўринда туради. Жумладан, агар бир киши учун суткасига 300-400 литр сув керак бўлса, 1 тонна ҳисобида шакар ишлаб чиқариш учун 100 минг литр, пўлат –150 минг, капрон 500 минг литр сувни талаб қилар экан. Шулар қатори 1 килограмм емиш берадиган ўсимлик ўстириш учун 2000 литр сув керак бўлар экан.

## 70 йил умр кўрган киши неча йил гапирган бўлади?

- Инсон 70 йил умр кўрса, қарийб 23 йил ухлаб, 13 йил гапириб, 6 йил овқатланса, 1,5 йил ювинармиш. Агар 60 ёшга тўлса, қарийб 20 йил ухлаб, 11 йил гапириб, 5 йил



овқатланади, 1,3 йил ювинаримиш. 50 йиллик умри давомида инсон 16 йилдан кўпроқ ухлаб 9 йилдан сал кўпроқ гапириб, 4,3 йил овқатланади, 1,1 йил ювинади.

- Футбол ўйини пайтида бош судья бир ярим соат ичида 13 километр масофани босиб ўтаркан. Ўйинчиларнинг маҳорати қанча юксак бўлса, судья шунча кам югуради, лекин шунда ҳам бу масофаа 11 километрдан кам бўлмайди. Масофанинг анча қисмини судья биринчи таймда босиб куяр экан.
- Ҳозир Ўзбекистонда 15 хил динга эътиқод қилувчи 136 миллатга мансуб халқлар, этник гуруҳлар аҳил яшамоқда.
- Ер юзи аҳолисининг сони 6 миллиарддан ошди. Сайёрамизда ҳар йили 80 миллионга яқин чақалоқ дунёга келмоқда. Бир миллиард киши 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлардир. Ҳозир мамлакатимизда ҳар йили 320-350 миш нафар бола туғилмоқда.
- Статистиканинг шафқатсиз ҳисоб-китоблари шундан далолат берадики, йигирма аср мобайнида турли табиий офатлар сабаб ер юзида 4 миллион кишининг ёстиғи қуриган. Шундан тенг ярмига зилзила сабаб бўлган. Агар шу йўқотишларни фоизларда ҳисоблайдиган бўлсак, инсониятга қирғин келтирувчи куч асосан зилзила эканлиги аён бўлди: масалан:
  1. Ер ости силкиниши сабабида ҳалок бўлганлар - 50,9%
  2. Сув тошқинидан - 29,7%
  3. Бўронлардан - 16,9%
  4. Вулқонлар отилишидан - 1,9%
  5. Уммон ва денгиз тўлқинлари ҳамда ер кўчиши ва ўпирилишларидан - 0,6%

Кўриниб турибдики, фақат зилзила сабаб 2 миллион одам қирилиб кетган.

### **Оролнинг тақдирини биласизми?**

- Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, Орол денгизи сув сатҳининг кенглиги бугунги кунгача 35%га қисқарди. Сув чекиниши натижасида ялонғочланиб қолган ерлар 4млн. гектарга етди. Бу жойлардан ҳар йили ҳавога 15-75 млн. тонна туз ва майда туз кукуни кўтарилади. Бу тузлар Орол бўйи ёки МДХ республикаларигина эмас, балки ер шари атмосферасининг ҳам 5% ифлослантириши мумкин экан.  
(“Туркистон” газетаси, 2000 йил 3 июнь)

- Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уруш жазосига маҳкумдир.

(“Авесто”)

- Бебаҳо табиат юрак ишининг беками-қўст аниқ жадвалини тузиб қўйган. Сутка мобайнида юрак тахминан 5 соат қисқариш ҳолатида бўлади, қолган 19 соатда ўз кучини тиклаб олиш имкониятига эга бўлади. Бир минут ичида, агар одам тинч ҳолатда турса, юрак 4-6 литр қонни ҳайдайди. Бу бир минутлик ҳажм аталади. Бир кечаю -кундузда юрак ўзидан деярли 10 тонна қонни ҳайдайди. Вазни бор йўғи 250-300 грамм келадиган бу кичкинагина мускул орган, уни қарангки, қудратли двигатель экан.
- Юртимиз заминида Менделеев жадвалининг деярли барча элементлари борлиги исботланган. Хозиргача 900дан ортиқ фойдали қазилма конлари қидириб топилган.

### **Энг катта қарздор қайси мамлакат эканлигини биласизми?**

- Буюк француз астрологи Нострадамуснинг (1503-1566) башорати бўйича Ерда ривожланиш жараёни 8 миллион йил давом этади ва 2008 йилда тугаб, кейин ўтиш даври бошланади. Ўтиш даври 25920 йил давом этади. Унинг башоратича, 2020 йилларда Ерда сунъий куёш яратилади. 3030 йилларда эса барча касалликларга даво тонилиб, ҳар бир инсон 200 йилдан ортиқ яшайдиган бўлади.
- Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир дунёда энг бой мамлакат Япония ҳисобланади. Мазкур давлат бошқа мамлакатларга қарз бериш борасида ҳам биринчи ўринда бўлиб, жаҳон давлатларининг Япониядан олган қарзи 133 трл. иенни (бир трлн. АҚШ доллари) ташкил этади. Япониядан энг катта қарз олган мамлакат АҚШдир.

### **Ўзга сайёраларда бир кеча-кундуз қанчага тенг?**

- Маълумки, ерда бир кеча-кундуз 24 соатга тенг. Хўш, ўзга сайёраларда-чи? Фанда бу саволга ҳам жавоб бор. Масалан, Меркурийда бир «сутка» 88 кунга тенг, Марсда эса 24,6 соат, Юпитерда 9,9 соат, Сатурнда 10,3 соат. Уранда 10,7 соат. Нептунда эса 15,8 соат.

- 1 кг емиш берадиган ўсимлик ўстириш учун 2000 литр сув керак бўлади. Бу аҳвол давом этаверса, ҳақиқатга яқин тахминларга кўра 2010 йилга бориб дунё бўйича ичимлик сувига бўлган талаб 2 марта, тараққий этаётган саноатнинг сувга бўлган эҳтиёжи - 3 баробар, қишлоқ хўжалиги учун эса 1,5 марта кўпаяр экан.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда ер юзида 1,2 миллиард халқ ичимлик суви етишмаслигидан азоб чекмоқда.

- Жаҳон статистикаси маълумотларига кўра, ўрмонларда ёнғин чиқиш ҳодисасида 97 фоиз бевосита одамлар айбдор ҳисобланади. Фақатгина 3 фоиз ҳодисада табиий чақмоқлар туфайли ўт чиқади. Саксонинчи йилларда ҳар йили 11 миллион гектардан ортиқ тропик ўрмон қирқилган ва 4,5 млн. гектар ердаги дарахтлар танлаб кесилган. Ҳар дақиқада тропик ўрмонлардан 14-15 гектари камайиб бормоқда. Кейинги 40 йил мобайнида ҳам тропик ўрмонларнинг майдони 2 баробар қисқарди.
- Жаҳондаги очликни, даҳшатли касалликларни, саводсизликни бартараф қилиш, йўқотиш учун ҳозирги кундаги ҳарбий харажатларни 8-10 фоизга қисқартириш кифоя қилади.
- **Ҳикоят.** Бир шогирд ўз устозидан: "Илон билан хазина орасида қандай боғлиқлик бор, нега хазина бор жойда илон бўлади?"- деб сўради. Устоз унга: "Юзаки қаралса, уларни орасида ҳеч қандай алоқа йўққа ўхшайди аслида эса иккови ҳам заҳардир. Чунки олтини кўп киши ҳам ҳар томонлама заҳарланган бўлади!"-деб жавоб берди.

### **Даҳоларни «тўратиш» учун оталарнинг ёши нечада бўлиши керак?**

- Голландиялик фермер бир сигирдан кунига 50 литрдан сут соғиб олар экан. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўртача 7 литрни, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида эса ундан ҳам наст 5 литрни ташкил қилади.  
Ўзбекистон бўйича меҳнатга яроқли кишиларнинг 39,3 фоизи чорвачилик ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. Баъзи туманларда бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этади. Дунёдаги бошқа мамлакатларда бундай манзарани

учратмайсиз. Голландияда қишлоқ хўжалигида меҳнатга яроқли кишиларнинг бор-йўғи 4 фоизи ишлайди. Юксак даражада тараққий этган мамлакатлар аҳолисининг 60 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида ишласа, Голландияда бу кўрсаткич 68 фоизга тенг. [1, 241-242-бетлар]

- Агар ҳар киши бир кунда бир грамм нонни увол қилса, мамлакатимиз бўйича бир кунда 270 тонна, бир йилда эса 100 минг тоннага яқин нон исроф бўлар экан.
- Бир бошоқ –1,35 грамм дон демакдир. Ғаллазорда бир квадрат метр жойда биттадан бошоқ қолиб кетса, бир гектар майдонда 13 ярим килограмм дон йўқотилган бўлади. Ғаллазорнинг ҳар квадрат метрида биттадан бошоқ қолиб кетса, ана шу ғалла ҳосилидан мамлакат бўйича 1,3 миллион тоннадан кам топширилган бўлади.
- Статистик маълумотларга қараганда, даҳоларни “тўратиш” учун ёш оталар тўғри келмас экан. Буюк кишилар отанинг ёши онаникидан 20 ёш ва ундан катта бўлган оилаларда туғилдилар (мисол тариқасида айтсак, Конфуций, Пётр биринчи, Екатерина иккинчи, Микеланжело, Гёте, ўзимизнинг улуғ адибимиз Абдулла Қодирийни эслашимиз мумкин). Бу борадаги бир назарияга диққатингизни қаратмоқчимиз. Унга биноан, даҳо тўралаётган пайтда хотинининг ёши эриникидан ярмига тенг бўлиши ва яна шунга 7 ёш қўшилиши лозим. Бунда эрнинг ёши 25 ёшдан кичик бўлмаслиги керак. Бу қондани қуйидаги далиллар тасдиқлайди: Россия фанлар академиясининг биринчи президенти (бунинг устига биринчи аёл президенти) Екатерина Воронцова –Дашкова (отасининг ёши 36 да, онаси 25 ёшда бўлган); Михаил Лермонтов ва Федор Достоевский (уларнинг оталари 27 ёшда, оналари эса 20 ёшда бўлган) ҳам шу назарияни исботлашга мисол бўла олади.

Бу назарияни қувватлайдиган яна бир қизиқ далил бор: буюк одамларнинг айнан шу ота-онадан улардан олдин ёки кейин туғилган ака-ука, опа-сингиллари бирор-бир соҳада улуғ ишларни амалга ошириб, ўзларини кўрсата олмаганлар, шуҳрат қозонолмаганлар.

(“Маърифат” газетаси, 05.02.2000 й.)

- XXI асрда тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлар қандай кучлар эканлигини биласизми? Бу:

**Глобализация** – жаҳон иқтисодиётининг товар, хизматлар, сармоя, ишчи кучи ва фикр кашфиётлар оқимининг кенгайиши, шунингдек, мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари туфайли давом этаётган интеграция.

**Локализация**- маҳаллий мухториятни кучайтириш тўғрисидаги талабларнинг ортиши, бунга урбанизация марказларида ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг ўсиб бораётган концентрацияси кўшимча мадад бўлади.

### **Битта фермер неча кишини боқади?**

- Тараққий этган индустриал мамлакатларнинг экологик сарфлари ЯИМнинг 0,8-1,7%ни ташкил қилади. Ваҳоланки, иқтисодиётнинг экологияга етказадиган зарари бир йилда ЯИМнинг ўртача 4-6%ни ташкил қилади;
- Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар 100 ишбилармондан фақат тўрттасигина бой ва пулларини ўз қўлларида сақлаб қола олган кишилардир. Кўпчилик пул топади ва йўқотади. Ҳар 100 ишбилармондан 20 таси 35 ёшида бадавлат бўлишга эришади, бироқ, кейинчалик улардан 16 таси қандайдир йўллар билан мол давлатларини қўлдан чиқариб юборадилар. Ўртача ишбилармон 50 ёшгача пул топади, ундан кейин эса топган пулларини йўқотади.
- Ўз харажатини қошлашдан ташқари фойда ҳам келтиришга амин бўлмаганингузча қарз олманг. Агар 6% билан 100 минг сўм қарз олмакчи бўлсангиз, бу пулдан сиз камида 16% фойда кўришингиз керак. Оёқ кийим сотиб олишингиз учун қарз олаётган бўлсангиз тўғри қиласиз, бироқ қўнж сотиб олиш учун қарз олиш ақлга тўғри келмайди.
- Американинг битта фермери - 63 кишини боқади; Фарбий Европа фермери - 20 кишини боқади; Япония фермери - 14 кишини боқади.
- 70 фоизга яқин қотиллик, 80-90 фоиз безорилик асосан мастлик оқибатида юз беради. Агар спиртли ичимликларни истеъмол қилиш 35 фоизга камайтирилса қотиллик 40 фоизга, безорилик эса 25 фоизга камайтирилган бўларди.

- Ўрта Осиё худудларида баҳор ва куз фасли қисқа- ҳар бири тахминан 2 ойдан, ёз ва қиш фасли учун, ҳар бири 4 ойдан давом этади. Чилла қишнинг ва ёзнинг ўртасидаги 40 кун. Қиш чилласи 25 декабрдан 6 февралгача, ёз чилласи 25 июндан 6 августгача давом этади. Бу давр йилнинг энг совуқ ва иссиқ пайтлари бўлади. Энг узун кун 21-22 июн, энг қисқаси 22 декабрдир.

### **Қадам ташлашига қараб кишининг характери ни билиш мумкинми?**

Тажрибали руҳшуносларнинг таъкидлашларича, одамларнинг қадам ташлашлари ва пойафзалини қандай қилиб қўйишларига қараб уларнинг характеридаги хусусиятларни билиш мумкин. Мана айрим кузатишлар:

- оҳиста, ўзига ишонқирамай, оёқ бармоқларига таяниб қадам ташлайдиган кишилар бошқалар эътибор беришини ёқтирмайдиган, ўзи билан ўзи оворалардир;
- товони билан қадам ташловчилар эса атрофга диққат билан қарашади, ҳамма нарсани кўриш ва эшитишга ҳаракат қилишади, қувнок, хушмуомала бўлишади;
- пойафзалидан «тақ-туқ» товуш чиқариб юрадиганларда беандишалик, ўзига ишончсизлик илати бўлади. Бир маромда текис қадам ташловчилар хотиржам кишилар бўлиб, улар энгилтакликка мойил эмаслар;
- ўйноқи қадам ташлайдиганлар нождидий ва унутувчан кишилардир. Улар кўп ваъда берсаларда, сўзларининг устидан чиқа олмайдилар. Ўз қарашларини тез-тез ўзгартириб турувчи кишиларнинг пошнаси ичкарисига қараб емирилади;
- дилкаш очиқ кўнгил кишилар энгил тебраниб, симметрияли ҳолда оёқ қўйиб қадам ташлайдилар;
- ҳазилкаш, ҳажвга мойил кишилар одимлаганда тирсагини танасига жипс ҳолда тутиб, бошини гоҳ олдинга, гоҳ орқага ташлаб, кўпинча бир қўлини чўнтагига солиб юришади.
- Худо бераман деса қўшқўллаб беради, деганларидек, энг кўп эгизак кўрган аёл бразилиялик бўлиб, у бир вақтнинг ўзида 2та ўғил ва 8 та қиз эгизак кўрган.

**Тарихнинг такрорланишини қаранг.  
Шундан хабарингиз борми?**

Т/р	Воқеалар	Наполеон	Гитлер	фарқ
1.	Туғилган йили	1760	1889	129
2.	Ҳокимият тепасига келган йили	1804	1933	129
3.	Россияга ҳужум қилган йили	1812	1941	129
4.	Ҳокимият тепасига келгандаги ёши	44	44	ўхшаш
5.	Россияга ҳужум қилгандаги ёши	52	52	ўхшаш

**Жадвалдаги рақамларга бир эътибор беринг-а!**

Наполеон 1760 йилда туғилган. Гитлер эса 1889 йилда олам юзини кўрган. Булар ўртасидаги фарқ 129 йил.

Наполеон 1804 йилда ҳокимият тепасига келган. Гитлер 1933 йилда шундай лавозимни эгаллаган. Бунинг фарқи ҳам 129 йил.

Наполеон Россияга 1812 йили ҳужум қилган эди. Гитлер эса 1941 йилда уруш бошлади. Бунинг фарқи ҳам 129 йил.

Ҳар иккиси ҳам ҳокимият тепасига 44 ёшида келган. Ҳар иккиси ҳам Россияга ҳужум қилганда 52 ёшда бўлган.

Ҳар иккиси ҳам Россияга қарши урушларда шармандаларча мағлубиятга учраган.

**Бу рақамларга нима дейсиз?**

**АҚШнинг иккала президентлари таржимаи ҳолидаги  
ўхшашликлар**

Т/р	Воқеалар	Линкольн	Кеннеди	фарқ
1.	Президент бўлган йили	1860	1960	100
2.	Ўлдирилган куни	жума	жума	ўхшаш
3.	Ўринларига сайланган Президентнинг номи	Жонсон	Жонсон	ўхшаш
4.	Жонсонларнинг туғилган йили	1808	1908	100
5.	Президентларнинг қотили	Уилс	Освальд	-
6.	Уларнинг туғилган йили	1829	1929	100

Линкольн 1860 йилда биринчи АҚШ президенти бўлган эди. Кеннеди эса, 1960 йилда президентлик сайловларида ютиб чиқиб, шу лавозимни эгаллади. Ўртадаги фарқ 100 йилни ташкил этди. Ҳар иккиси ҳам жума куни ўлдирилган.

Линкольн ўлимидан кейин Жонсон деган президент бўлган. Кеннеди ўлимидан кейин ҳам унинг ўринбосарлари бўлган Жонсон исмли шахс ҳокимият тепасига келган.

АҚШнинг бу икки президенти таржимаи-ҳолида бошқа ўхшаш ҳоллар йўқ эмас. Улар АҚШнинг жанубий штатидан бўлиб, демократ ва ҳокимиятга ўтиргунга қадар сенатор бўлишган.

Линкольн ўлимидан кейин президент бўлиб сайланган Жоносон 1808 йилда туғилган эди. АҚШ президенти Кеннеди ўлимидан кейин унинг ўрнини эгаллаган Жонсон эса 1908 йилда туғилган эди. Буларнинг ўртасидаги фарқ ҳам 100 йил.

Линкольннинг қотили Уилс 1829 йилда таваллуд топган эди. Кеннедининг тахминан қотили ҳисобланган Освальд эса 1929 йилда туғилган. Бу ердаги фарқ ҳам 100 йилни ташкил этади.

Ҳар иккала қотил улар устидан суд бошлангунга қадар ўлдирилган.

Линкольннинг Кеннеди номли котиби президент ўлимидан бир кун олдин эртага театрга борманг деб илтимос қилган эди. Президент Кеннедининг котиби Линкольн ҳам унга Даллас штатига қиладиган сафарни кейинга қолдиришни маслаҳат берган эди. Иккала президент ҳам котибларининг ана шундай маслаҳатларига кўнмаганлар. Оқибатда қотилнинг қурбони бўлишди.

### **Кутилаётган башоратлардан хабардормисиз?**

- 2003 йил — бутун дунёни забт этадиган видеотелефонлар тури ишлаб чиқарилади.
- 2004 йил — уй юмушларининг бажариш лаёқатига эга бўлган роботлар пайдо булади.
- 2005 йил — СПИДга қарши эмлаш кашф этилади.
- 2010 йил — таблетка ҳажмидаги жарроҳ-робот иш бошлайди уни ютган беморлар пулт билан бошқарган ҳолда жарроҳлик операцияларини амалга оширади.
- 2020 йил — Инсон зоти илк бор Марсга қадам қўяди.



- 2025 йил – одамнинг саломатлиги тўғрисида барча маълумотларни қайд этиб борувчи қўл соатлари сотувга чиқади.
- 2045 йил – ўз-ўзидан кўпайиши мумкин бўлган биринчи робот яратилади.

(«Тошкент оқшоми», 03.01.03)

### **Чапақайлар ҳам машҳурлик даражасига кўтарилганларми?**

Баъзилар чапақайликни айб деб ҳисоблайдилар. Чапақайлик одамнинг ўзига боғлиқми? Баъзан мактабда ўқитувчилар, оилада эса ота-она фарзандларига:

– ўнг қўлингда қошиқни ушла, ўнг қўлингда ёз, – деб болаларини уришадилар. Хўш, айб боладами?

Жаҳонга машҳур олим, невропатолог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, жаҳоннинг йирик тиббий олимлари махсус китобига кирган Наби Мажидов чапақайларни ўрганиб, ўнг қўл ҳаракати бош миянинг чап ярми шари билан, чап қўл ҳаракати эса, ўнг ярим шар билан узвий боғлиқ эканлигини исботлади. Қизиғи шуки, чапақайларнинг фақат 15 фоиздагина нутқни миянинг ўнг ярим шари, 15 фоиз чапақайларнинг нутқ марказларини эса ҳар 2 ярим шар бошқарар экан. Жаҳон неврожарроҳ олимларининг илмий асосланган кузатишларига қараганда, бош миянинг чап ярим мантиққа, ўнг ярим шари эса ҳис-ҳаяжонга, яхши-ёмон кашфиётга "жавобгар" экан. Қизиғи шундаки, ўнақайларга қараганда чапақайларда касалликлар, негадир, оғирроқ кечар экан. Демак ихтиёр чапақайларда эмас экан-да!

Дунёнинг ҳамма мамлакатларида чапақайлар бор. Жаҳоннинг машҳур кишилари чапақай бўлиб, дунё халқларига танилишган. Чунончи, ярим дунёни забт этган Искандар Зулқарнайн, доимо зафарни қўлга киритган Наполеон Бонапарт, ўзининг ажиб оқ мармарига жон киритиб, аёл жасорати, гўзаллигини яратган, жаҳон санъат шинавандаларини лол қолдирган Леонардо да Винчи, Микеланжело Буарнаротти нафосат оламида гўзаллик тимсолини яратган чапақайлар бўлса, мусиқа оламининг ёрқин юлдузи бўлиб қолган Роберт Шуман, шартли рефлекс ижодкори Иван Павлов, нафақат Шарқ, балки жаҳон мумтоз адабиёти масалчиларининг отаси Гулханий, эрк, ооздлик,

кадриятларимиз учун курашган фидойи адиб ва шоирлар Абдулхамид Мажидий, Усмон Носир, замондошларимиздан Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий ҳам чапдаст "чапақайлардан" эканлигини биласизми? Дарвоқе, машҳур давлат арбоби Юлий Цезар, Буюк Карл ва исёнкор Жанна Д'Арк, шунингдек, АҚШ президенти Жорж Бушлар чапақай бўлишган. Шунақа, машҳурлик қўл танламайди.

(«Тошкент оқшоми», 04.03.2000)

**Бўладиган бола бошидан  
деган ҳикматта қандай далиллар келтироласиз?  
Мана, танишинг:**

- Ибн Сино тўрт ёшида Қуръонни тўла ёд олган.
- Александр Толстой олти ёшида француз, немис, инглиз тилларини билган.
- Александр Грибоедов ўн бир ёшида университетга ўқишга кириб, олти йилда учта факультетни битирган.
- Чингиз Айтматов беш ёшида таржимонлик қилиб, ҳақ олган.
- Бобур ўн икки ёшида давлатни бошқарган.
- Гёте тўққиз ёшида немис, лотин ва грек тилларида шеър ёзган.
- Паскал ўн беш ёшида биринчи илмий ишини ҳимоя қилган.
- АҚШнинг Канададаги элчиси бўлган ширли Темил тўрт ёшида фильмга суратга тушган, олти ёшида «Оскар» мукофотини олган.
- Улуғ композитор Вольфранг Амадей Моцарт 4 ёшида мусиқа асбобларида кўшиқ айта билган. Беш ёшида мусикавий асар ёзган.
- Академик Л.Ландау ўн йиллик мактабни 13 ёшида тамомлаб, 14 ёшида университетнинг II-курсига (тиббиёт факультетига) қабул қилинган.
- Атоқли олим С.Мергелян ёшлигидан математикага қизиққан. У бир ўқув йилида 8, 9, 10-синфларнинг имтиҳонини тошширган. 16 ёшида университетнинг II-курсига қабул қилинган. Бир ярим йилда номзодлик минимумини тайёрлаб, 20 ёшида фан доктори бўлган.

(«Тошкент оқшоми», 29.04.03)

**Ўғил хоҳлайсизми ёки қиз? Ихтиёр ўзингизда.**

Француз шифокорлари эр-хотин белгиланган парҳезга

риоя қилишса, туғилажак чақалоқнинг жинсига олдиндан таъсир қилиш мумкинлигини айтишди. Уларнинг фикрича, башоратнинг аниқлиги 80 фоизга тенг. Ўғил кўришни хоҳлаган аёл колбаса, дудланган ва тухумли оқсил, печенье ва бисквитлар, картошка, кўзиқорин, қуритилган нўхат, банан, шафтоли, апельсин, олча, олжўри ейиши, маъданли сув ва мева шарбати ичиши керак экан. Қиз туғилишини орзу қилган она кўпроқ кальцийли маъданли сув, шоколад ва какао, тухум, қатик, нон, хамиртуруп ва туз солинмаган пишириқлар, гуруч, бақлажон, бодринг, пиёз, памилдори, олма, нок, кулупнай, малина, ёнғоқ, шакар, асал, мураббо истемол қилиши тавсия этилади.

Хуллас, ўғил туғилиши учун овқатда калий моддаси, қиз туғилиши учун кальций моддаси устун бўлиши керак. Марҳамат, синаб кўришингиз мумкин.

### **Кимлар энг бадавлат, кучли ва обрўли ҳисобланадилар?**

- **Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган Малайзия мамлакатида қориндор кишилар энг бадавлат, кучли ва обрўли ҳисобланадилар.** Улар ҳеч бир нуқсонли саналмай, аксинча, уларга «жуда келишган қоматли барваста» деб ҳавас қилишади. Мамлакатнинг Перанг штатида истиқомат қилувчи Муҳаммад Али исмли киши жиҳатига кўра яққа-ю ягона саналади. У қориндор эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақада олти нафар кишини енгиб, ғолибликни қўлга киритади. Шарқий Осиё давлатларида Дўмбоқ эркаклар беллашуви бошқа мусобақалардан анча илгари анъанага айланган. Чунки, «Гўзаллик қироличаси», «Қизлар», «Эркаклар» кўрик-танловлари катта ёшдагиларни мафтун этса, қориндорлар мусобақаси кичкинтойларга завқ бағишлайди. Уларга сомон тиқилган қанордай, юмшоқ жуда катта қорин устида ўтириб олиб сайр қилиш мазза-да.

### **Қадимий ўлчов бирликларини биласизми?**

Буюк олим Муҳаммад Хоразмий айтганидек, инсонлар ўз кундалик турмуш уринишларида, ишларида, ер ўлчаш, ариқ қазиш ва ҳисоблашларга доир ишларда узунлик, кенглик, баландлик, чуқурлик, ҳажм каби геометрик ўлчовларни жуда

оддий усулларда белгилашга мажбур бўлганлар. Бунда киши танаси — бўйи: бел, кўкрак, бўйин, оёғи: товон, тўпиқ, тизза, қадам, қўли: тирсак, қулоч, ҳовуч, қарич, умуман бармоқлар ва бошқа аъзолари дастлабки ўлчов воситалари сифатида кенг қўлланилган.

Бошқа тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам қадим замонлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келган ўлчовларга (аниқроғи, узунлик ўлчовларига) доир кўпгина сўзлар борки, биз қуйида улардан энг муҳимлари устида тўхталиб ўтамиз.

**ҚУЛОЧ.** Хўш, қулоч сўзи аслида қандай маънони англатади? XI асрда ўтган буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий туркий тилларга оид бўлган қулоч сўзини «асли қўл оч (қўлингни оч), қулочни ёз» маъносида талқин қилади. Қулоч сўзи тожик тилига «қулоч» шаклида, афғон тилига эса «гулач» тарзида ўтган бўлиб, у 142 сантиметрдан 167 сантиметрга тенг. Бир қадам — 63-71 сантиметр, бир фут (инглиз тилида оёқ маъносини англатади) — 30-40 сантиметрни ташкил қилади.

**АРШИН** сўзи форс тилидаги «араш», «орон» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, тирсак (билак) маъносини билдиради. Бу сўз XVI асрда туркий тиллардан рус тилига ўтган. Аршин турли шаклларда украин, белорус, поляк, чех, словак тилларида ҳам учрайди.

**ГАЗ.** «Эни олти, бўйи (чуқурлиги) беш газдан ўн беш газгача қазиладиган ариқниwg узунлиги ўттиз чақирим... эди» (А.Қодирий). Бу мисолда газ сўзини ёзувчи тахминан 88 сантиметрга баравар узунлик ўлчови сифатида ишлатган. Кўкрак ўртасидан бармоқ учигача бўлган оралиқ бир газ ҳисобланган.

**ТОШ.** Бир тош 7-8 километр узунликдаги масофани билдиради. Худди шу ўлчов фарсанг тарзида (санг — тош дегани) эрадан аввалги олтинчи асрда араб, форс ҳамда Миср ўлчов тизимларида мавжуд бўлган. Илгари Туркистонда бир фарсанг 8 чақиримга ёки 12 минг қадамга баробар бўлган («чақирим» туркий сўз бўлиб, 1006 метрга тенг).

**ТАНОБ.** Бу сўз ер сатҳи ўлчовидан ташқари узунлик ўлчовини ҳам билдирган. Бундай бўлиши табиий. Чунки араб, форс тилларидаги «таноб» сўзининг замирида «арқон» маъноси ётади.

**ҚАДОҚ.** Огирлик ўлчови бўлиб, 400 граммга тенг. қадоқ сўзи қадимги ёғоч тарзидаги мих (чўп) билан қўйилган белгига алоқадордир.

Йиллар ўтиши билан янги, қулай ўлчов бирликларини кашф этишга ҳаётнинг ўзи кишиларни мажбур қилди. Ниҳоят 1795 йили Францияда энг қулай халқаро ўлчов бирлиги — метр тизими ишлаб чиқилди.

Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичидаёқ одамларда у ёки бу катталикларни ўлчаш эҳтиёжи бўлган. Ўрта Осиёда қадимдан узунлик ўлчови инсон танасининг бирор аъзоси ёрдамида, масалан, қадам = 0,75 м; қарич = 19-22,5 см; қулоч — 166-170 см, бармоқ 20,8 - 22,8 мм, тирсак = 50-81,3 см; чақирим кабилар билан ҳисобланган. Чақирим—одам товупини эшита олиш мумкин бўлган масофа, тахминан 900 метр ҳисобида қабул қилинган таршаш ўлчов бирлигидир.

Шунингдек, халқимиз орасида оғирлик деб аталувчи масса бирликлари: мисқол = 4,095 т; қадоқ = 409,5 г; пуд 16,380 кг; ботмон = 163,8 кг; ер майдон (юзасини)нинг ўлчови—таноб = 60х60 газ; жуфт ёки жуфти ГОВ—бир жуфт хўкиз билан ишлов бериб олиниши мумкин бўлган ер майдони тушунчалари муомалада ишлатилган.

Дон, ун ва шу кабилар ўлчов сифатида: лингча (тахминан 65 л), ўтин, пахса деворни ўлчаш учун саржин (0,5 х 1 х 2 м<sup>3</sup>) ўлчови мавжуд бўлган.

Сув сарфини ўлчашда кўлланиладиган ўлчов ва ўлчаш бирликлари - қулоқ = 11,5 л/с; тегирмон = 57-58 л/с; хўплам = /5-20 мл; томчи = 0,05 мл бунга мисол бўлади. Бир баррел (инглиз тилида “бочка” маъносида) — 159 литр. Бир чирпай — 3 литр.

Заргарлик буюмларини баҳолаш ва ўлчашда — карат (1 карат — 0,2 грамм). Ёғоч, тахта, ўтинларни ўлчашда саржин (бўйи 3 газ, эни 1,5 газ, баландлиги 0,5 газ) сўзи ишлатилади.

(“Фидокор”, 13.11.2003 й.)

Саноат инқилоби, дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқнинг ривожланиши турли ўлчов бирликларидан воз кечиб, ягона метрик тизимга ўтишни тақозо этди. 1875 йил Парижда бўлиб ўтган халқаро Метрик Конвенциясига 17 мамлакатнинг мухтор вакиллари томонидан имзо чекилган. Ўшанда биз ҳозирда ишлатиб келаётган ўлчов бирликларига асос солинди.

Ўрта Осиёда ўлчовларнинг метрик тизими 1923 йил 18 апрелда Туркистон Республикаси ХКС қарори бўйича

"Ўлчовлар ва тарозилар тўғрисидаги Низом" тасдиқланганидан ва ички савдони йўлга қўйиш бўйича кўмита хузурида ўлчовлар ва тарозиларнинг Туркистон бюроси тузилганидан сўнг йўлга қўйилди. Узоқ ўтмишга назар ташлар эканмиз, юқорида тилга олинган, аммо бизга нотаниш бўлиб кўринган ўлчов бирликлари халқимиз кундалик турмушида миллий урф-одатлари, табиий шароитлари, турмуш даражасидан келиб чиққан ҳолда қўлланилганлигини эса сақлашимиз керак. Шарқнинг буюк алломалари, жумладан, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбеклар маҳаллий ўлчов бирликларидан фойдаланиб, улуғ ишларни қилишган ва уларнинг номлари абадиятга муҳрланганлиги сир эмас. Самарқанду Бухоронинг, Шаҳрисабзу Хиванинг салобатли, инсон аҳлини лол қолдирувчи улкан миноралари ўша ўлчов бирликлари (маҳаллий) асосида кўрилган эди.

Гераклит ўз вақтида таъкидлаганидек: "Тарих айлана бўйича, тўхтовсиз такрорланаверади". Бизнинг вазиғамиз эса ўтмишни, тарихни эслаб қўйишдан иборат.

### **Дунё миқёсида нечта аёл Бош вазир лавозимида ишлаган?**

Шу пайтгача дунё миқёсида бештагина аёл Бош вазир лавозимида ишлаган. Уларнинг биринчиси 1960 йил 21 июл куни Шри-Ланка бош вазири этиб тайинланган Сиримаво Бандрананке хонимдир. Бу аёл ақли заковати, сиёсат ва фалсафа ҳамда бошқа кўпгина илмлар билимдони бўлганлиги боис мамлакатда жуда катта обрў қозонган. Ундан кейин Ҳиндистонда Индира Ганди, Исроилда Голда Меир, Буюк Британияда Маргарет Тетчер, Норвегияда Гру Харлем, Брунтланд, Покистонда Беназир Бхуттолар бош вазир бўлганлар.

Президент лавозимига эса ҳозиргача ҳеч қайси давлатдан аёл киши сайланмаган.

### **Ўзбекнинг одатлари бисёр эканлигини биласизми?**

- Пичоқ ерга беихтиёр тушиб кетса, уйга эркак киши келади.
- Агар туз тўкилиб кетса, ўша куни хонадонда жанжал

бўлади.

- Тўкилган ва кесилган сочларни ёқиб юборса, фожеа содир бўлади.
- Иссиқ чой тўкилиб кетса, меҳрибон ва сеvimли кишингиз, дўстингиз, совук чой тўкилса душманингиз, ёқтирмаган одамингиз келиб қолиши мумкин.
- Чап қўлингиз кафти қичиса пул кетиши, ўнги қичиса пул келиши мумкин.
- Пиёла ичидаги чойнинг кўпиги бармоқда олиниб сочга сурилса нулингиз кўпаяди.
- Уйдан чиққанингиздан сўнг, бирор нарсангизни ёддан чиқариб орқага кайтсангиз, ишингиз кун бўйи чаппасига кетади.
- Янги олган кўйлак, мато, жиҳоз, маҳсулотлардан биринчи бўлиб ўзингиз фойдаланишингиз керак.
- Чой дамлаганингиздан сўнг уч марта қайтариб, кейин энг аввало ўзингизга қуйишингиз шарт.
- Остонада саломлашиб бўлмайди.
- Кечки пайт соч қирилмайди.
- Бировнинг ховлисида тирноқ олинмайди.
- Супургини, гармдорини қўлга бериб бўлмайди, оёққа тегиб кетса, унинг учидан бир-иккитаси синдириб ташланади.
- Туш кўрсангиз уни аввало сувга, ойнага, сўнгра бировга айтинг.
- Ҳар тонг уйғонганингизда ўнг томондан тулинг, чап томондан туриш феълингизнинг айнишига олиб келади.
- Дастурхондаги нон бўлаклари ўзингиз сезмаган ҳолда қия туриб қолса, уйингизга меҳмон келади.
- Боласиз бешикни тебратиб бўлмайди.
- Туғилмаган болага исм қўйилмайди.
- Бешикни икки киши кўтармайди.

### **Фаробий Аристотелнинг қайси бир китобига шарҳ ёзган?**

- Абу Али ибн Синонинг ёзишича, у буюк юнон файласуфи Аристотелнинг "Метофизика" китобини 11 мартаба ўқиб тушуна олмаган экан ва бундан маюс тортиб, ҳавфсаласи пир

бўлиб, бу китобни тоқчага ташлаб қўйган экан. Кунлардан бир куни у бозордан ўтиб кетаётганида камбағал, бечора, афтодхол бир киши қўлидаги китобни одамлардан сотиб олишларини ёлвориб турганини, еярга бир бурда нони ҳам йўқлигини айтиб одамларга зорланиб турганини кўриб қолибди.

Ибн Сино раҳми келиб, китобни кўриб ҳам ўтирмай сотиб олибди-да уйга келиб уни варақлаб кўрибди. Кўрибди-ю, хайхот! "китоб ўзи излаб юрган, Фаробийнинг Аристотелнинг " Методизика" китобига ёзган шарҳи экан. Китобни бир марта ўқиб чиқишдаёқ Аристотелни тушуниб, уни тўла ўзлаштириб олган экан, шундан кейин у бундай азбаройи хурсанд бўлганидан юртга зиёфат берган экан (Фаробийни шарҳда 2-муаллим деб аташган).

- Машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлоний (1878 -1934)нинг ёзишича, Одам алайхиссалом минг йил яшаган. Насриддин Рабғузийнинг келтиришича эса, Одам Ато тақдири азал бўйича минг йил яшаши белгиланган экан. Аммо у ўзининг 40 йиллик умрини авлоди - бўлғуси пайғамбар ҳазрати Довуд алайхиссаломга бағишлаган экан, шундан одам алайхиссалом 960 йил яшаган дейилади.

Инжилда эса унинг 930 йил яшаб вафот этгани ёзилган, чунончи: одам 130 ёшида ўзига ўхшаган, ўзининг суратидагидек ўғил кўрган ва унинг исмини Шис қўйган. Шис алайхиссалом туғилгандан кейин одам алайхиссалом яна 800 йил яшаб кўп ўғил қизлар кўриб, жами 930 йил умр кечириб вафот этган.

Насриддин Рабғузий ва Абдулло Авлонийларнинг ёзишларича, Момо Ҳавво етмиш марта бир ўғил, бир қиз - эгизак, фақат Шис алайхиссаломни ёлғиз туққан экан.

- Спиртли ичимликка муккасидан кетганлар соғ одамларга нисбатан ўртача икки марта тез ва тўрт марта узоқ вақт бетоб бўладилар. Ароқхўрларнинг 70% сурункали ошқозон шиллиқ пардаларнинг яллиғланиши (гастрит) касаллигига дучор бўлишади. Уларда бошқаларга қараганда беш марта кўп овқат ҳазм қилиш органлари, беш марта кўп юрак, икки марта кўп ўпка изидан чиққан бўлади. Улар бошқаларга нисбатан 15-20 йил кам умр кўрадилар. Ашаддий ичувчилар 60 ёшга ҳам қирмайдилар.



### **Сайёрамиз кўчаларида тезлик қандай?**

- Маълум бўлишича, италияликлар жаҳонда машинани энг тез ҳайдовчилардир. Бу мамлакат кўчаларида автомобилни соатига 110 километр тезликда ҳайдашга рухсат берилган бўлса, катта кўчаларда 140 километр дир. Тезлик бўйича бошқа ўринлар куйидагича тақсимланган: Германия, Австрия, Швейцария ҳамда Франция – соатига 130 км, Испания ва Бельгия – соатига 120 км, Буюк Британия – 112, Швеция -110, Голландия ва Япония – 100 км.
- Америкада Перси Уолингтонни энг оғир вазни аёл деб ҳисоблашар экан. Унинг оғирлик вазни 399,1 кг экан.
- Эркак киши умри бўйи 22 тонна овқат ва 33000 литр суюқлик, аёл эса 25 тонна овқат ва 32000 литр суюқлик истеъмол қилади.
- Одам ухламасдан 10 кечаю кундуз, овқатланмасдан эса 1 ҳафта яшаши мумкин.
- Бошдан бир кунда 40-60 тагача, умр бўйи эса 1,5 миллиондан ортиқ соч толаси тўкилади.
- Инсон организмда 29 хил турли кимёвий элементлар борлиги аниқланган. Кўзнинг шишасимон таначасининг 99 фоизини сув ташкил қилади. Кўзимиз 150 хил рангни ажрата олади.

### **Дунёда қанча одам инглиз тилида сўзлашади?**

- Инглиз тили жаҳондаги энг кўп қўлланиладиган тиллардан ҳисобланади. Ҳозирда 337 миллиондан ортиқ киши инглиз тилидан биринчи тил сифатида фойдаланса, 350 миллиондан ортиқ одам бу тилни ўзининг иккинчи тили деб билади.
- Инглиз тилида сўзлашувчилар АҚШда кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг сони 226 миллиондан ортиқ.
- Ҳиндистонда ҳам давлат тили инглиз тили саналиб, мамлакатдаги 3000 га яқин газеталар шу тилда нашр этилади.
- Ҳар куни жаҳон бўйича электрон воситалар орқали тарқатилаётган хабарларнинг 80 фоизи инглиз тилидадир.
- Дунё олимларининг 2/3 қисми инглиз тилини билади.
- Жаҳоннинг 75 га давлатида бу тил ё давлат тили ҳисобланади ёки алоҳида мақомга эга.

## Бахт неча пул туради?

- Статистик маълумотларга қараганда, бахтни нархлаш ҳам мумкин экан. Айтайлик, инсон ўзи орзуидаги уй ва машинага эга бўлиши учун унга 4 миллион 817 минг 616 доллар керак экан. Бунинг ичига инсон ўзи хоҳлагандек ҳаёт кечириш ва дам олиш ҳам қиради.

Personel Finance хизматининг ҳисоб-китобларига қараганда, ғарбда бу маблағни 94 йил ишлаб топса бўлар экан.

Аёлларга тўла бахтли бўлиш учун эркаклардан кўра кўпроқ пул талаб қилинар экан. Эркак бахти 4,7 млн. турса, аёл бахти эса 4,8 млн. доллар турар экан.

(«Халқ сўзи», 16.01.2004)

## Сайид (лар) ким-у Хўжалар ким?

- **Сайид (лар)** – «жаноб», «бошлиқ», «етакчи», «раҳнамо» маъносини англатувчи калима. Илгарилари арабларнинг қабила, қавм, гуруҳ бошлиғи, етакчиси «сайид» деб аталган. Кейинчалик пайғамбаримизнинг қизи Фотима ва куёви ҳазрат Алининг ўғиллари Имом Ҳасан, Имон Ҳусайн авлодлари «сайид»лар (яъни, пайғамбарзодалар) деб атала бошлаган.

Ўрта Осиёда пайғамбарлар авлодлари – сайидларни «тўралар», «тўрам» деб аташ одат тусига кирган.

- **«Хўжа» (лар)** – форсча «хўжайин», «соҳиб» ҳақида икки фикр мавжуд: 1) Хўжалар дастлабки тўрт халифа Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган авлодлари; 2) Пайғамбаримиз давридаги саркардаларнинг авлодлари.

Хўжалар аслзодалиқда (оқсуякликда) сайидлардан кейин туради.

## Кимларни хожа ёки шайх дейишган?

- **Хожа (форсча)** – «хўжа», «эга, эгам». Тасаввуфда Мовароуннаҳр тариқат машойихларига берилган унвон. Бу унвон Юсуф Хамадоний (1048-1140) дан бошлаб

ишлатилади. Масалан, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва ҳ.к.

- Юсуф Хамадонийдан олдин ўтган пирлар «Шайх» унвони билан аталганлар.
- «Шайх» (арабча: «кекса. оқсоқол») тасаввуфда пиру муршидларга нисбатан қўлланиладиган унвон. Кўплиги – «машойих». Ҳурмат тариқасида зиёратгоҳларда, мазорларда зиёратчиларни кутиб-кузатиб дуою фотиҳа билан хайру эҳсонларни қабул қилиб, тасарруф қилиб турадиган шахсларга ҳам ишлатилган.

### **Муршид (пир) ким-у эшон ким?**

- **Муршид (пир)** – «йўл кўрсатувчи». Тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх, хожа, устоз. Муридларнинг, яъни бутун ақлу иродасини Аллоҳга қаратиб тариқат сирларини ўрганувчиларнинг раҳнаомлари пирлар ва эшонларнинг умумий номи.
- **Эшон (форсча)** – «улар» деган маънони англатади. Сўфийлик оқимларида диний раҳнаомлар унвони. Сўфийлик тариқатларидан бирига мансуб бўлганлар исмларига «эшон», «пир» сўзлари қўшиб ишлатилган. Эшонлар ўзларининг муридларини сўфийлик йўлига ўргатувчи муршид ҳисоблаганлар, улар беморларни руҳий даволовчи, келажакни олдиндан башорат этувчи ва кароматлар кўрсатиш қобилиятига эга бўлганлар.

### **Кимларни сўфийлар деб аташган?**

- Илоҳий йўлга кирган муслмонларнинг биринчи сафида турувчиларни сўфийлар деб аташган. Улар кўпинча жун чакмон, қўй терисидан қилинган жунли пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Шунинг учун халқ уларни жун кийимчилар, яъни сўфийлар деб атай бошлаган.
- Халқ орасида улар «валий», «авлиё», «арбоби тариқат», «дарвеш», «қаландар», «фақир» номлари билан тилга олинганлар.

## Тасаввуф қандай таълимот?

- Тасаввуф исломдаги сўфийлик оқимининг диний-фалсафий таълимотидир. Таълимотнинг асоси инсон ва унинг Парвардигорга бўлган муносабатидир.

Сўфийликда руҳий камолотга эришиш тўрт босқичдан иборат:

- шариат
- тариқат
- маърифат
- ҳақиқат

Улар бу босқичлардан навбатдан-навбат ўтганларидан кейин Парвардигорни таниш, билиш ва ниҳоят Унга қўшилиб, сингиб кетишни ўз олдларига мақсад қилиб қўядилар. Тасаввуфда солиқ (шогирд) шариат йлмларини билиб олгандан кейин тариқатга (ҳақ йўлга) кириб, маърифат ўргана бошлайди ва у орқали ҳақиқатга етишга интилади.

## Шариат нима? Тариқат-чи?

- Шариат – бу тўғри йўл, илоҳий йўл қонунчилиги. Ислום динининг диний ҳуқуқ тизими, кодекси. Шариатда 6 та асосий категория бор:
  - фарз – мажбурият
  - мандуб – тавсия этилган, лекин мажбур ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлар
  - мубок – бажарши тақиқланмаган ва мажбурий деб ҳисобланмаган, шариатда қилса бўладиган ишлар
  - ҳалол – тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлар
  - ҳаром – мусулмонлар учун қатъий тақиқланган ишлар, озиқ-овқатлар.

Сўфийликка қадам қўйган киши дастлаб шариатнинг барча талаб ва категорияларини мукамал ўрганиши ва эгаллаб олмоғи лозим бўлади.

**Тариқат** – бу сўфийликда шариатдан кейинги иккинчи босқич. Тариқат шариатни муҳофаза этувчи илоҳий амал бўлиб, шариатни ҳам ўз ичига олади.

Шариат аҳли жаннат иштиёқида ибодатда бўлсалар, тариқат аҳли Ҳақ таоло дийдорига етишиш учун жондан кечганлар. Тариқатга қадам қўйган сўфий тирикчиликнинг барча ташвишларидан буткул воз кечади. Ихтиёрини устозипир, шайх, эшонга бутунлай топширади ва қўйидаги тўрт асосий тамойилларга қатъий амал қилади:

- **таваккул** - ҳар нарсани, ҳар ишни Худога солиш, ёлғиз Унинг ўзига таваккул қилиш;
- **шавқ** - ёлғиз яратган Тангри таолони севиш, фақат Унга муҳаббат қўйиш, фақат Унгагина интилиш;
- **зуҳд** – тарки дунё қилиб, зоҳидликда доим тоат-ибодат қилиб яшаш;
- **фақр** – доим камбағалликда, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга муҳтожлик сезмай, ҳеч кимга қарам бўлмасдан яшаб, доим маърифат орзусида юриш. Фақир кишининг моли бўлмаслиги, бўлса ҳам уники бўлмаслиги керак.

### **Маърифат нима?**

- Маърифат – бу сўфийликда тариқатдан кейинги, учинчи босқич. Бу босқичга қадам қўйган сўфий, мурид фақат **Худонинг** борлигини мутлоқ ҳақиқат деб, теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларга бепарво бўлиб, инсон руҳининг **Худо** билан қўшилишини олий мақсад деб билишади.

### **Ҳақиқат нима?**

- Ҳақиқат – бу сўфийликнинг тўртинчи босқичи. «Ҳақиқатга эришув» дан сўнг, сўфий шахс сифатида тугаб, **Парвардигорга** етишиш керак ва фаного эришилгач, бу босқич ҳам тугаланади. Сўфийлик йўлига кирган мўмин:
  - аввал – муҳйилик
  - кейин – муридлик
  - кейин – дарвешлик
  - кейин – олимлик
  - сўнг – валийлик ва
  - ниҳоят – набийлик мақомига етишга ҳаракат қилади.

Тасаввуфда диннинг ташқи жиҳати шариат бўлса, ички жиҳати ҳақиқатдир. Тасаввуфнинг охириги босқичи - ҳақиқатга етган сўфий, азалий ва абадий борлиқ **Парвардигор** эканлигини, ундан бошқа барча нарсалар вақтинча, ҳаёл эканлигини чуқур ҳис этади ва билади, қалбан тушуниб этади.

Ҳақиқат аҳли инсоиний сифатлардан илоҳий сифатларга етишган кишилардир. Уларда:

- шариат - сўз
- тариқат – йўл
- маърифат – парвардигорга бўлган ишқ
- ҳақиқат - ҳолдир.

### **Валий ким-у Набий ким?**

- **Валий** – бу «дўст», «соҳиб», «эга», «яқин» маъноларини англатади. **Парвардигорга** яқин азиз, комил одам, ҳомий, бандаларнинг ҳомийси маъноларини билдиради.

Улар қаромат қилувчи, келажакни олдиндан башорат қилиш қобилиятига эга бўлган, илмли, тақводор кишилар, сўфийлар.

Валийликни ҳазрат Али мартабаси дейдилар, яъни унинг мартабаси барча мартаблардан баланд ҳисобланади. Валийликни баъзан ҳатто пайғамбарлар рутбасидан ҳам юқори деб ҳисоблайдилар. Бошқалар табиий ўлимдан кейин кўрадиган нарсаларни улар табиий ўлимгача кўрадилар. Уларга ўлимдан кейинги ҳолатлар ҳам маълум бўлиб, улар илмул яқин даражасидан айн-ул яқин даражасига ўта оладилар.

Валий сўзининг кўплиги **Авлиё** дейилади. **Набий** – бу валийликдан кейинги ва сўфийликнинг энг юқори мақомига эришган киши.

### **«Оқ қилиш» нимани англатади?**

- **Оқ бўлиш** - бу ота-онага озор бериш, хафа, норози қилиш ва буюрганларини бажармасликдек салбий тавсиядаги ҳурматсизликдир. Ота ёки она фарзандига: «сени оқ қилдим!» деб эълон қилиши шарт эмас, диллари оғришининг ўзиёқ фарзанд оқ бўлганини англатади. Ота-она рози Аллох

рози, ота-она норози Аллоҳ норози. Оқ бўлган фарзанднинг жазоси:

- Бу дунёда ишлари юришмайди, «косаси оқармайди», бахтсизликдан боши чиқмайди.
- Қилмиши, иши фарзандларидан қайтади.
- Ҳаётда хорлик билан яшайди ва умри қисқа бўлади.
- У дунёда жаннатга умуман яқинлаштирилмайди.

Бу тўрт хил жазодан дастлабки учтаси тажрибадан ўтган, тасдиқланган, исботланган, охиргисини Аллоҳ таоло ҳал қилади.

### **Одамни ўлмасдан кўмиб юборилган ҳолатлар ҳам бўлганми?**

1964 йил Американинг Нью-Йорк шаҳридаги касалхонанинг ўликхонасида жарроҳ бир майитни терисига тиг тортиши билан мурда сапчиб ўрнидан туриб жарроҳнинг ёқасидан олади. Умри давомида ўликларни ёриб келган жарроҳ бу ҳолатга биринчи тушиши эди, у ўтакаси ёрилиб, ўша заҳоти жон беради.

(«Сирли олам», 1998 й феврал, 8-бет)

\* \* \*

20 соат мобайнида мурда бўлиб қотиб ётган Италиянинг буюк шоири Петрарка (1304-1374) қабрга қўйишларидан олдин «тирилиб», яна 30 йил умр кўрган.

\* \* \*

Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани фермасида монтер бўлиб ишлаётган Аҳмадали Ҳакимов 1995 йилда узилиб кетган электр симини улаётганида фожиа юз бериб, уни ток уриб ўлдиради ва уни эртаси куни дафн этадилар. Шу куни тунда шу қишлоқлик икки ўғри мурдани тилло тишларини суғуриб олмоқчи бўлиб қабрни очадилар. Ўғрини лаҳадга узатилган кўлига майит маҳкам ёпишиб олади ва ташқарига чиқади. Ўғри кўрқувдан юраги ёрилиб шу заҳотиёқ тил тортмай ўлади, шериги эса жон ҳолатида қочиб қолади.

«Мурда» тонг саҳарда кафанни судраб уйига кириб келади. (18, 464-6)

**Пайгамбарларимиз, буюк файласуф ва алломаларнинг қайси бирлари милод (эра)дан аввал, қайси бирлари эса милодий асрларда яшаган ва ижод қилишган?**

<b>Т/р</b>	<b>Милоддан аввалги асрларда</b>	<b>Йиллар</b>	<b>Т/р</b>	<b>Милодий асрларда</b>	<b>Йиллар</b>
1.	Одам алайҳиссалом (Адам)	930 ёшида вафот этган	1.	Марк Аврелий	120-180
2.	Шис алайҳиссалом (Сиф)	912 ёшида вафот этган	2.	Муҳаммад алайҳиссалом	571-632
3.	Идрис алайҳиссалом (Енос)	365 ёшида тириклайин осмонга кўтарилган	3.	Имом Ал-Бухорий	810-871
4.	Нух алайҳиссалом (Ной)	777 ёшида вафот этган	4.	Ат-Термизий	824-892
5.	Худ алайҳиссалом (Хул)	Аниқ эмас	5.	Фаробий	873-950
6.	Солиҳ алайҳиссалом	433 ёшида вафот этган	6.	Беруний	973-1048
7.	Иброҳим алайҳиссалом (Авраам)	2180-2005	7.	Ибн Сино	980-1037
8.	Лут алайҳиссалом (Лот)	2000-1900	8.	Ҳазрат Сулаймон	1033
9.	Исмоил алайҳиссалом (Измаил)	2094-1957	9.	Ҳожа Аҳмад Яссавий	1041-1166
10.	Исҳоқ алайҳиссалом (Исаак)	2080 йилда туғилган	10.	Умар Ҳайём	1048-1132
11.	Яқуб алайҳиссалом (Иаков)	2020-1873	11.	Имом Ғаззолий	1059-1111
12.	Юсуф алайҳиссалом (Иосиф)	1934-1824	12.	Замахшарий	1075-1144
13.	Айюб алайҳиссалом (Иов)	93 йил умр кўради	13.	Фариддин Аттор	1148-1220
14.	Зул-Кифл алайҳиссалом (Иезекиил)	Аниқ эмас	14.	Насриддин Рабғузий	1200-1300



15.	Шуайб алайҳиссалом (Иофор)	200 йилдан ортиқроқ яшаган	15.	Насафий Азизиддин	1240-1300
16.	Ҳорун алайҳиссалом (Аарон)	1669-1546	16.	Хожа Баҳоуддин Нақшбанд	1318-1389
17.	Мусо алайҳиссалом (Моисей)	1666-1546	17.	Амир Темур	1336-1405
18.	Ювпаъ (ибн Нун) алайҳиссалом (Иисус Навин)	1628-1518	18.	Улуғбек	1394-1449
19.	Шамъун алайҳиссалом (Самуил)	1100-1000	19.	Алоуддин Аггор	1400-1470
20.	Довуд алайҳиссалом (Давид)	1083-1013	20.	Абдурахмон Жомий	1414-1492
21.	Сулаймон алайҳиссалом (Соломон)	1033-973	21.	Давлатшоҳ Самарқандий	1435-1495
22.	Илёс алайҳиссалом (Илия)	1050 йилларда яшаган	22.	Ҳусан Воиз Кошифий	1440-1505
23.	Ал-Ясаъ алайҳиссалом (Елисей)	Аниқ эмас	23.	Алишер Навоий	1441-1501
24.	Юнус (Зуннун) алайҳиссалом (Иона) – Аллоҳ	750 йил яшаб вафот этган	24.	Эразм Роттердамский	1469-1536
25.	Ишаъё алайҳиссалом (Исаия)	VIII асрда яшаб ўтган	25.	Бобур	1483-1530
26.	Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар (Захария, Иоанн)	300 йилда туғилган	26.	Коменский Я.А.	1592-1670
27.	Ийсо алайҳиссалом (Иисус Христос) <sup>1)</sup>	1-33	27.	Декарт	1596-1650
28.	Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам	571-632	28.	Фуллер Томас	1608-1661
29.	Ҳазрат Хизр	2500-2300	29.	Машраб	1640-1711

<sup>1)</sup> Милодий йил ҳисобини Ийсо алайҳиссалом туғилган санадан бошлаб ҳисоблаш қабул қилинган.

30.	Луқмони Ҳаким	2300-2000	30.	Сўфи Оллоёр	1645-1723
31.	Ҳазрат Узайр алайҳиссалом	600-512	31.	Юм Давид	1711-1776
32.	Зул-Қарнайн (Александр Македонский)	356-323	32.	Кант	1724-1804
33.	Ҳазрат Сулаймон	1033-973	33.	Мафтуңқули	1733-1793
34.	Зардушт	800-700	34.	Делиль Жак	1738-1831
35.	Зардуштийлик	800-700	35.	Гете	1749-1832
36.	Фалес	624-547	36.	Мальгус	1766-1834
37.	Авесто	700-600	37.	Гегель	1770-1831
38.	Пифагор	580-500	38.	Нодира	1792-1842
39.	Конфуций	551-479	39.	Бальзак	1799-1850
40.	Гераклит	544-483	40.	Фейербах	1804-1872
41.	Геродот	490-480	41.	Маркс Карл	1818-1883
42.	Сократ	469-399	42.	Боденштедт	1819-1892
43.	Демокрит	460-370	43.	Энгельс	1820-1895
44.	Гишпократ	460-375	44.	Толстой Лев	1828-1910
45.	Платон	428-347	45.	Морлей Жон	1838-1923
46.	Аристотель	384-322	46.	Муқимий	1850-1903
47.	Эпикур	341-270	47.	Фуркат	1859-1909
48.	Архимед	287-212	48.	Зелинский Н. Д.	1861-1963
49.	Цицерон	106-43	49.	Рубакин Н. А.	1862-1946
50.	Энесидем	100-0	50.	Горький Максим	1868-1936
			51.	Ленин	1870-1924
			52.	Абдулло Авлоний	1878-1934
			53.	Блок А. А.	1880-1921
			54.	Абдурауф Фитрат	1886-1937
			55.	Жадидчилик	1890-1930
			56.	Кашиев Эффенди	1909-1944
			57.	Каримов И.	1938

**Нима учун Худо Одам Ато танасининг бошқа жойидан эмас, айнан қовурғасидан умр йўлдошини яратди?**

Яхудийлар китоби Талмутда ёзилишича, Худо шундай мулоҳаза юритган экан:

«Аёлни бошдан яратмайин – токи у кибрли бўлмасин; оғиздан яратмайин – сергап бўлмасин; юракдан яратмайин – ҳасадгўй бўлмасин, қўлдан яратмайин - ҳар тарафга хавланиб юрадиган бўлмасин; уни қўздан яратмайин - қизиқувчан бўлиб кетмасин; оёқдан яратмайин – бекорга ялло қилиб юрадиган бўлмасин».

Қовурғадан яратаётган Худо унга: «Маъсума бўл, аёл! Серфазилат бўл, аёл!», - дея амр берган.

## Пайғамбарлар ва азиз-авлиёларнинг кимлигини биласизми?

Куръони каримда 25 нафар пайғамбар ва 4 нафар азиз-авлиёлар номи тилга олинган. Бу тўғрида биз А.Абдурахмоновнинг «Саодатга элтувчи билим» китобидан билишимиз мумкин (43-46 - бетлар).

### Пайғамбарлар ва азиз авлиёлар

Т/р	Пайғамбарларнинг номлари	Изоҳ
1	2	3
1.	Одам алайҳиссалом (Аадам) <sup>1)</sup>  Момо Ҳавво (Ева)	Ер юзидаги бутун инсониятнинг отаси, яъни Абулбашар; биринчи одам ва биринчи пайғамбар; ўн саҳифадан иборат илоҳий оятлар нозил қилинган; ўз фарзандларига пайғамбарлик қилган; Тавротда ёзилишича, 930 йил яшаган. Одам Атонинг хотини; бутун инсониятнинг онаси; Одам Атодан кейин яна етти йил яшаган.
2.	Шис алайҳиссалом (Сиф)	Ҳазрати Одам Атонинг Қобил ва Ҳобилдан кейинги учинчи ўғли; <b>Ҳақ таоло</b> унга 50 саҳифалик илоҳий оятлар нозил қилган; Одам алайҳиссаломдан кейинги иккинчи пайғамбар; Таврот ва Инжилда ёзилишича, 912 йил яшаган; у ҳақда <b>Қуръон</b> да оят келмаган.
3.	Идрис алайҳиссалом (Енох)	Ер юзига юборилган пайғамбарларнинг учинчиси; Шис алайҳиссалом авлодларидан; <b>Ҳақ таоло</b> унга 30 саҳифадан иборат бўлган илоҳий ҳукмлар нозил қилган; тахминан 365 ёшида тириклайин осмонга кўтарилган; ҳозиргача абадийт жаннатида яшайди.
4.	Нух алайҳиссалом (Ной)	Идрис алайҳиссалом чеварасининг ўғли, яъни чеварасидан кейинги навараси (панневара); милоддан аввалги 4000-йилликдан олдин бўлиб ўтган Буюк тўфондан кейин барча инсон қирилиб кетиб, унинг уч ўғлидан — Сом, Ҳом ва

<sup>1)</sup> Қавс ичида кўрсатилган номлар Таврот матни бўйича берилган.

		Ёфасдан бутун Ер юзи аҳолиси пайдо бўлган; шунинг учун ҳам уни иккинчи Одам Ато, деб атайдилар; 950 йил яшаган.
5.	<b>Худ алайҳиссалом (Хул)</b>	Беш араб пайғамбарларининг биринчиси (Худ, Солих, Исмоил, Шуайб ва Муҳаммад алайҳиссаломлар); Тавротдаги номи Хул. У Нуҳ ўғли Сомнинг кенжа ўғли Эрамнинг иккинчи ўғли бўлиб, Нуҳ а.с.га эвара бўлади (Нуҳ – Сом – Эрам – Худ). Худ а.с.нинг қайси йилларда яшаб ўтганлиги аниқ эмас.
6.	<b>Солих алайҳиссалом</b>	Беш араб пайғамбарларидан иккинчиси; 433 йил умр кўрган. Қайси йилларда яшаб ўтганлиги номаълум. Аммо у Худ пайғамбардан кейинги пайғамбар эканлиги маълум. У ҳам Нуҳ а.с.нинг эвараси, (Нуҳ – Сом – Арпахшод – Шалоҳ (Солих) дегувчилар ҳам бор, аммо бу ихтилофли.
7.	<b>Иброҳим алайҳиссалом (Авраам)</b>	Милоддан аввалги 2180 йили туғилиб, 2005 йили 175 ёшида вафот этган; ўздан кейинги барча пайғамбарларнинг отаси ва бобокалони; учала дин аҳли – яҳудийлар Абром, насронийлар Авраам, мусулмонлар Иброҳим ҳалилulloҳ деб ҳурмат билан тилга оладилар; тўнғич ўғли Исмоил алайҳиссалом авлодларидан икки араб пайғамбари – Шуайб ва Муҳаммад алайҳиссаломлар туғилган; иккинчи ўғли Исҳоқ алайҳиссаломдан кейинги барча пайғамбарлар, шу жумладан, Ийсо алайҳиссалом туғилган; Ҳақ таоло унга 10 саҳифалик илоҳий оятлар нозил қилган.
8.	<b>Лут алайҳиссалом (Лот)</b>	Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Ҳороннинг (Ааран) ўғли, яъни Иброҳим алайҳиссаломнинг жияни.
9.	<b>Исмоил алайҳиссалом (Измаил)</b>	Иброҳим алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли; ўзи ва тили иброний бўлса-да, кейинчалик у арабдан хотин олиб,

	<p>арабчани тўлиқ ўзлаш унинг авлодлари дейиладиган бўлди (мус араб бўлмай, арабликни киши дегани); учинчи а милоддан аввалги 2094-2157- йили 137 ёшида вафот этган.</p>
<b>юм</b>	<p>Иброҳим алайҳиссалом ўғли; авлодларидан Шуа алайҳиссаломлардан пайғамбарлар, жумла алайҳиссалом ҳам туғил Яъқуб, деган икки Милоддан аввалги 208 йил 180 ёшида вафот этган.</p>
<b>юм</b>	<p>лақаби Исроил; яҳудий отаси; ундан 12 ўғил, ж алайҳиссалом туғилди; қабилага бош бўлиб, тақ милоддан аввалги 2020-1873 йили 147 ёшида вафот этган.</p>
<b>юм</b>	<p>Яъқуб алайҳиссаломни ўғлининг ўн би иккинчисининг исми тахминан милоддан аввалги 2020 йили Фаластинда туғилиб, 1 йилда Мисрда вафот этган.</p>
<b>юм</b>	<p>Исҳоқ алайҳиссаломни Эсовнинг уруғидан алайҳиссаломнинг чева туғилган; 93 йил умр кўчган.</p>
<b>юм</b>	<p>Асл номи Бишр; Айюб алайҳиссаломнинг ўғли.</p>
<b>юм</b>	<p>Лут алайҳиссалом авл адаб пайғамбарларининг би Мусо алайҳиссаломнинг ўғли йил яшаган.</p>
<b>юм</b>	<p>Мусо алайҳиссаломни ёрдамчиси, ноғил; ми 1669 йилда туғилиб, 15 йилда вафот этган. 123 йил умргузарсан.</p>
	<p>Яҳудийлик динининг</p>

<b>алайҳиссалом (Моисей)</b>	биринчи илоҳий китоб – Таврот нозил қилинган; Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб алайҳиссаломларнинг авлодидан; Ҳорун алайҳиссаломнинг укаси; милоддан аввалги 1666 йилда туғилиб, 1546 йилда вафот этган. 120 йил яшаган.
<b>Ювшаъ (ибн Нун) алайҳиссалом (Иисус Навин)</b>	Мусо алайҳиссаломнинг ёрдамчиси, ноиб; Мусо алайҳиссалом вафотидан кейин унинг ўрнига бўлган пайғамбар; буюк саркарда; милоддан аввалги 1628 йил туғилиб 1518 йил 110 ёшида вафот этган.
<b>Шамъун алайҳиссалом (Самуил)</b>	яхудийлар пайғамбари; Аллоҳнинг амри билан Довуд алайҳиссаломни пайғамбарликка тайёрлаган. Қуръонда Шамъун алайҳиссалом аниқ тилга олинмаган бўлса-да, аммо Алоуддин Мансур таржимасидаги Қуръони каримнинг 2-«Бақара» сураси 246-оятда унинг номига ишорат этиб ўтилган.
<b>Довуд алайҳиссалом (Давид)</b>	Мусо алайҳиссалом вафотидан 463 йил кейин, яъни милоддан аввалги 1083-йилда туғилиб, 1013 йили 70 ёшида вафот этган; ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ; 1053 йили 30 ёшида пайғамбарлик келган; унга Забур илоҳий китоби нозил қилинган. 40 йил подшоҳлик қилган: Ҳевронда 7 йил Яҳудия подшоҳи, Иерусалимда 33 йил Исроил ва Яҳудия подшоҳи бўлган.
<b>Сулаймон алайҳиссалом (Соломон)</b>	Довуд алайҳиссаломнинг ўн икки ўғлидан кенжаси; милоддан аввалги 1033 йилда туғилиб, 973 йилда вафот этган; отаси каби ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ бўлган; 20 ёшида тахтга ўтирган; унга девлар, парилар, инс-жинслар, ҳайвонот дунёси, қуш, қумурсқалар, даррандалар ва шамол устидан ҳукмронлик ҳам берилган; 700 хотини, 300 чўриси бўлган; 40 йил подшоҳлик қилиб, 60 ёшида оламдан ўтган.
<b>Илос алайҳиссалом</b>	Милоддан аввалги IX асрда яшаган пайғамбар; Хизр алайҳиссалом билан

	<b>(Илия)</b>	бирга мангулик суви — «оби ҳаёт»ни ичган; Тангри толонинг амри билан тириклайин осмонга кўтарилган; қиёматгача тирик пайғамбар.
23.	<b>Ал-Ясаъ алайҳиссалом (Елисей)</b>	Илёс алайҳиссалом амакисининг ўғли, унинг ёрдамчиси, ноиби; Илёс алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетгандан кейин, унинг ўрнига ўтган пайғамбар.
24.	<b>Юнус (Зуннун) алайҳиссалом (Иона) — Аллоҳ</b>	Аллоҳ пайғамбари; Аллоҳнинг амри билан денгизда уни наҳанг ютиб юборган; наҳанг қорнида уч кеча-кундуз қолиб кетган; тинмай тавба-тазарру, ибодат этиб, нола қилаверганидан кейин Аллоҳнинг амри билан наҳангнинг қорнидан чиққан; кейин қавми унга иймон келтирган; 750 йил яшаган.
25.	<b>Ишаъё алайҳиссалом (Исаия)</b>	Юнус алайҳиссаломдан кейин милоддан аввалги VIII асрда яшаган пайғамбар бўлиб, Қуръонда номи келтирилмаган, аммо Тавротда номи тилга олинган.
26-27	<b>Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар (Захария, Иоанн)</b>	Ота-боладирлар; Закариё милоддан аввалги 330 йилларда туғилган бўлиб, милодий йил бошларида, 300 ёшида Яҳё исмли фарзанд кўради; ота-бола ўз қавмларини Мусо алайҳиссаломнинг шариатлари узра иймонга чақириб юрганлар; Ийсо алайҳиссаломга янги шариат келганидан кейин, Яҳё алайҳиссалом қавмларини янги шариат узра иймонга чақира бошлаган; Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар ўз қавмлари — яҳудийлар томонидан шафқатсизларча шаҳид қилинганлар.
28.	<b>Ийсо алайҳиссалом (Иисус Христос)</b>	Милоднинг биринчи йилида туғилган; 30 ёшида пайғамбарлик келган ва унга учинчи илоҳий китоб — Инжил нозил бўлган; Ийсо алайҳиссалом 33 ёшида осмонга кўтарилганидан сўнг, ҳаворийлари ҳар тарафга тарқалишиб, Инжил китобини ёзиб тарқатганлар ва христиан динини барпо қилганлар. (Ҳозир амалда бўлган милодий йил

		ҳисоби — янги эра, унинг туғилган кунидан бошлаб ҳисобланади).
29.	<b>Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам</b>	Араблардан чиққан бешинчи ва бутун башариятга юборилган охириги пайғамбар. Милодий 571- йил 21-апрелда туғилиб, 632- йил 8-июнда 61 ёшида вафот этганлар; 610- йил рамазон ойида 40 ёшида биринчи ваҳй келиб, пайғамбарлик неъматини берилган ва у зотга тўртинчи, охириги илоҳий китоб — Қуръони карим нозил қилинган; Муҳаммад алайҳиссалом охириги умумбашарий дин — Ислам динининг асосчисидир.

Булардан ташқари Қуръонда пайғамбар мақомида бўлмасалар-да, халқ орасида Аллоҳнинг азиз-авлиёлари сифатида эъзозланган ва эъзозланиб келинаётган шахсларнинг номлари ҳам тилга олинган:

1. **Ҳазрат Хизр** — эрамиздан 2300 йиллар аввал яшаган, келиб чиқиши ва миллати номаълум; **Қуръонда** Мусо алайҳиссалом билан боғлиқ қиссаларда «Аллоҳнинг бандаси», деб унинг номига ишора қилинган.

2. **Луқмони ҳаким** — милоддан аввалги минг йилликдан олдинги даврларда туғилган, минг йил умр кўрган. Довуд алайҳиссалом салтанати даврларида ҳам ҳаёт бўлган. Буюк ҳаким, донишманд, авлиё, одамларни яққа худоликка тарғиб қилган.

3. **Ҳазрат Узайр (Ездра)** — милоддан аввалги VI асрларда яшаб ўтган авлиё. Унинг даъватларига қулоқ солмаган, залолатга ботган қавмга **Аллоҳ** жазо тариқасида Бобил подшоҳи Бухтуннасрни юборган; Бухтуннаср Яҳудия ва Исроил подшоҳликларини босиб олиб, аҳолини қирғин қилган; яшаб турган ерларидан ҳайдаб юборган; кўпчилигини қул қилиб ишлатган ва ҳар томонга сотиб юборган.

4. **Зул-Қарнайн** — Шарқда Искандар Зул-Қарнайн номи билан машҳур бўлган улуғ саркарда, подшоҳ; **Аллоҳ таоло** унга беқиёс салтанат, ҳукмдорлик берган, у Мағрибдан то Машриққача ястанган улкан ҳудудларни фатҳ этган буюк ҳукмдор, фотиҳ, донишманд ва авлиё бўлган; инсонларни яққаю ягона **Аллоҳ таоло**га ибодат қилишга тарғиб этган.



## Фитр-садақасининг фазилатларини биласизми?

Фитр-садақаси ўзига тўқ мусулмонларнинг муҳтож ва ҳожатмандлар учун Рамазон ойида берадиган хайри эҳсонларидир.

Унинг ҳикматларидан бири фуқаролар, мискинлар, бева-бечоралар ва ҳожатмандларнинг қалбларига улуғ айём — ҳайит олдидан бир оз бўлса-да, шодлик бахш этиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва натижада, одамлар орасида меҳр-шафқат туйғуларини уйғотиш бўлса, иккинчидан, рўздорнинг Рамазон ойида билиб-билмасдан қилган гуноҳларига каффорат ҳамдир.

Фитр-садақасининг вожиблиги ҳақида қуйидаги муборак ҳадиси Ибн Умар ривоят қилганлар:

«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир эркак ва аёлга, хоҳ у озод киши бўлсин, хоҳ қул бўлсин, бир соъ хурмодан ёки бир соъ арпадан фитр закотини бермоғи фарзидир», деганлар.

Бир соъ беш ярим ратлга тўғри келади. Бир ратл эса, 450 граммдир. Демак, ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун икки ярим килограмм хурмо, арпа, ун ёки гуруч ёки уларнинг қиймати миқдоридан пул эҳсони қилиши вожибдир.

Фитр-садақасини Рамазон ойининг аввалидан ҳайит намози ўқилгунга қадар бериш лозим.

Анас ибни Молик (р.а.) ривоят қилганларки, Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки фитр садақасини ҳайитдан илгари адо этмаса, унинг рўзаси ер билан осмон ўртасида муаллақ ҳолда қолади. Фитр-садақаси берилгандан кейин, Аллоҳ таоло унинг рўзасига иккита яшил қанот ато этади ва рўзаси парвоз қилиб, еттинчи осмонгача боради ва Аршдаги қандилга қўниб, ўз эгасидан розилигани изҳор этади», — деб марҳамат қилган эканлар («Зубдатул-ваъизин»).

Пайғамбар (с.а.в.)дан шундай ривоят қилинади: «Фитр-садақасини ҳайитдан олдин адо этганга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўнта яхшилик ато қилади:

**Биринчи** — уни барча гуноҳлардан пок этади.

**Иккинчи** — Дўзах оташидан озод қилади.

**Учинчи** — тутган рўзасини қабул этади.

**Тўртинчи** — ўша бандасига Беҳиштни вожиб қилади.

**Бешинчи** — гўрдан соғ-саломат турғзади.

**Олтинчи** — ўша йилда қилган барча хайрларини қабул қилади.

**Еттинчи** — ўша бандасига Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоатини вожиб қилади.

**Саккизинчи** — Сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтказади.

**Тўққизинчи** — мезонда унинг савобларини оғир қилади.

**Ўнинчи** — унинг исмини бахтсизлар дафтаридан чиқариб ташлайди», деган эканлар.

(«Маърифат», 2004 йил 10 ноябр)

### Нима учун «5 кунлик дунё» дейилади?

Халқ орасида «беш кунлик дунё» ибораси бежиз тилга олинмайди. Оламнинг бугунги кунга қадар 5 кун 6 соат 56 дақиқа 13 сониялик ривожланиш даври инсоннинг туғилганидан вафот этгунга қадар бўлган даврига мутаносиблиги ана шу иборанинг моҳиятини акс эттирса, ажаб эмас. Дарҳақиқат, жадвалдаги даврлар мазмуни устунига эътибор беринг-а?

Оламнинг кунлари	Киши ёши	Даврлар мазмуни
Оламнинг 1 кунликка қадар бўлган оралигидаги давр	1 ёшгача бўлган давр	<ul style="list-style-type: none"><li>• Оламнинг пайдо бўлганидан то бир кунликка қадар бўлган оралиқ инсоннинг туғилганидан то бир ёшгача бўлган даврга ўхшайди. Инсон бу даврда фақатгина моддий озиққа эҳтиёж сезади; у на яхшilik, на ёмонлик, на иссиқ, на совуқ, на қўрқинч, на қувончни фарқлайди.</li></ul>
Оламнинг 1 кунлигидан икки кунлигига қадар бўлган оралиқ	1-12 ёшгача бўлган давр	<ul style="list-style-type: none"><li>• Бу даврда у иссиқ-совуқни, катта-кичикни, яъни моддият дунёсини англай бошлайди.</li></ul>
Оламнинг 2 кунлигидан 3 кунлигига қадар бўлган вақт оралигидаги давр	12-24 ёшгача бўлган давр	<ul style="list-style-type: none"><li>• Бу оралиқ моддийлик дунёсидир. Инсон бу даврга келиб моддий дунёни тўлиқ англаб етади, унинг ҳислатлари ва маънавий дунёси шакллана бошлайди. Энди у нафақат иссиқ-совуқни, балки яхши-ёмонни ҳам фарқлай бошлайди, жисмоний жиҳатдан вояга етади.</li></ul>
Оламнинг 3-4	24-36	<ul style="list-style-type: none"><li>• Бу даврда инсон жисмоний ҳамда</li></ul>

кунлари оралиғидаги давр	ёшгача бўлган давр	маънавий жиҳатдан камолга етади, оила куради, бола-чақали бўлади. Бироқ, шу даврдан бошлаб унинг жисмоний ривожланиши секинлашади, ундан кейинги ривожланиш эса ақл- заковати, тафаккури – бир сўз билан айтганда, маънавий-руҳий дунёсининг такомиллашуви билан белгиланади.
Оламнинг 4-5 кунлари оралиғидаги давр	36-60 ёшгача бўлган давр	• Бу давр маънавият (руҳият) дунёси. Бу давр инсоннинг маънавий-руҳий жиҳатдан тўлиқ шаклланиб бўлганини англатади.

Демак, юқоридаги мулоҳазаларга суяниб айтиш мумкинки, олам ва одамзод ривожланиши ўзаро мос равишда моддий дунёдан ҳиссий дунёга, ҳиссий дунёдан руҳият дунёси томон кенгайиб борувчи улкан ҳаётбахш ҳалқадир.

(“Тафаккур”, 1999, №1, 86-87 бетлар)

### **Ёш бўлиб юриш учун нималарга риоя қилишни биласизми?**

Узоқ вақт ёшликни ва тетикликни сақлаб қолиш ўзингизга боғлиқ. Тибет табобатчилари ҳамиша хушрўй, соғлом ва гўзал юриш учун тўрт амални тавсия қиладилар. Бу амаллар жуда оддий. Фақат унга оғишмай риоя қилмоқ лозим.

**Биринчи амал** — овқатланишдир. Ҳеч қачон ҳаддан ортиқ тўйиб овқатланманг. Бу ҳолат танангиздаги хужайралар фаолиятини толиқтириб, чарчатади. Овқат ҳазм қилиш учун жуда катта қувват сарфлашга тўғри келади. Ҳаракатларингиз сусайиб, ялқовликка мойиллашасиз. Кам ҳаракатлик эса тез қаришликка олиб келади.

Таомни меъёрида енг ва суюқликни ҳам меъёридан оширманг. Ана шунда танангиздаги хужайралар тез янгиланиб, вужудингиздаги тетиклик йўқолмайди, касалликка ҳам кам чалинаси. Фикрий имкониятларингиз ҳам ўткирроқ бўлади.

**Иккинчи амал** — завқли меҳнатдир. Ўзингиз ёқтирган меҳнат билан шуғулланинг. Ишингиздан завқ олсангиз, вужудингиз ҳеч қачон чарчоқни билмайди. Қалбингизни доимо ширин орзулар тарк этмасин. Ҳеч кимга гина сақламанг ва чиройлироқ ишлашга интилишдан чарчаманг. Қалбингиз яхши

орзу-умидларга лиммо-лим бўлсин. Биров билан қаттиқ баҳслашувга борманг. Ўз ишингизга шўнғиб кетинг.

**Шуни билингки,** завқли меҳнат қилган одам тенгқурларига қараганда тўрт-беш ёш кичикроққа ўхшаб кўринади. Ҳамма билан хушмуомалада бўлинг. Ўзингизни нохуш ишларга урмай, яхши меҳнатни ўйланг.

**Учинчи амал** — ҳаракатдир. Доимо ҳаракатда бўлинг. Кам ҳаракатлилик одамни нозик ва инжиқ қилиб қўяди. Ҳар икки ҳолат танани тез қаритиб, касалликка чалинувчан қилиб қўяди.

Спорт билан шуғулланинг. Эрталаб бир соат вақтни турли машқларни бажаришга ва иложи бўлса югуришга ажратинг. Ҳўл сочиқда артиниб, танангизни чиниқтиринг. Ҳеч бўлмаганда, спорт машқлари учун ўн дақиқа ажратинг. Ҳаракат жараёнида танада ёшлик гармонларини ишлаб чиқариш тезлашади. Кайфиятингиз яхшиланиб, вужудингиз тетик бўлади. Касалликка чалинмайсиз, юрагингиз ҳам бақувват бўлади.

**Тўртинчи амал** — уйқу ва дам олиш билан боғлиқдир. Табобатчиларнинг таъкидлашича, ҳафтада ҳеч бўлмаганда бир кун фаол дам олмоқ керак. Тоғларга чиқиш, шаршараларни кўриш, булбуллар овозини эшитиш вужудга ҳақиқий ором беради. Бу билан моддалар алмашинуви яхшиланиб, қарিশлик аломатлари чекинади.

Салқинроқ хонада ухланг. Хона ҳарорати 17-18 даражадан юқори бўлмасин. Ана шунда яхши дам оласиз ва анча муддат ёшлигингизни сақлаб қоласиз. Бошқаларга хушмуомалада бўлиб, асабнинг қаттиқ бузилишига асло йўл қўйманг. Чехрангиз самимий бўлса, ёш кўринасиз.

(“Оила ва жамият”, 10.11.2004)

---

*Статистика – рақам. Рақам эса сўзнинг сонлардаги, сонларнинг эса сўздаги ифодасидир.*

Муаллиф

**3-боб. Рақамлар тилга кирганда**

«Ўзбек иримидан топибди» деганларидек, халқимиз рақамларни хосиятли ва хосиятсиз, бахтли ва бахтсиз деб айтади. Рақамларнинг бундай хусусиятлари уларнинг сўздаги ифодаларида ўз аксини топади.

Шарқ халқларида, айниқса японларда рақам тўғрисидаги илм (нумерология) жудаям ривожланган. Ушбу фан орқали инсон табиати, хулқ-атвори, хусусиятлари-ю ўзига хосликларини таниш мумкин.

Буюк математик олим Пифагор ҳам рақамлар воситасида кишиларнинг фазилатларини ўзининг сеҳрли жадвалида акс эттирган. Пифагорнинг фикрига биноан инсондаги фазилат ва хислатлар унинг туғилган куни, ойи ва йили билан боғланган экан.

Буни каминанинг мисолида кўрамир:

**1. Туғилган вақти** – 18.03.1942

\* Туғилган куни ва ойини қўшамиз:

$$1 + 8 + 0 + 3 = 12$$

\* Туғилган йилини қўшамиз:

$$1 + 9 + 4 + 2 = 16$$

\* Ҳар иккала сонни қўшамиз:

$12 + 16 = 28$	→	Биринчи саноқ сони
----------------	---	--------------------

\* Биринчи саноқ сонини қўшамиз:

$2 + 8 = 10$	→	Иккинчи саноқ сони
--------------	---	--------------------

\* Биринчи саноқ сонидан 2 сонини айрамир:

$28 - 2 = 26$	→	Учинчи саноқ сони
---------------	---	-------------------

\* Учинчи саноқ сонини қўшиб чиқамиз:

$2 + 6 = 8$	→	Тўртинчи саноқ сони
-------------	---	---------------------

**2.** Биринчи қатордаги рақамларга туғилган вақти, иккинчи қаторга эса биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи ҳисоб сонларидан ташкил топган рақамларни қўйиб, ҳар иккала қатор сонини санаб чиқамиз:

1 қатор → 1831942	} = 14
2 қатор → 2810268	

Бу деган сўз камина 14 марта ер юзига келган. Умуман, инсоннинг ўзи ҳаммаси бўлиб, 15 марта ер юзига келар экан. Шундан сўнг у бошқа такомиллашган ўлчовларда ўлчанар экан.

Олинган рақамларга асосланиб Пифагорнинг сеҳрли жадвалини тўлдираемиз. Бунинг учун дастлаб кўйидаги жадвални чизамиз ва тўлдираемиз:

### Пифагорнинг сеҳрли жадвали

<b>111</b>	<b>4</b>	<b>0</b>
<b>222</b>	<b>0</b>	<b>888</b>
<b>3</b>	<b>6</b>	<b>9</b>

Ҳар иккала қатордаги бир хил рақамлар сонини жадвалнинг тегишли квадрантларига ёзиб чиқамиз.

\*Ҳар иккала қаторда:

\*1 сони **3** марта

\*2 сони **3** марта

\*3 сони **1** марта

\*4 сони **1** марта

\*5 сони **0** марта

\*6 сони **1** марта

\*7 сони **0** марта

\*8 сони **3** марта

\*9 сони **1** марта такрорланган.

Ҳар бир квадратлардаги рақамлар мазмунини кўйидагилар билан тавсифланади.

#### 1-квадрант (характери)

**1** – нозик худбин киши

**11** – худбинга яқинроқ киши

**111** – яхши одам, бир гапдан қолади

**1111** – ўзини эркин тутати, кучли иродали

**11111** – золимга яқинроқ

**111111** – жуда шафқатсиз, қаҳрли, Аммо яқин кишиси учун қилиш мумкин бўлмаган ишни қилади. Улар билан ишлаш фоят оғир.

#### 2-квадрант (биоэнергия даражаси)

**0** – биоэнергияга эга эмас, уни қабул қилиш учун ундаги барча имконият(канал)лар очиқ. Бундай кишилар:

- \* эски буюмларни яхши кўрадилар;
  - \* атрофдагиларга ёмон муносабатда бўлмайдилар;
  - \* бошқалар ҳисобидан овқатланиш пайида бўладилар;
  - \* туғилишдан тарбияланган бўладилар.
- 2** – яшаши учун биоэнергия етарли. Аммо айти босқичда бу даражадаги биоэнергия етарли эмас. Спорт билан шуғулланмоқ даркор. Атмосфера ҳодисаларига нисбатан жуда зийрак.
- 22** – биоэнергия етарли, бошқаларни даволаши мумкин.
- 222** – яхши экстрасенс.
- 2222** – бундай кишиларни аёллар, шунингдек, учта олти (666) белгисига эга бўлганлар, яъни шайтон кишилар яхши кўрадилар.

### **3-квadrant (саранжомлик даражаси)**

- 0** – жуда пухта, аниқ киши. Атрофдагилардан ажралиб туради:
- 3** – тартибсизлик бундай кишиларни безовта қилади, хоҳласам қиламан, хоҳласам қилмайман қабилида ишлайдиганларга нисбатан аёвсиз бўладилар. Барча нарса уларнинг кайфиятига боғлиқ.
- 33** – илм-фанга мойил кишилар (хусусан, математика, физика уларнинг жону дили)
- 333** – илм-фанга мойил кишилар. Пухталиқ, синчковлик кучли. Агар улар илм-фанга жорий қилинмаган бўлса, уни амалга оширишга қатъий кишилардир.

### **4-квadrant (соғломлик даражаси)**

- 0** – бундай кишилар касалманд бўладилар. Агар жадвал квадрантларида битта ҳам икки (2) бўлмаса, у ҳолда касалмандлик яна ҳам жиддий бўлади.
- 4** – унчалиқ касалманд эмас. Бундай касалмандлик даражаси барчага хос.
- 44** – жуда ҳам соғлом ёки юқори даражада жўшқин, оташин, серзавқ кишилар.
- 444** – шундоқ, аммо икки марта юқори даражада соғлом ва жўшқин.

### **5 – квadrant (интуиция, зийраклик даражаси)**



- 0** – туғилишда зийраклик канали очилмаган. Бундай кишилар у ёки бу нарсани исботлашга уринишади. Доимо фикрлашда, ҳисоб-китоб ва эксперимент (тажриба)да бўладилар. Тажрибасизликларидан тез-тез хатога йўл қўйиб турадилар. Бундай кишиларга яшаш қийин.
- 5** – туғилишда зийраклик канали очилган бўлади. Бундай кишилар кам хато қиладилар.
- 55** – интуиция (зийраклик) кучли ривожланган (юристлар, терговчилар)
- 555** – олдиндан кўрадилар, бўлиб ўтаётган нарсаларни тушунадилар, қилаётган ишларини биладилар.
- 5555** – олдиндан кўрадиган. Аммо вақт ва макондан ташқарида узоқни кўриш ҳоллари ҳам учрайди.

### **6 – квадрант (ердан оёғи узилганлик даражаси)**

- 0** – улар мутахассисликка эга бўлиш учун туғилган. Улар учун жисмоний меҳнат зарур.
- 6** – улар учун жисмоний меҳнат зарур, аммо таълим олишни ҳам ўйлайдиган кишилар.
- 66** – жисмоний меҳнат зарур эмас, барча нарсани қила олади.
- 666** – шайтонлар, оташин ва жўшқин кишилар. Уларнинг партнёрлари кўп икки сонига эга бўлишлари керак.
- 6666** – улар кўп меҳнат қиладилар. Улар учун жисмоний меҳнат қилишнинг чегараси йўқ. Улар, албатта, институтга киришлари керак. Айниқса яна тўққиз (9) сони бўлса.

### **7 – квадрант (иқтидорлилик даражаси)**

- 0** – улар 7 сонига кўпроқ эга бўлиш учун курашадилар ва шунинг учун туғилганлар. Аммо 7 сонини раҳм-шафқат йўли билан қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг ҳаёти жуда оғир.
- 7** – иқтидорли, аммо яққол кўринишда эмас. Ўз манфаатларидан ҳам воз кечиб, кишиларга яхшилик, эзгулик кўрсатишга интиладилар.
- 77** – жуда ҳам кучли, фариштамонанд аломатли кишилар, мусиқага қизиқувчилар. Мусаввирлик қобилияти бор

ва расм чиза оладилар. Улар пичоқ дами устида юрадилар, яхшиликни ҳам, ёмонликнинг ҳам уддасидан чиқадилар. Улар учун ёпиқ эшиклар бўлмайди. Мабодо ишлари судга тушса, уларни кутқариб олишга ёки бу ишда ёлиб чиқишларига ёрдам беришади.

- 777** – ўзига хос аломат. Улар учун ҳаёт ниҳоят оғир кечади.  
**7777** – бу хавотир, ташвиш аломати, жуда ҳам хушёр бўлиш керак.

### **8 – квадрант (мажбурийлик даражаси)**

- 0** – у ёки бу олган нарсасини қайтариб беришга шошилмайди.  
**8** – юксак бурчли кишилар  
**88** – юксак бурчли кишилар, доимо ёрдам бериш истагида бўладилар  
**888** – халққа хизмат қилишни юксак бурч деб ҳисоблайдилар. Бу аломат И.Гандига хос аломатдир.  
**8888** – бу аломат фақат 1988 йилда бўлган. Аниқ фанларни ўрганиш қобилиятига эга кишилар.

### **9 – квадрант (ақл)**

- 9** – иккинчи тўққизга эга бўлиш учун курашиш керак  
**99** – туғма ақлли, хоҳишсиз ўрганеди  
**999** – жуда ҳам ақлли. Қийинчиликсиз ҳамма нарсага эришади.  
**9999** – улар учун ҳақиқат ҳар доим очиқ, нодир ақлли, аммо шафқатли эмас, дағал кишилар.

Шундай қилиб, Пифагорнинг сеҳрли жадвали, унинг таълимоти бўйича кишилар тақдири ана шундай аниқланар экан.
---

Мисолимиздаги кишининг тақдири юқоридаги жадвалда келтирилган сонлар билан ифодаланади, яъни:

- \* 111 – у киши яхши одам, бир гапдан қолади;
- \* 222 – у киши яхши экстрасенс;
- \* 3 – тартибсизлик у кишини безовта қилади, хоҳласам қиламан, хоҳласам қилмайман қабилда ишлайдиганларга нисбатан аёвсиз. Барча нарса у кишининг кайфиятига боғлиқ;
- \* 4 – у киши унчалик касалманд эмас;
- \* 0 – туғилишда у кишининг зийраклик канали очилмаган;
- \* 6 – у киши учун жисмоний меҳнат зарур, аммо таълим олишни ўйлайди;
- \* 0 – у киши 7 сонига кўпроқ эга бўлиш учун курашади ва шу учун туғилган. Аммо 7 сониви раҳм-шавқат йўли билан кўлга киритишга ҳаракат қилади. Унинг ҳаёти жуда оғир.
- \* 888 – у киши халққа хизмат қилишни юксак бурч деб ҳисоблайди. Бу аломат Индира Гандига хос аломатдир.
- \* 9 – у киши иккинчи тўққизга эга бўлиш учун курашади.

Ҳар бир кишининг ўз тақдир рақами бор. Шарқ халқларида, айниқса японияликларда рақам тўғрисидаги илм (нумерология) жудаям ривожланган. Ушбу фан орқали инсон табиати, хулқ-атвори, хусусиятларию ўзига хосликларни таниш мумкин. Бу борада ҳар бир киши ўзини текшириб кўргиси келса таваллуд топган кун, ой ва йил рақамларини кўшади. Олинган сонларнинг орасига «+» ишорасини қўйиб қўшиб чиқилади. Ундан ҳосил бўлган ёлғиз рақам сизнинг тақдир рақамингизни англатади.

Менинг бир камтарин дўстим бор. Исмлари Фатҳулла, фамилиялари Каримов. У киши ҳақида «Фидойи кишилар ҳаётидан» туркумида «Камтарин инсон» номи билан мўъжазгина рисола ни ҳам чоп этганмиз. Ана шу киши мисолидан тақдир рақамини аниқлаймиз.

Хўш, Фатҳулла аканинг тақдир рақами неча рақам экан? Ҳисоблаймиз:

Туғилган кунлари – 23 сана  
 Туғилган ойлари – феврал  
 Туғилган йиллари – 1944 йил

Сонларни жамлаб чиқамиз:

$$A) 2+3+0+2+1+9+4+4=25$$

$$B) 2+5=7$$

Ушбу «етти» сони Фатҳулла аканинг тақдир рақамлари бўлади. Бу деган сўз у кишини Уран сайёраси қўлларкан. Бу

сайёра Фатҳулла акани доимо ўйлашга, фалсафий мушоҳада юргизишга йўналтиради. Шундан бўлса керак, бундай кишилар ўзи билан ўзи бўлиб, якка ўзи қоладиган вақтлари кўп бўлади. Яъни ёлғизликни ёқтиради. Техника, илмий-тадқиқот ишларида зўр натижага эришади. Умуман олганда ушбу рақам остида таваллуд топганлар орасидан турли соҳадаги йирик-йирик шахслар етишиб чиқади.

Улуғ бобомиз Амир Темур дунёга келишида «еттилик» мўъжизаси содир бўлган экан. Ҳижрий сананинг 835 йили Шаббон ойининг 5-кунда (1336 йил 26 апрел) Тегина бегим ўғил кўради. Ўшанда Қуёш, Миррих, Ой бир чизикқа тўғри келган экан. Етти юлдуз бир-бирига яқинлашган бундай кунда туғилган чақалоққа бахт қуши қўнармиш. Албатта, бу Аллоҳнинг иноятидир.

Аслида бундай юлдузларнинг яқинлашиши ҳар 800 йилда бир бор тўғри келар экан. Айни шундай етти юлдуз яқинлашганда Искандар Зулқарнайн, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (С.А.В) ва Амир Темур бобомиз дунё юзини кўрган эканлар.

Муборак китоблардан бирида **еттилик** ҳақида ажойиб ва ибратомуз сўзлар бор экан. Унга кўра, дунё ажойиб ва улуғ зотлар туфайли барқарор, осойиштадир. Ернинг икки томонидан иккита Қутби аъзам, тўртбурчагида тўрт авлод (устун)лар, **етти** иқлимда етмиш икки абдал (бадал қилинган) доимий кўриқчилар бўлар экан.

Улардан бири бу оламдан рихлат қилса, иккинчиси дарҳол унинг ўрнини босар экан. Шу сабабли ҳам ер юзида ҳар қандай гуноҳ кўпайиб кетганида ҳам, у зеру забар (остин-устун) бўлмасдан ўз ўқи атрофидан чиқиб кетмайди. Чунки, ана шу азиз-авлиёлар, олиму фузалолар бандаларнинг гуноҳини авф этишни Ҳақ таолодан сўраб турар эканлар.

Ҳа, яхшиям бу дунёда яхшилар бор, бўлмаса, фитнес-фасод ва фужур ишлар, разолату қабоҳатлар туфайли осмон узилиб тушган ёки ёмонликларни кўтаролмаган ер одамларини ютган бўларди, дейилган.

Бошқа 1 дан 9 гача давом этган тақдир рақамлари Сиз тўғрингизда нима айта оларкан? Бу саволга жавоб «Маърифат» газетасининг 2004 йил 10 январ сониди қуйидагича берилган:

Агар тақдир рақамингиз 1 бўлса – унда сизни қўллаб-қувватловчи сайёра Куёшдир. Бу рақам остида туғилган инсоннинг ҳаёти қийинчилик ва зиддиятларга тўла бўлади. Машҳурлик ҳам, муваффақият ҳам фақат тер тўкиши билан, қатъиятлик орқали келади. Бундай одамлар кўп ҳолларда ўзига бино қўйган, «ман-ман», иккиюзли бўлади. Худди ана шу хулқи уни қўпчиликдан йироқроқ юришга чорлайди. Бундай одамлар чин дўстини ҳам ўзининг шахсий эҳтиёжи учун алмаштириб кетишдан қўрқмайди. Қандай вазият бўлмасин, бошқалардан устувор бўлишга, биринчилардан бўлиб ҳукм чиқаришга ҳаракат қилади.

Ана шундай хулқ-атвор замирида уларнинг шўхликлари бошқалардан баланд туради. Мабодо ўзининг ўйлаганлари амалга ошмаса, атрофидогиларни айблаб, гуноҳкор эгиб кўрсатиш улар учун ҳеч гап эмас.

---

**2** рақами билан таваллуд топган бўлсангиз, сизни ҳимоя қилувчи сайёра Ой экан. Демак, сизнинг юзингиз нурли, кўнглингиз кенг.

Атрофингизга дўстона нигоҳ билан қарайсиз. Сиздаги табиий имон-этиқод, «юкумли»лик атрофингизга ҳамisha яхши одамларни йиғади. Улардан аксарияти сизга тилақдош ниятда бўлишади. Қандай ишни бошламанг ҳаммаси бароридан келади. Шу боси ўзингиз ҳам ҳеч бир нарсани куч ишлатиб, зўравонлик билан олишга ҳаракат қилмайсиз. Барча яхшилик, эзулик ўз-ўзидан келади.

---

**3** рақами билан дунёга келган бўлсангиз, унда сизнинг сайёрангиз Юпитердир. Асосий хусусиятингиз одамга парвона бўлишдир. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайсиз. Ақсигча, «ўзимда эмас, ўзда бўлса экан», дейсиз. Ўта зийрак, сўзга чечан одамсиз. Қайсидир омадсизликка дуч келсангиз – тезда ўз ҳолингизга келасиз. Кўнглингиз ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Шамолингиз ҳамisha ўнг томондан эсади. Иш бошласангиз, дилдан берилиб, тез фурсатда тугатасиз. Ҳиссиёт ҳавоси сиз учун ҳаводек зарур.

---

**4** рақами билан туғилган бўлсангиз – сизни Сатурн сайёраси қўллаб-қувватлаб туради. Меҳнатда эришган даромад фақатгина ўзингизнинг ишона терингиз билан келади. Атрофингиздагилар сизга ҳамма вақт ишонади. Аммо дўстларингизнинг аксарияти сизга содиқ бўлмайди. Оилаида ҳамма ҳаракатингиз юмшоқ. Зеро, сиз энг яқин одамларингизсиз ҳаётишгизни тасаввур эта олмайсиз. Ҳаётга реалистик кўз билан қарайсиз.

---

5 рақами остида туғилган бўлсангиз, унда сизни қўллаб-қувватловчи сайёра Меркурийдир. Характерингиз тик, чўргесар, куч-қувватингиз тўлиб-тошиб туради. Бир маромдаги ҳаёт ирмоғига, ҳар куни такрорланадиган тирикчиликка чидай олмайсиз. Ички оламингиз бой, ҳиссиётли инсонсиз. Қандай масала бўлмасин, тезда ҳал қилишга киришасиз. Аммо, ўзингизга масъулият юкни олишни ҳоҳламайсиз. Фақат ўзингизгина масъул бўлган ишни тапилаб кетишга тайёрсиз. Сиз учун ҳаёт фақат ҳаракат, олдинга силжишдан иборат. Шундан бўлса керак, хизматда ҳам кўп кўзга тушишдан холисиз.

---

6 рақами остида туғилганларни Венера сайёраси ўз паноҳига олади. Гап йўқ, қўллаб-қувватловчингиз кучли, у Сизни мақсадингиз сари етаклаб боради. Охир-оқибатда юксак орзунгизга етказади. Сиз учун ҳаёт маъноси гўзаллик, гармония, уйғунлашувга интилишдир. Шундай бўлса ҳам танқидни ёқтирмайсиз. Ўзингиз эса бопқаларни бемалол, бирда маромга келтириб, бирда «қоғозга ўраб» танқид қиласиз. Ушбу рақам остида туғилганлар орасида ўзининг шахсий ҳаётига бепарволик билан қарайдиганлар ҳам мавжуд. Аммо улар ҳам атрофига ишонч билан қарашади.

---

8 рақами остида дунёга келсангиз, қўллаб-қувватловчингиз Меркурий сайёрасининг шарофати билан чўнтагингиз пулга тўла ҳаётда йўлингиз доимо оқ бўлади. Муваффақиятга осонликча эришасиз. Аммо бой бўлганингиз билан дунёнинг қули эмассиз. Одамни танишда адашмайсиз. Яхшини ҳам, ёмонни ҳам ажрата оласиз. Яқин кишингизнинг бошига иш тушса, аввало, ёрдам қўлини бериш сиз томондан бўлади.

---

9 рақами билан туғилган бўлсангиз Нептун сайёраси қудратига қараб сизнинг характерингиз ҳам тез ўзгарувчан бўлади. Шахсий ҳаётингизга унчалик кўп аҳамият беравермайсиз. Умр тўлқини билан бир маромда кетаверасиз. Гоҳида қўлингиз етмайдиган ишга бел боғлайсизда, ҳеч нарса чиқара олмай, шумшайиб ёлғиз қоласиз. Дўстларингизнинг камчиликларини вақтида кўроласиз. Асосий хусусиятингиз – таъсирчансиз. Бир сўз билан айтганда, табиати ўзгача, жумбоқ одамсиз.

---

### **Ўйингиз рақамини айтсангиз**

*Айрим мутахассисларнинг айтишига қараганда, инсон ўз йи рақами орқали келажagini билиб олиши мумкин экан...*

Сиз истиқомат қилаётган уй рақами, нафақат ўзингиз ақингизда маълумот беради, балки ўзингизни тутишингиз ва илаётган ишларингизга ҳам таъсир кўрсатади, - дейди француз нумерологи Сандра Балиери.

Бўлмаган гап, чўпчак, дерсиз? ҳаммаси ҳам сиз ўйлаганчалик эмас... Келинг, Балиери хонимни яна тинглаб кўрайлик.

Шундай қилиб, уйингиз рақами остига нима яшириниб ётганини билиш учун барча рақамларни жамлаш керак. Дейлик, сиз, **67-сонли** уйда истиқомат қиласиз.  $6+7=13$ , кейин  $1+3=4$ . Демак, 4 рақами нимани билдиришини қараб кўриш лозим қуйига назар солинг.

**1 рақами.** Бу сизнинг олдингизга қўйган мақсадга эришишга қодир, продали ва қатъиятлигингиздан далолат. Бундай рақамли уйда яшаб, омад сари етаклайдиган кучга эга бўласиз.

**2 рақами.** Кувонч, ҳаёт, муҳаббат ва маънавий етукликка лиммо-лим уй... Айниқса, бундай уйга ёш оила кўчиб кирса, улар бутун умр ажралмайдиган жуфтликка айланади. Аммо атрофингизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга жуда енгил, бирор қарама-қаршиликсиз муносабатда бўлинг. Йўқса, турмуш тарзини чигаллаштириб, уйдаги руҳият билан зиддиятга киришиб кетишингиз мумкин.

**3 рақами.** Бундай рақамли уйда яшовчиларда кўпроқ ижод, яратувчанлик, артистлик маҳорати ва ихтирочиликни ривожлантиришга мойиллик кучли.

**4 рақами.** Оила кўрмоқчи ёки фарзанд кўрмоқчи бўлсангиз, жуда сизбоп уй-да! Бахтли ва севимли бўласиз!

**5 рақами.** Агар оилада етакчи бўлсангиз ва масъулият ҳисси жуда баланд бўлса, бу уй айнан сиз учун. Тўғри, қутилмаган воқеалар ва жадал ўзгаришлар ҳам етарли бўлади. Бироқ табиатан авантюрачилар (*ҳаққоний куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмасдан, таваккалига иш бошловчи киши*) учун энг асосийси, бу уйда яшаш эмас, балки унга қайтиш ҳисобланади.

**6 рақами.** Сиз уйда ўтиришни яхши кўрадиганлар хилидансиз. Оилавий хотиржамликни ёқтирасиз, турмуш ўртоғингизга ва фарзандларга ҳурматингиз, меҳрингиз жуда баланд. Бундай кишилар ҳамиша ёрдамга тайёр бўладилар. Турли хайрия тadbирларида иштирок этишни яхши кўрадилар.

Шундай рақамли уйда яшовчилар табиатан етакчи эмаслар. Кўпроқ иккинчи даражали ролларда ўзларини намоён қиладилар. Бироқ жамоа билан ишлаш уларнинг жону дили.

**7 рақами.** Агар тижорат билан шуғулланишни истаб қолган бўлсангиз, бундай рақамли уй сизга тўғри келади. Уй ўзидан чиқараётган ижобий қувват билан ҳар бир ишни бошлашда сизга ердам беради.

**8 рақами.** Пулли уй! Молиявий ишларда омадингиз чопишига ердам бериши тайин.

**9 рақами.** Дикқат! Бундай рақамли уй ҳам ижобий, ҳам салбий қувват кесишган жойда жойлашган. Агар келажакка ишонувчи ва ҳаракатчан бўлсангиз, ҳаммаси жойида. Мабодо меланхолик (*доим ғамгин, дилгир одам*) бўлсангиз, бундай рақамли уй сиз учун эмас. Бундай уй сал бўшанглик ва арзимас хатони ҳам «кечирмайди».

### **Ким дилбар-у, ким инжиқ**

Ҳамманинг бўйи ҳар хил. Масалан, хитойлик Цзин Цзо исмли ўн тўққиз ёшли хонимнинг бўйи 2 метру 31 сантиметр. Унча-мунча йигит у билан бўйлаша олмайди. Дунё бўйича эса бундай дароз хонимларнинг сони ортиб бораётгани аниқланмоқда. Гап шундаки, одамнинг феъл-атвори унинг бўйига бевосита боғлиқ бўлар экан. Марҳамат, танишинг...

### **2 ва ундан зиёд**

Бўйи икки метрдан зиёд бўлганлар кенгфеъл ва кечиримлидирлар. Улар ниҳоятда содда-жўн, ишонувчан ва камтар бўладилар. Кўнглидаги бор гапни очиқ-ойдин айтиб қўя қоладилар. Фирромликни билмайдилар ва уларни осонликча алдаш ёки "чув" тушириш мумкин.

Лекин алданган тақдирларида ҳам жиноят қилиб ўтирмайдилар. Ўзига панд берган одамларни ҳам кечириб қўя қоладилар ёки ўша нохушликни эслашни ўзларига эп кўрмайдилар. Ҳамма ўй-эътиборларини бўлиб ўтган воқеаларга эмас, балки бўлажак воқеаларга қаратадилар. Ҳеч кимга гина сақламайдилар.

Мана шу фазилатлари туфайли уларнинг омади чопади. Аммо камдан-кам ўзлари севиб турмуш қурадилар. Бу соҳада бошқаларнинг ёрдамига муҳтожлар. Кўп ҳолларда ишга овуниб вақтни ўтказиб қўядилар ва азбаройи оқкўнгил эканликлари туфайли кўпинча алдовга учрайдилар. Шундай бўлса-да,



назокат ва иффатни сақлайдилар. Ким билан турмуш курмасинлар, кулдай хизматда бўладилар.

Бразилияда ва Венгрияда дароз хонимлар гўзаллик маликаси саналадилар. Улардаги назокатни самимий ва дилдан эканлиги эътироф этилган ҳамда уларнинг гўзаллиги беозор нилуфар гулига қиёсланади. Одатда дароз хонимлар ўрта бўй йигитлар билан бахтли турмуш кечирар экан.

### **190-200**

Бўйи 190 сантиметрдан икки метрга бўлган қизларнинг чеҳраси нурли бўлади. Шу боисдан арабларда бўйдор қизлар куёшга таққосланади. Чунки уларда кучли ва гўзал насл бериш хусусияти мавжуд деб қаралган.

Бўйдор кўзларнинг руҳияти соғломдир. Улар унча-мунча нарсага чалғимайдилар. Ўзларининг қадр-қимматини биладилар ва асло ота-оналар измидан чиқмайдилар. Аммо қалбларида муҳаббат ғалаёни тинчлик бермайди. Канчалик оғир-босиқ бўлишмасин, кўнгил розини барибир сездириб кўядилар.

Уларнинг назокатини бир кўрган йигит ошиқ бўлмай қолмайди. Бўйдор қизлар одатда камгап бўладилар. Уларнинг юз қарашларидан, ҳатто табассумларидан кўп маънони уқиб олиш мумкин. Эрга ва муҳаббатга садоқатлари баланд. Ҳатто касал ётсалар ҳам эрга хизмат кила олмаётганидан хижолат бўладилар.

Фарзандларига ҳам меҳри баланддир. Аммо оилада палапартиш ишлар кўп бўлади. Тежамкорликни ўрнига кўя олмайдилар. Меҳнат қилишдан кўра кўпроқ қаёлий орзуларга фарқ бўлишни хуш кўрадилар. Бойлик-давлатга қаттиқ берилмайдилар. Ўз кўрғони ва содиқ ёри бўлса, бахтлидир.

### **180-190**

Бўйи 180 сантиметрдан 190 сантиметргача бўлган қизлар хусн ва назокатда беназир саналадилар. Уларни шоирлар сарв дарахтига қиёслаганлар. Кўркем бўлишлари билан биргаликда бошқаларга кўп фойда келтирадилар ва буни асло миннат қилмайдилар.

Бундай қизларни халқимиз "новча" деб, атайдилар. Яъни "новча" қизлар содда ва тиришқоқдирлар. Ўзларига яхши устоз топа олсалар, ҳар қандай ишни қойилма-қом қилиб

бажаришлари мумкин. Таваккал қилиб чарчамайдилар ва таваккалчилик уларга кўп ҳолларда омадли келиши мумкин. Улар бир ишга уринганда, асло шаштидан қайтариб бўлмайди. Чунки ишига тўсқинлик қилганларни хушламайдилар.

Қаттиқ ишлайдилар-у, ammo одамларнинг кўнглини топишга унча моҳир эмаслар. Ҳаётда сабр-бардошли бўлишларига тўғри келади. Сабаби уларнинг пешонасига кўп тўсиқларни енгиш ёзилган.

Нима қилганда ҳам одамларга меҳр, оқибати баланд. Эрни беҳад ҳурмат қилади. Ўзига қарашга вақт топа олмаса ҳам, эрнинг покиза кийинтиришга имкон топади. Катталарга ҳам ҳурмати зиёдадир.

Улардаги энг яхши фазилат- ҳаётдан нолимайдилар. Борига шукр қиладилар. Улар пазандалиқда ҳам тенги йўқ маликадир. Эрлари уларнинг худди ана шу фазилатларини хуш кўрадилар ва қадрлайдилар.

### 170-180

Бўйи 170 сантиметрдан 180 сантиметртгача бўлганларни халқимиз "бўйчил" дейдилар. "Бўйчил" қизлар довярак, адолатпарвар, гўзал ва омадли бўладилар. Уларга ҳамма кийим бирдек ярашаверади. Унчалик майда гап эмаслар ва ҳаётда олдига қўйган мақсади сари қаттиқ интиладилар. Ўзининг одоб ва хусни-назокати билан кўпларни ром эта оладилар.

Тангри уларга нозик дид ва букилмас ирода ато этган. Биринчи ва иккинчи даражали ишларни яхши фарқлайдилар Зиддиятлар қаршисида ўзини оқлаб ўтиришни хуш кўрмайдилар. Кўчада ҳамма ишларни нозик дид билан дангалига ҳал қила оладилар, уйда эса ўзининг аёллик бурчларини қойилмақом қилиб, эрнинг ҳурматини топа оладилар.

Қадимда бўйчил аёллар Мисрни, Румни адолатли бошқарганлар. Англияда энг адолатли ва тинчликсевар премьер министр деб тан олинган Маргарет Тетчер ўз халқининг катта ишончига сазовор бўлди. Фарб тадқиқотчиларининг фикрига таянадиган бўлсак, агар унинг бўйи 176 сантиметрдан битта гугуртнинг қутиси барабар паст бўлганида, бунчалик шуҳрат қозонолмас эди.

Бўйчил қизлар вафодордирлар ва вафодорликни юксак қадрлайдилар. Уларга шароит яратилса, оилани бадавлат

қилишга ўзини ҳам, эрини ҳам сафарбар эта оладилар. Фикрли ва шоирона қалбга эга. Бошқалар айтган фикрдан моҳирона фойдалана оладилар. Азбаройи миннатсиз, очиққўнгилдирлар. Муҳтожлардан ҳеч нимани аямайдилар. Баъзи тутумлари эркакча бўлгани билан аёллик шаънига ҳам асло доғ туширмайдилар. Инжиқликни ҳам меъёридан оширмайдилар.

### 160-170

Бўйи 160 сантиметрдан 170 сантиметргача бўлган қизларни халқимиз салгина «бўйдорроқ», дейди. Бугунги кунда қизларнинг аксарияти ана шу - салгина бўйдорроқ туркумига мансуб. Уларнинг қалбида меҳр-оқибат кучли, қизиқишлари ранг-баранг. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бойликка ружу кўядиганлари, инжиқлари 25-30 фоиздан ошмайди.

Меҳнаткашлиги-чи?! Бу соҳада анчагина ижобий хулосага келинган. Бўйдорроқ қизларнинг аксарияти меҳнатдан қочмайдилар ва оила олдидаги масъулиятини тўғри тушунадилар.

Дидлари нозик ва муҳаббатда эҳтиёткордирлар. Оилада соғлом муҳитни қарор топтира оладилар. Бироқ келин танлашда қизларнинг бармоқларига эътибор бериш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бармоқлари узун ва раvon бўлган қизлар меҳнаткаш, самимий ва содда-жўндирлар. Улар ишни биринчи ўринга кўядилар ва ўзлари ибрат кўрсата оладилар. Уйдаги тартиб-интизом ҳам кўпчиликдагидек бўлади. Улар билан бирга уйга фаришта келади. Самимий ва дилкашликлари туфайли ўз чиройларидан асло мағрурланмайдилар. Ҳаётдан тез сабоқ олишга ва гадбиркорликка мойиллар. Улардан баъзан одамнинг ҳаёлига келмаган фикрларни кутиш мумкин. Эркак оиласидан тамомила хотиржам бўлиши мумкин. Бу албатта оилавий бахт демақдир.

### 150-160

Бўйлари 150 сантиметрдан 160 сантиметргача бўлган қизлар одатда «ўртабўй» саналадилар. Улар ҳаётда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказадилар. Шунга қарамай, уларга кучли ирода берилган. Олдиларига аниқ мақсад қўйиб одимласалар, зўр иқтидор эгаси бўлиб танила оладилар. Аммо ҳаётда кўпроқ йиқирилиб-туриб одимлайдилар ва тўғри сабоқ

олишдан чарчамайдилар. Уларга тангри шундай фазилатни инъом этганки, меҳнатдан боши чиқмай яшасалар ҳам шукр қиладилар ва фарзандларини азбаройи меҳнаткаш, одобли қилиб вояга етказадилар.

Барибир ўртабўйликда ҳикмат кўп. *Дунёдаги энг нодир ва қутилмаган янгиликлар, ихтиролар ўртабўйилар томонидан яратилади.*

Рўзгор ишларида ҳам моҳирдирлар. Фақат уларнинг феъл-агворини тушуниб, қўллаб-қуватлаб туришга тўғри келади. Салгина нарсадан руҳланиб кетишлари мумкин. Улар учун энг муҳими - оила тинчлиги. Эрнинг хоҳишига қараб иш тутадилар. Умр бўйи тилла тақинчоқларга егиша олишмаса ҳам ўзларини бахтли санайдилар. Бироқ рақиблари бўлса, уларнинг фикрини осонгина ўзгартира оладилар. Улар орасида тишлари майда, сочи майин ва сариқроқ, кўзлари қўйқўз бўлганлари ҳар ишда зийраклик, уздабуронлик кўрсата оладилар. Зийраклик эса оиладаги яхши муҳит учун кафолатдир.

### **150 ва ундан паст**

Бўйи 150 сантиметрдан паст бўлганлар ҳам асло ўксимасинлар. Тилларини ғийбатдан, дилларини эгриликдан тийиб, ниятни холис сақласалар, бахтлари албатта беназир бўлур. Ҳамма инсонларга Тангрининг карами кенг.

Кўриб турибмиз, рақамлар тилга кирди. Инсон тақдирининг қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида «сўзлади».

Рақамлар орқали алломаларимиз қатор панду насихатларни, қоида ва тамойилларни изҳор қилишган.

Ушбу бобда рақамларнинг сўздаги ифодалари орқали Қуръондаги оятлар, ҳадислар, ҳикматли сўзлар, халқ мақолларни бир бошдан кўриб чиқамиз. Зеро, донолар бисотини ўрганиш бизни юксакликка кўтариб, қудратли ва олийжаноб инсонга айлантиради.

*Ҳар куни ақалли битта қўшиқ  
эшитиш, яхши расм кўриш ва  
иложи бўлса истаган бир  
ҳикматли сўзни ўзлаштириб  
олмоқ даркор.*

**И.Гете**

**Бир  
рақамининг сўздаги ифодалари**

Инсонлар ҳаёти ташқи жиҳатдан қараганда рақам ва сонлар устига қурилгандек кўринади. Фақат **бир** рақамининг тилга кириши мисолида буни қуйидагиларда кўришимиз мумкин. Муҳаммад пайғамбар алайҳис-с-салом ҳадисларида шундай банд бор[44, 88-бет]<sup>1)</sup>:

1. Бир гуноҳ бор – кечирилмайди;
2. Бир гуноҳ бор – ташланмайди (ҳисоб-китоб қолмайди);
3. Бир гуноҳ бор – кечирилади.

Кечирилмайдигани – Аллоҳга ширк келтиришдир. Кечирилмайдигани – у банд билан Аллоҳ ўртасидаги нарсадир. Аммо, ташланмайдигани – бандаларнинг бир-бирларига қилган зулмидир. (моддий ва маънавий) [44].

Пайғамаримиз яна шундай деб марҳамат қилганлар:

«**Бир** соат илм ўрганиш, кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир». Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир [44, 93-бет].

Соҳибқирон Амир Темури ўғитларида шундай дейилган: «Худо **битта**, унинг шериги йўқдир. Шудай бўлгач Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки – ер юзига эгалик қиладиган (кадхудо) киши ҳам **битта** бўлиши керак» [71]. Ёки қуйидаги ҳикमतлар моҳиятига эътибор беринг-а ! [82, 41-48-бетлар]

- Бир бошоқ – бир сават нон.
- Бир ёмоннинг бир яхшиси бор.
- Бир кун минг кун бўлмас.
- Бир кун туғилмоқ, бир кун ўлмоқ бор.
- Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетар.
- Бир майизни қирқ киши бўлиб ебди.
- Бир кўрган –билиш, икки кўрган таниш.
- Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади.
- Бир одамга бир одам сабабчи бўлади.
- Бир онадан алвон хил бола туғилади
- Бир томчи сув чумолига дарё кўринар.
- Бир тулки етти бўрини етаклайди.
- Бир қозонда икки қўчқорнинг боши қайнамас

Кўриб турибмизки, кишилар ўз тақдирлари ҳақида

---

<sup>1)</sup> Бу ерда ва бундан кейинги иқтибослар шу тартибда берилган, яъни 44 – бу китоб номини ифодаловчи рақам, у адабиётлар рўйхатида қавс ичида олинган, 88 эса қайси бетдалигини ифодалайди.

тўқилган мақол ва ҳикматли сўзларда ҳам сон ва рақамларни (мисолимизда бир рақамини) жуда кўп ишлатишган.

Тилга кирган рақамларнинг янада жозибалигини, сир-синоатини, киши бовар қилмайдиган қуйидаги фактларда кўришимиз мумкин:

- Юракнинг тўхтовсиз ишлаши учун жуда кўп энергия сарф бўлади. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, юракнинг фақат **бир суткалик** юмуши учун сарфланган энергия 5 челақ сувни қайнатади.
- Одамнинг **бир** кеча-кундузда кўргани тасмага туширилса, 19 километрга етар экан.
- Ҳар минутда юрак нормада 70 марта, **бир** соатда тахминан 4 000 марта қисқаради. Бир йилда юрак қисқаришлари сони астрономик рақамларгача етади – 34 миллион мартадан ошиб кетади.
- Киши **бир** кунда ўртача 20 000 қадам юради, бу унинг ўртача 70 йиллик умрида 420 миллион қадамни ташкил қилади. Бу миқдордаги қадам билан инсон Ойга бемалол пиёда бориши ёки экватор бўйлаб Ерни 9 марта айланиб чиқиши мумкин.

Одатда, одамзод **бир** кеча-кундузда 8 соат ухлаши керак. Демак, **бир** ойда у 240 соат, бир йилда 2880 соат ёки 120 кун уйку ҳолатида бўлади. Эркак киши аёлларга нисбатан камроқ ухларкан. Ўртача умр кечирган эркак 24 йил, аёллар эса 27 йил ҳаётини хобгоҳда ўтказади.

### **Бир ойлик ёки бир йиллик истеъмол меъёрингизни биласизми?**

Маълумки, инсон яшаш давомида маълум миқдордаги озиқ-овқатни истеъмол қилиши керак. Албатта, бу миқдор ўзгарувчан бўлиб, имкониятга қараб кўп ёки оз бўлади. Масалан, имкони борлар кўпроқ ва аксинча, имкони чекланганлар камроқ истеъмол қилади. Олимлар (биолог, врач, иқтисодчилар) томонидан ўртача талаб ўрганиб чиқилиб, меъёридаги истеъмол саватчаси (русча «потребительская корзина») ишлаб чиқилган. Оддий истеъмол саватчасига 18 та маҳсулот (чекувчиларга 19 та) аниқланиб, унинг ойлик миқдори белгиланган, шунга қараб йиллик ҳисобни ҳам билиш мумкин. Бундан мураккаброқ истеъмол саватчаси ҳам бор, унга

кўпроқ кўрсаткичлар киради. Масалан, Россия Федерациясида уларнинг номи 300 тани, АҚШ да эса 500 тани ташкил қилади.

Бу кўрсаткич орқали ҳар бир одам оила, давлат аҳолиси учун керакли бўлган озиқ-овқатни ҳисоблаб чиқса бўлади. Шунингдек, ҳар бир киши қанчалик озиқ-овқат истеъмол қилаётганини назорат ҳам қила олади.

Қуйида истеъмол саватчаси (1 киши бошига) кўрсаткичларини берамиз:

Т/р	Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари	Норма <sup>1</sup>	
		грамм (бир суткада)	кг (бир йилда)
1.	Нон (буғдой нони)	170	62
2.	Макарон	11	4
3.	Картошка	138	50
4.	Карам	42	15
5.	Бодринг	34	12
6.	Помидор	34	12
7.	Пиёз	95	35
8.	Олма	121	45
9.	Узум	37	14
10.	Гўшт (молники)	50	18
11.	Товуқ	20	7
12.	Балиқ	28	10
13.	Сут ва сут маҳсулотлари	669	244
14.	Ёғ (мол ёғи)	8	3
15.	Тухум (дона)	0,8	287
16.	Ёғ (ўсимлик)	18	7
17.	Қанд (шакар)	53	19
18.	Чой	2	0,9
19.	Туз	8	3

- Донишмандларнинг айтишича:
  - Бир йил тўқ яшайман десанг – шоли (дон-дун) эккин.
  - Беш йил олдинни кўзласанг – боғ яратгин.
  - Бир умр фароғатда яшамоқчи бўлсанг – борингни таълим-тарбияга сарфла.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.10.1999 йилда тасдиқланган нормалари



*Инсоннинг энг яхши ва гўзал  
фикрларини жамлаш беқиёс  
хазина яратиш бўлур эди.*

Ж.Делиль

**Икки  
рақами тилга кирганда**

Инсон қадим-қадим замонлардан бўён иккиликка катта эътибор бериб келган. Тангри таоло яратган бутун оламни икки хил мазмун, қисмдан иборат қилиб яратди:

1. Яширинган олам-олами ғайб.

2. Кўринадиган олам- олами шухуд.

Олами ғайбни малакут олами, амр олами, руҳ (жон) олами; олами шухудни мулк олами, махлуқот олами, жисм олами деб аталади. Шунини билиш керакки, инсон **кичик олам**, барча оламлар эса, **улуғ оламдир**. Инсон икки оламнинг нухаси, тимсоли ва белгисидир [18,26-бет].

Ислом динига кириш, мусулмон бўлиш учун икки иймон калимасини:

1. Калиман тахвид

2. Калиман шоҳадатни тили билан айтмоқ ва қалбан, чин дилдан ишониб тасдиқламоқ кифоядир:

1. “Ла илоҳа иллалоҳу Муҳаммадур Расулоллоҳ” (маъноси: Аллоҳдан бошқа ҳеч бир Илоҳ-Маъбуд (Ҳудо) йўқ. Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир)

2. “Ашҳаду ан ла илаҳа иллалоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу” (Гувоҳлик бераманки, бир Аллоҳдан бошқа Илоҳ йўқдир ва яна гувоҳлик бераманки, албатта, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва бандаларини тўғри йўлга солмоқ учун юборган элчисидир).

Мусулмон бўлишни истаган ҳар қандай ғайридин ёки динсиз киши юқоридаги **икки** калимани айтиб, ўзининг Ислом динига кирганлигини кўпчилик олдида эълон қилса, чин мусулмон бўлган ҳисобланади [18,300-бет].

Ҳар бир одамда **икки** -ўнг елкасида савоб ишларни ёзадиган **фаришта**, чап елкасида ёмонлик, гуноҳ ишларни ёзадиган **шайтон** мавжуд бўлиб, улар инсон қалби учун кураш олиб борадилар.

Рахшон фариштаси инсонни яхшиликка ундаб, уни ёмонликдан қайтаради ва қилган савоб ишларини ёзиб боради. Шайтон эса устози Иблиснинг буйруғини бажара бориб, инсонни ёмон-гуноҳ ишларга ундайди, васваса қилиб йўлдан оздиради. У ўз ёвуз ниятини инсон табиатига нафс, кибру-ҳаво, жоҳиллик, қаҳр-ғазаб, рашк, ҳасад, суқлик, кек, адоват, ёвузлик ҳамда бало-офат, мусибат, бахтсизликка тоқатсизлик,

чидамаслик каби иллатларни ривожлантириш орқали амалга оширади.

Дунё ҳаётини **икки** қарама-қаршилик, бир-бирига зид жуфтлик бир-бири билан курашиб, дунёни ва дунё ишларини ҳаракатга келтиради. Булар:

<ul style="list-style-type: none"><li>• раҳмон ва шайтон;</li><li>• эзгулик ва ёвузлик;</li><li>• нафс ва қаноат;</li><li>• оқиллик ва донолик;</li><li>• бойлик ва фақирлик;</li><li>• эркак ва аёл;</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• хурсандчилик ва ғамгинлик;</li><li>• ўт ва сув;</li><li>• иссиқлик ва совуқлик;</li><li>• мусбат ва манфий;</li><li>• ҳаёт ва мамот;</li><li>• бу дунё ва у дунё (охират) ва ҳ.к.</li></ul>
---	---

Борди-ю аксинча, бир хиллик бўлса, бу бир хилликдан ҳаракат рўй бермайди, дунёни ҳаракатга келтирувчи қувват пайдо бўлмайди [18,36-бет].

Икки рақами билан ҳаётдаги, нафақат, ижобий жиҳатлар, шу билан бирга салбий жиҳатлар ҳам ифода этилган. Улар орқали алломаларимиз қатор панду насиҳатларни, қоида ва тамойилларни изҳор қилишган. Қуйида шуларнинг айримларини келтирамыз:

### **Икки рақами билан ифодаланган ижобий жиҳатлар**

- Жаноб Расулиллоҳ Ашаж исмли саҳобага қараб дедилар: «Сенда Аллоҳ ва расул яхши кўрадиган **иккита** хислат бор:
  1. Ҳалимлик (ғазаб тез келмаслик).
  2. Сабрлилик [44,70-бет].
- **Икки** одам ҳеч қачон камбағал бўлмайди:
  1. Доно одам.
  2. Қаноат соҳиби.

(Оталар сўзи-ақлнинг кўзи).
- **Икки** иш улугликдан далолат беради:
  1. Илмга муҳаббат.
  2. Ширин сўзлик.

(Фаридиддин Аттор)
- **Икки** нарса дунёда энг азиздир:

Биринчи – қўл меҳнати билан топилган бойлик.  
Иккинчи – дилида дўстлик барқарор бўлган содиқ дўст.  
(Оталар сўзи- ақлнинг кўзи)
- Сукрот ҳаким айтади:

Кўнгилинг **икки** офати бор: бириси ўтган ишга

қайғуриш, иккинчиси келгуси ишни ўйлаб ғам, алам чекишдир. Биринчисидан одам кўп уйқучан бўлса, иккинчисидан уйқусизликка мубтало бўлади.

### **Икки рақами билан ифодаланган салбий жиҳатлар**

- **Икки** кишига қиёмат кунда Аллоҳ қарамайди (раҳмат назари билан) [44,53-бет]:
  1. Қариндошчиликни узган одамга.
  2. Қўшнисига ёмонлик қилувчи одамга.
- Мен сизларга икки заифнинг ҳаққини ҳаром қиламан [44,73-бет]:
  1. Етим.
  2. Хотин.
- **Иккита** ёмон хислат мўмин кишида жам бўлмайди [44,85-бет]:
  1. Бахиллик.
  2. Бадхулқлик.
- **Икки** киши билган сир бутун маҳаллага ёйилади;
- Киши учун ногаҳоний ўлим **икки** нарсадан келади:
  1. Ортиқча бойлик учун интилишдан.
  2. Беъмани сўзларни кўп гапиришдан.
- **Икки** нарса киши қўлида бўлса увол:
  1. Гўзаликка мағрур бўлган кишига берилган ҳусн.
  2. Гўзаллик қадрини билмайдиган кишига тушиб қолган киши.
- **Икки** нимарса кўнгилни фасодга элтур:

Бири – тўла емоқ.  
Иккинчиси – тўла ухламоқ
- Тилнинг, асосан, **икки** улкан офати бор:
  1. Беҳуда, беъмани, ботил сўзларни сўзлаш.
  2. Ҳақ гапни айтмасдан, сукут сақлаш.
- **Икки** тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади:
  1. Мол-мулк йиғиб, фойдаланмаган.
  2. Илм олиб унга амал қилмаган.
- **Икки** нарса борки, унинг ози ҳам кўп:
  1. Бири – адоват.
  2. Иккинчиси - чақимчилик.

(Оталар сўзи – ақлнинг кўзи)

- **Икки** тоифа киши борки, бирор нарсани орзу қилади, аммо бунга етиша олмайди. Биринчиси, гуноҳ қилиб қўйиб, азобдан қутулмоқчи бўлган киши. Иккинчиси, ўз бойлиги билан дунёда ҳаловат топмоқчи бўлган бадавлат киши.

### **Икки рақами ва унинг ранг-баранг жиҳатлари**

- Мўйсафиднинг жисми заифлашади-ю, лекин қалби **икки** нарсанинг муҳаббатида ёш ҳолатда қолади [44,92-бет]:
  1. Узоқ умр кўриш орзуси;
  2. Мол-дунё муҳаббати.
- **Икки** қози дўзахда-ю бир қози жаннатдадир. Ҳақиқатни билиб, ҳаққоний ҳукм қилган қози жаннатдадир. Ҳақиқатни билиб, қасддан жабр қилган қози билан ҳақиқатни билмасдан ҳукм қилган қози дўзахдадир [44,96-бет].
- Ҳақиқат **икки** йўл билан аён бўлади:
  1. Зоҳир нарса борлиги билан.
  2. Ноаниқ нарса борлиги билан.

(Ибн Мискавайх)

- Агар **икки** хатарлик (ёки) бир хатарлик ишларни қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутилиш чораси топилмагач, бир хатарини ихтиёр этмоқ керак [71].
- Кенгаш **икки** турли бўлур [71]:
 

Бири – тил учида айтилган.  
Иккинчиси – юракдан чиққан.

Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим. Сипоҳни иккилантирадиган (турумсиэ) кенгашни эшитишдан сақланардим.
- Мен Осиё, Европа, Африка қитъаларидан 27 давлатни бирлаштириб, битта буюк Турон давлатини қурдим. Унга 35 йил подшолик қилдим ва шу даврда халқларимнинг **иккита** талабини қондирдим» [71]:
  - Бири – тўкин сочинлик.
  - Иккинчиси – ибодат.

(Амир Темур)

- **Икки** нарса борким, кўпчилик уларни қадрига етмайди:
  1. Бири – соғлиқ.
  2. Иккинчиси – бўш вақт.

(Ат-Термизий)

- Биринчи раҳбарларни **икки** тоифага бўлиш мумкин.

**Биринчи тоифа**, бу ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кимсалардир.

**Иккинчи тоифа эса** – бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни «ўйинчи» дегим келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни хоҳламайди. Ўйин билан юрибди. Шамолга қараб туради. Хушомадгўйлик билан овора. (2, 67-бет).

### **Икки рақами ва ҳикматлар**

- Икки ахлоқ тегирмонда уришар.
  - Икки ёрти – бир бутун.
  - Икки игна бир ипда- икки зикна бир ерда.
  - Икки от тепинса, ўртада эшак ўлади.
  - Икки хўроз уришса, товуқлар дам олади.
  - Икки шунқор уришса, бир қарғага ем бўлар.
  - Икки яқин уришса, ўзгаларга ем бўлар.
  - Икки яхши қасд бўлмас, икки душман дўст бўлмас.
  - Икки яхши зерикмас, икки ёмон бирикмас.
  - Икки ўн беш- бир ўттиз.
  - Икки куённи қувлаган- бирини ҳам туютолмас.
  - Икки кеманинг учини тутган фарқдир.
  - Икки қучқорнинг боши бир қозонда қайнамас.
  - Икки подшо бир мамлакатга сиғмайди.
- [81,151-155-бетлар]
- Бир донишманд ўз ўғлига насиҳат қилиб айтади. **Икки** нарсани мендан ол, сенга керак бўлади:  
**Биринчиси**, нимани сўзламоқчи бўлсанг, ўйламасдан сўзлама.  
**Иккинчиси**, нима қилмоқчи бўлсанг тадбирсиз қилма.
  - **Икки** нарса, яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат – ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу ҳислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади.

---

*Мен мақоллардан жуда кўп  
нарсани, бошқача қилиб айтганда,  
лўнда фикрлашни ўрганганман.*

М.Горький

**Уч  
рақамининг сўздаги ифодалари**

Уч рақами ҳам ўзининг сержило қирраларига эга. Бу рақам орқали кўпдан-кўп оятлар, ҳадислар, ва ҳикматлар изҳор қилинган. Пайғабаримиз ҳадисларида шундай дейилади:

Аллоҳ таоло **уч** нарсани қилишларингга рози бўлади ва уч нарсани қилишларингни ёмон кўради [44, 67- бет]:

### **Рози бўлганлари:**

1. Худонинг ўзигагина ибодат (итоат) қилиб, унга ҳеч бир нарсани шерик деб санамасларингга.
2. Аллоҳнинг узилмас арқонини маҳкам биргаликда ушлаб, ҳеч ажралмасларингга.
3. Ишларингга бош бўлган бошлиқларингга дўстона, самимий муносабатда бўлмоқчиларингга.

### **Норози бўладиганлари:**

1. Миш-миш гап айтиб юришганларингга.
2. Саволни кўп беришга.
3. Молни беҳуда сарфлашга.

Хитойликлар бола тарбияси жараёнида бўладиган муомалани кўйидаги **уч** ёшга қараб, муносиб бўлишини айтишади:

1. 6 ёшга тўлгунча - унга подшо тенгида муомала қилиш.
2. 6-16 ёш ўртасида - қулга ёндошгандай муомала қилгин.
3. 16 ёшга тўлганда - дўстни топгандай муомала қилгин.

Ёки яна бундай дейилган:

“Энг муҳими, бола тарбиясига киришишдан олдин ўзинг тарбияли бўл. Зеро, сен тарбия, деб фарзанд қалбига нима эксанг, шу кўкаради. Тарбияда эҳтиёт бўл, охир-оқибатда буғдой ўрнига ғумой ўриб қолма, неъмат ўрнига касофатни топма”. Шу нуқтаи назардан:

### **Тарбияда танаффус бўлмас**

Кўйида **уч** рақами билан ифодаланган оятлар, ҳадислар, ҳикматлар ва тамойилларни келтирамиз:

### **Уч рақами билан ифодаланган ижобий жиҳатлар**

Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларида бу ҳақда кўйидагилар таъкидланган:

- **Уч** нарса бор, кимда у бўлса, Аллоҳ таоло унга раҳмат



қанотини ёзади ва жаннатга киргизади:[44, 78-бет]

1. Заифга меҳрибон бўлиш.
  1. Ота-онанинг дуосини олиш.
  2. Қўл остидагиларга яхшилик қилиш.
- **Уч** нарса бор. Кимда у бўлса, Аллоҳ таоло унинг ҳисобини осон қилади ва ўз раҳматила жаннатга киргизади [44, 78-бет]:
    1. Ким сенга бермаса, сен унга бер.
    2. Зулм қилган кишини кечир.
    3. Сендан алоқасини узган одамга сен алоқангни боғлайвер.
  - **Уч** нарса бор, ким уни Аллоҳ учун қилса, Аллоҳ уларга ёрдам ва барокот беради:[44,78-бет]
    1. Ким Аллоҳга ишониб, савоб умидида қул озод қилса.
    2. Аллоҳга ишоғиб савоб умидида уйланса.
    3. Аллоҳдан савоб умидида қўриқ ерни очса.
  - **Учта** дуо қабулдир [44,79-бет]:
    1. Ота-онанинг болага қилган дуои бади.
    2. Мусофир дуоси.
    3. Маълум дуоси (зулм -ҳақни ўрнига қўймаслик, суистеъмол қилиш).
  - **Уч** нарса борки, улар ҳар бир мусулмонга вожибдир[44,79-бет]:
    1. Касал кўриш.
    2. Жанозага қатнашиш.
    3. Акса уриб «алҳамдулиллоҳ»деса «ярҳамукаллоҳу ва яшфиқ» деб жавоб қайтариш.
  - **Уч** киши бор, уларнинг айбини айтиш сенга ҳаром эмас[44,80-бет]:
    1. Очиқ фосиқ (гуноҳи кабирани ошкора қиладиган).
    2. Золим бошлиқ.
    3. Бидъатчи (динга янгилик киритувчи).
- Шарқ фалсафий фикр тарихидаги улкан шахслардан бири, биринчилардан бўлиб, Арасту ва Ал Фаробийдан кейин «Ал-Муаллимус-солис»- «Учинчи муаллим» номини олган, узоқ умр кўриб 96 ёшда 1030 йилда Исфажонда вафот этган Ибн Мисковайх эса **уч** рақами орқали қуйидагиларни изҳор қилади:
- **Нажот** йўли **учта**дир:

1. Ҳидоят йўлидан бориш.
  2. Имонни камолга етказиш.
  3. Соғлом ғазодир.
- **Энг катта бойлик уч** нарасадир:
    1. Илмлардан дин йўлида фойдаланиш.
    2. Сабру-қаноати Оллоҳга тоат этишдаки, ибодат қилинган сари сабр кучаяди.
    3. Аллоҳнинг берган ризқига қаноат қилиш, оғир кунларни енгишга ёрдам беради.
  - **Уч** нарса дунёнинг хурсандчилигига асосдир:
    1. Тақдирга тан бериб яшамок.
    2. Тоат билан иш юритмоқ.
    3. Эртанинг ғамини ўйламаслик.
  - **Оқил одам уч** нарсани ёдида тутиши зарур:
    1. Дунёнинг фонийлигини.
    2. Ундаги аҳволларга қараб иш юритишни.
    3. Унинг офатларидан ҳеч ким қочиб қутила олмаслигини;
  - **Уч** тоифа одам ғурбатда ёлғиз бўлмайдилар, уларга бўлган иззат-ҳурмат камаймайди:
    1. Шижоатли киши қаерга бормасин унинг шижоатига эҳтиёж бўлаверади.
    2. Олим одам, унинг илмига ва фаҳмига кишилар доимо ҳожатда бўладилар.
    3. Ширин сўз гапга уста одам.
  - **Уч** нарсани **уч** нарса билан безаган одам бахтлидир:
    1. Фикрни тўғрилиқ билан.
    2. Сўзни ростлик билан.
    3. Феълни саховат билан.

(Оталар сўзи ақлнинг кўзи)

- **Уч** нарса саодат калити:
  1. Беминнат хайр-эҳсон.
  2. Бировда содир бўлган кичкина айб билан уни маломат қилмаслик.
  3. Адашганини тўғри йўлга солиш.

(Фаридиддин Аттор)

### **Уч рақами билан ифодаланган салбий жиҳатлар**

Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларида қуйидагилар

таъкидланган:

- Мунофиқнинг аломати **учтадир** [44, 51-бет]:
  1. Гапирса ёлғон гапиреди.
  2. Ваъдасига бевафо бўлади.
  3. Омонатга хиёнат қилади.
- Ўзидан кейин умматларимда содир бўлишидан кўрққан нарсам **учтадир**[44, 54-бет]:
  1. Бошлиқлар зулми.
  2. Мунажжимликка (фолбинга) ишониш.
  3. Тақдирга ишонмаслик, уни ёлғонга чиқариш.
- Агар **уч** киши бўлсаларинг учинчи кишини қолдириб, иккиталаринг гаплашманглар – то одамларга қўшилгунча, чунки ажратиб қуйиш уни хафа қилади[44,58-бет].
- **Уч** тоифа бадбахт одамлар бор, уларнинг ҳолидан сурамай қўя қол [44,80-бет]
  - 1. Аллоҳдан улуғлигини талашган одам (яъни, ўзига бино қўйган киши).
  2. Аллоҳдан азизликни талашган одам (яъни, иззатгалаб киши).
  3. Аллоҳнинг исми, сифатларига шаклланган, ёки раҳматидан умидсиз бўлган одам.
- Гуноҳи кабираларнинг катталари **учтадир**[44.74-бет]:
  1. Аллоҳга ширк келтириш.
  2. Ота-онага оқ бўлиш.
  3. Ёлғон қасам ичиш.
- Айбдорлик учун қуйидаги **уч** сифат кифоя қилади[44.74-бет]:
  1. Ўзидаги айбни кўрмасдан уни бошқа одамларда кўришлик.
  2. Ўзи қилаётган ишни бошқалар қилса кулиш.
  3. Суҳбатдошга озор бериш.
- Ҳар бир ёлғон гап одам боласига гуноҳ бўлиб ёзилади, лекин, **уч** ёлғон ёзилмайди[44.98-бет]:
  1. Киши урушда (душманга) ҳийла ишлатади, чунки урушнинг ўзи ҳийладир.
  2. Киши хотинига мураса учун ёлғон гапиреди.
  3. Киши икки кишининг орасини ислоҳ қилиш (яраштириш) учун ёлғон гапиреди.
- **Уч** нарса катта балолардандир[44,78-79-бетлар]:

1. Яхшилик қилсанг раҳмат айтмайдиган ва ёмонлик қилсанг кечирмайдиган бошлиқ.
  2. Яхшилигингни беркитиб, ёмонлигингни кўрса, очадиган кўшни.
  3. Борингга озор берадиган, йўғингда хиёнат қиладиган хотин.
- **Уч** ёмонлик бор. Ислом уммати ундан қутилмайди[44, 79-бет]:
    1. Ҳасад.
    2. Бадгумонлик.
    3. Шумланиш.

Сизларга улардан қутилиш йўлини айтайми? Агар бадгумон бўлсанг, гумонингга ишонма. Агар Ҳасад келса, юзага чиқарма. Агар шумлансанг, уни деб йўлдан қолма.

- Аллоҳ таоло айтади: **уч** тоифа одам бор, қиёмат куни улар билан хусуматлашаман (урушаман), ким билан хусуматлашмасам уни жазолайман[44, 80-бет]:
  1. Мени ўртага қўйиб омонат олиб, кейин хиёнат қилган киши.
  2. Озод одамни сотиб, пулини еган киши.
  3. Мардикор ишлатиб, ҳаққини тўла бермаган киши.
- **Уч** киши борки, улар ҳақида сўрамай қўя қол[44,80-бет]:
  1. Жамоатдан ажраб, имомга осий бўлиб, осийликда вафот этган киши.
  2. Эгасидан қочиб, қочоқликда вафот этган қул.
  3. Дунёвий ҳамма ҳожатларига кифоя қилиб турган эрининг йўғида беҳаёлик билан, очилиб, сочилиб кўчаларда юрувчи хотин. Улар тўғрисида сўрамай қўя қол.
- Пушаймонлик **уч** хил бўлади: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пушаймон арзимаган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарсани ея олмай қолиш, арзимаган нарсага эга бўла олмай қолиш сабабли пайдо бўлади. Ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймон эса кўлидан келса ҳам бепарволик туфайли тайёр ерга экин экмай вақтни ўтказиб бориш орқали келади. Бир умрлик пушаймонлик эса адашиш орқали муносиб бўлмаган мурасасиз хотинга уйланиб қолиш орқасидан келади.
- **Уч** киши бор, Аллоҳ уларнинг дуосини қабул қилмайди[44,80-бет]:

1. Хароба уйга кириб ётган кишини (паноҳингда асрагин деган дуога қулоқ йўқ)
  2. Йўл устига ётган кишини (ўзинг асра деганни)
  3. Уловини қўйиб юбориб, Аллоҳдан йўқолмаслигини сўраган кишини.
- **Уч** кишига қиёмат кунда Аллоҳ таоло гапирмайди, қарамайди ва уларни қаттиқ азоблайди [44, 81-бет]:
    1. Далада ўзидан ортиқча суви бору йўлдан ўтган йўловчига бермайдиган кишига.
    2. Асрдан кейин (яъни кечки савдода) савдо қилиб, Аллоҳ номига қасам ичиб, «Мана шуни шунча пулга олдим», - деб ёлғон гапириб, мол ўтказган кишига.
    3. Имомга дунё учун байъат қилган кишига, агар дунёдан берса вафо қилади, бермаса имомнинг буйруғига итоат қилмайди.
  - **Уч** кишини Аллоҳ гуноҳдан тозаламайди, уларга қарамайди ва гапирмайди[44,81-бет]:
    1. Шайхи зоний (катта ёшдаги зинокор)
    2. Ёлғончи подшоҳ.
    3. Мутакаббир фақир (камбағал).
  - **Уч** кишига Аллоҳ қиёмат куни қарамайди[44,81-бет]:
    1. Ота-онага оқ бўлган (яъни ранжитган).
    2. Эракларга ўзини ўхшатган эракшода хотин.
    3. Даюс (хотинини қизғонмайдиган одам).
  - Яна **уч** тоифа одамлар жаннатга кирмайди[44,81-бет]:
    1. Ота-онани ранжитган.
    2. Ароқхўр.
    3. Берганини миннат қилган киши.
  - **Уч** кишининг дуоси қабул (мустажоб) бўлмайди[44,81-бет]:
    1. Қўлида бадхулқ хотини бўлиб, уни талоқ қилмаган кишини.
    2. Бировга ҳаққи бўлиб, унга гувоҳ қилмаган кишини.
    3. Молни оқилсизга берган кишини. Чунки Аллоҳ "молни оқилсизларга берманглар", деган.

### **Алломаларимиз дейдилар:**

- Инсон ҳаётида **уч** нарса, айниқса, мудҳишдир:
  1. Ўлим ваҳимаси.
  2. Касал хуружи.

### 3. Қарз залолати.

(Абу Али ибн Сино)

- **Уч** нарса қаттиқ кўнгилли кишига хосдир:
  1. Бечораларга жабр-ситама қилиш.
  2. Қаноатсизлик.
  3. Насихатни қабул қилмаслик.

(Фаридиддин Аттор)

#### Доволар бисотидан:

- Дунёнинг ғам-ғуссаси **уч** кишида бўлади:
  1. Севиклисидан айрилган севувчида.
  2. Фарзанди йўлдан адашган меҳрибон ота-онада.
  3. Мол-мулкидан ажралган ўзига тўқ одамда.
- **Уч** нарса кишини қийнаб, заяфлаштиради. Улар:
  1. Бахил билан бирга яшаш.
  2. Тепса-тебранмас киши билан улфат бўлиш.
  3. Бажарилиши узоққа чўзилган ваъда.
- Донишманд айтади: **Уч** кишига раҳмим келади:
  1. Бой бўлиб камбағалга айланган кишига.
  2. Улуғ бўлиб хорга айланган кишига.
  3. Олим бўлиб нодонлар суҳбатига тушиб қолган кишига.

#### Уч рақами ва унинг сержило жиҳатлари

Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларида яна шундай дейилган:

- **Уч** нарсани қасамёд қилиб айтаман [44,79-бет]:
  1. Садақа банданинг молини камайтирмайди.
  2. Қайси бир банда ўзига етаётган озорга сабр қилса, Аллоҳ унинг азизлигини зиёда қилади.
  3. Банда агар тиламчилик эшигига қадам қўйса Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади.
- Эшитувчи **уч** ҳолатдагина гапирувчининг сўзига қарши чиқиши мумкин:
  1. Агар жоҳил одам мусибат аламига сабр қилади деса;
  2. Агар оқил одам ўзига фойдали ишдан юз ўгирса;
  3. Агар қайнона келинни яхши кўрдим деса.

(Ибн Мискавайх)

- **Уч** нарсадан тўйиб бўлмайди:
  1. Саломатликдан.

2. Ҳаётдан.
3. Молдан.

(Ибн Мискавайх)

- Бирор киши менга озор берса **уч** нарсанинг бирига амал қилиб, хафа бўлмайман:
  1. Агар озор берувчи фазилатларда мендан устун бўлса, унинг озорини ўзим учун фойда ва фазилат, деб биламан.
  2. Борди-ю мен билан тенг бўлса, тенгликни ҳурмат қиламан.
  3. Агар ўзимдан паст бўлса, унинг ноқаслиги учун кечираман.

(Ал-Ақнаф)

- **Уч** нарса **уч** нарса билан топилмайди:
  1. Қуруқ истак бойлик келтирмайди.
  2. Пардоз билан ёшлик қайтмайди.
  3. Дори-дармон билан саломатлик қайтмайди.

(Ибн Мискавайх)

### **Донолар бисотидан:**

- Ҳар бир инсон **уч** нарсага **уч** кўз билан назар солиши лозим:
  1. Одамларга такаббурлик кўзи билан эмас, камтарлик кўзи билан.
  2. Ҳалолдан бойиган кишиларга ҳасад кўзи билан эмас, ибрат кўзи билан.
  3. Хотин-қизларга шаҳват кўзи билан эмас, шафқат кўзи билан.
- **Уч** тоифа одамнинг хизматидан дилтанг бўлмаслиги керак:
  1. Ота-она.
  2. Бемор.
  3. Меҳмон.
- Одам бу дунёда **уч** нарсага интилади:
  1. Яхши турмуш кечирмоқ.
  2. Одамлар орасида юксак мавқега эга бўлмоқ.
  3. Охират савобини топмоқ учун хайрли ишлар қилмоқдир.

Бу **уч** нарса тўрт восита билан қўлга киритилади:

1. Ҳалол меҳнат билан давлат тўпламоқ.
2. Қўлга киритилган давлатни сақлай билмоқ.
3. Исрофга йўл қўймасдан мазкур давлатни харжламоқ.

- Ўтмишдаги машҳур файласуфлар ноаниқ, мураккаб, қийин тушуниладиган жумлаларни ишлатишга **уч нарса**ни сабаб қилиб кўрсатадилар:
  1. Ўқувчини фалсафа илмини ўрганишга қобилиятини синаб кўриш учун;
  2. Фалсафани барчага тушунарли қилиб эмас, балки уларга муносиб одамларгагина тушунарли қилиб бериш учун.
  3. Фикрни қийин масалалар билан машқ қилдириш учун.
- Ислом динига амал қилувчилар маълум сабабларга кўра **уч** йўналишга ажралдилар. Улардан дастлабкис **хорижийлик** бўлиб, кейинчилари **суннийлик** ва **шиалик** йўналишларидир. Хорижийлик ҳозирги даврда умуман йўқ бўлиб кетган. Суннийлик ва шиалик ҳозирги кунгача амал қилиб келади. Бугунги кунда Ислом дини ана шу икки йўналишда кетмоқда.
 

Дунёда ислом динига тахминан 1,3 миллиард киши эътиқод қилади. Улардан 92,5 фоизи исломнинг суннийлик, 7,5 фоизи шиъалик йўналишига мансуб[18,296-бет].
- **Уч** нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир:
  - Биринчиси**, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги.
  - Иккинчи**, олимларнинг серғазаб бўлиши.
  - Учинчиси**, хотинларнинг бешарм бўлиши.
- **Уч** нарса ақлга зид:
  1. Ўйламай жавоб бериш.
  2. Ортиқча ялиниб ёлвориш.
  3. Беҳудага кулавериш.
- **Уч** нарсанинг охири ҳалокат билан тугайди:
  1. Бахиллик.
  2. Таъмагирлик.
  3. Такаббурлик.
- **Уч** нарса нодонларга хос:
  1. Беҳудага ғазабланиш.
  2. Ўринсиз мардлик.
  3. Дўсту душман фарқини билмаслик.
- **Уч** нарса ғамни қувади:



1. Оқар сув.
  2. Кўкаламзор жой.
  3. Чиройли юз.
- **Уч** нарса инсонга жуда зарур:
    1. Қаҳру ғазаб вақтида ўзини тута билиш.
    2. Бошга кулфат тушганда бетоқат бўлмай сабр қилиш;
    3. Хайрли ишларга шошилиш.
  - **Уч** хил кишига яхшилик қилиб бўлмайди:
 

**Биринчиси**, дангасага, улар экин ўсмайдиган тошлоқ ёки шўр ерга ўхшайди, унга қанча яхшилик уруғини эмагин, барибир кўкариб чиқмайди, яъни таъсир этмайди.

**Иккинчиси**, орсиз ва ҳаёсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилсанг, буни тушуниш, ёки раҳмат айтиш ўрнига мендан кўрқанидан қилаяпти, деб ўйлайди. Улар тумшукларини янада кўтариб, янада кўпроқ нарса талаб қиладилар.

**Учинчиси**, аҳмоқ кишилар бўлиб, сен қилган яхшиликнинг қадрини билмайди. Унинг фарқига ҳам бормайди.
  - **Уч** нарса ақлга куч беради:
    1. Суҳбат.
    2. Тажриба.
    3. Сабот.
  - **Уч** нарса ақлга зарар келтиради:
    1. Тадбирсизлик.
    2. Ҳафсаласизлик.
    3. Шошқалоқлик.
  - Бир донишманд шундай дейди:
 

- Истироҳат ва уйкуга майл қилмасдан илгари шу **уч** нарсани эсингизга туширинг:

**Аввало**, бугун сиздан бирор хато иш ўтдими, йўқми? Агар ўтган бўлса, қандай тадбир билан тузатиш мумкин? Шуни ўйланг.

**Иккинчидан**, бугун халқ манфаати йўлида бирорта хайрли иш қилдингизми, йўқми? Шунинг андишасини қилинг.

**Учинчидан,** эсланг, бепарволигингиз ва ишга совуққонлигингиз туфайли қайси ишингиз амалга ошмай қолди.

- **Уч** киши оғир азоб тортишга сазовордир:

**Биринчиси,** бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши.

**Иккинчиси,** таклиф этилмаса ҳам ўтиришда тўрға чиқишга интилган киши.

**Учинчиси,** биров эшитишни истамаса ҳам, хўрлаб гапирган киши.

- **Ҳасадчида уч** аломат бор:

1. Сенинг ҳузурингда хушомадгўйлик қилади.

2. Йўқлигингда ғийбатингни қилади.

3. Агар бирор кишига мусибат ё бир ғам етса шодланади.

- **Золимда уч** аломат бор:

1. Қўл остидагиларни ранжитади.

2. Уларни ҳурматламайди.

3. Ўзгалар ҳақини ноҳақ ейишдан қўрқмайди.

Мустақил мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг кўп қирралари Президентимиз томондан ҳам уч рақами билан изҳор этилган.

Чунончи:

- Ўзбекистоннинг ўзига хос янгиланиш ва тараққиёт йўли қўйидаги учта муҳим шартга асосланади [4,334-бет]:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик.

2. Миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш.

3. Халқимиз маънавий меросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитиш.

- Мамлакатда адолат тамойилларининг амал қилиши, барқарорликнинг ҳукм суриши учун **уч** субъектнинг, яъни:

1. Давлат.

2. Жамият.

3. Фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади.

Бошқача айтганда, ана шу **уч** субъект – давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишга эришилсагина, ота-бобларимиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади.

Улар бир-бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шarti ва муҳим омилидир [6,26-бет].

- Биз қишлоқ хўжалигини қайта ислоҳ қилишнинг уч шаклига эга бўламиз:

**Биринчиси** – пай шакли бўлиб, деҳқоннинг ерга, мулкка, бутун жамоа олган даромаднинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлайди.

**Иккинчиси** – оилавий пудрат бўлиб, у ҳар бир ходим меҳнат харажатини унинг даромади билан, бинобарин, оиланинг моддий фаровонлиги билан боғлашга имкон беради, хўжалик ичида меҳнатни ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

**Учинчиси** – қишлоқ хўжалик ширкати бўлиб, у қишлоқ хўжалик корхонаси барпо этишнинг ҳар бир деҳқон, ҳар бир ходим манфаатининг бутун жамоа манфаати билан уйғунлигини таъминлайдиган энг самарали ташкилий -ҳуқуқий шакли ҳисобланади [6,425-бет].

- Авлиёликнинг уч белгиси бор, – дейди Ҳазрати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд.

**Биринчиси**, унинг юзи одамларни ўзига жалб этади.

**Иккинчиси**, гапирганда сўзи ром этади.

**Учинчиси**, авлиёни ҳамма улуғвор, деб билса ҳам, ҳеч қачон ўзига бино қўймайди.

Булардан ташқари авлиёларнинг ғайри табиий одатлари, кўрсатадиган кароматлари сон-саноксиз бўлиб, булар ўз навбатида, улар олган, эришган илм натижасидир. Улардан баъзилари қуйидагилар:

- Бор бўла туриб, йўқ бўлиб қолиш, жиндай вақт ичида узоқ йўлни босиб ўтиш, кўринмайдиган, эшитилмайдиган, сезгидан ташқари бўлган ишлардан хабар топиш, бир вақтнинг ўзида бир неча жойларда ҳозир бўлиш, ўликни маълум муддатга тирилтириш ва тирикни ўлдириш, жисмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, паррандалар тилини тушуниш, англаш.
- Сув устида чўкмай юриш, ҳавода қушлардек учиш, одамлар емайдиган нарсаларни еб кун кўриш, ҳайвонлар билан дўстлашиш.

- Баданида ҳаддан зиёд қувват пайдо қилиб, дарахтларни илдиз-илдизи билан кўпориб ташлаш, деворни бармоқ ишорати билан тешиш, мухолифнинг бошини қўл ишорати билан учириб юбориш, фарқ бўлаётган кемаларни қутқариш.
- Ёмғир, қор ёғдириш, шамол кўзғатиш, сел келтириш ёки уни даф қилиш, чигиртка офатини йўқ қилиш, турли қиёфаларда кўриниш, чўл-биёбонларда сарсон бўлганларга раҳнамолик қилиш, ёрдам бериш ва ҳоказолар.

Булардан ташқари, яна бўлажак воқеаларни олдиндан башорат қилиш, узоқ шаҳарда бўлган одами билан алоқа боғлаб сўзлашиш, ўзининг руҳини жисмидан ажратиб сайр эттириш ва яна қайта жисмига киритиш, ўзгалар фикрини уқиб олиш ва уларга фикран таъсир ўтказиш, нафас қуввати, дил қуввати, кўнгилдан ўтказиш, бир фикр ёки ҳодисаларнинг бир йўла икки-уч киши қалбида пайдо қилиш, маълум ҳолатга кириб, вужудидан нур таратиш ва ҳоказолар кароматга киради.

- Зардуштийлик иймони уч рукн – таянчга асосланади:
  1. Фикрлар софлиги.
  2. Сўзнинг собитлиги.
  3. Амалларнинг инсонийлиги.

Яъни – эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал.

*Қадимдан одамларнинг доно ва бағоят гўзал ҳикматли сўзлари мавжуд; биз улардан ўрганмоғимиз даркор.*

Геродот

**Тўрт  
рақами тилга кирганда**

Тўрт рақами ҳаётга “яхши” маъноси билан кириб келган ва бу рақам орқали инсонларнинг кенг қамровли турли жиҳатлари изҳор этилган. Хусусан, Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларида шундай банд бор [44,79-бет].

Сизларга бир гап айтаман, ёдлаб қолинглар, дунё **тўрт** кишиникидир:

1. Аллоҳ таоло бир бандага мол берган ва илм берган. У бандага берилган мол ва илмнинг тасарруфида тақво қилади ва силаи раҳм қилади. Илми ва молидан Аллоҳ учун ҳақ ажратади. Бу энг афзал ўрин.
2. Бир банда бор, Аллоҳ унга илм берган, лекин мол бермаган. Лекин, унинг нияти тўғри: Агар Аллоҳ менга мол берсайди, фалончига ўхшаб сарф қилардим. Бу шу ниятига қараб тенг ажр олади.
3. Бир банда бор. Аллоҳ унга мол берган, илм бермаган. Мол тасарруфида Аллоҳдан қўрқмайди. Молидан қариндошларига бермайди. Бу эса энг ёмон ўриндир.
4. Бир банда бор. Аллоҳ унга мол ҳам илм ҳам бермаган. У айтадики: агар Аллоҳ менга ҳам бергандайди фалончига ўхшаш иш қилардим. У шу нияти билан ўша кишига баробар ҳисобланади (савоб ва гуноҳда)

Ёки бир донишманддан: “Одамлар сўзлари ва ишлари жиҳатидан неча туркумга бўлинадилар?”, деб сўрадилар. Донишманд шундай жавоб берди:

- Бу жиҳатдан одамлар **тўрт** туркумга бўлинадилар:

**Биринчи туркумдагилар:** бир ишни қилишга сўз берадилар ва сўзларининг устидан чиқадиладар. Бу – гўзал сифатли одамлар одати.

**Иккинчи туркумдагилар:** сўз бермайдилар, лекин, индамасдан юриб, ишларини кўнгилдагидек дўндирадилар. Бу-жувонмардлар одати.

**Учинчи туркумдагилар:** оғизни кўпиртириб сўзлайдилар, ваъда берадилар, аммо амалда ҳеч бир иш кўрсатмайдилар. Бу – мунофиқлар шеваси ва ҳийлакорлар ишидир.

**Тўртинчи туркумдагилар** – сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу хасис ва пасткаш одамлар хислати.

Немис биолог мутахассиси Александр Гумбальдт Лотин Америкаси бўйлаб саёҳат қилиб юрган кунларнинг бирида донишманд, зукко бир киши билан суҳбатда бўлди. Донишманд

унга ер юзидаги одамлар **тўрт** тоифада бўлиши тўғрисида ўз қарашларини баён этади. Улар қўйидагича:

1. Баъзи нарсаларни биладиган ва шу нарсаларни билишларини ўзлари биладиган одамлар. Бундайлар маълумотли кишилардир.
2. Баъзи нарсаларни биладиган ва шу нарсаларни билишларини ўзлари билмайдиган кишилар. Бундайлар – уйқудаги кишилар, уларни уйғотиш фойдали.
3. Баъзилар эса ҳеч нарса билмайдилар. Лекин, бу ҳақда ўзлари ҳам биладилар. Бундай инсонларга ёрдам бериш зарур.
4. Яна бир тоифа одамлар борки, ҳеч нарса билмайдилар ва билмасликларини ўзлари ҳам билмайдилар. Бундайлар нодон одамлардир.

Ҳақимларнинг айтишларича ҳам одамлар қўйидаги **тўрт** гуруҳга бўлинарканлар [18, 614-бет]:

№	Гуруҳлар	ИЗОҲ
1.	Ақллилар	Улар бирор воқеа содир бўлмасдан олдин ундан қутилиш йўлини ва тадбирини ўйлаб иш тутадилар. Одамлар охирида қиладиган ишни улар аввал қилиб қўядилар.
2.	Ярим ақллилар	Улар бирор ҳодиса юз берса, ўзларини йўқотмайдилар, ундан қутилиш чорасини қидирадилар ва бало домидан қутиладилар.
3.	Нодонлар	Улар бирор воқеа юз берса, ўзини йўқотиб қўядилар, унинг чора-тадбирини қидириш ўрнига бефойда дод-вой қилишдан нарига ўтмайдилар.
4.	Ахмоқлар	Бало-қазо, кўнглисиз ишлар бўлиши мумкинлигига ақллари ҳам етмайди, етса ҳам ҳаракатсиз, эътибор бермай юравадилар, унга қарши чора-тадбир қўллашга ҳам эринадилар, ёки умуман ҳеч нарса қилишни хохламайдилар. Натижада омад улардан доимо қочади. Итнинг кейинги оёғи бўлиб турганиб-сурганиб юравадилар. Бундай одамлар ахмоқ одамлардир. Бундайларга ачиниш ҳам бўлмайди.

Донолар бисотидан қўйидагиларни ўқиймиз. **Тўрт** нарсани излаб ва бу йўлда хато қилиб, бошқа **тўрт** нарсани топдик [18, 614-бет]:

1. Бойликни молдан изладик, аммо уни қаноатдан топдик.
2. Роҳатланишни серобчиликдан изладик, аммо уни

молнинг озгинасидан топдик.

3. Лаззатланишни неъматдан изладик, лекин уни соғлом бадандан топдик.

4. Ризқни ердан изладик, лекин уни “Осмондан” топдик.

Тўрт нарса инсонга ҳамиша панд берган:

1. Ўз соғлиғига нисбатан бефарқлик;
2. Фарзанд тарбиясига эътиборсизлик;
3. Синалмаган дўстга барча сиру синоатларни айтиш;
4. Ўзгаларга зулм қилиш.

Одиллик тимсоли бўлган машҳур подшоҳ Ануширвони одилнинг вазири Бузургмеҳр билан қилган савол жавоблар ҳам **тўрт** сони билан чегараланган [18,627-бет]:

1. Умрни қандай ўтказиш керак?

- Умрни дилшодлик ва хурсандлик билан.

2. Худо хушнудлигини нима билан топиш мумкин?

- Ота-онани шод қилиш билан.

3. Одамлардан қайси бири бахтиёрроқ?

- Дунё қарама-қаршиликларидан дилтанг бўлмаган киши.

4. Дўст ноқобилга айланса, ундан қандай қутилиш мумкин?

- Олдига кам бориш ва ҳолини сўрамаслик билан.

Президентимиз Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланишни ва бу негизлар қўйидагилардан иборат эканлигини уқтирдилар:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик.

2. Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

3. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш.

4. Ватанпарварлик [1, 76-бет].

Кўриб турибмизки, тўрт рақами нафақат, статистик сон ифодасида, шу билан бир қаторда, моҳият нуқтаи назардан кенг қўлланишга эга. Айниқса, тўрт рақами билан инсонлар ҳаётидаги, фазилатларидаги ижобий ва салбий жиҳатлар улуф алломаларимиз томонидан таъкидлаб ўтилганки, улардан воқиф бўлиш ҳар бир кишини шубҳасиз мангу ҳаёт фалсафасига ошно этади, имонли ва покдомон бўлишга ҳақиқат ва адолат тантанаси учун курашишга, жаҳолат ва қабихлик йўлини тўсишга ундайди.



### **Тўрт рақами билан ифодаланган ижобий жиҳатлар:**

- Муҳаммад пайғамбар алайҳис-с-салом шундай дедилар:  
Имоннинг чўққиси тўрт хислатдир [44,88-бет]:
  1. Аллоҳнинг ҳукмига сабр қилмоқлик.
  2. Белгиланган тақдирга рози бўлмоқлик.
  3. Аллоҳга ихлос ила таваккул қилмоқ.
  4. Аллоҳга тўлиқ таслим бўлмоқ, яъни бўйсинмоқ.
- Жиҳод тўрт хил бўлади [44, 82-бет]:
  1. Амри маъруф.
  2. Наҳйи мункар.
  3. Оғир ҳолатларда ҳам рост гапирмоқ.
  4. Фосиқ (Худого итоати чала)нинг масхара қилишига чидамоқ.

Арасту ва ал Фаробийдан кейинги шарқ файласуфи Ибн Мисковайх фикрича:

- Бандасининг ишлари тўрт хислат биландир:
  1. Илм.
  2. Ҳилм.
  3. Ҳалоллик.
  4. Адолат.
- Илм тўрт нарасада:
  1. Ҳақиқатни аслини билиб, у билан иш юритиш.
  2. Ҳақиқатни ташкил этувчиларни билиш.
  3. Ҳақиқатдан келиб чиқадиган мақсадни билиш.
  4. Ҳақиқатга зарар келтирувчи акси ҳақиқатни билишдадир.
- Ботил тўрт нарасадан қувват олиб, амалда жорий бўлади:
  1. Саломатлик.
  2. Бойлик.
  3. Қатъият.
  4. Тавфиқ.
- Тўрт нарсa замона ўтса ҳам сенга зарар келтирмайди:
  1. Тоза емиш.
  2. Чин дўст.
  3. Ростгўй дўст.
  4. Омонатга садоқат.Соҳибқирон Амир Темур шундай дейди:
- Салтанат ишларида тўрт насага амал қилгин, яъни:
  1. Кенгаш.

2. Машварату маслаҳат.
  3. Қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик.
  4. Эҳтиёткорлик.
- Жаҳонгирликка киришганимда тўрт нарсани хотирамда маҳкам сақладим. [71,116-бет]

**Биринчиси** – қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсам тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим.

**Иккинчиси** – хатога йўл қуймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Шунинг учун менга Аллоҳнинг мададу инояти етиб, нима тадбир қўллаган бўлсам, тўғри чиқди. Ҳар ер эл-улусининг табиати ва халқининг мижозларини хотирамга келтириб, уларнинг табиатига мувофиқ йўл тутиб, шунга қараб уларга ҳоким тайинладим.

**Учинчиси** – уч юз ўн уч асил, зотли, шижоатли ва ақлу фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим. Бирлик иттифоқлари шундай эдики, ҳаммалари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, райълари, сўзлари ва ишлари битта эди. Бир ишни қилайлик деб қарор қилсалар, тугатмагунларича ундан қўл узмас эдилар.

**Тўртинчиси** – бугунги ишни эртага қолдирмадим. Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулойимлик қилдим; қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим. Қайси ишни чора-ю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.

**Донолар бисотидан қуйидагиларни ўқишимиз мумкин:**

- **Тўрт** нарса ҳар қандай шаҳарнинг ҳам чиройини очиб юборади:
  1. Одил қози.
  2. Тўкин-сочин бозор
  3. Ҳозиқ табиб.
  4. Сув тўла дарё

(шоҳ Шоҳпур)

- **Тўрт** нарсани киши ўз олдига мақсад қилиб қўйиши керак:
  1. Дўстларга эга бўлиш.
  2. Ҳаммага тенг яхшилик қилиш.
  3. Ободончиликка интилиш.
  4. Одамларга инъом- эҳсон қилиш.

(Искандар Шерозий)

- **Тўрт** нарсани қилмаслик пушаймонлик тортмасликка сабаб бўлади:
  1. Лойиқ бўлмаган кишига иш топширмаслик.
  2. Пасткаш одамларга яхшилик қилмаслик.
  3. Фисқи -фасод ишлар билан шуғулланмаслик.
  4. Шошқалоқликка йўл қуймаслик

(Искандар Шерозий)

- **Тўрт** нарса ҳамма учун ёқимли:
  1. Адолат ва тўғрилиқ.
  2. Ақл ва донолик.
  3. Сабр ва чидам.
  4. Ҳаё ва ибo.

(Искандар Шерозий)

- **Тўрт** нарса улуғликка даъват этади:
  1. Илми эъозлаш.
  2. Ёмонликни яхшилик билан бартараф қилиш.
  3. Ғазабни ютиш.
  4. Саволга дилдан жавоб бериш.

(Юсуфий)

- **Тўрт** нарса борки, ўз соҳибини азиз қилади:
  1. Илмга муҳаббат.
  2. Рост сўз.
  3. Комил ақл.
  4. Хатолардан тийилиш.

(Оталар сўзи-ақлнинг кўзи)

- Конфуций таълимоти жамиятни тўртта ижтимоий гуруҳга ажратади:
  1. Олимлар.
  2. Деҳқонлар.
  3. Ҳунармандлар.
  4. Савдогарлар.

- Нақл қилишларича, Пайғамбар алайҳиссалом айтган эканларки, қиёмат куни бўлганда **тўрт** тоифа одам беҳисоб ва беазоб жаннатга кирар эканлар:

**Биринчиси** - илмга амал қилган олимлар.

**Иккинчиси** - молини ҳалол харажат қилиб ҳаж қилганлар.

**Учинчиси** - Худо йўлида дини Ислом равнақи учун жонини фидо қилган шаҳидлар.

**Тўртинчиси** -ҳалол касбдан мол топиб, Худонинг йўлида садақа берган сахийлар.

- Яҳудийлар Аллоҳ олдида **тўрт** хизмати эвазига Миср асоратидан (қуллигидан) халос этилган эканлар[18, 101-бет]:
  1. Улар асоратда юрган бўлсалар-да, номларини сақлаб қолганлар, ўзгартирмаганлар.
  2. Она тилларини сақлаб қолганлар.
  3. Муқаддас сирларини очмаганлар.
  4. Хатна қилиш одатларини тарк этмаганлар.

### **Тўрт рақами билан ифодаланган салбий қусурлар**

Муҳаммад пайғамбаримиз алайҳис-с-салом шундай дедилар:

- Умматимда пайдо бўлишидан қўрққан нарсаларимнинг ёмонроғи **тўртта** [44,54-бет]:
  1. Қориннинг катталиғи.
  2. Кўп ухлаш.
  3. Дангасалик.
  4. Имони заифлик
- Умматимда жоҳилият ишларидан **тўрттаси** борки, уларни ҳеч ташлай олмайдилар[44,58-бет]:
  1. Мансаби ва обрўси билан фахрланиш.
  2. Насабидан камситиш.
  3. Юлдузларга қараб об-ҳавонинг ёғиши ё ёғмаслигини айтиш.
  4. Ўлимдан дод солиш.
- **Тўрт** киши Аллоҳнинг ғазабини келтиради [44,58-бет]:
  1. Қасамхўр сотувчи.
  2. Мутакаббир камбағал.
  3. Зинокор мўйсафид.
  4. Золим подшо.
- Гуноҳи кабираларнинг энг каттаси **тўртта** [44]:
  1. Аллоҳга ширк келтириш.
  2. Ноҳақ одам ўлдириш.
  3. Ёлғондан гувоҳликка ўтиш.
  4. Ота -онага оқ бўлиш.

### **Донолар бисотидан**

- Дунёнинг азоби **тўрт** нарсададир:
  1. Қарилликни ёлғизликда кутиб олиш.

2. Гурбатда дардга чалиниш.
3. Молидан қарзи кўп бўлиш.
4. Сафарга отланиб, уйдан йироқлашиш.

(Ибн Мискавайх)

- **Тўрт** нарса балонинг бошидир:

1. Кўп хотинлик.
2. Камбағаллик.
3. Ёмон қўшни.
4. Хоин хотин.

(Ибн Мискавайх)

- **Тўрт** тоифа одам сусткашлик орқасидан пушаймон бўладилар:

1. Фойдали ишни вақтида қилмаган.
2. Дўстининг бошига кулфат тушганда оёғини узиб қўйган.
3. Душман адоватига ҳозирлик кўрмай, қўл силкиган.
4. Бошига ўлим келганда ҳам ёлғонни қўймаган.

(Ибн Мискавайх)

- **Тўртовлон** билан ҳазиллашиш ва кулишишдан чеккада бўлган маъқул.

1. Олий мартабали, жаббор одам
2. Зоҳид олим
3. Табиати паст одам
4. Фарзанд доғида юрган одам

(Ибн Мискавайх)

- **Тўртовлон** ўзига нисбатан эътиборсизлик қилиб, ўзини-ўзи камситади:

1. Бўлар-бўлмасни гапириб, билмаган нарсалари ҳақида маҳмадонагарчилик қилувчи.
2. Халқ ғамини емай, унга раҳбарлик қилувчи ҳукмдор.
3. Олдинига қўпол сўзлаб, кейин хатосини тузатувчи.
4. Холи ўтириб масала ҳал этаётган одамлар ҳузурига берухсат кириб борувчи.

(Ибн Мискавайх)

- **Тўртовлон** савобни ҳам, гуноҳни ҳам билмайди:

1. Оғир касалга дучор бўлган.
2. Ўзидан кучлининг хавфи остидаги.
3. Душманга макр қилувчи.
4. Бировга адоватда бўлган ичи қора одам.

(Ибн Мискавайх)

- ◆ **Тўрт** нарса барча назарида ёмон:
  1. Гина ва ҳасад.
  2. Керилиш ва манманлик.
  3. Ғазаб ва қаҳр.
  4. Дангасалик ва бепарволик.

(Искандар Шерозий)
- **Тўрт** нарсани тўрт нарсадан пок қилиш лозим:
  1. Дилни – ҳасаддан.
  2. Оғизни – ёмон сўзлашдан.
  3. Тилни – гийбатдан.
  4. Қоринни – харомдан.

(Фаридиддин Аттор)
- Дунёнинг қоимлиги, юртнинг тинч, фаровон бўлиши **тўрт** нарсадан:
  1. Подшонинг адолати.
  2. Бойларнинг саховати.
  3. Фақирларнинг дуоси.
  4. Уламоларнинг панду насиҳати билан бўлади.

(Оталар сўзи-ақлнинг кўзи)
- **Тўрт** нарсадан эҳтиёт бўлмоқ керак:
  1. Тезлик ва шопма-шопарликдан.
  2. Қаҳр-ғазабдан.
  3. Бахиллик ва хасисликдан.
  4. Мақтанчоқликдан ва таккабурликдан.

(Ҳикматлар)
- **Тўрт** нарса аҳмоқлик белгисидир:
  1. Ўзига бино қўйиш ва таккабурлик.
  2. Бошқаларнинг айбини қидиришлик.
  3. Бахиллик.
  4. Аблахдан умидвор бўлишлик.

(Ҳикматлар)
- **Тўрт** нарса саодат далилидир:
  1. Тўғри сўз.
  2. Тавозе.
  3. Ҳалол касбу ҳунардаги меҳнат.
  4. Сир сақлаш.

(Ҳикматлар)
- **Тўрт** нарса одамни заиф қилади:
  1. Душманнинг кўплиги.
  2. Қарзнинг кўплиги.

3. Хотиннинг қўплиги.
4. Сепсиз хотин.

(Ҳикматлар)

- **Тўрт** кишининг олдига қуруқ қўл борма:
  1. Гадейнинг.
  2. Бола-чақангнинг.
  3. Беморнинг.
  4. Подшонинг.

(Ҳазрати Абу Исҳоқ)

- **Тўрт** нарса тўрт нарсага муҳтож:
  1. Улуғлик – адабга.
  2. Шодлик – хотиржамликка.
  3. Яқинлик – муҳаббатга.
  4. Ақл – тажрибага.
- Одамлар ўз феълларига қараб **тўрт** тоифага бўлинадилар [18,615-бет]:
  1. Бир нарсани гапиради-ю, аммо ўзи уни қилмайди, бу мунофиқлик ва хасислик аломатидир.
  2. Бир нарсани ҳам айтади, ҳам ўзи бажаради, бу виждонли одамлар одатидир.
  3. Ҳеч нарса айтмайди, аммо бажаради, бу мард одамлар тоифаси.
  4. Гапирмайди ҳам, ҳеч нарсани қилмайди ҳам, бу энг пасткаш одамлар одатидир.
- **Тўрт** нарса эркакнинг камолотига далилдир:
  - Биринчиси**, дўстлар билан машварат қилишлик.
  - Иккинчиси**, душман билан мадора қилишлик.
  - Учинчиси**, иссиқ ҳавога чидамлик.
  - Тўртинчиси**, аччиқ сўзга чидашлик.
- **Тўрт** нарса сиҳат-саломатликни сақлайди:
  1. Иштаҳа келганда овқат емоқ.
  2. Оғир нарсаларни кўтаришдан тийилмоқ.
  3. Ҳаракат ва ҳаракатсизликни меъёрида тутмоқ.
  4. Ўзидан ғамни қувмоқ.
- **Тўрт** нарса кишининг юрагига куч бағишлайди:
  1. Илмли устод.
  2. Яхши дўст.
  3. Мувофиқ хотин.
  4. Давлату иқболга етказувчи зукко ақл.
- **Тўрт** нарса борки, уларнинг ози ҳам кўп. Булар:

1. Касаллик.
  2. Олов.
  3. Душман.
  4. Қарз.
- **Тўрт** нарса ҳаёт лаззатини сўндиради:
    1. Юрган ҳолда яна юриш.
    2. Йўлдаги азоб ва қийинчилик.
    3. Ўргатилмаган отда юриш.
    4. Ёш йигитнинг қари хотинга уйланиши.
  - Куйидаги **тўрт** нарса нохушликни келтириб чиқаради:
    1. Худбинлик – расволикни.
    2. Серғаблик – пушаймонликни.
    3. Такаббурлик – душманликни.
    4. Ношукрлик – хорликни.
  - Бир улуғ киши айтади: «Кишининг қалбида **тўрт** гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани ҳам бўлади»:

**Биринчиси** – ақл гавҳаридир. Унинг душмани - ғзаб.

**Иккинчиси** – илм гавҳари. Унинг душмани – такаббурлик.

**Учинчиси** – қаноат гавҳари. Унинг душмани - ҳирс.

**Тўртинчиси** – сахийлик гавҳари. Унинг душмани таънадир.

- Ибн Сино идеал давлат тўғрисида фикр юритиб, уни куйидагича тавсифлаб беради:
  1. Ҳамма ўз фойдасини кўзлаб меҳнат қилиши керак.
  2. Бу давлатда барча моддий бойликлар шундай баробар тақсимланиши керакки, унда жуда катта бойлик ва ашшадий камбағаллик бўлмасин.
  3. Барча кишилар ҳалол меҳнат билан шуғулланиши ва ҳалол савдо қилиши сабабли уришадиган одамлар бўлмайди ва урушлар тугатилади, давлатлар ўртасида сиёсий баҳслар эса тинч йўл билан ечилади.
  4. Идеал давлатда одамларда ҳамма нарса муҳайё бўлади ва шунинг учун улар бир-бирига қарама-қарши бўлмайдилар, қувноқ ашула ва мусиқани яхши кўрадилар, узоқ вақт қаримайдилар.

Ибн Синонинг идеал давлат тўғрисидаги қарашлари Афлотуннинг «Қонун»ларида, Арастунинг «Афина сиёсатчилари»да, Фаробийнинг «Саховатли шаҳар аҳолисининг



қарашлари тўғрисида трактат»ида айтилган фикрларга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади.

- Парвардигорнинг ўз пайғамбарларига берувчи таълими, амрлари «вахй», деб аталади. Пайғамбарларга ваҳй, яъни Аллоҳ томонидан илму маърифат куйидагича келади:

1. Аллоҳнинг бош фариштаси ҳазрати Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳй келиши ва ундан бевосита эшитиб олиш.
2. Кўнгилга солиш орқали.
3. Уйқусида тушлар кўриш, кўрсатмалар олиш воситасида.
4. Бошқа рухий ҳолатларда.

Ваҳйнинг ҳикматини пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким англай олмайди.

- Оламлар парвардигори Ҳақ субҳона ҳу ва таоло ўзининг пайғамбарларига 100 саҳифа ва 4 илоҳий китоб нозил қилган.

Тўрт китобнинг:

**Биринчиси** – Таврот Мусо алайҳиссаломга.

**Иккинчиси** – Забур Довуд алайҳиссаломга.

**Учинчиси** – Инжил Ийсо алайҳиссаломга.

**Тўртинчиси** – Қуръони Карим пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаломга нозил қилинган.

Таврот, Забур ва Инжил китоблари яҳудий ва насроний динидагиларнинг илоҳий муқаддас китоблар тўплами бўлиб шартли равишда умумий ном билан «Библия» (юнонча «Китоблар») деб аталади.

- Будда ўз таълимотининг асосий қоидаларини «Тўрт олий ҳақиқат» шаклида баён этган. Улар куйидагилар:

1. Азоб-уқубат мавжуд, яъни турмуш азоб-уқубатлардан иборат.
2. Азоб-уқубатларнинг сабаби бўлган истак-нафс мавжуд.
3. Азоб-уқубатларнинг тугаши, яъни нирвана мавжуд, шунинг учун кишилар азоб-уқубатлардан халос бўлишни истасалар ўзларининг истак, орзу ва нафсларини жиловлаб олишлари керак.
4. Азоб-уқубатларнинг тугашига олиб келадиган 8 босқичли йўлга амал қилмоқ керак.

Буддавийлик (буддизм) жаҳонда кенг тарқалган тўрт асосий динларнинг бири (зардуштийлик, буддавийлик,

христианлик ва ислом) бўлиб, унинг асосчиси Будда (623-543йй) номидан олинган.

Подшоҳ ва вазирнинг савол-жавоблари:

5. Умрни қандай ўтказиш керак?
    - Дилподлик ва хурсандчилик билан.
  2. Худо хушнудлигини нима билан топиш мумкин?
    - Ота-онани шод қилиш билан.
  3. Одамлардан қайси бири бахтиёрроқ?
    - Дунё қарама-қаршиликларидан дилтанг бўлмаган киши.
  4. Дўст ноқобилга айланса, ундан қандай кутулиш мумкин?
    - Олдига кам бориш ва ҳолини сўрамаслик билан.
- Соҳибқирон Амир Темур ўз ҳаёти давомида ихлос қўйиб, қўл берган тўрт пирлари бўлган. Улар:
    1. Шаҳрисабзлик Шайх Шамсиддин Кулол-ал-Фохурий (1372 йилда вафот этган). Шайх вафотидан кейин Соҳибқирон отасининг хокини кўчириб, унинг қабри этагида дафн этган. Темурнинг исмини ҳам ана шу шайх қўйган.
    2. Сайид Амир Кулол (1372 йилда вафот этган). Ул зоти бобароқат Бухоронинг Сухор қишлоғида умр кечирган.
    3. Сайид Барака (1324-1404). Ул зот Маккан Мукарраманинг улуғларидан бўлган. У пайғамбар авлоди бўлганлиги учун Амир Темур унга катта ихлос билан қараб, у тақдим этган ноғора ва байроқни бўлажак Ислом йўлидаги зафаларнинг муқаддимаси, деб билган. Унинг гўри Темур қабрининг бош томонига қўйилган.
    4. Шайс Зайниддин Абу Бакр ат-Тойбодий. Ул зот хуросонлик Ахмад ибн Ҳанбал издоши бўлиб Ҳонбалий тасаввуф таълимотининг давомчисидир. Соҳибқирон бу шайх билан биринчи марта 1381 йилда Ҳаридуд водийсида учрашади.
  - Тўрт нарсадан ҳеч ким, ҳеч қачон кафолатланмаган
    1. Бевақт ўлим.
    2. Қуруқ тухмат.
    3. Турли бахтсиз ҳодисалар.
    4. Бошқалар меҳр ва эътиборидан четда қолиш.

*Мақоллар улкан маънонинг уч-  
тўрт оғиз сўз билан ифодаланган  
шаклидир.*

Т.Фуллер

**Беш  
рақамининг сўздаги ифодалари**

Тилимизда беш сўзи рақамнинг номи, санок тартибини билдиришдан ташқари омад, муваффақият қувончлари, яшаш завқи билан боғлиқ ҳаяжонли ҳолатларни ҳам ифодалайди. Буни қаранг курраи заминимизда олтита қитъа бор, ҳаёт эса унинг бештасида мавжуд. Илоҳий китоб Куръон номида ҳам (белгисидан ташқари) бешта харф мавжуд.

«Хамса»даги беш харф, беш дostonчи? Ана эътибор беринг-а, 5 рақамида илоҳий маъно, ҳаёт абадийлиги тушунчаси бор.

Беш рақами ҳаётда кўпинча кишилар ва уларнинг фаолиятларини юқори даражада, аъло баҳога баҳолаш чоғида жуда кенг қўлланилади. Масалан, **иши беш** ибораси билан кишининг иши аъло эканлиги ёки ишининг жойдалигини ифодалашади. Гапни ёки ишни ўринлатиб, рақибини лол қилиб, ҳаммани қойил қилган кишиларга нисбатан **"беш кетди"** деб айтишади. Нафсини тия олмай, бирдан ҳаммасини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилувчиларга нисбатан эса **" беш қўлини (ёки бармоқни, панжасини) оғзига уради"** деган иборани ишлатишади.

Ёки беш кунлик дунё иборасида инсон умрининг жуда қисқалиги, бу дунё ўткинчи, вақтинчалик, бир нафаслик эканлиги ва бу омонат беш кунлик дунёни тўғри, янглишмай, адашмай яхши яшаб ўтиш лозимлиги назарда тутилади.

Халқимизда **"беш қўл баробар эмас"** деган ибора ҳам ишлатилади. Бу ибора "одамлар бир бирларидан фарқ қиладилар, улар орасида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, ақлли ва ақлсизлари ҳам, одобли ва одобсизлари ҳам бўлади," деган маънода қўлланилади.

Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбекларнинг бир одати-қадималари борки, оила аъзоларидан яқин қариндош-уруғларидан бирортасининг бошига фалокат тушса, қийналса, азоб чекса, фақат унинг ўзигина эмас, ҳаммаси баровар қайғуради. Бундай ҳолларда **"беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир"** деган ҳикматли сўзларни ишлатишади.

Муборақ ислом шариасти беш диний-ҳуқуқий масхабдан бунёд бўлган.[18,176-бет]. Сунъийликда: ҳанафия, моликия, шофиъия, ханбалия мазхаблари, шиъалида эса жаъфария масхаби бор: Жами мусулмонларнинг:

◆ 47% ханифий (Имом Аъзам: 699-767 )

◆ 27% шофиий (Имом Шофиъий: 767-820)

- ◆ 17% моликий (Имом Молик: 713-795)
- ◆ 7,5% жаъфарий (Имом Жаъфар ас-Содиқ: 700-765)
- ◆ 1,5% ханбалий (Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: 780-855)

Ислом халифалиги 13 аср давомида **беш даврни** бошидан кечирди [18,176-бет]:

1. Хулафон рошидин даври (632-661 йиллар)
  2. Шом Умавийлар халифалиги (660-750 йиллар)
  3. Ироқ (Бағдод) Аббосийлар халифалиги (750-1258 йиллар)
  4. Миср Аббосийлар халифалиги (1261-1517 йиллар )
  5. Усмонийлар халифалиги (1517- 1924 йиллар)
- Ватандошимиз буюк жаҳонгир Амир Темур (1336-1405) Миср Аббосийлар халифалиги даврида ҳукмдорлик қилган.

Ислом дини қуйидаги **беш** асосдан, устундан иборат. (18, 503-бет)

1. **Иймон** - иймони муфассалга ишонмоқ ва эътиқод қилмоқ.
2. **Намоз** - Аллоҳга кунига беш маҳал ибодат қилмоқ.
3. **Закот** - мол-мулки шароит белгилаган миқдорга етганида йилда бир мартаба улардан қирқидан бирини, яъни 2,5фоизини бева-бечораларга, мискинларга, илм толибларига ва бошқа муҳтожларга бермоқ.
4. **Рўза** - ҳар йили рамазон ойида 30 кун рўза тутмоқ.
5. **Ҳаж** - имконияти бўлганда Маккага бориб бойтуллоҳга ҳаж (зиёрат) қилмоқ.

Исломнинг ана шу беш амали ҳар бир мусулмонга бажариш учун фарз (шарт) қилинган.

Жобир ибн Абдуллоҳнинг нақл қилишларича, Расулуллоҳ бундай деган эканлар: Аллоҳ таоло томонидан менга илгариги пайғамбарларнинг бирортасига ҳам ато этмаган **бешта** имтиёз берилди. "[44,60-61 бетлар]

1. Бир ойлик йўл нарида турган душманларим қалбига қўрқинч солиш билан Аллоҳ қувватлади.
2. Ернинг ҳаммаси намозгоҳ бўлди ва сув топмаганда покланувчи восита қилинди (таяммум). Умматимдан қайси бир киши намоз вақти қаерда дуч келса шу ерда ўқийверади.
3. Фанимат (ўлжа) лар менга ҳалол қилинди. Мендан аввалги бирор пайғамбарга ҳалол қилинмаган эди.
4. Қиёматда менга шафоат қилиш ҳуқуқи берилди.

5. Ҳамма пайғамбарлар ўз қавмига махсус келар эди, мен эса ҳамма одамларга умумий пайғамбар қилиб юборилдим.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар стратегияси қуйидаги беш принципга асосланади [1,300-301-бет].

1. Иқтисодиётни мафкура ақидаларидан холи қилиш.
2. Бош ислохотчи - давлат.
3. Ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг ҳукмронлиги.
4. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш.
5. Бозор муносабатларига босқичма - босқич ўтиш.

Беш рақами билан кишилар ҳаёти ва фаолиятидаги ижобий ва салбий жиҳатлар ифодаланганки, буларни биз қуйидаги ҳадису ҳикматлардан, алломаларимиз дурдоналаридан яққол кўришимиз мумкин.

#### **А. Беш рақамида ифодаланган ижобий хислатлар**

• **Бешта** нарсани зиммаларингга олинглар, жаннатга киришларингга кафил бўламан [44,59-бет]:

1. Мерос тақсимлашда бир-бирларингга зулм қилманглар.
2. Одамларга нисбатан инсофли бўлинглар.
3. Душман билан урушда қўрқоқлик қилманглар.
4. Ўлжани бўлмасдан олдин ўғирламанглар.
5. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олиб беринглар (зўравондан кучсизнинг ҳаққини).

• **Беш нарсани** беш нарсдан аввал ғанимат бил [44,61-бет]:

1. Ўлишингдан аввал ҳаётингни.
2. Касал бўлишингдан аввал соғлигингни.
3. Қўлинг банд бўлиб қолишидан аввал бўшлигини.
4. Кексалик етмасдан аввал ёшлигингни.
5. Камбағал бўлмасингдан аввал бойлигингни.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ёшларга қарата айтилган мана шу ўғитлар мазмунини исломшунос олим Абдулазиз Мансур қуйидагича шарҳлайди:

**1. Ҳаёт инсонга бу дунёда бир марта берилади.** Бу улуг неъматни ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланиб қолиш инсоннинг ўз кўлида. Унумли фойдаланиш деганда яшаб қолиш мақсадида фақат роҳат-фароғат, айшу ишратда бўлишни эмас, балки киройи инсон бўлиб дунёга келганга яраша яхши ном

қолдириш, ўзига, оиласига, халқига бирор жиҳатдан бўлса ҳам манфаат етказишга ҳаракат қилиш, боқий дунё охирати учун хайрли, савобли ишларни қилиб қолишга шошилиш кераклигини тушунишимиз зарур. Белгилаб, ўлчаб берилган умр тугаб, ажал етгач, афсусланиш мутлақо фойдасиздир.

**2. Сиҳат-саломатлик ҳам улуғ неъматлардан ҳисобланади.** Соғлиқнинг қадри одатда бош ёстиққа текканда билинади Мана шу соғлиқ-саломатлик вақтини ғанимат ва охират-учун фойдали ишларни қилиб қолишга ҳаракат қилиш оқилу доно кишиларнинг хислатидир. "Тансиҳатлик — туман бойлик", деганлари айни ҳақиқат. Бемор одамнинг кўнглига ҳеч нарса сиғмайди, ҳамма нарса соғлиққа боғлиқ. Мана шу соғлиқни сақлашга ҳаракат қилиш билан бирга бирор хасталикка чалинмай турган ҳолатни ғанимат билиб, илму фан, касб-ҳунар ва бошқа зарур машғулотлар билан шуғулланиб юриш ақли расолик ва ҳушёрликнинг белгиларидандир.

**3. Бўш вақт ҳам инсон учун энг ғанимат фурсат саналади.** Бўш вақтни беҳуда ўтказишлик қўлдаги нақд бойликни кўкка совурмоқ демақдир. Масалан, талаба ёшлар ўқув юрти дастуридан ташқари ҳам бўш вақтлари бўлади, албатта. Илм-фанни эгаллаш — бу фақат ўқув дастурини ўзлаштиришдан иборат эмаску! Худди ана шу вақтлардан унумли фойдаланиб, илм-фан, касб-ҳунарнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланиш мумкин. "Йигит кишига қирқ ҳунар оз" деб бежиз айтилмаган. Кейинчалик, ёш бир жойга борганда пушаймон қилиб, қачонлардир беҳуда ўтказиб юборилган бўш вақтларга пушаймон қилиш, фурсат бор пайтда бирор бошқа ҳунар ёки касб турларини эгалламагани учун пушаймонда бўлишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

**4. Йигитлик, ўспиринлик пайти инсоннинг умр баҳори ҳисобланади.** Шу даврда у жуда кўп имкониятларга эга бўлади. Мана шундай даврни ғанимат билиб, имкони борича фойдали ишларни қилишга шошилиш керак. Чунки умр елдек ўтиб, умрнинг кузи — кексалик даври келиб қолганини инсон сезмай қолади. Кексалик даври файзли кечиши учун эса, барча қилиниши лозим ишларни ўспиринлик даврида бажариб улгурган бўлиши керак. Агар белида қуввати бор пайтида эзгу ишларни қилиб улгурган бўлса, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам роҳатини кўражак.

**5. Бойлик, омад, моддий имконият ҳам кишига ҳадеб берилавермайди.** Инсонга умр давомида бир неча марта омад ёр бўлади. кўлидан кўп иш келадиган, иқтисодий имкониятларига суяниб кўпчиликка манфаати тегадиган, хайрия ишларни амалга оширишга қудрати етарли пайтида савобли ишларни қилиб қолишга шопилиш зарур бўлади. Кейинчалик олдинги имкониятлар бўлмай қолиши мумкин. Агар ўз вақтида лозим бўлган хайрли ишларни қилиб қўйган бўлса, унда ҳеч қандай пушаймонлик ёки армон бўлмайди. Бордию кўли узун пайтини бепарволик билан ўтказиб, бойлигини беҳуда, фойдасиз ишларга сарф қилган бўлса, бунинг армони ва таассуфи оғир кечади. Шунинг учун имконият даврини ғанимат билиш ҳар бир оқилу доно кишига лозимдир. Ишларимиз шу каби маънавиятни ўстирадиган ўғитларга қулоқ бериб, уларга амал қилсалар, албатта, бу дунёлари обод, охиратлари ,ҳам саодатли бўлур.

(“Туркистон” 15 октябр 2002 йил)

- ◆ Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. **Бешинчиси** бўлма, ҳалок бўласан[44,61-бет].
- ◆ Йўл ёқасида ўтирманглар. Агар жуда ҳам зарур бўлса **беш жиҳатдан** йўл ҳаққини адо этинглар[44,75-бет]:
  1. Кўчадан ўтганларга тикилмаслик.
  2. Озор бермаслик.
  3. Саломга алик олиш.
  4. Яхшиликка буриш.
  5. Ёмонликдан қайтариш.
- ◆ Ким касби чиройли ва пок бўлишини хоҳласа **бешта ишдан** сақлансин:
  1. Касби сабабидан Аллоҳнинг фарзларидан биронтасини камайтирмасин, қисқартирмасин ҳам;
  2. Касби сабабидан Алоҳнинг махлуқларидан биронтасига азият етказмасин;
  3. Касби орқали ўзининг ва оиласининг иффатини қасд этсин, мол тўплаш ва кўпайтиришдан эмас.
  4. Касбга қаттиқ жаҳд қилмасин;
  5. Ризқни касбидан эмас, Аллоҳдан деб билсин, касбини эса, сабаб кўрсин.



- ◆ **Бешта нарса бор**, уларни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди [44,107-бет]:

1. Эртага нима бўлишини;
2. Хотиннинг қорнидаги чақалоқнинг қанақа экаллигини ҳеч ким билмайди;
3. Қиёмат қачон бўлишини ҳеч ким билмайди;
4. Киши қаерда ўлишини ҳеч ким билмайди;
5. Ёмғир қачон ёғишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

**Донолар бисотидан қуйидагиларни ўқйшимиз мумкин:**

- ◆ Илмнинг аввали сукутдир. Кейингиси тингламоқ, сўнг уни асрамоқдир. Туртинчиси, унга амал қилмоқ, **бешинчиси** уни ёймоқдир.

(Суфёни Саврий)

- **Беш нарса** умр узайишига сабаб бўлади:

1. Ёқимли овоз;
2. Гўзал манзараларни томоша қилиш;
3. Маишатда фаровонлик;
4. Ширин сўзли хотин;
5. Мурод-мақсаднинг ҳосил бўлиши.

(Фаридиддин Аттор)

### **Б. Беш рақамида ифодаланган салбий жиҳатлар**

Гарчи беш рақами аксарият ҳолларда ижобий жиҳатларни ифодалапда қўлланилса -да, у рақам билан айрим салбий жиҳатлар ҳам баён этилади. Чунончи, Муҳаммад Пайғамбар алайҳис-с-салом ҳадисларида қуйидаги бандлар бор:

- ◆ **Бешта ёмон ҳайвон бор**. Улар ҳажда ҳам, ташқарида ҳам ўлдираверилади [44,85-бет]:

1. Илон (чаён)
2. Олақарға;
3. Сичқон(каламуш)
4. Қопағон ва қутурган ит;
5. Калхат.

- ◆ **Беш нарса бор**, у кафолат берилш билан ҳам тузалмайди [44,85-бет]:

1. Ширк келтириш;
2. Ноҳақ одам ўлдириш;
3. Мўминга гуҳмат қилиш
4. Урушдан қочмоқ;

5. Ёлғондан қасам ичиб, ноҳақдан бировнинг молига эга бўлиб олмоқ.

**Донолар бисотидан қўйидагиларни ўқишимиз мумкин:**

- **Беш** нарса зарар етказди:

1. Ёлғончилик;
2. Сўзда турмаслик;
3. Жиззакилик;
4. Адабсизлик;
5. Аччиқ сўз.

(Фаридиддин Аттор)

- Ҳасадчининг ҳасади ҳасад қилувчига етиб бормасдан аввал ҳасад қилувчининг ўзига **бешта** зарари етиб боради:

Биринчи – поёни йўқ ғам;

Иккинчи – тақдирлашдан ҳоли бўлган мусибат;

Учинчиси – таҳсини йўқ ёмонлашиш;

Тўртинчиси – одамларнинг ғазаби;

Бешинчиси – раҳм эшикларининг ёпилиши.

(Абдуллайс ас- Самарқандий)

- Барзу ал Ҳаким айтади: **Беш** киши, **беш** айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тотади:

**Биринчиси**, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади.

**Иккинчиси**, яқин дўстни хафа қилади ва балого мубтало бўлади.

**Учинчиси**, душмандан эҳтиёт бўлишдан ғофил бўлади ва зиён кўради.

**Тўртинчиси**, ҳаёли, покдамон хотинини қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади.

**Бешинчиси**, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

- **Беш** хислат кишини ҳар ерда азиз сақлаб, унинг дўстини кўпайтиради:

1. Ёвузликдан қўл тортса.

2. Яхшилиқни шиор қилса.

3. Тухмат қилишдан этак силкитса.

4. Хушхулқ бўлса.

5. Суҳбат одобига риоя қилса.

- Кишининг жоҳил, нодонлиги **беш** нарсадан билинади:

1. Жоҳил, нодон киши ҳар кимга ва ҳар бир айтилган сўзга текширмай ишонаверади.

2. Фойдасиз сўзларни кўп сўзлайди.

3. Хайр-эҳсонни ўз жойига сарф қилмайди.

4. Сирини яшира олмай ошкор қилади.  
5. Дўстни душмандан ажрата олмайди.
- Куйидаги **беш** хислат билан ўзига оро берган киши энг фозил кишидир:
    - Биринчи** – дўстини севиш билан.
    - Иккинчи** – халққа манфаат етказиш билан.
    - Учинчи** - ёмонликдан узоқ бўлиш билан.
    - Тўртинчи** – одамлардан таъма ипини узиш билан.
    - Бешинчи** – ўлимни мардона кутиш билан.
  - Бузургмеҳр айтади, билгинки, ҳаким ўз табиати билан куйидаги бешта хислатларга эга бўлиши керак:
    - Биринчи**, қўлдан кетиш ва абадий муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик.
    - Иккинчи**, бошига келган меҳнатдан қўрқиб изтироб чекмаслик.
    - Учинчи**, келажакда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик.
    - Тўртинчи**, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик.
    - Бешинчи**, етиша олмаган нарса учун қайғу тортмаслик.
  - **Беш** нарса ақлли одам хислатидур:
    1. Қўлдан кетган нарсага ачинмаслик.
    2. Меҳнатдан қўрқмаслик.
    3. Мағрур бўлмаслик.
    4. Қўлдан келмаган ишга киришмаслик.
    5. Хоҳлаган нарсаси қўлга кирмаганига қайғурмаслик.
  - Довуд алайҳиссалом бутун Бани Исроилни жам қилиб, катта ўғли Бехшуқо (Адония) ва кенжа ўғли Сулаймоннинг билимларини имтиҳон қилмоқчи бўлиб улардан куйидаги **беш** масалани ечиб беришни сўраган:
    1. Оламда мусулмон кўпми, кофир кўпми?
    2. Оламда эркак кўпми, хотин кўпми?
    3. Оламда маишат учун ҳаммадан яхшироқ нарса нима ва ҳаммасидан ёмонроғи нима?
    4. Дин учун ҳаммадан яхши нарса нима ва энг ёмон нарса нима?
    5. Оламда икки нарса борки, унинг бири бўлмаса, бошқа биридан ҳеч фойда бўлмас, у икки нарса қайсидир?
- Бу саволларнинг ҳеч бирига катта ўғил Бехшуқо жавоб беролмади. Айтганларга жавоб беришни Сулаймондан сўраганларида, улар саволларини тамом қилмасдан бурун кулиб юборади ва: «Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва

барокатух», деб дуо қилади. Кейин саволларига қуйидагича жавоб беради:

**Биринчи саволга жавоб:** Оламда кофир кўп, чунки бир ҳисса мусулмонга бир ҳисса кофир ҳам бордир. Аммо яна мунофиқлар ҳам бордирки, улар кофирларга кўшилур.

**Иккинчи саволга жавоб:** Оламда эркакдан аёл кўпдир, чунки хотин сўзи билан иш қиладиганлар, ёлгон сўзни одат қилганлар ва ғазот учун ҳамият ва ғайрат кўрсатмаганлар ҳам хотинлар қаторига кўшилиб оламда хотинлар сонини орттирадулар.

**Учинчи саволга жавоб:** Оламда маишат учун ҳаммадан яхшиси одобли гўзал хотиндир; ҳаммадан ёмонроғи беодоб, беандиша, бадхулқ, совуқ хотиндир.

**Тўртинчи саволга жавоб:** Дин учун ҳаммадан яхши нарса Аллоҳнинг якаю ягоналигига этиқод қилиш ва иқрор бўлишдир. Ҳаммадан ёмонроғи Аллоҳга ширк келтиришдир. Бир шаҳарда икки подшоҳнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, оламда ҳам икки ёки ундан ортиқ Худонинг бўлиши мумкин эмас.

**Бешинчи саволга жавоб:** Икки нарсадан бири бўлмаса, биридан ҳеч фойда бўлмас, яъни кишининг ҳусни жамоли бўлса-ю, лекин одоби бўлмаса, халойиқнинг кўзига ёмон, хунук, совуқ бўлиб кўринурки, бу ҳусндан ҳеч фойда бўлмас. Ҳар кимнинг моли бўлса-ю, унинг молидан ҳеч фойда бўлмаски, гўё унинг моли тоғнинг тагида ётган кондек бефойдадир, деб жавоб берган экан.

---

*Лўнда ҳикматли сўзлар кишиларнинг  
миясига сингиб қолади, илдиз отиб  
гуллайди, ҳосил беради ва ҳамиша  
таъсир кўрсатиб боради.*

Ф.Бодештедт

**Олти  
рақами тилга кирганда**

Олти рақами хосиятли саналади. Чунки, тангри таоло амни олти кунда яратди[18,28-бет]:

№	Хафта кунлари	И З О Ҳ
1.	Якшанба	• Осмонни яратди
2.	Душанба	• ойни, қўёшни, юлдузларни яратиб, фалак ичига жойлаштирди
3.	Сешанба	• Қушлар, қурт-қумусқаларни, фаришталарни яратди
4.	Чоршаба	• Сувни яратди, елларни, булутларни чиқарди, дарахтлар, ўт-ўланларни яратди, ҳаммага ризқ-рўз улашди
5.	Пайшанба	• Жаннат ва дўзахни, раҳмат ва азоб фаришталарини ҳамда ҳурларни яратди
6.	Жума	• Ҳазрат Одам Атони яратди
7.	Шанба	• Ҳеч нарса яратмади

Тавротда эса оламнинг яратилиши ҳақида қўйидагича ибор бериледи: Худованд дастлаб фаришталарни сўнгра, амон билан ерни яратди. Ер ҳали шаклсиз, кўримсиз, бўм-бўш бўлиб, бепоён фазо узра қоронғилик ҳукм сувар, худованднинг ризқи эса сув юзида парвоз этар (кезиб юрар) эди, айилган[18,29-бет]:

Хафта кунлари	И З О Ҳ
Биринчи кун	• Ёруғликни яратиб, ёруғликни-кундуз, қоронғуликни-кеча деб атади, яъни, ёруғлик ва қоронғуликни бир-биридан ажратади.
Иккинчи кун	• Бепоён осмонни яратди
Учинчи кун	• Қуруқлик, ер билан сувни, ўсимликларни, ўт-ўланлар ва дарахтларни яратди
Тўртинчи кун	• Кунни бошқариш учун қўёшни ва тунни бошқариш учун ой ва юлдузларни яратди ва уларни осмон гумбазида жойлаштирди
Бешинчи кун	• Худованд сувда яшовчи турли-туман жониворларни ҳамда қуш паррандаларини яратди
Олтинчи кун	• Худованд ерда яшайдиган жониворларни, ёввойи ҳайвонларни, даррандаларни, чорвани, қурт-қумисқаларни яратди Ундап кейин Худованд ўз қиёфасига ўхшатиб, Одам Атони ва унинг жуфти Момо Ҳаввони яратди
Еттинчи кун	• Худованд ўз фаолиятини тамомлаб, барча қилган ишларидан тинди. Худованд бу кунни муборак ва муқаддас қилиб айирди, чунки ушбу кунда У Ўзини бутун яратиш фаолиятдан тинган, деб ёзилган.

Ҳусайн Воиз Кошифий олти рақамини қўйидаги маънода қўллади: “Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қондаларга амал қилиш керак, деб сўрасалар, айтгил қўйидаги **олти** қондани сақлашлари керак:”

1. Ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин;
2. Дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин;
3. Гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин;
4. Овозини баланд кўтармасдан, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин;
5. Одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин;
6. Агар сўзнинг қиммати-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки, улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг униб чиқмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1999 йил 14 апрелида бўлиб ўтган XIV сессиясида нутқ сўзлаган Ислом Каримов Ўзбекистон тараққиёти стратегияси устида тўхталиб, **олти** энг устувор йўналишларни белгилаб берди. Улар қуйидагилардир:

**Биринчи устувор йўналиш** —мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;

**Иккинчи устувор йўналиш** —жамият маънавиятини янада юксалтириш;

**Учинчи устувор йўналиш** — кадрлар масаласи;

**Тўртинчи устувор йўналиш** — халқ турмуш даражасини изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ва ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этиш;

**Бешинчи устувор йўналиш** — бу иқтисодиётда, таркибий ўзгаришларни таъминлашдир;

**Олтинчи устувор йўналиш** — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш.

Олти рақами орқали алломалар кишиларни огоҳликка чақиришган, ҳаётдаги ижобий ва салбий жиҳатларни ифодалашган.

**Олти рақами билан ифодаланган ижобий жиҳатлар**

- Ушбу **олти** хил амалда шошиш Расулнинг суннати саналур:
  1. Меҳмон келгач, унга овқат беришда;

2. Марҳумни дафн қилишда;
3. Қиз бола балоғат ёшига етгач, уни эрга беришда;
4. Қарэни узишда;
5. Гуноҳлардан тавба қилишда;
6. Азон товушини эшитиб, масжидга боришда.

Бу амалларда шошиш Раҳмондан, қолган барча ишлардаги шошқалоқлик эса шайтондандир:

(Афкор дурдоналаридан)

- **Олти** нарса ҳаёт мувозанатини сақлайди:

1. Соғлом таом;
2. Ҳамдард хўжайин;
3. Қулоқли бола;
4. Мувофиқ хотин;
5. Маҳкам сўз;
6. Ақл камолоти.

(Ибн Мисковайх)

- ◆ **Олти** нарса билан ўзингни парвариш қил;

1. Лаззатли овқат;
2. Садоқатли дўст;
3. Меҳрибон хотин;
4. Рост сўз;
5. Ўйлаб иш кўриш;
6. Нажотни тўғрилиқдан излаш.

(Фаридиддин Аттор)

### **Олти рақами билан ифодаланган салбий жиҳатлар**

Ҳикмат аҳлларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарса **олтита** дейилади:

1. Тунда кам ухлаш;
2. Кундузи кўп ухлаш;
3. Пешобни узоқ туттиш;
4. Тўқ қоринга яна овқат ейиш;
5. Кечаси совуқ сув ичиш;
6. Ортиқча жинсий алоқа қилиш.

(Оталар сўзи-ақлнинг кўзи)

- ◆ **Олти** кишидан олти нарсани сўраш ғалати:

1. Бойдан олтин сўраш;
2. Гўзалдан гул сўраш;
3. Тикувчидан игна сўраш;



4. Очдан нон сўраш;
5. Тиламчидан хайр сўраш;
6. Душмандан мадад сўраш.

(Муҳаммад Боқир)

- ◆ **Олти** нарса роҳатда яшашга ёрдам беради:
  1. Ишчанлик;
  2. Ҳақиқий дўст;
  3. Тарбияли фарзанд;
  4. Меҳрибон хотин;
  5. Ширин, мақбул сўз;
  6. Ақлу фаросат.
- ◆ Аристотель шундай ёзади:
  1. Иzzат тиласанг иффагли бўл;
  2. Улуғлик тиласанг мулойим бўл;
  3. Зафар тиласанг аделат йўлини тут;
  4. Қадр тиласанг ростгўй бўл;
  5. Нажот тиласанг сабр қил;
  6. Илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду жаҳд қил.
- ◆ Дўст танлашда қуйидаги **олтига** маслаҳатга кулоқ солинг:
  1. Биров билан дўст бўлишни истасангиз унинг дўстларини текшинг. Агар уларнинг феъл-атвор, одоб тарбияларини яхши текшириб билсангиз, унинг феъл-атворини англайсиз, чунки ҳар ким ўзига муносиб киши билан дўст бўлади.
  2. Унинг юриш-туришига диққат қилинг, ахлоқини ўрганинг.
  3. У билан муомала қилувчилардан унинг муомаласини сўранг, ундан рози ёки норози эканликларини, унга ишонган ёки ишонмаганликларини биласиз.
  4. Унинг кўринишига, ташқи қиёфасига алданманг, чунки ичи қора бўлиши мумкин.
  5. Бошқаларни ғийбат қилувчи, уларнинг сирларини сўзловчи билан дўст бўлманг.
  6. Ёмон йўлга бошловчи киши билан дўст бўлишдан ҳазар қилинг.
- ◆ Ҳикмат – бу ҳар бир ишда тўғрини хатодан ажратишни ёки бир нарса ҳақида энг тўғри ҳукми топиб чиқаришдир. Ҳикматни яхшироқ англаш учун унинг қуйидаги **олтига** фазилатини билиш лозимдир:

1. **Зеҳн поклиги** – исталган нарсани ўйлаб чиқишга зеҳн чувалаб, нафснинг машаққатланмай тез ўйлаб чиқишдир.
2. **Зийраклик** ишнинг аввалидан охирига қадар зеҳннинг тез ҳаракатидир.
3. **Гўзал тасаввурдир** – бир нарсани англаб чиқишда, унга даҳли бўлмаган бошқа нарсани қориштирмасдан яхши англаш қувватидир.
4. **Осонлик билан ўрганиш** – ортиқ машаққатланмасдан исталган нарсани ўрганиш қувватидир.
5. **Ёдда сақлаш** - ўқиб анланган нарсани эсдан чиқармасдан ёдга олишдир.
6. **Эсга тушириш** – ёдга олинган нарсани исталган вақтда даров эсга туширишдир.

Ахлоқ илми бўйича биз англайдиган ҳикмат шу саналган хулқ ва фазилатлар билан топилади. Ҳикмат эгаси бўлганлар «ҳаким» деб аталадилар.

*Фикр ва ҳикматли сўзлар,  
хонани безаб турган гул сингари  
кўнгилни безайди.*

Э.Капиев

**Етти  
рақамининг сўздаги ифодалари**

## Еттивинг етмиш сири

Инсон қадим замонлардан буён **еттиликка** катта эътибор бериб келган. Агар Ойнинг янги туғилган пайтида бир ярим кун давомида бизга кўринмаслигини ҳисобга олсак, унинг бизга кўринадиган даври 28 кун. Бу даврда Ой ўртача босқични босиб ўтади. Биринчи чорак, тўлин Ой, сўнги чорак ва янги Ой. Бу босқичлар ҳар **етти** кунда алмашинади.

Ернинг сирти Қуёш нурларини ой сиртига қараганда **етти** марта кучлироқ қайтаради.

Офтоб нурларида ял-ял товланган камалакни кўриб завқланмаган одам бўлмаса керак. Агар қуёшдан келаётган оқ нур шаффоф призмадан ёки сув буғлари орқали ўтказилса, таркибий қисмларга ажралиб, **етти** хил рангда жиловланади: қизил, заъфарон, сариқ, яшил, зангори, кўк ва бинафша ранглар.

Шимолий ярим шарда кўринувчи чўмич шаклидаги **етти** оғайни юлдузлар тўпи энг йирик юлдузлар тўпи ҳисобланади. У энг ёрқин **етти** юлдузи билан ажралиб туради. «Кичик айиқ» юлдузи туркуми ҳам **еттита** ёруғ юлдуздан ташкил топган.

Моддалар хоссасига қараб ҳар хил ҳолатда бўлишини ҳамма билади. Лекин айнан неча хил бўлишини-чи? Ҳозирги илмий тасаввурларга кўра модданинг жами **етти** ҳолати мавжуд: қаттиқ, суюқ, газсимон, плазма, нейтрон, эиплазма ва физик вакуум.

Ҳафта ҳам **етти** кундан иборат. Ҳафтанинг **етти** кунлиги бежиз эмаслигини ҳозирги тиббиёт фани ҳам тасдиқламоқда. Чунки инсон организми қаршилиқ кўрсатишнинг тебраниш даври **етти** кунга тўғри келар экан.

**Еттивинг** инсон фаолиятидаги бошқа томонлар билан боғлиқлиги борми? Бор, - дейишмоқда олимлар. Таниқли америкалик психолог Ж.Миллер турли (кўриш, эшитиш, таъм билиш билан боғлиқ ва ҳ.к.) сигналларнинг инсонга кўрсатадиган таъсирини ўрганиб, қизиқ натижаларга эришди. Олимнинг жуда кўп тажрибалари асосида тўпганаган маълумотларидан маълум бўлишича, инсон қабул қилаётган ва мияда қайта ишланаётган ахборотлар 5 тадан 9 тагача бўлганда кўпинча хатога йўл қўйилмас экан. Миллер буни  $7\pm 2$  тарзда ифодалайди.

Агар ахборотлар ҳажми бундан ошиб кетса, янглишиш

эҳтимоли ҳам шунга қараб кўпаяр экан. Демак, **етти** одамлардаги идрок этиш қобилияти билан боғлиқ ўзига хос бир қонуният экан. Инсонда **еттита** сезги мавжуд: тафаккур, кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тана ва жинсий. Инсон териси **етти** қаватдан иборат. Инсоннинг кўлидаги биллакузук суякларининг асосий **еттитаси** тирсак ва биллак суякларини панжа суяклари билан бирлаштиради.

Инсоннинг оёғидаги кафтолди суяклари ҳам **еттита**, чин қовурғаси ҳам **етти** жуфт, бўйин умуртқа суяклари ҳам **еттита**. Инсондаги **еттилик** билан боғлиқни бундан ташқари ҳам жуда кўп учратиш мумкин.

Демак, 7 рақами инсоннинг инсоний сифатлари билан чамбарчас боғлиқ, ўзига хос мезон, эталондир. Атоқли инглиз олими И.Ньютон ҳам: «Коинотда қандайдир бир илоҳий куч бўлиши керак», - деб бежиз айтмаган. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, дунёнинг **еттилик** билан боғланиши, ҳаёт тасодифан пайдо бўлмаганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг муқаддас китоби бўлмиш «Қуръон»да ҳам **еттиликка** боғлиқ кўп оятларни учратиш мумкин. Қуръоннинг биринчи ва ҳар бир намозда ўқиладиган «Фотиҳа» сураси ҳам **етти** оятдан иборат. Иймонда ҳам **етти** фарз бор, яъни инсон **етти** нарсага шубҳасиз ишониш билан исломга киради.

Қуръоннинг 23- сураси 17 оятида ҳам шундай дейилади:

«Биз сизнинг устингизда **етти** йўлни яратдик ва биз яратган нарсаларимиз ҳақида ғафлатда бўлмадик».

Ҳақиқатда бизнинг галактикамизда Ердан бошлаб Қуёшга нисбатан узоқлашиб борувчи устма-уст **етти** сайёранинг йўли ўтган: Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун ва Плутон сайёралардан Меркурий ва Зухро эса Ер ва Қуёш оралиғида жойлашган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг, «Ёсин» сураси 40-оятида Қуёш, Ой ва шу кабиларни айтиб ўтиб «... ҳар бири фалакда сузиб юради» - дейди.

«Фалак» сўзининг луғавий маъноси «осмон йўли» дегани, фалакиёт тили билан айтганда «орбита» дегани экан. Демак, Ердан то юқорига қадар **етти** сайёранинг орбитаси ўтган экан. Демак, хулоса шуки, табиатда **еттиликни** учраши тасодифий ҳол эмас.

(Фидокор, 05.06.2001)

- Инсонда **еттита** сезги мавжуд:
  1. Тафаккур;
  2. Кўриш;
  3. Эпитиш;
  4. Ҳид билиш;
  5. Таъм билиш;
  6. Тана;
  7. Жинсий.
- Инсон териси етти қаватдан иборат.
- Шимолий ярим шарда кўринувчи чўмич шаклидаги **етти** оғайни юлдузлар тўпи энг йирик юлдузлар тўпи ҳисобланади. “Кичик айиқ” юлдузи туркуми ҳам еттита ёруғ юлдуздан ташкил топган.
- Аллоҳ таолонинг муқаддас китоби бўлмиш “Қуръон” да ҳам **еттиликка** боғлиқ кўп оятларни учратиш мумкин. Қуръони каримда биринчи вар ҳар бир номозда ўқиладиган “Фотиҳа” сураси ҳам **етти** оятдан иборат.
- Иймонда ҳам **етти** фарз бор, яъни инсон **етти** нарсага шубҳасиз ишониш билан исломга киради.
- Ернинг сирти Қуёш нурларини ой сиртига қараганда **етти** марта кучлироқ қайтаради.
- Офтоб нурларида ял-ял товланган **етти** хил рангдаги камалакни кўриб завқаланмаган одам бўлмаса керак.  
Бу:
  1. Қизил;
  2. Заъфарон;
  3. Сарик;
  4. Яшил;
  5. Зангори;
  6. Кўк;
  7. Бинафша.
- Бизнинг галактикамизда Ердан бошлаб Қуёшга нисбатан узоқлашиб борувчи устма-уст **етти** сайёранинг йўли ўтган:
  1. Ер;
  2. Марс;
  3. Юпитер;
  4. Сатурн;
  5. Уран;

6. Нептун;

7. Плутон.

Амалда бўлган етти кунлик ҳафтамининг ҳам ўзига яраша “Таржимаи ҳоли” бор. Милоддан аввалги 1 минг йиллик бошларида яшаган Халдейлар ҳар бир сайёранинг ўз куни бўлади деб фараз қилганлар ва янгича кун ҳисоби- ҳафтани яратганлар. Бобилда яшаган Халдейлар юнон худолари- Меркурий, Венера, Марс, Юпитер, Сатурннинг номларига Қўёш ва Ойни ҳам қўшиб, сайёралар сонини еттитага етказишган ҳамда “7” рақамини муқаддас деб эълон қилганлар.

Инсон авлоди ҳам еттита:

1. Фарзанд;
2. Невера;
3. Эвара;
4. Чевара;
5. Кавара;
6. Овора;
7. Бегона.

Ўтмишда халқимиз дунёда одамни тўйдирадиган ва бой қиладиган етти хазина бор деб билган, чунончи:

1. Сигир- рўзғорнинг қассоби ва баққоли;
2. Асалари – оиланинг табиби;
3. Ипак қурти – қизларнинг сепи;
4. Обжувоз – қозоннинг ёғи;
5. Тегирмон – қориннинг белбоғи;
6. Ўрмон – иморат “суяги”, қозон олови;
7. Товуқ - ҳам обиёвғон, ҳам дори-дармон.

Булардан қанчалик кўп фойдаланилмасин, уларнинг ўрни ҳар доим тўлиб тураверади. Айрим юртларда: “Тижорат -**етти** хазинанинг бири”, деб қўшимча тариқасида юқоридагиларни бирортасининг ўрнига киритишган.

Бутун Ер юзи **етти** иқлим минтақасига бўлинган:

1. Экваториал
2. Субэкваториал;
3. Тропик;
4. Субтропик;
5. Мўътадил;
6. Арктика;
7. Субарктика.

Етти қават осмон (фалак) етти қават ер бор деб фараз шган. Қадимги римликларнинг етти букук донишманди ин. Хонандалар ҳам етти парда оҳангда қуйлашади, шунга мусиқада етти хил нота қилинган: до, ре, ми, фа, соль, и. Мумтоз шеърятимизда ғазалнинг етти байтлик шакли оқ тарқалган. Ҳар ким ўзининг етти аждодини билиши бўлган.

Ана шундай қилиб, муқаддаслаштирилган 7 рақамидан ўлчови –етти кунлик ҳафта ҳисобини ўйлаб топганлар. ға кунларининг номи форс (қисман араб) тилида қабул нган, чунончи: [18,641-бет]

Ҳафтанинг кунлари	И З О Ҳ
Якшанба	• Ҳафтанинг биринчи куни (“як”-бир); биринчи сайёра Кўёш ҳукмида бўлган; бу куннинг миждози иссиқ ва қурук; якшанба куни бошланадиган йил турли ҳодисаларга бой бўлади.
Душанба	• Ҳафтанинг иккинчи куни (“ду”-икки); иккинчи сайёра Ой ҳукмида; миждози совуқ ва нам; душанба куни бошланадиган йил анча хайрли, яхши бўлади.
Сешанба	• Ҳафтанинг учинчи куни (“се”-уч); учинчи сайёра Марс ҳукмида; миждози иссиқ ва нам; одамга ёмон таъсир кўрсатади; сешанбадан бошланадиган йил оғир келади.
Чоршанба	• Ҳафтанинг тўртинчи куни (“чаҳор”-тўрт); тўртинчи сайёра Меркурий ҳукмида; миждози иссиқ-совуқ; одамга таъсири ҳам яхши, ҳам ёмон; чоршанбадан бошланадиган йилда уруш ва қимматчилик бўлиши мумкин.
Пайшанба	• Ҳафтанинг бешинчи куни (“панж” -беш); бешинчи сайёра Юпитер ҳукмида миждози иссиқ ва нам; одамга таъсири яхши; бу кундан бошланадиган йил хайрли, яхши бўлади.
Жума	• Ҳафтанинг бешинчи куни (“жумъа” – жам бўлмоқ); олтинчи сайёра Венера ҳукмида; миждози мўътадил; одамга таъсири яхши; бу кун билан бошланадиган йил хайрли, яхши бўлади.
Шанба	• Ҳафтанинг еттинчи куни; еттинчи сайёра Сатурн ҳукмида; миждози қурук ва совуқ; одамга таъсири ёмон; бу кун билан бошланадиган йил қулфатли ва ёмон бўлади.



Исломда ҳафтанинг охири жума. Бу куни мусулмонлар учун дам олиш куни ҳисобланади. Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, жума- мусулмонларнинг, шанба-яхудийларнинг, якшанба –насонийларнинг дам олиш кунидир.

Расулulloҳ етти нарсага одат қилиб, етти нарсдан ҳазар қилмоқни буюрдилар.

“Қўйидагиларни одат қилингиз!”-дедилар:

1. Жанозага қатнашмақни;
2. Касални бориб кўрмоқни;
3. Чақирилган жойга бормоқни;
4. Мазлумга ёрдам бермоқни;
5. Қасам ичса, қасамида турмақни;
6. Саломга алик олмақни;
7. Акса урган киши “Алҳамдулиллоҳ” деса, унга “Йорҳамукаллоҳ” демақни.

“Қўйидагилардан ҳазар қилингиз!” –дедилар:

1. Кумуш идиш тутмоқни;
2. Тилла узук тақмоқдан (эркакларга);
3. Ипакли кийим киймоқдан (эркакларга);
4. Дебож (гулдор ипакли кийим) киймоқдан;
5. Қасий (дағал матодан тикилган кийим) киймоқдан;
6. Истаброқ (атласга ўхшаган мато) киймоқдан;
7. Бу ривоятда еттинчиси тушириб қолдирилган  
(Ҳадис. 1-жилд, 335-336 бет)

Юртбошимиз миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи, мамлакатимиз истиқболи, келажагини белгилашда жуда муҳим омил эканлигини таъкидлаб, уни ишлаб чиқишда қўйидаги **етти** негиз (принцип)га асосланиш лозимлигини ўқтириб ўтдилар [8,464-467-бетлар]:

№	Негиз (принцип) лар
1.	Ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат, жамият албатта ўзининг миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак. Давлат тизими, уни бошқариш ва сиёсат албатта аниқ ва равшан ифодаланган маълум бир мафкурага асосланиб қурилмоғи лозим. Чунки, ўзининг миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга юз тутиб, ўз йўлини йўқотиб қўйиши мумкин.
2.	Биз эски мустабид тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш даврида яшайётган бугунги кунда халқимиз ўзига хос, катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши ва бу жараён катта қурашлар орқали келишини англамоғимиз лозим.

	Халқимиз ва жамиятимизни янги истиқболли марралар томон етаклашда аввало танлаб олинган, чуқур ва пуҳта ишланган мафкура бош рол ўйнаши керак.
3.	Ишларимизни қандай ғоя ва мафкура билан тарбияламоқ ва эзгу мақсадларга қандай мафкура ва тафаккур асосида боришни англаб олмоқ керак.
4.	Тарбиявий ахлоқий масалаларда ва маънавий ҳаётда миллий мафкурамизга мос келадиган сиёсатни олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмай, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасдан сохта ғоялар орқасидан тентираб, эргашиб кетаётган ёшларимизга янгича миллий мафкура ва миллий ғояларни сингдириб бормоқ керак.
5.	Яратиладиган миллий ғоя миллатимизнинг ўзлигини англашга, ўзининг йўқолаётган миллий қадриятларини, урф-одатларини тиклаб, эзозлаб, янги ўсиб келаётган авлодга етказиш учун хизмат қилмоғи лозим.
6.	Янги яратиладиган миллий ғоя биринчи навбатда халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, миллий қадриятларига таянган ҳолда юрт тинчлиги, Ватан раванқи, халқ маънавияти ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.
7.	Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги керак ва жамиятдаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда уларни бир бири билан мунозара қилишга кураш баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйик кўрсатмаслиги лозим.
	Шу билан бирга миллий ғоя мафкура давлатимиз жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши, раванқ топишига келажаги буюк давлат барпо этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоғи шарт.

Қуйидаги еттига шиор тараққиётимизнинг асосий зонлари бўлмоғи даркор:

**Биринчидан**, бугунги устувор ақидамызда собит бўлайлик, яъни – жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни яънада мустаҳкамлайди.

**Иккинчи шиоримиз:** Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик! Умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизда миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтирайлик!

**Учинчидан**, қонун устуворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқоддан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини

таъминлайлик.

**Тўртинчи шиоримиз:** Иқтисодий ҳаётимизда мулк шаклини ўзгартириб, мулкни ўз эгасига топширайлик! Эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик асосида халқимизга фаровон ҳаёт яратиб берайлик

**Бешинчидан,** жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳатлар ва иқтисодимизни такомиллаштириш эвазига халқимизнинг реал даромадларини ва ҳаёт даражасини кўтарайлик!

**Олтинчи вазифа.** Давлатчилик тизимини мустаҳкамлайлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни бош мезон этиб, дунё ҳамжиҳатида муносиб ўринни эгаллайлик!

**Еттинчи** ва барча эзгу орзуларимизни мужассамлаштирган шиоримиз: келажагимиз учун, фарзандларимизнинг бахту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қилайлик! Авлодларга озод ва обод ватан қолдирайлик!

Етти рақами билан ҳадис ва ҳикматларни изҳор этишда ҳам жуда кенг қўллашганлар. Қуйида шуларнинг айримларини келтирамыз:

### **Етти рақами билан ифодаланган ижобий жиҳатлар.**

Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларида шундай дейилган:

- ◆ **Етти тоифа (одам) бор, Аллоҳ таоло қиёмат куни-соя йўқ бир кунда уларга арш соясидан жой беради [44,89-бет]:**
  1. Масжидларга қалби боғлиқ кишига;
  2. Бир чиройли, молдор аёл шахватга чақирса: "Мен Аллоҳдан қўрқаман", -деб бормаган кишига;
  3. Аллоҳ йўлида дўстлашган икки биродарга;
  - 5 Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан сақланган кишига
  - 6 Аллоҳ йўлида қоровуллик қилган кишига (урушда);
  - 7 Аллоҳ таоладан қўрқиб, кўзига ёш олган кишига.
- ◆ **Мўмин кишига вафотидан кейин савоби етиб турадиган амали солиҳлар еттита. Бу[44,71-бет]:**
  1. Тарқатган илми;
  2. Қолдирган солиҳ фарзанди;
  3. Мерос қолдирган қуръони;
  4. Қурган масжиди;
  5. Йўловчилар учун қурган меҳмонхона уйи;
  6. Қазиган арифи;

7. Тириклигида ва соғломлигида садақа-эхсон учун ажратган молидир.

- ◆ Шайх Нажмиддин Кубро 7 хил ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган[18,397-бет]:

1. Оқ - исломни;
2. Сарик -иймонни;
3. Зангори -эхсонни;
4. Яшил -ишончни (итмино);
5. Кўк -тўлиқ ишончни (иқон);
6. Қизил -ирфонни;
7. Қора- ҳаяжон, ҳайратни англатган.

- ◆ Балоғат ёшига етган деярли ҳар бир инсон қўйидаги етти нарсани истайди:

1. Соғлиқ ва узоқ яшаш;
2. Озиқ -овқат;
3. Уйку;
4. Пул ва қимматбаҳо буюмлар;
5. Жаннатга тушиш;
6. Болаларни орзу-ҳавасларини кўриш;
7. Машхур ва нуфузли бўлиш.

(Дейл Карнеги.)

- ◆ Қуйидаги етти шарт, эътиқод-иймонни тўлиқ асоси, устуни, яъни иймони муфассал дейилади[18,301-бет]:

1. Аллоҳга иймон калимасини келтириш;
2. Аллоҳнинг фаришталарига;
3. Аллоҳнинг муқаддас китобларига.
4. Аллоҳнинг пайғамбарларига;
5. Қиёмат кунига;
6. Тақдирга;
7. Охиратга, яъни ўлгандан кейин қайта тирилтиришга ишонишга ва уларга амал қилиб яшашдан иборат.

**Етти рақами билан ифодаланган салбий жиҳатлар.**

- ◆ Пайғамбаримиз ҳадисларида оғир, кечирилмайдиган гуноҳи кабирлардан еттигасини келтирганлар[44]:

1. Аллоҳга ширк келтирмоқ;
2. Ноҳақ қасддан одам ўлдирмоқ;
3. Ота-онага «оқ» бўлмоқ;
4. Судхўрлик;
5. Бировларнинг ҳақини емоқ;
6. Сехр ишлари билан шуғулланмоқ;
7. Ёлғон гувоҳлик бермоқ.

- ◆ **Етгита** ҳалок қилувчи нарсдан сақланинглр[44]:
  1. Аллоҳга ширк келтирмоқ;
  2. Сехр қилмоқ;
  3. Ноҳақ қон тўкиш;
  4. Судхўрлик (пулни фойдага бериш);
  5. Етимнинг молини емоқ;
  6. Урушдан қочиш;
  7. Эрли мўмина, ифбатли аёлни зинокор деб туҳмат қилиш.
- ◆ Дўзах **етти** қаватдан иборат бўлиб, бу қаватларнинг номлари[18,305-бет]:
  1. Ҳовия;
  2. Лазо;
  3. Сақар;
  4. Саъир;
  5. Жаҳаннам;
  6. Сижжин;
  7. Ҳутамадир.

Уларга гуноҳкорлар қилган гуноҳлари даражаларига қараб тушадилар.
- ◆ **Етти** нарса борки, ҳар ким бу етти нарсага амал қилса, дунёда яхши отлиқ бўлади:
  - Биринчиси**, дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса.
  - Иккинчиси**, ўз жойида бўлса.
  - Учинчиси**, адолатли бўлса.
  - Тўртинчиси**, сабрли бўлса.
  - Бешинчиси**, биркесар бўлмаслик.
  - Олтинчиси**, фойдадан ўзгаларни баҳрадор қилса.
  - Еттинчиси**, камтарлик қилса.
- ◆ **Етти** нарса жоҳилларнинг одати:
  1. Ҳар нарсага аччиқланиш.
  2. Синалмаган одамга ишониш.
  3. Дўст-душманни ажрата билмаслик.
  4. Сирини ҳар кимга айтиш.
  5. Ақлсиз, нодон одамларнинг маслаҳатларига кулоқ солиш.
  6. Бефойда сўзларни кўн сўзлаш.
  7. Лойиқ бўлмаган одамларга ёрдамлашиш.

- Шайх Нажмиддин Қубро 7 хил ранг хислатини етти тушунчага мослаб талқин этган (18, 361 б)
  1. Оқ - исломни.
  2. Сарик - иймонни.
  3. Зангори – эҳсонни.
  4. Яшил – ишончни (итмино)
  5. Қўк – тўлиқ ишончни (иқон).
  6. Қизил – ирфонни.
  7. Қора - ҳаяжон, ҳайратни англаган.
- Ҳар бир мусулмон билиб қўйиши керак бўлган егтилик савол-жавоблар:
  1. Мусулмонмисан? – Алҳамдулиллоҳ мусулмонман
  2. Қачондан бери? – «Алмисоқ»дан бери
  3. Алмисоқ нимадир? – Аз-рўзи азал, яъни бизларнинг руҳларимизни Аллоҳ яратган кун.
  4. Аллоҳ азал кунда туғилажак барча одамларнинг руҳларини пайдо қилиб сўради: Аласту би Раббикум? (Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?) Жавоб бердилар: - «Қолу бало!» (Албатта Сен бизнинг Раббимиздирсан, Сендан бошқа Раббимиз йўқ).
  5. Нима қилмоқ билан мусулмонсан? – Иймон келтирмоқ билан мусулмонман.
  6. Иймон нима? – Пайғамбаримиз алайҳиссалом Аллоҳ тарафидан нима нарсаларни келтирган бўлсалар, ўшаларга тил билан иқрор бўлмоқ ва дил билан ишонмоқ.
  7. Дининг қайси? – Ислом.
- Яна:
  1. Ислом нимадир? – Аллоҳ буюрганларини қилмоқ ва қайтарганларидан тийилмоқ.
  2. Дин нима? – Ишон, ишонмоқ, эътиқод қилмоқ.
  3. Кимнинг умматидирсан? – Муҳаммад алайҳиссаломнинг.
  4. Кимларни дўст тутарсан? – Чаҳорёрларни (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али).
  5. Кимнинг зурриётидирсан? – Одам сафийуллоҳнинг.
  6. Кимнинг миллатидирсан? – Иброҳим килилуллоҳнинг.
  7. Эътиқодда мазҳабинг? – Аҳли сунна вал жамоа.

*Ҳикматли сўз китоблари ақлнинг  
мустақил фаолиятига нафақат  
таъйиқ ўтказди, аксинча мустақил  
фаолиятга чорлайди.*

Л.Н.Толстой

**Саккиз  
рақами тилга кирганда**

Саккиз рақами ҳам хосиятли сонлар қаторига кирад нобарин, Аллоҳнинг қандай зот эканлиги **саккиз** сиф. лан изоҳланади: [18,17-бет]

№	СИФАТЛАР
1.	Аллоҳ азалдан мавжуддир. У- ҳеч қачон йўқ бўлмаган. Унинг аввали ҳам йўқ, охири ҳам йўқ. Ҳеч нарса бўлмаган пайтда ҳам у бўлган, мавжудлик унинг асосий хусусиятидир. Унинг мавжудлиги ҳеч кимга ва ҳеч нарсага боғлиқ эмас. У бошқа нарсаларга беҳожат бўлгани ҳолда ҳамма Унга ҳожатмандир. У ҳамиша тирик. У моҳиятан пок ва доно, муқаддас ва билгувчидир. Унинг ниҳояси йўқ, абадийдир, дунёда ҳеч нарса қолмаганда ҳам у боқий бўлади.
2.	У туғилмаган ва туғмаган. Унинг фарзанди ҳам ота - онаси ҳам йўқ. У беназир бир зотдир.
3.	Унинг шериги, ўхшаши, қиёфаси йўқ, тенг бир ўхшаши ёхуд тенг бир зидди бўлмаган Аҳаддир. У мукамал зот ва яккаю ягона бўлиб, у ёлғизлик Аллоҳга, унинг зотига хос бўлган бир мутлоқ тоқлиқдир.
4.	У азалий ва абадийдир, доим барҳаётдир ва ҳеч қачон ўлмайди.
5.	У ломақондир, яъни Унинг турадиган макони йўқ. У ҳар ерда ва ҳар вақт ҳозиру-нозир. Ҳар нафасда, ҳар заррада зухурдир-бордир. Бутун борлиқ Унинг борлигига далилдир.
6.	У ҳамма нарсага қодирдир. Хоҳлаган нарсани қила олади. У хоҳлаган иш бўлмай қолмайди, хоҳламагани бўлмайди. У бенуқсондир, қилган, қилаётган ишлари бехатодир. ҳикматдир. Унинг илми ва ҳикмати чексиздир. У-Самаддир, яъни шонли, улуғ ва буюк, барча гоёлар манбаи, нуқсонсиз, ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, ҳар қандай мавжудот унга муҳтож ва ундан мадад олмай туролмайдиган, олий кудратли зотдир.
7.	У барча нарсаларни эшитади, кўради, билади. У яқиндагини ҳам, узоқдагини ҳам, овозсизни ҳам, ошқорани ҳам, махфийни ҳам эшитади, кўради, билади. Ундан ҳеч ким ва ҳеч нарса яширин қолмайди. У қалблардаги виятларни ҳам билади.
8.	У Холик, яъни яратувчидир. У ҳамма нарсани ҳал қилган ва яратган яккаю-ягонадир. У фақат билиб, ирода қилиб ва қодир бўлиб қолмай, балки амалда яратади ва ҳал қилади.

Аллоҳ таолонинг субутий (мусбат) сифатлари ҳам **скизтадир: [18,17-бет]**

№	СИФАТЛАР
1.	Аллоҳ таоло ўзининг зотиғаа хос бир сифат билан ҳамиша



	тирик (Хай), мангу бархаётдир, аммо бизга ўхшаш аъзо ва жон билан эмас.
2.	Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билгувчидир. У ўз зотига муносиб сифат билан билур, аммо бизларга ўхшаш ўрганмоқ ва ўйламоқ билан эмас.
3.	У ҳар нарсага қудрати етгувчи –Қодирдир. Бир нарса қилмоқни хоҳласа, “бўл” деса кифоя. Аммо бизларга ўхшаб қувват ва ёрдам берадиган асбобларга муҳтож эмас.
4.	У – Самъи, яъни ҳар бир овозни эшитгувчидир, аммо бизларга ўхшаб қулоқ билан эмас.
5.	У – Басийр, яъни ҳар бир нарсани кўрувчидир. Бутун оламни, қоронғу ёруғдаги, узоқ-яқиндаги, еру-осмондаги катта кичик нарсаларни ўз қудрати илоҳийси билан доим кўриб туради. Кўрмоғи ўз зотига муносиб сифат билан бўлур, аммо бизларга ўхшаш кўз билан эмас.
6.	У – Мурид, яъни хоҳлагувчидир. Дунёдаги бор нарсалар, ишлар ҳаммаси Унинг хоҳиши билан бўлган. Ҳар бир ишни қилмоқ ўзининг ихтиёрида –хоҳласа қилади, хоҳламаса қилмайди.
7.	У – Мутакаллим, яъни сўзлагувчидир. У ўз зотига муносиб бир сифат билан сўзлайди, аммо бизларга ўхшаш оғиз, тил, овоз, ҳарфлар билан эмас. Таврот, Забур, Инжил ва Қуръони карим китобларидаги сўзлар Унинг каломидир.
8.	У – Таквин, яъни билдиргувчидир. Дунёдаги мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси Унинг бўлдимроғи билан бўлгандир.

Аллоҳнинг зоти ва сифатлари тўғрисида баҳс юритиш манъ этилади. Чунки, инсон ўзининг чегараланган билими ва ақли билан Унинг чегарасиз моҳиятига ета олмайди.

• Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларида ёзилганидек **саккиз** тоифа кишини Аллоҳ қиёматда энг ёмон кўради: [44,81-бет]

1. Ёлғончиларни;
2. Ўзига бино қуйган такаббурларни;
3. Дўстига қалбида ёмонлик бўлган гиначиларни.  
Йўлиққанда уларга хушомад қилувчи, йўғида эса адоват этувчи кишиларни;
4. Аллоҳ ва Расулига чақирилганда секин келадиган, шайтонга чақирилганда (ёмон ишларга) тез келадиган кишиларни;
5. Дунёвий маблағ униши мумкин жойда бутун борлиғи билан ҳақсиз равишда таъма қилувчи таъмагирларни;
6. Чақимчиларни;
7. Дўстлар орасини бузувчиларни;

8. Пок одамларнинг ҳаққига тажовуз қилувчиларни.  
Ана шу хислатларга эга одамларни Аллоҳ ёмон кўради.

Жаннат **саккиздадир**, уларнинг номлари қўйидагичадир:  
[18,305-бет]

1. Дор ус-салом қизил ёқутдан
2. Дор ул-худ кумушдан
3. Жаннат ул- наъим зумраддан
4. Жаннат ул- аъдин лаълдан
5. Жаннат ул – маъво нурдан
6. Жаннат дор ул – жалол забаржаддан
7. Жаннат ул – фирдавс гавҳардан
8. Жаннат ул – физзо олгиндан бино қилинган

Бу абадият жаннатлари пайдо қилингандан бери то қиёматгача самода – еттинчи қават осмонда муаллақ туради деб ривоят қилинади

• **Саккиз** тоифа билан ўтирган кишида Аллоҳ таоло **саккиз** нарсани зиёда қилади:

1. Бойлар билан ўтирган кишида Аллоҳ таоло дунёга раббат ва муҳаббатни кучайтиради.
2. Фақирлар билан ўтирган одамда шукр ва Аллоҳнинг тақсимотига розиликни зиёда этади.
3. Ҳокимлар билан ўтирган кишида кибр ва қалбитошликни оширади
4. Аёллар билан ўтирган кишида шавҳат ва жаҳлни пайдо қилади.
5. Болалар билан ўтирган бандада ўйин энгилтакликни зиёда этади.
6. Фосиқлар билан одамда гуноҳ ва исёнга журъат пайдо бўлади.
7. Солиҳлар билан ўтирган кишида тоатга рағбатни зиёда қилади.
8. Олимлар билан ўтирган кишида илмни кучайтиради.

(Абу Лайс Самарқандий)

Ҳакимлар инсон умрини **саккиз** даврга бўладилар:

1. Гўдаклик;
2. Болалик;
3. Балоғат даври (14-20 ёш);
4. Тараққий даври;
5. Камолот даври;

6. Ниҳоят даври;
  7. Биринчи қарилик;
  8. Иккинчи қарилик даврлари
- (Абдурауф Фитрат)

- Агар мартабага етмаганларнинг суҳбат одоби нечта деб сўрасалар, уни **саккизта** деб айтгил:
  1. Сўрамагунларича гапирилмасин;
  2. Гапираётганда овозини баланд кўтармасин;
  3. Гапираётганда ўнгу сўлга қарамасин;
  4. Ғаразли ва кинояли гапларни гапирмасин;
  5. Қаттиқ гапирмасин ва бетга чопарлик қилмасин;
  6. Пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин;
  7. Одамлари гапини бўлиб сўз қотмасин;
  8. Кўп гапирмасин. Чунки, кўп гапириш ақли - ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо соз гапиришни шиор этсин.

(Ҳусайн Воиз Кошифий)

Маълумки, закот исломнинг учинчи асоси бўлиб, бу молий ибодатдир. Унинг асли маъноси поклаш бўлиб, пешона тери билан топилган мол-дунёлардан берилади. Закот ҳаммага ҳам фарз бўлмасдан, фақат молия ҳисобга етган кишиларга фарздир.

Закот у йилдан бу йилга бир марта берилади. Муҳаррам ойи йилнинг боши бўлса ҳам, бизнинг диёримизда Рамазон ойида закот бериш одат бўлган, чунки бошқа ойларда берса, савоби бирига ўн бўлиб, рамазон ойида берса савоби 700 марта зиёда бўлади. Закотни кимга бериш кераклигини Аллоҳ таоло «Тавба» сурасининг 60-оятда зикр қилган бўлиб, улар саккиз тоифа кишиларни ўз ичига олади:

- **Биринчи** – камбағаллар.
- **Иккинчи** - мискинлар, турар жойи, бола-чақаси, қариндош уруғи йўқ кимсалардир. Бундайларни давлатимиз ўз қаромоғига олган.
- **Учинчи** – ҳукумат томонидан тайинланган закот йиғувчилар, булар бизда йўқ, улар Ислом мамлакатларида бўладилар.
- **Тўртинчи**- аввал кофир бўлиб, ислом динини қабул қилганлар.
- **Бешинчи**- қуллар, улар ҳозир дунёнинг ҳеч қаерида йўқ

- **Олтинчи** — ёниб кетиш, зилзила, сел олиб кетиши ва турли офатлар билан уй-жойидан, мол-дунёсидан ажралиб қолганлар.
- **Еттинчи** — Аллоҳ йўлида ўзини илмга фидо қилганлар.
- **Саккизинчи** — мусофирлар, аслида ўзига тўқ бўлишса ҳам, мусофирчиликда турли сабабларга кўра мол-дунёсидан ажралиб қолганлар.

Шу зикр қилинганлардан қайси бирлари топилса, шуларга бермоқлик Аллоҳ таоло томонидан фарз қилинган.

Закотнинг нисоб миқдори 20 мисқол олтин оғирлиги бўлиб, бир мисқол 4 граммдан озгина оғирроқ, 20 мисқолни 4га кўпайтирсак, 80 граммдан озгина ортиқроқ бўлади. Кумуш эса 200 та кумуш танганинг оғирлиги бўлиб, у 595 граммни ташкил этади.

Шу миқдордаги олтин ёки кумуш қийматида маблағи бўлган киши, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин **бой** саналиб, ҳамма пулини ҳисоб-китоб қилиб, 40дан бирини беради. Уч турлик молдан закот берилади:

- Олтин ва кумушдан
- Сотиладиган молдан
- Яйловда ўтлайдиган ҳайвонлардан.

Ерни ҳайдаб, суғориб, экиладиган экинлардан ушр-ўндан бирини закот қилиб берилади.

Япония ва Хитой мамлакатларида яшовчилар 8 рақамини бахтли деб ҳисобласалар, 4 рақами улар учун бахтсиз рақам. Шунинг учун ҳам улар ҳар бир ишни ана шу рақамлар билан боғлаб амалга оширишади.

Яъни, эндигина оила қураётган ёки келин-куёвлар **саккизинчи** куни, ой (август)нинг **саккизинчи** куни **соат саккиздан саккиз** дақиқа ўтганда, никоҳдан ўтишади. Бу уларда келажакда яхши турмуш қуришларига, бахтли бўлишларига сабаб бўларкан.

Ёки бўлмаса, эндигина савдо ишига киришаётган компания ёки фирма ўзининг илк фаолиятини айнан (8 ой, 8 кун, 8:08)да бошлайди.

1937 йил Япониядаги Тойода оиласи автомашина ишлаб чиқарувчи компания очмоқчи бўлади. Унинг номини ҳам айнан “Тойода” деб юритмоқчи бўлишади ва айнан нумеролог (яъни, рақамларни таҳлил қилиб борувчи мутахассис)дан маслаҳат

сўрашади. Аммо нумеролог бу ном компанияга тўғри келмаслигини айтади.

Чунки, Япон ёзувида “Тойода” номи 10 та калтакчадан ҳосил бўлади. 10 рақами эса улар учун бахтсиз рақам. Нумеролог уларга “Тойода” эмас, балки “Тайота” деб юриштиларини маслаҳат беради. Шунда Япон ёзувида “Тайота” 8 та калтакчадан ҳосил бўлади ва бу уларга бахтли рақам ҳисобланади ҳамда келажакда компаниянинг ишларида омад келтиради. Тайода оиласи бунга амал қилган ҳолда компанияга “Тайота” номини қўяди.

\* \* \*

Машҳур олимлардан Ризоуддин ибн Фахриддиннинг «Одоби таълим» асарида ўқитувчи малакаси ҳақида қуйидаги диққатга сазовор бўлган **саккизта** қоида келтирилган.

1. **Китоб** – агар таълим китоб ўқитиш орқали бўлса, у китобнинг дарс учун ёзилиб, таълим арбоби тарафидан дарслик этиб қабул этилган бўлиши лозимдир.
2. **Ихчамлик** – бериладиган дарс ихчам ва фойдали бўлиши керак. Даср вақтида муаллим олдида китоб бўлмасин, муаллим бир китобга қараб, бир сўзлаб турмасин. Бериладиган дарс нутилмаслиги учун ўтилиши керак бўлган моддаларни бир қоғозга ёзиб олиб, керак бўлган вақтда унга кўз солиш зарар келтирмайди.
3. **Таққослаш** – берилган дарсни амалиёт билан таққослаш лозим. Масалан, география дарсида харита ва глобуслардан фойдаланиш лозимдир. Умуман таққослаш, солиштириб кўриш амалиётини ижро этмасдан бошқа дарсга кўчиш муносиб эмасдир.
4. **Такрор** – дарсларни унутиш ҳавфи бордир. Шунинг учун муаллим бугун ўтиладиган дарсга киришмасдан, аввал кеча ўтилган дарсни қайтариб ўтиши керак. Шундай қилинса, дарслар болаларнинг хотираларидан чиқмайди. Шу билан бирга, ҳар дарсни икки-уч марта такрор этиш фойда беради.
5. **Ёд олдириш** – болаларга зеҳнлари кўтарилган даражада ёзилган шеърлар, **ҳикматли сўзлар**, **масалаларни** ёдлатиш фойдадан ҳоли эмас. Бу нарсалар болаларнинг зеҳнларини очади, ёдлаш қувватини оширади. Ахлоқ-тарбия нуқтани назаридан ёзилган ва болаларнинг ёшларига муносиб бўлган шеърларни ёдлатиш шартдир.

6. **Ҳозирланиш** – муаллим бўлган зот берадиган дарсига энг аввал яхши ҳозирланиб, сўнгра дарс бериши шартдир. Дарсга ҳозирланиб келмаган муаллимнинг дарсидан фойда кутилмайди.
7. **Фасоҳат** – муаллим ҳозирланиб келган дарсини бор куввати билан сарф этиб ғоят чиройли этиб, фасоҳат билан сўзлаши лозимдир. Кераксиз жумлалар, бир сўзни қайта-қайта такрорлашдан қочиш керак.
8. **Тажриба ва такомиллаштириш** – муаллим ҳар дарсидан бир тажриба олиб, ўз камчилигини бартараф қилиши лозимдир. Таълим-тарбиядаги малақасини такомиллаштириш шу мақсад учун очилган олий ўқув юртларига вақти-вақти билан қатнаб туриши керак.

- **Саккиз** хислат олижаноб одамларда топилади:
  1. Авф
  2. Тавозе
  3. Шавқат
  4. Қўли очиқлик
  5. Очиқ юзли бўлиш
  6. Ҳаё
  7. Номус
  8. Мурувват
- **Саккиз** хил одам билан дўстлашиш мумкин:
  1. Қаноатлилилар
  2. Ўз сўзидан қайтмайдиганлар
  3. Олимлар ва ҳунар соҳибларини қадрлайдиганлар
  4. Хиёнатдан узоқ юрувчилар
  5. Яхши хулқли, юксак нафосатли кишилар
  6. Жаҳл келганда ўзини бошқароладиган кишилар
  7. Сахийлар
  8. Қариндошларни, дўст-ёрларни ҳурмат қилувчилар.
- Донолар айтади: «Агар таъзияга боришнинг одоби нечта?» деб сўрасалар, **саккизта** деб айт.

**Биринчидан**, таъзига борган одам кам гапирсин.

**Иккинчидан**, салла тўнини йиртиб, улоқтириб йиғламасин, ортиқча оҳ-воҳ қилмасин.

**Учинчидан**, кўлини кўксига уриб, юзини юлиб дод солмасин.

**Тўртинчидан**, беҳудага беъмани гапларни гапирмасин.

**Бешинчидан**, мотам эгаларига сабру қаноат тиласин.

**Олтинчи ва еттинчидан**, қўлидан нима келса, ёрдам берсин.

**Саккизинчидан**, марҳумнинг ўлимидан ўзига ибрат олсин, яъни ўлим ўзининг бошига ҳам келишини ўйласин.

- Расулulloҳ айтадилар: Саккиз нарса саккиз нарсадан тўймайди:

1. Кўз қарашдан тўймайди.
2. Ер ёмғирдан тўймайди.
3. Аёл эркак кишидан тўймайди.
4. Олим илмдан тўймайди.
5. Сўровчи сўрашликдан тўймайди.
6. Очқўз мол тўплашдан тўймайди.
7. Денгиз сувдан тўймайди.
8. Ўт ўтиндан тўймайди.

- Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд инсонларга берган таълимоти **саккиз** фаслдан иборат бўлиб, - булар:

1. Хуш ҳар дам – доимо хушёр ва огоҳ бўлмоқ.
2. Назар ва қадам – юрган йўлни билиб босмоқ.
3. Сафар дар Ватан – Ватанни кезиб кўрмоқ ва уни севмоқ.
4. Хилват дар анжуман - ҳамма жойда ўзликни англамоқ.
5. Ёдкард – иймон-эътиқодни доимо дилда сақламоқ.
6. Бозгашт - ёмон фикрларни дилдан, ҳаёлдан қувмоқ.
7. Нигоҳдошт - ҳаёлу фикрларни соф сақламоқ.
8. Ёддошт - Ҳақ таолони ҳамиша ёдда тутмоқдан иборатдир.

- Уламоларнинг таърифи бўйича Қуръони Каримнинг:

1. Жони – таҳорат
2. Боши – басмала (бисмиллоҳ)
3. Онаси – «Фотиха сураси»
4. Қўрғони – «Оят-ал-Курсий»

5. Қалби – «Ёсин» сураси
  6. Келини – «Ар-рахмон» сураси
  7. Қулфи – «Ихлос» сураси
  8. Тожи – «Мулк» («Таборақ») сурасидир (18, 175 б).
- Бахт қуйидаги саккизта омил тажассумидан иборат, деб айтса бўлади
    1. Кишининг тан-жони соғ бўлса.
    2. Оилавий аҳволдан ўзи рози бўлса, турмуш йўлдоши ўзига мос ва қаноатлантирарлик даражада бўлса.
    3. Бола-чақалардан кўнгли хотиржам бўлса.
    4. Қаноатли бўлса, ўз нафси устидан ғолиб ва ҳоким бўлиб, орзу-ҳавасларини жиловлаб ололган бўлса.
    5. Оилада, қариндош-уруғлари олдида ва жамиятда обрўси, нуфузли бўлса.
    6. Касб-кори, машғулоғи ўзига ёқимли бўлиб, иқтисодий аҳволи ўртача бўлса, ўртача мўътадил оқилона ҳаёт кечириб юрса.
    7. Шодлик ва қайғуга бирдек бепарво бўлиб, осойишта руҳий ҳолатни эгаллаб ва ҳаётдан мамнун бўлиб, ҳар бир ишда ўртачалик, мўътадиллик қондасига амал қилса.
    8. Барчага, ҳар бир нарсага меҳр-муҳаббат, шафқат, инсоф назари билан қарай билса, илмга, билимга, ибодатни қилиб юрса.

Ана шу келтирилган омилларнинг, ҳолатларнинг ҳаммаси ўзида бўлсагина, инсон ўзини тўлиқ бахтли, бахтиёр деб ҳисоблаши мумкин бўлади.



*Лўнда фикрларнинг афзаллиги  
шундаки, улар жиддий китобхонни  
ўзича ўйлашга мажбур этади.*

Л.Н.Толстой

**Тўққиз  
рақамининг сўздаги ифодалари**

Гарчи тўққиз рақами Қуръон ва ҳадисларда, донолар бисотида кўп қўлланилмаган бўлса-да, айрим ҳолатларда уни учратиш мумкин. Чунончи, пайғамбарликнинг биринчи йилида дастлаб Ислому динини, муслмонликни тўққиз киши қабул қилганлар:[18, 103-бет]

1. Хадичаи Кубро
2. Абу Бакр Сиддиқ
3. Али ибн Абу Толиб
4. Зайд ибн Хорис
5. Усмон ибн Аффон
6. Зубайр ибн Аввом
7. Абдурахмон ибн Авф
8. Саъд ибн Абу Ваққос
9. Талха ибн Убайдулла бўлди.

Уч йил давомида муслмонлар бор йўғи 30 нафарга етди. Пайғамбаримиз вафот этганларида эса, яъни 23 йил мобайнида муслмонларнинг сони 124 мингдан ортиб кетган эди.

Ибн Сайрайн айтибдурларким, ҳар ким тушида шамолни қаттиқ эганини кўрса, ўшал одамларга андак хавф-хатар бўлмай. Агар дарахатни эгиб йиқитиб кетса, ўшал одамларга кўп мусибат етгай. Садақа берсин. Тушда киши шамол кўрса 9 нарсага далолат қиладилар:

1. Башорат
2. Фармонраволик
3. Ҳалоллик
4. Марг (тўсатдан ўлиш)
5. Азоб
6. Қатл
7. Беморлик
8. Шифо
9. Роҳат

(Бинойй. Тушлар таъбири. Т. Мерос, 1991. 27-бет)

Халқимизда: **Тўққиз** пул ҳеч нарсага, бир пақирга арзимади, арзимас. Соғлигинг бўлмаса, бу давлатнинг **тўққиз** пул. **Тўққиз** пулга қиммат одам. **Тўққиз** пулдек қилиб тушунтириб (ёки тугиб) бермоқ, жуда оддий қилиб тушунтириб бермоқ. Тўй маросимларда хотинларга патнисда улашиладиган, одатда, **тўққиз-тўққиз** тортилади, **тўққиз-тўққиздан** кейин хотинлар тарқалишади ва ҳоқозо иборалар кенг қўлланилади.

- Кишилардаги **тўққиз** иллатдан ҳамма нафрат қилади:

1. Жоҳиллик
2. Ялқовлик
3. Ҳасад
4. Такаббурлик
5. Хиёнат
6. Тамагирлик
7. Ғазаб
8. Ифвогарлик
9. Мунофиқлик

«Саодатга элтувчи билим» китобининг муаллифи Абдулхай Абдурахмон (Фидойи) ўткинчи умр, қазойи муаллақ, ожират, бахт-саодат ва инсоннинг ўзлигини англаш ва қадрлаш ҳақида мухлислар билан савол-жавоблар акс эттирилган куйидаги мураббаъларни келтиради:

*Ул недирки – кўринмасни билдилар?*

*Ул недирки - қиёматга қўйдилар?*

*Ул недирки – талашдилар етдилар?*

*Фозил бўлсанг, бундан бизни огоҳ эт!*

*У - Раҳмондир, кўринмасни билдилар*

*У - Аъмолдир, қиёматга қўйдилар*

*У - Ҳақиқатдир, талашдилар етдилар*

*Биздан салом, ҳамдамларим, шайдоларим*

*У неки – кўринмас-у бўлинар?*

*У неки – емадилар тўйдилар?*

*У неки – изладилар топдилар?*

*Кожил бўлсанг, шундан бизга хабар бер!*

*У - Меҳрдир, кўринмас-у бўлинар*

*У - Дийдордир, емадилар тўйдилар*

*У - Иймондир, изладилар топдилар*

*Сизларга салом, «Фидойи»дан, шайдоларим*

*Ул надир – гуноҳ сари етаклар?*

*Ул надир – етиш учун қуварлар?*

*Ул надир – саодатга йўл бошлар?*

*Олим бўлсанг, буни бизга сўзлаб бер!*

*У - Иблисдир, гуноҳ сари етаклар*

*У - Бахтдир, етиш учун қуварлар*

*У - Билимдир, саодатга йўл бошлар*

*Биздан салом, мухрларим, шайдоларим.*

*У нимадир – ўзи бору жисми йўқ?  
У нимадир – ўхшаши йўқ, тенги йўқ?  
У нимадир – кимга бору, кимга йўқ?  
Донно бўлсанг, буни бизга хабар қил!*

*У - Рухдирки, ўзи бору жисми йўқ  
У - Ўзингсан, ўхшаши йўқ, тенгинг йўқ  
У - Оламдир, борга бору, йўққа йўқ  
Сизга салом, «Фидойи»дан, шайдоларим.*

- Айтинг-чи, сўз ёки ҳарфларни ишлатмасдан мақол ёзиш мумкинми?
- Мумкин.
- Қандай қилиб?
- Рақамлар ёрдамида. Масалан:

2, 15, 1, 30

- Икки ўн беш бир ўттиз. Баъзан эса сўз ва рақамлардан мақоллар ҳосил қилишади. Масалан,

7... 1...

- Етти улчаб, бир кес  
... 8...
- Санамай саккиз дема.

1... 7...

- Бир болага етти қўшни ота-она.

*Мен, айниқса, зиддиятли ҳодисаларга  
синчковлигимни уйғотувчи ва ўша  
зиддиятларни ҳал этиб берувчи ҳар  
турли ихчам ҳикматли сўзларни  
қадрлайман.*

И.Гете

**ЎН**  
**рақами тилга кирганда**

Ҳаётда ўн рақами ва шу рақам билан ифодаланадиган ҳадису-ҳикматлар, панду насиҳатлар, турли қиёсий нисбатлар жуда кенг қўлланилади. Масалан, халқимизда: “Бирни кессанг ўнни эк”, “Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса- қилиғи” деган ҳикматлар бор.

Ҳақ таоло Мусо алайҳиссаломга муқаддас Таврот китобини нозил қилиб, ўнта диний васият (таълимот, насиҳатнома) ёзилган иккита тоштахта-лавҳа туширди. Бу хайрли воқеа милоддан аввалги 1600 йилларда содир бўлган. Чунончи: [18]

Васиятлар	ИЗОҲ
Биринчи васият	Мен сенинг Парвардигоринг – Тангринг бўламан, Мендан бошқа Худойинг бўлмасин.
Иккинчи васият	Ўзингта, топиниш учун бут-санам, ҳайкал, сурат ясаб олма, ихлос қилиб тепада-осмон, пастанда-ерда, ер остида, сувда кўриб турганларингни ҳеч қандай суратини тасвирлаб чизиб олма. Бундай бут – санам, ҳайкал, суратларга талшаниб, қурбонлик қилишдан, уларга хизмат ва сажда қилишдан сақлан.
Учинчи васият	Менинг номимни бекорга тилга олаверма
Тўртинчи васият	Байрам кунларига риоя қил, уларни муқаддас бил; олти кун ҳар қандай ишларингни қил; еттинчи кунни эса Парвардигорингга бағишла
Бешинчи васият	Ота-онангни қадрла, иззатларини қил, ўзингта яхши бўлади, яхши яшаб, узоқ умр кўрасан.
Олтинчи васият	Ўлдирма
Еттинчи васият	Фаҳш-бузуқлик қилма
Саккизинчи васият	Ўғирлик қилма
Тўққизинчи васият	Яқин одамларингта нисбатан ёлғон гувоҳлик ва ёлғон кўрсатма беришдан сақлан ҳамда ўзинг ҳам бундай ишларни қабул қилма
Ўнинчи васият	Яқинларнинг хотинларини, уларга қарашли чўри хизматкорларини, чорваю мол-қолларини истама, орзу қилма ва уларга зинҳор кўз олайтирма

Тангри тало бу икки тоштахта –лавҳани авайлаб, муқаддас қилиб сақлашларини буюради.

Анушировонинг ўғли Ҳурмуз Аҳваз вилоятига борган пайтда ўша ер ҳоқими билан мулоқотда бўлди ва бир кунни унга деди: “Сенда ягона бир айбдан бошқа ҳеч қандай айб кўрмадим. Аммо, ўша кўрган айбим билгилки, унта айбни ўз

орқасидан эргаштириб юради”. Ҳоким: “У қандай айб экан?” орқасидан эргаштириб келадиганлари эса қайсилар, айтинг!,- деди. Хурмуз деди:

Ўша айб керилиш ва ўзни катта тутишдир. Билгилки, унга эргашадиган айбларинг:

**Биринчиси** – менсимаслик бўлиб, унинг оқибати халқ нафратига йўлиқишдир.

**Иккинчиси** – одамларнинг касбу корини тафтиш ва тадқиқ қилиб, уларга дашном берган ҳолда ўзи касб хунарнинг бирортасига ҳам эга бўлмаслик.

**Учинчиси** - ўқишдан ор қилиш, бунинг натижасида илм одобдан бебаҳара бўлиш .

**Тўртинчиси** -ўтиришда барчадан ўзини устун ва доно деб билиш, бунинг натижасида ўзига душман ортириш ва обрўини ерга тўкиш.

**Бешинчиси** – манманлик туфайли чегарадан чиқиш, баландроқ амални ҳоҳлаб қолиш, натижада хору забун бўлиб ўз мартабасидан ҳам ажраш.

**Олтинчиси**- одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилмаслик, беморлардан ҳол сўрамаслик ва шунга ўхшаш нарсалардан кўз юмиш.

**Еттинчиси**- одамларга хавф солиш, уларни масҳара қилиш, натижада беқадр бўлиш.

**Саккизинчиси**- маслаҳатсиз иш тутиш натижада хижолат чекиб адоват тортиш.

**Тўққизинчиси**- одамлар мени улуғ фаҳмлади, деб ўйлаш ва шу гумонда юриш.

**Ўнинчиси**- фозил ва комил кишиларга қулоқ солмай, ҳақорат кўзи билан қараш, натижада улар назаридан қолиш.

• Донолик тимсоли бўлган Луқмони ҳаким ҳам ўз ўғлига 10 та насиҳатни қилган[18, 628-бет];

1. Сирингни махвий тут, ҳеч кимга айтма.

2. Ҳамма ишда ўртача йўл тут

3. Бойлигинг миқдорини дўсту душманга билдирма

4. Болаларинг нима деса ўшани қилаверма.

5. Мол-дунё топаман деб ўзингни қийноқ остига ташлама

6. Ҳазабинг келганда сўзни танлаб гапир.

7. Эси паст девона, ахмоқ ва маст билан сўзлашма.

8. Пулсиз, пичоқсиз, узуксиз юрма.

9. Ўзингни ўга хор қилмасликка интил.

10. Худони ва ўлимни доимо ёдингда тут, қилган яхшиликларингни унут.

### **Донолар бисотидан қўйдагиларни ўқиймиз**

• **Ўн** тоифа одамдан нарида бўлиб улар билан иш қилмаган маъқул;

1. Илмсиз бўла туриб маслаҳат берган билан.

2. Сўзида маҳкам турмай фикрини тез-тез ўзгартирувчи билан.

3. Ўз фикридан ўзга фикрни тан олмайдиган билан.

4. Мол дунёси руҳига нафсига урган билан.

5. Ақли заиф билан.

6. Узоқ хатарли йўлга отланган билан.

8. Ўзига алоқаси бўлмаган масалаларга бурнини тикиб можаро қилган билан.

9. Сир айтганга сир айтган билан.

10. Жангта шошилувчи билан.

• Қўйдаги **ўн** нарсага риоя қилинг:

1. Синалмаган нарсаларга ишонманг.

2. Бирор хато иш қилсангиз айбингизга иқроп бўлинг.

3. Гуноҳкор киши айби учун узр сўраса, афв этинг.

4. Нодон дўстдан доимо эҳтиёт бўлинг, у душмандан ҳам ёмон.

5. Бировни сирини билишга қизиқманг.

6. Донолар даврасида билимдонлик қиламан деб кўп сўзламанг.

7. Олдин эпитган нарсангизни бирор одам сўзлаб бераётганда буни биламан деб оғзига урманг.

8. Одам боласи бўлинг, одам боласи-элнинг лоласи.

9. Дўст-душманнинг орқасидан ҳар хил гапларни айтаверманг.

10. Сабрли бўлинг, сабр қилсангиз аччиқ ғўрадан ҳолва етишини унутманг.

(Оталар сўзи -ақлнинг кўзи)

• Бир донишманд ушбу **ўн** турли маслаҳатни айтиб қолдирган:

1. Яхшиликни ҳеч қанда қилманг, у шундай бир дарахтки, доим ширин мева беради.

2. Ҳар қачон яхши орзу ният қилинг, дилдан саъихаракат қилсангиз орзулар ушалишига ишонинг.

3. Биров сизни ёмонлаганини айтса, то синаб билмагунча у



одамнинг дилини оғритманг, гап етказган кимса ёлғон айтган бўлиши мумкин.

4. Инсон дилини хушнуд этишни одат қилинг, ширин сўзга сахий бўлинг.
  5. Бахтли одамларга ҳасад қилманг ҳавас қилиб меҳнат қилсангиз сиз ҳам бахтли бўласиз.
  6. Нафс балоси одамни ҳар куйга солишни унутманг, нафсни тийган ҳурмат иззат топишни ва беҳавотир яшашини ёдда тутинг.
  7. Улуғ одамлар ибратини ўрганинг, улар ҳақида ҳеч қачон иғво-бўхтон гапларни айтманг.
  8. Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи ишини битиради, деган нақлни дилга жо этинг, беҳуда хаёл умрни емиришини унутманг.
  9. Рўзғор турмушингизда уйдагилар билан баравар саъи-ҳаракат қилинг, катта-ю кичикка ҳамиятли бўлинг.
  10. Сиҳат саломатлигингизга бепарво бўлманг, умрни хушёр ва бардам ўтказишни бахт деб билинг.
- (Оталар сўзи-ақлнинг кўзи)
- Яна бир донишманднинг насиҳатларида қўйидаги **ўн** нарсага риоя қилишни таъкидлаб ўтилган:
    1. Тўғри ўйла, тўғри сўзла.
    2. Ишингнинг ҳамма катта ва кичик ерларига диққат қил.
    3. Бу соат ичида ишлашинг мумкин бўлган ишингни дарҳол ишла, кейинга қолдирма.
    4. Ишингга берилиб муҳаббат билан ишла, агар янглишганингни билсанг уни кечиктирмай тузатишга ғайрат қил.
    5. Бурчингни ваъда қилган вақтда адо эт, ваъдасизлик қилма.
    6. Фойдасиз ошно –оғайниларингга боғланиб юрма.
    7. Ичкиликдан ҳазар қил, бу заҳардан ўзингни сақла.
    8. Нима бўлса, пешонамга ёзилган бўлади, деб пешонага ишониб юрма.
    9. Қўпол сўзли бўлма, хушмуомали бўл.
    10. Ўз ишингда, ўз сўзингда қаттиқ тур.

(Оталар сўзи-ақлнинг кўзи)

Ўзбекистонда ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар шуни

кўрсатадики, эркин, маърифатли ва демократик давлатнинг фуқаролари қуйидаги ўн ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак:

1. Ақлли – мустақил фикр юрита оладиган ва ундан фақат эзгулик мақсадида фойдаланадиган.
2. Одобли – миллатимиз тўплаган барча фазилатларга эга бўлган, яъни тўғри сўз, хушмуомалали, дид-фаросатли, жамоат тартибига риоя қилувчи.
3. Меҳнатсевар – меҳнат унинг эҳтиёжига айланганлик ҳолати даражаси.
4. Билимли – диний, дунёвий ва фазовий билимларни чуқур эгаллаб, уларни ҳаётга қўллай олишлик даражаси.
5. Соғлом- жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлилик даражаси.
6. Миллий ғурурга эга –аждоқларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар билан фахрланувчи ва уларни бойитишга ҳисса қўшувчи.
7. Ватанпарвар – ватани учун, халқи учун фидокорона меҳнат қилувчи ва зарур бўлса, улар учун жонини ҳам фидо қилувчи.
8. Байналминал- бошқа миллатларни ўзининг миллати қаторида ҳурмат қилувчи. Бу фазилат жаҳонда танчлик ва тотувлик ўрнатилишига, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга ҳамда сиёсий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатади.
9. Инсонпарвар – инсон зотига фақат яхшиликлар қилишни ўйловчи.
10. Жасур - ҳар бир ишга кўрқмасдан киришиб охиригача етказувчи.

Бу ўн сифат жамиятнинг, давлатнинг ижтимоий буюртмаси бўлиб, уларнинг умумий йиғиндиси иймонни ташкил қилади.

- Ёшларга қарата айтилган қуйидаги 10 ўғитни техника фанлари доктори, профессор. А. Бергер ёзган. Домла Бергер электроника соҳасидаги олий ўқув юртларида эллик йилдан бўён ишлаб, талабалар ва мухандисларга маърузалар ўқиб, илмий иш соҳасида эндигина мустақил қадам ташлаётган ёшларга раҳбарлик қилиб келган. У ўзининг шу соҳада орттирган ярим асрлик тажрибасини

ёшлар билан ўртоқлашиш ниятида, уларга 10 ўғит билан мурожаат қилишни лозим топди.

**Биринчи ўғит** – маърузаларни ўрганиб чиқиладиган китоб ёки мақола конспектини қоғознинг бир томонига ёзинг.

Мархум академик. А.Н.Крилов “Қоғознинг ҳар иккала томонига ёзадиган илмий ходимнинг бўйнига тахтакач осиб, уни Ленинграднинг Дворцовая майдонига айлантириб юриш керак”, деяр эди.

Биринчи ўғитнинг маъноси шуки, агар маъруза ёки конспектни қўшимча маълумотлар билан тўлдириш зарурати туғилса, бу маълумотларнинг қоғознинг орқа томонига ёзиш қулай бўлади.

**Иккинчи ўғит** – конспект ва материалларни, ўрганиладиган соҳага қараб, энг қулай усул билан тартибга солиш керак. Масалан, электр машиналарини ўрганиладиган студент ёки ёш олимга шуни тавсия этиш мумкин:

Дастлабига бу соҳага оид материалларни машина турларига қараб алоҳида системага солиш ва бунга қўшимча равишда умуман барча электр машиналарига таълуқли мавзу бўйича бир система тузиш мақсадга мувофиқдир

**Учинчи ўғит** – ҳар қандай материални босқичларга бўлиб ўрганиш лозим:

А) материал билан танишиш, варақлаб кўриш, аннотация ва хулосаларни ўқиш;

Б) материалларни худди роман ўқигандай ўқиш ва қалам билан четига айрим қайдлар қилиш;

В) қўлда қалам ушлаган ҳолда материални синчиклаб ўрганиш ва конспект олиш;

Г) ўрганиладиган материални қанчалик ўзлаштирилганлигини билиш учун (талаба ёки ёш олим) китобни ёпиб қўйиб, ўзини ўзи текшириш.

**Тўртинчи ўғит** - консультациялар ҳақида. Консультациялар асосан уч хил бўлади. Чунончи:

А) талаба маърузада бирон нарсани тушунмаганлигидан конспектини олиб, тегишли жойини домласига кўрсатади ва тушунган нарсасини аниқлаштириб олади;

Б) талаба ўқитувчисига тахминан бундай дейди: “Мен фалон масалани фақат конспект бўйича эмас,

сизнинг китобингиз ва бошқа муаллифларнинг фикрлари асосида ишлаб чиқдим; китобда ёзилгани маърузада айтилганига тўғри келмаяптику (ёки маърузадагининг тамоман тескарисига-ку). Ким ҳақлигини билолмаяпман”.

В) ёки талаба бундай дейди: “Мен сизнинг фикрингизга ҳам, бошқа муаллифларнинг фикрига ҳам қўшила олмайман: менимча мана бундай бўлиш керак”. (маслаҳатнинг бу хил тури шахсан менга жуда ёқади). Илмда энди тетапоя қилиб келаётган талаба унғача бўлган барча муаллифлардан ҳақ бўлиб чиққан ҳоллар ҳам турмушда учраб туради. Мен бир эмас, бир неча бор, талабалар ҳимоя қилиш арафасида турганда, уларга ихтиро тўғрисида муаллифлик гувоҳномаси берилишини талаб қилиб, диплом лойиҳасини ёқлашни жўрттага кечиктирган эдим. Чунки, ҳимоядан кейин муаллифлик гувоҳномасини олиб бўлмайди, ҳимоя қилинган иш матбуотда эълон қилинган асар ҳисобига ўтади.

**Бешинчи ўғит** - ҳеч бир нарсага сиғиниш, сажда қилиш ярамайди. Хоҳ маърузачининг, хоҳ китоб муаллифининг обрўси қанчалик юқори бўлмасин, лекцияда айтилган ёки китобда ёзилган ҳар бир гапга кўр-кўрона эътиқод қилмасдан, унга танқидий кўз билан қарашга ўрганиш лозим.

Агар маърузачи ё китоб муаллифи: “Фалон иш қилиш хато, писмадон нарсадан фойдаланиб бўлмайди” деб айтса, ёки шундай деб ёзса, унинг мулоҳазаларини яхшилаб ўқиб олиш заруру, лекин: “Хўш, ҳар қалай, агар шундай қилса нима бўларкин?” деган мазмунда бошни бошқа йўналишда ҳам ишлатиб кўриш керак.

Фикримизни исботлаш учун, бу ўринда унчалик тўғри келмасада, заҳарни мисол қилиб олайлик. Маълумки, заҳар ҳар қандай тирик жониворни ўлдиради. Аммо, худди шу заҳар муайян шароитда ва маълум миқдорда олинганда беморга шифо бахш этиши ҳам мумкин. Шунини ҳам айтиш керакки, “ярамайди, зарарли, тавсия

этилмайди” деб топилган нарсалар, кейинчалик кишиларга жуда катта фойда келтирилганлигига ўнлаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

**Олтинчи ўғит-** фан асосларини мияга шундай куйиб олиш керакки, бу билимлар кишининг хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайдиган абадий мулк бўлиб қолсин. Фаннинг ҳар бир соҳасида шу соҳани касб қилиб олган мутахассис бир умр эздан чиқармаслиги керак бўлган билимлар бор. Масалан, кучли электр’ токи билан ишловчи мутахассис айланиш частотаси билан тезлик орасидаги боғлиқликни, трансформатор группасини аниқлашни, двигателларни ишга солиш усулларини, магнит оқими инерцияси тўғрисидаги теоремани, совуқ ва иссиқ ҳолатдаги ўрам обмотканинг қаршилигига қараб бир секунд ичида унинг температурасини ўлчаш усулини ва шунга ўхшаш нарсаларни ҳамма вақт ҳатто, уйқусидан уйғотиб сўраганда ҳам дарҳол айтиб берадиган даражада билиши керак.

**Еттинчи ўғит-** шунини унутмаслик керакки, ҳақиқатнинг охириги чегараси бўлмайди, илм-фан чексиз, ҳар қандай масалани ҳам кенгайтириш, умумлаштириш ва чуқурлаштириш, яъни, бошқалар томонидан ҳисобга олиш мумкин.

**Саккизинчи ўғит-** фанда манфий хулосага келиш мусбат хулоса чиқаришдан кўра кам аҳамиятли эмаслигини билиш керак.

**Тўққизинчи ўғит-** ҳаётда бир ёқлама бўлиб қолишдан сақланиш керак. Илмий ходим ўзининг гоёвий-сиёсий савиясини ва умумий маданиятини муттасил ошириб бориши, музейлар, кўрғазмалар, театр, ва кинога бориб туриши, қўлидан келганча спорт билан шуғулланиши ва ўз шоғирдларида ота-онага, катталарга, хотин-қизларга ва бошқаларга ҳурмат туйғусини тарбиялаб бориши лозим.

**Ўнинчи ўғит-** ҳар бир талаба ва илмий ходим ҳар куни уйқуга кетишдан олдин: “Бугун нима қилдим-у, эртага нима иш қилишим керак”, деб ўзига-ўзи савол

бериши керак. Ижодий иш билан эрталаб барвақт шуғулланган маъкул.

Маълумки, ихтирочи, шоир, санъаткор ёки рассом бўлмоқ учун туғма қобилиятга эга бўлиш керак, деган фикр кўп вақтлардан бери ҳукм суриб келди. Аммо, эндиликда ҳар ким ҳам иқтидор соҳиби бўлиш мумкинлигини кўплар тан олмоқда.

Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак? Бунинг учун қуйида келтирилган ўн фазилятга эга бўлиши керак:

**Даставвал – билимли бўлиш керак.** Ижод – бирон янги нарса яратиш ҳақидаги фикр ва ғоянинг пайдо бўлиши билан бошланади. Ғояни билим куртаги, самараси деса бўлади. Маълум ҳажмдаги билимга эга бўлмаган одам ҳар қанча ўйлагани билан бирон ғояга эга бўлолмайди.

**Иккинчидан – мустақил ўрганишга бўлган қобилият.** Одам ўз устида ишламай қўйса, ундаги дастлабки билим захираси, қанчалик улкан бўлмасин, бари бир, жамият билим даражасидан орқада қолади ва бундай одамнинг ижодчиликка бўлган қобилияти ўз-ўзидан йўқолади. Ижодий иш билан шуғулланаётган ҳар бир мутахассис ёки олим билан сўзлашсангиз, улар ўз ишларида, асосан, мустақил равишда эгаллаган билимларидан фойдаланаётганларини айтиб берадилар.

**Учинчидан – хотира.** Олдиндан тўпланган билим ва ғоялар омбори-хотирадир. Хотира бўлмаса, ижодкорликнинг биринчи шarti бўлган билимнинг ҳам ҳажми етарли бўлмайди.

**Тўртинчидан – тасаввур.** Кузатилаётган ҳодисаларнинг пинҳоний томонларини фактлар асосида аниқлай олиш ва шу тариқа ҳақиқатга яқин турадиган тушунчаларни келтириб чиқариш лозим.

**Бешинчидан – кузатувчилик.** Атроф-теварақдаги нарса ва ҳодисаларни кузатишнинг аҳамияти муҳим. Баъзи ҳолларда (хусусан, фанда) ҳатто “арзимаган” майда-чуйдалар ҳам катта ихтироларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

**Олтинчидан – билимга қизиқиш.** Маълумки, жамият ривожланган сари, табиатни билиш ва табиий

бойликлардан фойдаланиш ўсиб борган сари турли фан соҳаларининг ўзаро алоқаси шунчалик мустаҳкамланиб боради. Фандаги мавжуд имкониятлардан фойдаланмоқ учун, олим ва мутахассис ўз соҳасини яхши ва мукамал билишигина кифоя қилмайди, балки бошқа соҳаларни ҳам билиш тақозо этилади. Бунинг учун билимга қизиқиш шарт. Бу қоида бошқа ижодкорларга ҳам тааллуқли.

**Еттинчидан-ҳодисаларга танқидий назар билан қараш.** Теварак-атрофимиз нарса ва ҳодисалар билан тўлиқ. Шу нарса ва ҳодисаларга ҳамиша бир қолипдаги, “қуюшқондан ташқари” чиқмайдиган назари билан қарамаслик керак. Уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлинса, янглишилмайди.

**Саккизинчидан –иштиёқ.** Ижод йўлида фаоллик, жўшқин қизиқиш кўрсатмоқ шарт. Иштиёқнинг бешинчи фазилатда айтилган қузатувчанлик характериға бир қадар ўхшаб кетиши сабабли, уларни бир-бири билан чалкаштириб юбормаслик керак.

**Тўққизинчидан –сабот.** Олдига қуйилган мақсадни амалга оширишда юз берадиган ҳамма қийинчиликларни қатъиян ва ирода кучи билан бартараф қилиш керак.

**Ўнинчидан –ақлий фаоллик.** Бу фазилат ақлий ҳамда жисмоний кучларнинг зўр берилиши талаб қилинган ҳолларда ҳаракатта муттасил тайёр туриш демақдир.

- Бир донишманднинг ўз фарзандига қилган насиҳатлари:
  1. Эй ўғил, ҳаётда муваффақият қозониш, жисман ва руҳан мукамал бўлиш учун ҳалол бўл, меҳнатни сев. Ҳалол меҳнат қилган одам икки дунёда кам бўлмайди.
  2. Ялқовликдан узоқлаш. Файратли бўл. Вужудингни ҳаракатга бағишла. Тинма, тириш, олға бос.
  3. Эҳтиёт бўл. Ҳамма ишингда тартиб ва интизомга риоя қил.
  4. Сенга жамият томонидан топширилган вазифани тўғрилиқ ила бекаму кўст адо қил.
  5. Ҳақиқатни сев, юриш-туришингда содда ва табиий йўлни тут.
  6. Самимий, пок қалбли, виждонли ва ҳақшунос бўл.
  7. Қаноатли, ҳаммага меҳрибон ва ғамхўр бўл.

8. Тўғрилиқ ва шижоатни ўзингга шиор қилиб ол.
9. Шараф ва номусингга доғ тушириш эҳтимоли бўлган ҳар турли завқ ва сафодан кеч.
10. Гўзал ахлоқнинг матонати, ҳиссиётнинг олийжаноблиги билан вужудингга сиҳат ва латофат бағишла.

### Ёшларга ўн насиҳат

- Сенга ҳаёт бахш этган ота-онангни ва ҳар вақт сенга ёрдам бериб, ҳаётингни кўриқловчи зотларни ҳурмат қил, уларнинг иззат-икромларини бажо келтир.
- Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ ва ёр-дўстларингга муҳаббат ҳамда садоқат ипи билан боғлан.
- Маъносиз йўллардан, шараф ва номусингни барбод қиладиган ишлардан йироқ бўл.
- Ёшлигингни, ҳиссиётинг, соф-поклигингни, сиҳатинг, номусинг, обрў ва эътиборингни кўриқла.
- Севипни бил, муҳаббат ва соғлом ақл ўзингга умр йўлдош танлашда йўлбошчи бўлсин.
- Имконинг етган вақтда дарҳол уйлан, бир оила ташкил қилиб, ўзингга бир саодат ошиёнини ҳозирла. Бу ишинг инсоний вазифа, ўхшаши бўлмаган саодат воситасидир.
- Ўғилларингни сабрли, матонатли, фазилатли ва шижоатли қилиб етиштир. Қизларингни ҳам гўзал хислатли қилиб тарбияла.
- Оиланг ҳаётини гўзал суръатда давом эттир. Оила даврасини сев, у кўзга ёқимли, қалбга завқ-шавқ бахш этиши учун кучингни сарф қил.
- Лутфкор ва шафқатпарвар бўл. Бошларига мушкул иш тушган, фалокатга эришганларга тасалли бер, мушкулликдан қутулишида уларга ёрдам қил.
- Бўш вақтингдан бир қисмини одоб ва ахлоққа қарши бўлмаган ўйин-кулгиларга сарф қил.

**«Оз-ўрганиб, доно бўлур»  
китобидан**



---

*100 йил яшамоқ учун 100  
йил сабр лозим*

А.Навой

**Ўн бир ва бошқа  
айрим рақамларнинг сўздаги  
ифодалари**

**Ўн бир (11)** рақамига нисбатан унчалик хурмат билдирилмайди. Бунн футболда ўн бир метрли жаримада ёки “Чироқ олдим ўнинчи, пилиги ўн биринчи” (бир-бирига тўғри келмаслик маъносида) мақолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳиндистонлик замонавий мунажжимлардан бири **11** рақами хусусияти тўғрисидаги янги фаразларини илгари сурмоқда.

Яқинда АҚШ да содир этилган фожеанинг ўн бир рақами билан антиқа тарзда алоқадорлигини ўрганиб чиқди. Ёдингизда бўлса бу мудҳиш ҳодиса 2002 йил **11-** сентябрда рўй берган эди. Бу эса милодий тақвимдаги йилнинг 254- куни бўлган. Номерологик қоидаларга биноан уч хонали ушбу сондаги рақамлар йиғиндиси (2+5+4) ўн бирга тенг бўлади. Қизиғи шундаки, воқеа 21 асрнинг илк йили тугашига 111 кун қолганда содир этилган. Бундан ташқари ушбу фожеада мазкур рақам билан боғлиқ яна бир қатор тавсилотлар борки, бундан таажжубланмасликнинг иложи йўқ.

Маълумки, фожеа бевосита Нью-Йоркдаги 110 қаватли бинонинг яқсон этилиши билан бошланганда. Эътибор беринг 110!(11нинг 10га кўпайтмаси)! Кейинги тафсилот эътиборингизни янада кучлироқ жалб қилади. Бинога келиб урилган самолётлардан бири айнан 11-рейс билан парвоз қилган ва унинг бортида 92 та йўловчи бўлган (9+2=11). Иккинчи самолёт бортидаги йўловчилар сони ҳам ҳайратимизни янада оширади. Чунки, 65 сонидаги иккала рақам йиғиндиси ҳам айнан 11 га тенг.

Биз мавзуга янада чуқурроқ кириб борганимиз сари тагин фаройиброқ маълумотларга дуч келаемиз. Тарихга назар ташласак, Нью-Йорк штати АҚШ таркибига **11-чи** бўлиб қўшилган экан. Штатнинг фожеа содир бўлган Манхеттен туманига 1793 йилда 11-сентябр куни асос солинган. Энди фожеа асосий ўрин туган Жаҳон Савдо Маркази (ЖСМ)нинг эгизак биноларининг аввалги кўринишини кўз ўнгингизга келтиринг. Ахир бу бинолар ҳам баҳайбат 11 рақамини ёдга солмасмиди?

Хуллас, ана шунақа гаплар. Ҳинд мунажжимининг диққат-эътиборини жалб этган ана шу икир-чикир ортида бирор ҳақиқат борми-йўқми, буниси бизга қоронғу. Ҳар ҳолда ваҳимага ўрин йўқ. “Асраса бало йўқ” дейишади-ку.

**Ўн икки (12) сони хосиятли саналади: ўн икки бурж, яъни Қўёшнинг йиллик ҳаракат йўли бўйлаб жойлашган ўн иккита юлдузлар туркуми билан аталади. Шу сабабли бу ойлар “буржий” (арабча) ёки ҳозирги аталиши бўйича астрономик тавқим деб юритилган. Қўёш, яъни шамсий йили ойлари қўйидагича аталади: [18, 634-бет]**

№	Ой номлари (туркча)	Унсури	Хомий сайёралар	Бошланадиган ва тамомланадиган сана	Буржлар (зодиак) номи ўзбекча
1	Ҳамал	Олов	Марс ва Плутон	21.03-20.04	Қўй
2	Савр (уд)	Ер	Зуҳро (Сенера) ва Хирон	21.04-21.05	Сигир
3	Жавзо	Ҳаво	Меркурий ва Прозерпина	22.05-21.06	Эгизаклар
4	Саратон (кучук)	Сув	Ой (Қамар)	22.06-22.07	Қисқичбақа
5	Асад	Олов	Қўёш (Шамс)	23.07-22.08	Арслон, шер
6	Сунбула	Ер	Прозерпина ва Меркурий	23.08-22.09	Бошоқ
7	Мезон	Ҳаво	Хирон ва Зуҳро (Венера)	23.09-22.10	Тарози
8	Ақраб	Сув	Плутон ва Марс	23.10-21.11	Чаён
9	Қавс	Олов	Юпитер ва Нептун	22.11-21.12	Ёй, камон
10	Жадй	Ер	Сатурн ва Уран	22.12-21.01	Тоғ эчкиси
11	Далв	Ҳаво	Урал ва Сатурн	21.01-19.02	Қовға, челақ
12	Ҳут	Сув	Нептун ва Юпитер	20.02-20.03	Балиқ

Ҳут буржи ҳар тўрт йилда бир марта 29 кун келади ва бу йил кабиса, яъни “улуғ йил” деб аталади. Шамсий йил ойлари ва кунлари қўйидагича: [18, 634 бет]

№	Ойлар		Кунлари
	Арабча номи	Европача номи	
1	Ҳамал	Март	31
2	Савр	Апрел	30
3	Жавзо	Май	31
4	Саратон	Июн	30
5	Асад	Июл	31
6	Сунбула	Август	31
7	Мезон	Сентябр	30
8	Ақраб	Октябр	31
9	Қавс	Ноябр	30
10	Жадий	Декабр	31
11	Далв	Январ	31
12	Ҳут	Феврал	28

Фаробий ҳукумат раҳбарида қуйидаги 12 та туғма сифатлар бўлмоғи жоизлигини айтган: 1) хушбичимлик, 2) фаҳм-фаросатлилик, 3) ўткир хотира, 4) идроклилик, 5) сўзга чеҳанлик, 6) илмга чанқоқлик, 7) ҳар бир ишда меъёрни сақлай билиш, 8) ҳалолликка муҳаббат ва ёлғонга нафрат, 9) олижаноблик, 10) бойликка нафрат, 11) адолатпарварлик, 12) қатъийлик.

Шамсий йил ҳисоби дунёвий ишларда қўлланилади. Бу йил куёш йили ҳисоби ҳижрий, яъни -622 йилнинг баҳорги тенгкунлик куни -21-22 мартдан бошланган. Кейинги йил бошлари эса 20, 21, 22 мартга тўғри келади. Давомийлиги ҳозирги григорян тавқимидаги каби 365 ёки 366 кундан иборат. Бу тавқим салжуқий ҳукмдор Маликшоҳ ҳукмронлиги даври (1072-1092 йиллар)да қабул қилинган.

Мучалнинг 12 йилга, яъни ҳар бир йили бир ҳайвоннинг номи билан аталадиган ва йил боши 21 мартдан бошлаб келгуси йилнинг 20 мартагача қадар давом этадиган йил ҳисоби.

Қуйидаги жадвалда эски мучал тавқимининг ҳозирги ҳисоб бўйича қайси йилларга тўғри келиши 2031 йилгача кўрсатилган [18, 637 бет]:

№	Ҳайвонлар номи	Й И Л Л А Р										
		1900	12	24	36	48	60	72	84	96	08	20
1	Сичқон (Муш)	1900	12	24	36	48	60	72	84	96	08	20
2	Сягир (Бақар)	1901	13	25	37	49	61	73	85	97	09	21
3	Йўлбарс (Палаңг)	1902	14	26	38	50	62	74	86	98	10	22
4	Қуён (Харгуш)	1903	15	27	39	51	63	75	87	99	11	23
5	Балиқ (Наҳанг)	1904	16	28	40	52	64	76	88	2000	12	24
6	Илон (Мор)	1905	17	29	41	53	65	77	89	01	13	25
7	От (Асл)	1906	18	30	42	54	66	78	90	02	14	26
8	Қўй (Гусфанд)	1907	19	31	43	55	67	79	91	03	15	27
9	Маймул (Ҳамдунг)	1908	20	32	44	56	68	80	92	04	16	28
10	Товуқ (Мурғ)	1909	21	33	45	57	69	81	93	05	17	29
11	Ит (Сак)	1910	22	34	46	58	70	82	94	06	18	30
12	Тўғғиз (Хўк)	1911	23	35	47	59	71	83	95	07	19	31

Қизиғи шундаки, дунёнинг ранг-баранглигига монанд 12 мучал йилида ҳайвонлар шундай тартиб билан жойлаштирилганки, бу тартиб дунёнинг ишлари каби хилма - хиллик тимсоли тариқасида олинган. Дунёнинг ишлари

яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром аралаш, ора-сира, ҳам кетма-кет келади. Ҳайвонлар:

- 1 ва 2- йили ҳаром-ҳалол (сичқон, сигир)
- 3 ва 4- йили ҳаром-ҳалол (йўлбарс, қуён)
- 5 ва 6- йили ҳалол-ҳаром (балик, илон)
- 7 ва 8- йили ҳалол-ҳалол (от, қўй)
- 9 ва 10- йили ҳаром-ҳалол (маймун, товуқ)
- 11 ва 12- йили ҳаром-ҳаром (ит, тўнғиз)

Йилларнинг бундай тартибда жойлаштирилиши дунёнинг ранг-баранглигига ва бир-бирига зид жуфтларнинг курашига ишорадир. Бу қарама-қарши кучлар кураши, уларнинг ўзаро тўқнашуви ҳаракатни келтириб чиқаради ва ҳаёт чархпалагини айлантираверади.

Йилнинг 12 ойга бўлиниши ҳам бежиз эмас. Маълумки, йил - бу Ернинг Қуёш атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқиши даври. Астрономияда 4 хил йил ҳисоби бор:

1. Юлдуз йили – 365,2564 кунга
2. Тропик йили – 365,2422 кунга
3. Календарь йили – 365,2425 кунга (ҳозирги григорян тақвими бўйича)
4. Қамарий – ойи йили 12 синодик ойга, яъни 354,3671 кунга тенг

Қамарий йил ҳижрий йил деб ҳам аталади.

**Ўн уч (13)** Оврупада (насоний диндагиларга) беҳосият саналишининг ҳам узоқ тарихи бор. Уларда **13** сонининг беҳосият саналиши Исо Масих ҳаёти билан боғлиқ. Исонинг 12 погирди ва унинг ўзи билан бирга санаганда ўн учинчи киши, яъни –Яҳудо шайтонлик йўлига кириб, Исони ғанимларига ўтиб танитиб, тутиб беради, кейин уни чормихга тортишади. Шунинг учун ҳам насронийлар **13** сонини ёмон кўришади. Ҳозирги кунда ҳам Оврупонинг айрим мамлакатларида 13 сонини уйларига, меҳмонхоналарда, футболчилар кўйлагида ҳам ишлатмаслик одати бор. Севикли комик артистимиз Эргаш Каримовнинг имтиҳон билетини олиб ўн уч рақамини айтгиси келмасдан домла нечинчи билет деб сўраганда “нуч” деб жавоб бергани эсимизда.

Донишмандлар тубанида айтилган **ўн тўртта** ахлоқий фазилатни инсон учун энг керакли фазилатлар деб топганлар.

1. **Риёзат** – нафсингни тий, ортиқ даражада ейишдан, ичишдан сақлан.

2. **Сукут** - ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч бир фойдаси тегмайдиган олди-қочди сўзларни сўзлашдан чекил, жим бўл.
3. **Интизом** – ишларинг тартибли, интизомли бўлсин, ишингни ўз вақтида бажар кечиктирма.
4. **Мақсад** – бир ишга киришмоқчи бўлсанг, энг аввал яхшилаб ўйла, шу ишдан кутган мақсадинг нима эканини яхши тушун, бир қарорга кел. Кейин қарорлаштирган ишингни ҳеч камчиликсиз адо қил.
5. **Тежаш** – иқтисод, яъни тежашга риоя қил, ўзингга ва халққа фойдаси тегмайдиган ерларга пул ва мол сарф қилма, исрофдан сақлан.
6. **Саъй ва шугулланиш** – вақт ва фурсатингни бекордан-бекорга ўтказма. Доимо фойдали иш билан машғул бўл, керак бўлмаган нарсадан чекин.
7. **Матонат** – ишингда чидамли, матонатли бўл. Ҳийланайранг ишлатишдан ҳазар қил, тушунчанг пок, соф ва ҳаққоний бўлсин, тушунганинг каби сўзла ва ишла.
8. **Ҳаққоният, тўғрилиқ** – адолат ва ҳаққонийликни ўзингга раҳбар қилиб ол, ҳеч кимга зарар, қасд этма.
9. **Мўътадиллик** - ҳар вақт мўътадил ҳолда иш юрит, ҳаддан ортиқчалиқдан сақлан. Ҳақсиз, лекин ўзингга лойиқ кўриб бировдан интиқом олишга журъат қилма.
10. **Назокат** – кир, ифлосликдан ҳазар қил, вужудинг, либосинг ва уй-жойингнинг тоза, покизалигига диққат қил.
11. **Қалб-хузур-роҳати** – майда-чуйда ва истаганингча бўлмай қолган ишлардан хафаланиб саломатлигингни бузма, қалбингнинг хузур-роҳатини кўзла.
12. **Иффат** - адабли, шарм-ҳаёли, номусли бўл. Бу гўзал хислатлардан ажратма.
13. **Тавозеъ** - ўзингни камтар тут, тавозеъ шараф ва иззат босқичи эканини унутма.
14. **Мулойимлик** – сабрли, мулойим, очиқ юз, ширин сўзли бўл. Ҳеч кимга қўпол муомала қилма.

Олим фозиллардан Ҳуррабий айтади:

- Болаларим, ёшликни ғанимат билинг, фақат ўйин, кулги, кайфи-сафо билан ёшлиқ даврингизни зое этманг, ўқинг, ўрганинг, илмли, ҳунарли бўлинг. Агар ёшлиқ даврингизда ўзингизни тутиб қолмасангиз, кейин қаттиқ пушаймон қиласиз,

лекин фойда бермайди, - деб насиҳат қиларди. Шу ҳурматли чолнинг насиҳатларига амал қилган ёшлар бахт-саодатли бўлдилар.

**Ўн беш (15)** рақами ҳосиятли саналади: “ўн беш кунлик ойдек”, “икки ўн беш- бир ўттиз”, “бўламан деганнинг боласи ўн бешида бош бўлар” каби халқ мақолларида ўн бешнинг яхши рақам эканлигини кўришимиз мумкин.

**Ўн саккиз (18)** рақами ҳам ҳосиятли: ўн саккиз минг олам, ўн саккизга қирмаган ким бор, ўз саккиз яшар йигитдек, каби сўз бирикмаларидан бу рақамга ҳурмат билан қаралганини кўраемиз.

Халқимиз **ўттиз (30)** сонини унчалик ёқтирмайди: “ўттизда ўтин бўлган”, **қирққа (40)** ҳурмат билдириб, “қирқида қирчиллама”, “қирқи чиқди”, “қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайди” дейди.

Насронийлар **ўттиз уч (33)** сонни пайғамбар Исонинг умр ёши (у ўттиз ёшида чормихга тортилган) сифатида ҳурмат қилишса, биз мусулмонларда **63** ни Муҳаммад пайғамбаримизнинг муборак ёши деб эъзозланади. Ҳатто Хожа Аҳмад Яссавийдек авлиё шайхул машойих” олтамиш уч ёшдан ортиқ ёшни гуноҳ деб билган, қолган умрини ер тагида ўтказган. Халқимизда олтамиш уч ёшга етган кишиларнинг элга дастурхон ёзиш одати ҳам бор.

Қадимда мунажжимларнинг оилада боланинг қайси кунини, қайси ойда, қандай мучал ойда, ҳафтанинг қайси кунинида туғилишига қараб ҳам унинг келажагини башорат қилиб “Китоб очиш” одати бўлган. Одамлар ўз тақдирлари ҳақида тўқилган мақол ҳамда ҳикматли сўзлардан ҳам сон ва рақамларни жуда кўп ишлатишган. Масалан “Ишлар-юз”, “Юз билан юзлашган”, “Тўқсон билан тўқнашган”, “Минг яша, Мингга кир, Минг раҳмат” кабилар.

Фарзандларимизнинг ота-она олдидаги бурчлари нималардан иборат. Пайғамбарларимизнинг нақл қилишларича; ота-онанинг фарзандга нисбатан **саксонга** ҳаққи бўлар экан. Шулардан **қирқтаси** улар ҳаётлигида ва **қирқтаси** оламдан кўз юмгач узилиши керак.

Тириклик чоғида қирқта қарзнинг ўнтаси **танга**, ўнтаси **тилга**, ўнтаси **дилга** ва ўнтаси **молга** тааллуқлидир.

**Танга тааллуқли бўлган ўнта ҳақ** ота-онага сидқидилдан хизмат қилишдир. Бу шундайки:

- ота-онага ҳамма вақт ҳурмат билан қаралади;
- қилма деб буюрилган ишлари қилинмайди, уларнинг маслаҳати, розилигисиз ҳеч бир ишга қўл урилмайди;
- улар сен ўтирган жойда ҳозир бўлсалар, сен дарҳол ўрнингдан туриб кутиб оласан, улар ўтирган бўлишса, сен оёқда тик турасан, улар руҳсат қилишгандагина ўтирасан;
- улар ўтирадиган ўринга сен ўтирма;
- йўлда бирга кетаётганда уларнинг олдиларига ўтиб олма. Тупроқли, лойли, сувли ёки умуман хавфли жой келгандагина олдига ўтиб олишинг мумкин;
- уларнинг олдида очиқ чеҳра билан ўтир;
- қовоғингни солма;
- ҳўмрайиб қарама;
- чақирганларида эса югуриб бор.

#### **Дилга тааллуқли ўн нарса шундан иборат:**

- уларга раҳм-шафқат билан қара;
- уларга доимо қўлингдан келганча яхшилиқ қил;
- сенинг шодлигинг уларни хурсандчилиги билан бўлсин;
- улар ҳам тортсалар сен ҳам қайғур ва уларнинг дардига малҳам бўлиш йўлини қидир;
- улар ортиқча гапирсалар ҳам ўзингга малол олма;
- улар танбҳ берсалар, хафа бўлиш ўрнига хурсанд бўл;
- уларга қанча яхшилиқ кўрсатмагин ва ҳақларини адо қилмагин, диллари заррача озор топишини ўзинг учун ор, деб бил;
- қандай ниятлари бўлса, ўша ниятларига етишлари учун ҳаракат қил;
- улар қанчалик узоқ умр кўрсалар, шунчалик қувон.
- қанчалик дардли бўлса, шунчалик қўнглини олишга урин.

#### **Тилга тааллуқли бўлган ўн таси ушбулардир:**

- уларга мулойим муомала қил ва доимо тавозеъда бўл;
- уларга балаид овоз билан гапирма;
- уларга қўп гапирма ва қўполлик қилма;
- отларини айтиб чақирма;
- гапираётганларида сўзларини бўлма.
- айтганларини рад қилма;
- фалон ишни қил, деб айтсалар сен йўқ, деб жавоб қилма;
- улар қичкириб гапирсалар ҳам, сен паст овозда гапир;
- гапларига оҳ-ух деб ҳитоб қилма;
- зинҳор уларга нисбатан «сен» сўзини ишлата қўрма.



## **Молга тааллуқли бўлган ўнта нарса қуйидагилар:**

- ўзингга кийим-кечак қилишдан аввал ота-онанингга қилиб бер;
- уларга ўзинг ейдиган таомлардан ширинроқ таом қилиб бер;
- бир дастурхондан овқатланаётганингда емишларнинг яхшисини уларнинг олдига суриб қўй.

Ҳикоя қилишларича, Ҳаннон ибн Атия ўз онаси билан бир дастурхондан овқат ейишга қўрқиб тураркан. У доимо: «Онамнинг кўзи тушган энди емоқчи бўлиб турган мевасини билмасдан еб қўйсам, онамнинг кўнглига бирор гап келса, мен эса гуноҳкор бўлиб қолсам, унда ҳолим нима кечади, кейин шундан қўрқаман», - дер экан.

- Қандай нарсани сотиб олиш истаклари бўлса, ўша нарсани сотиб олиб бер, сен ёш бўлган пайтингда нимани хоҳласанг, улар ҳам сотиб олиб беришган.
- Иморатларини яхшила ва уни жиҳозлаб бер.
- Сўрамасалар ҳам пул бер, чунки улар буни ошкора айтолмасликлари мумкин.
- Уларга: «Топган тутган нарсаларни сизлар учун, ниманики хоҳласангиз бемалол олаверинглар, ҳаммасини ўзингизникидек кўринглар», деган сўзлари билан орадаги уялиш ва тортинишларни йўқот.
- Агар улардан узоқроқ ерда турилса, гоҳ-гоҳ меҳмонга таклиф қилиб, иззат-ҳурматини жойига қўйиш керак.
- Ота-онанинг дўстларини ҳам ҳурмат қил, бу ипнинг билан сенинг ота-онанг ўз дўстлари олдида юзлари ёруғ бўлади.
- Вақти-вақти билан уларга совға бериб тур. Бу ҳаракатинг билан ўртадаги меҳрни янада мустаҳкамлаган бўласан.

Ота-онадан кейинги қирқта қарзнинг **ўнтаси** ука ва унинг фарзандлари, **ўнтаси** ака ва унинг болалари, **ўнтаси** амаки ва унинг фарзандлари, **ўнтаси** эса тоға ва унинг болалари олдидаги бурчдир. Шу ўринда таниқли шоира ва маънавият тарғиботчиси Турсуной Содикованинг қуйидаги ҳаётий маслаҳатларини келтириш жоиздир:

«Ота-онадан кейин ёки улар кексайиб қолгач, оғаниларни ўзаро бирлаштириш, фарзандлик юмушларини бажариш ишларига ўғилдир, қиздир - болалардан биттаси бошқоқлик қилиши керак. Бу кўпроқ тўнғич фарзанднинг зиммасига тушади. Агар у қатъиятли, ҳаммага баравар эътиборли ва жонсарақ бўлаолмаса ё бу ишга саломатлиги ярамаса, у ҳолатда ёшидан қатъий назар, эплик, шудлик биттаси шу ўринни эгаллайди. Бундан жонқуярни оилавий

мажлис қилиб сайламайдилар, фарзандларнинг ичида . Аллоҳ юрагини уйғотган бирови ўз-ўзидан ўртага тушиб қолади ва бошқалари қандай қилиб унинг атрофига қовушиб қолганларини билмай қоладилар.

Илоҳим, ҳар бир ота-онанинг биттадан шундай боласи бўлсин. Оиласининг шаънини унга топшириб, улар бўлса, хотиржам ўлсин ва гўрида ҳам осойишта ётсин!...

Ота-онадан кейин бош бўлиб қолган фарзандга осон бўлмайди. Аввало у ўз манфаатларини охириги ўринга қўйишга мажбур. Яъни энг адолатли, энг назари тўқ, энг сахий ва барча жигарларига бирдаймеҳрибон бўлиши шарт. Ундан ҳеч қачон «Менга қани?», «Менга ҳам!» деган лўқмани эшитмасликлари керак! Аммо бу фарзанд зиммасига олаётган бу юкка асло ўзи оғринмасин! Чунки қилаётган амалларидан аввало Аллоҳ рози, қолаверса, руҳлар рози. Бу эса унга пайдар-пай яхшиликлар келтиради. Энг муҳими, ундан тарқалган болалар бир-бирлари билан иттифоқда бўладилар.

Эҳ йигитларжон, ҳали яшайверсангиз, кўраверасиз. Агар фарзандлари иноқ бўлмаса, ота-онанинг эришган мартабаси, шон-обрўси тупроқ билан биттадир! Уларнинг дунёдан кўзи очик кетганлари шу, гўрларида тикка турганлари шу...

(«Оила ва жамият», 12-18 май 2005 йил)

Ақлли фарзандлар ана шу жиҳатларга, яхши фазилатларга эга бўлади. Бургутнинг қудрати икки қанотида; ота-онанинг қуч-қудрати эса фарзандларида. Агар улар ноқобил, юқоридаги фазилатларга эга бўлмаса, ота-онанинг қанотлари қайрилади. Халқимиз:

*Яхши фарзанд – жон озиғи*

*Ёмон фарзанд – бош қозиғи*

деб бежиз айтмаган.

### **Исмингизнинг очқич рақами бахтдан дарак берадими?**

Кўшгина назариячилар чақалоқ дунёга келиб, отаси унга исм қўйган чоғдаёқ, унинг бу дунёдаги бахтию тахтини ана шу исмга мужассам қилиб қўяди, деган фикрни билдирмоқда. Уларнинг фикрича, ҳар бир қасмда ота ва онанинг орзу-умидлари мужассам бўлади.

Хўш, сизнинг исмингиз жисмингизга муносибми? Исмингизга қанчалик бахт ва омад мужассамлашганини билгингиз келаётгандир? Шундай бўлса, мана бу жадвалга эътибор беринг.

1	2	3	4	5	6	7	8	9
А	Б	В	Г	Д	Е	Ё	Ж	З
И	Й	К	Л	М	Н	О	П	Р
С	Т	У	Ф	Х	Ц	Ч	Ш	Ъ
Ь	Э	Ю	Я	Ў	Қ	Ғ	Ҳ	

Энг аввало қоғозга ўз исмигизини бехато ёзиб олинг. Сўнгра исмишгиздаги ҳарфлар ўрнига жадвалнинг юқорисидаги рақамларни қўйиб, уларни бир-бирига қўшиб чиқинг. Ҳосил бўлган рақамни ҳам бир-бирига қўшинг. Шунда исмигизнинг очқич рақами ҳосил бўлади.

Келинг, ҳозирда кенг тарқалган Шуҳратбек исмининг очқич рақамини топишга ҳаракат қилайлик.

$$8+3+8+9+1+2+2+6+3=42=4+2=6$$

Демак, бу исмининг очқич рақами 6 га тенг. Бу рақам ишдан муваффақиятдан дарак беради. Бу рақамдаги киши обрў қозониши учун сўзи ишига тўғри келиши керак. Иззатталаблик ёмон қусур эканлигини тўғри тушуниб олса, кўп нарсага эриша олади. Ғирромлик ҳеч қачон обрў олиб келмайди. Фақат ҳалоллик бахтига қафолат бўла олади.

**Очқич рақам 1 бўлганлар:** бу рақам шон-шуҳрат, қудрат, саъй - ҳаракат рамзидир. Бу рақамдаги инсон фақат истиқболли йўлларни танлаши ва ана шу йўлдан адашмаслиги талаб қилинади. Дўстларига тўғри маслаҳат беришга қодир. У кўпроқ бошқаларга эргашади. Пул топишни ва сарфлашни ҳам билади. Аммо бу рақамдаги инсон таваккал қилса яхшиликка олиб келмайди. Худбинлик ва таъмағирлик туфайли дўстларини йўқотиб қўйиши мумкин. Қандай вазифа тошширилса, сидқидилдан бажариши лозим. Баланд дорга осилса, обрў топа олмайд.

**Очқич рақами 2 бўлса,** бу одам феъл-атвори майин ва мулоҳазакор, яхшигина ташкилотчидир. Ҳар ишда муросани ўйлаши керак. Бошқаларга ақл ўргатавериши мақбул эмас. Ҳаётга мослашиши яхши натижа беради. Худа-беҳудага куйинавермаслиги, жанжаллардан йироқ юриши унинг орзулари ушалишида муҳимдир. Дўстлари билан ҳамкорликда кўп нарсага эриша олади. Аммо иккиланишдан, беҳуда тантлиқдан ўзини сақлаши лозим.

**Очқич рақами 3 бўлган одам** ўткир ақлга эгадир. Ёқимли ва хушчақчақ давраларни хуш кўради. Бугуннинг ўзи билан яшайди, келажакни ўйламайди. Ўз кучига ишонади ва ишни яхши билади. Бесабрлиги унга юқори чўққига чиқишга тўсқинлик қилади. Бу рақамдаги инсон фойдали маслаҳатларга эътибор қаратса, санъатда, спортда юқори натижага эриша олади. Энг муҳими ўзига мос касбни танласа ҳаёти яхши кечади. Аммо севги йўлида омадсизликка учрамаслик учун жиддий ўйлаши зарур.

**Очқич рақами 4 бўлган инсон** меҳнатсевар ва эҳтиёткордир. Шиори қатъийлик ва ҳалоллик. Илмий-техника соҳаларида, саноатда муваффақият қозона олади. Дўстлар орттириб, элга танилади. Оғир шароитда ўзини йўқотиб қўймайди. Аммо мақсади кичик бўлса, майда-чуйдалар гирдобиди ўралашиб қолса, умри қашпоқликда ўтади. Ўз малакасини доимий ошириб бориши керак. Ўз хулқи ва ҳалоллиги билан

доимо бошқаларга ўрнатқан бўлиб тургани маъқул.

**Очқич рақами 5 бўлган** инсон фидойи, таваққалчи, серҳаракат кишилардир. Тошқир бўлса-да, фақат олдинга интилиш туфайли оёқ остидаги имкониятларни кўрмай қолади. Саргузашт ва саёҳатларни хуш кўради. Тошганларини кўп ҳолларда ана шунга сарфлайди.

**Очқич рақами 6 бўлган** куч-гайратини кундалик меҳнатга сарфласа, кўп нарсага эриша олади. Агар ишда ҳақиқий истиқболни кўра олса, машҳур шахс даражасига кўтарилса олади. Албатта дўстлари маслаҳатига таяниши керак.

**Очқич рақами 7 бўлган** инсонда кучли ички ҳиссиёт мавжуд. Тиришқоқлик, шоирона қалб, ёрқин тасаввурга эга. Ёлғиз яшашни хушлайди. Иродасизроқ бўлса, умидсизлик ботқоғига ботади. Иродаси мустақкам бўлса, машҳур бўлиб, дунёга танилади.

Ўз келажagini баҳоли қудрат режалаштириб, бошқаларга тақлид қилмай олдинга интилса, кўп нарсага эриша олади.

**Очқич рақами 8 бўлган** инсон тadbиркорлик ва савдо соҳасида дадиллик кўрсата олади. Ўз режасини муваффақият билан амалга оширишга қодир. Ишда ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямайди. Жамоани бошқариш қобилияти бор. Оила ва жамиятда бешафқатдир. Дўстларни бойлиги амалига қараб танлайди. Арзимаган ишлардан ҳам яхшигина даромад топа олади. Аммо майда ишларга ўралашмаслиги, умр йўлдошини танлашда етти ўлчаб, бир кесиши лозим. Ўз йўлидан қайтиш хорликка олиб келади.

**Очқич рақами 9 бўлган** инсон юксак ақл-идрок эгасидир. Истеъдоди билан кўп нарсага, машҳурликка эриша олади. Буюк ихтирочи, кашфиётчи бўла олади. Обру қозона олади ва йўлбошчи бўла олади. Аммо камтар ва фидойи бўлиши зарур. Худбинлик ва манманлик барча ижобий хислатларини чишакка чиқариши ҳеч гап эмас. Бошқаларнинг қадрига етиб, ҳақиқатни ўрнига қўя олса, бемалол машҳур бўла олади.

Ҳар исмингиз **очқич рақами 10** ва **ундан юқори** бўлса, яна бир рақамидан бошланаверади. Яъни 10 рақамидаги хусусиятлар 1 рақамидаги, 11 рақамидаги хусусиятлар 2 рақамида мужассамлашган. Ва ҳоказо...

Яна шуни билингки, сиз очқич рақамингиздаги салбий хусусиятларингизни йўқотиб боришингиз ҳисобига, турмушингизни бахтли ҳаёт сари ўзгартириб борасиз. Энг муҳими ўзингиздаги ижобий хислатларни оширишга, нуқсонларни камайтиришга ҳаракат қилинг. Яна шуни билингки, бахтнинг учта ўқ илдизи бор. Булар:

- саломатлик, тинчлик-омонлик ва хотиржамликдир.

Агар саломат бўлсангиз, уйингизда тинчлик ва хотиржамлик бўлса, сиз шубҳасиз бахтиёрсиз.

Асосийси инсон ҳамиша бахтга интилиб яшаши, завқли ҳаёт кечирishi, олдига катта мақсадни қўйиб, унга етиш йўлида фидойилик кўрсатиши зарур.

*Ўрганиш ўзгаларнинг фикрлари  
ёрдамида ўз шахсий фикрларини  
яратиш демакдир.*

**Н.А.Рубакян**

**II-қисм. Статистика  
ҳақида айрим фикрларим**

*Ҳайратланиш учун бир дақиқа кифоя,  
бироқ ҳайратланадиган, ёхуд эътиборни  
ўзига жалб қила оладиган теран гап  
айтиш учун эса кўп йиллар керак.*

*Зеро, ҳар қандай ҳикмат ёки битик  
тафаккурдан, мантиқдан, тарихий таж-  
рибадан, кундалик ҳаётдан туғилади.*

Муаллиф

*Ҳақиқатни очинглар, тўғри  
йўлдан юринглар*

Абу Али ибн Сино

*Қанчалик оғир бўлмасин,  
фақат ҳақиқатгина ёқимлидир*

А.Блок

*Ҳақиқат ковушини кийгунча  
ёлеон ярим дунёни яланг оёқ  
кезиб чиқади.*

Инглиз мақоли

## **4-боб. Статистика — қайсар ҳ а қ и қ а т**

1. Статистика — аччиқ  
ҳақиқат. Унга қулоқ сол.

\* \* \*

2. Статистика — мамлакат  
ҳароратини ўлчовчи термо-  
метр.

\* \* \*

3. Чинакам яшаш — тўғри ста-  
тистикага таяниб яшамоқ,  
демакдир.

\* \* \*

4. Инсон уч нарсадан қочиб  
кутула олмайди: биринчиси  
ўлим, иккинчиси — солиқ,  
учунчиси эса — статистика.

\* \* \*

5. Статистика туфайли биз,  
одатда, чин далилни  
ёлғондан, хулосани эса  
рақамларда текшириб,  
фарқлаймиз.

\* \* \*

6. Статистика — ҳаво. Усиз  
нафас олиш мумкин эмас.

\* \* \*

7. Статистиканинг қайсарли-  
гини тан оламан, аммо  
илоҳийлаштирмайман.

\* \* \*

8. Статистика — жамият  
ҳолати қандайлигини тав-  
сифловчи чинакам кўзгу.

\* \* \*

9. Статистикада ҳар қандай  
фикр реаллашади.

\* \* \*

10. Статистика — замонавий  
муаммоларни фикр  
тарозисига солувчи,  
кўпинча жамият учун  
кўзгу ўрнини босувчи  
илғор тажрибаларни  
ёйишнинг муҳим восита-  
сидир.

11. Статистика — ақл  
қалъаси. У қайсар  
рақамлар ва  
кўрсаткичларга таянади.

\* \* \*

12. Статистика — нафақат  
мамлакатнинг оддий ну-  
фузи (имижи), балки  
унинг давлатманлигини  
тасдиқловчи кўзгу.

\* \* \*

13. Статистикасиз жамият —  
хира ва сийқа. Асосида  
статистика ётмаган фан  
йўқ.

\* \* \*

14. Яхши статистика, ҳамма  
рақамларга эътироз бил-  
дирмоқ ва ҳеч қандай  
воқеа ҳақида аниқ фикр  
билдирмасликдир.



\* \* \*

15. Статистика орқалигина воқеа ва ҳодисалардаги қонуниятларни теран билиш ва шунга яраша ўзгартириш мумкин.

\* \* \*

16. Статистика — барча соҳадаги рейтинглар пилигини аниқловчи, ранжирловчи воситадир.

\* \* \*

17. Статистикадаги юксалишимиз нақадар кам.

\* \* \*

18. Статистика билан шуғулланинлар ва иқтисодчиларни бунга янада унданлар.

\* \* \*

19. Статистик бўл. Аммо статистикага берилсанг-да, тўғрилигингча қол.

\* \* \*

20. Адашишга минглаб йўллар элтади, ҳақиқатга эса фақат биттаси олиб боради. Бу йўл — статистика.

\* \* \*

21. Статистика учун ҳамма воқеий нарсалар ашёвий далил, ҳамма далилий ашёлар эса воқеий нарсалардир.

\* \* \*

22. Давлат ва жамият тараққиётини баҳолайдиган мезонлар кўп. Ана шу мезонлардан бири ва балки энг биринчиси — статистикага муносабат масаласидир.

\* \* \*

23. Кимки хотиржам ҳукмдорлик қилишни ва бошқаришни хоҳласа, ўзини найзалар билан эмас, ҳақиқий статистика орқали муҳофаза этсин.

\* \* \*

24. Ҳодиса ёки воқеанинг нималигини статистика намоён қилади.

\* \* \*

25. Статистиканинг асл моҳияти — воқеани пайқаш, англаш, кузатиш ва уни кўрсаткичлар ёрдамида амалий ҳаётда юзага чиқариш.

\* \* \*

26. Статистикада ҳеч нарса тасодифий эмас.

\* \* \*

27. Ким статистикадан бошқа нарсани тушунмаса, демак у уни ҳам етарлича тушунмайди.

\* \* \*

28. Статистика фалсафанинг илк кашф этилган бўлакларидандир. Инсон

пайдо бўлгандан сўнг биринчи бўлиб математика, кейин эса статистика кашф этилган.

\* \* \*

29. Айтадиларки, иккита қарама-қарши фикр ўртасида ҳақиқат жойлашган. Асло! Улар ўртасида муаммо ётади ва унинг ечимини фақат статистика топади.

\* \* \*

30. Статистика бефойда, агарда ҳокимиятда унинг яшаши учун «сували» амаллар бўлмаса.

\* \* \*

31. Нега одамлар мудом статистикага мурожаат қиладилар? Унинг қудратлиги учунми? Йўқ, ҳақлиги учун.

\* \* \*

32. Тамойиллар, ўлчов birlikлар турлича бўлса, умумий тил топишни статистика бажаради.

\* \* \*

33. Статистика нима? Бу рақамлар билан ҳодиса ва воқеаларнинг мос келишидир.

\* \* \*

34. Умумқабул қилинган нарсаларни тан олиш керак. Статистиканинг шиори шу.

\* \* \*

35. Статистика тўғрисидаги

хулосаларимнинг баъзи қисмини чоп этган китобларимдан, айримларини илмий мақоаларимдан топиш мумкин, бошқаларини эса ҳеч қердан топиб бўлмайди.

\* \* \*

36. Статистика ҳақ бўлиши учун, у ҳақ деб биладиган нарсанинг, ҳодиса ва воқеанинг аслида ҳам шундай бўлиши зарурдир.

\* \* \*

37. Статистика — ҳақиқат. Ҳақиқатнинг сўалари эса рақамларда ўз аксини топади.

\* \* \*

38. Ҳар бир фан статистика билан иноқлашгандагина мукамалликка эришади.

\* \* \*

39. Статистика ҳеч нарсага бефарқ эмас — у ҳамма нарсани кузатади, ҳисобга олади.

\* \* \*

40. Статистика сўздан афзал.

\* \* \*

41. Статистика ҳақ эканлиги учун эмас, балки унинг билан курашаётганларнинг ноҳақликлари туфайли қайсарлигича қолади.

\* \* \*

42. Дунёни қаптардай учиб келадиган сўзлар эмас,

балки ҳақиқий статистика бошқаради.

\* \* \*

43. Статистика - гоят кучли восита, бироқ ундан фойдаланиш учун теран ақлга эга бўлмоқ керак.

\* \* \*

44. Ҳақиқатга статистика кўзи билан қарамоқ керак, зеро, кўз билан уни билишнинг имкони йўқ.

\* \* \*

45. Агар биз бошқа фанларда шубҳасиз, аниқликка ва бехато ҳақиқатга келмоқчи бўлсак, унда ҳар қандай билимнинг негизларини, асос-заминларини статистикадан бошламоғимиз керак.

\* \* \*

46. «Статистика» атамасининг қандай шарҳланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир.

\* \* \*

47. Статистика яхшилиқни ҳам, ёмонликни ҳам ошкор этувчи даракчи ва ҳокимиятнинг назоратчисидир.

\* \* \*

48. Статистика бошқа фанларга, уларни ўзига нисбатан юқорироқ деб, эр-

гашмайди, балки уларга кучли таҳлил воситаси бўлиб хизмат қилади.

\* \* \*

49. Статистика — жамиятнинг юзи, обрўси ва таянчи.

\* \* \*

50. Статистикани оммабон қилишга интилмоқ лозим. Агар статистиканинг раванқ топишини истасак, халқни статистлар даражасига яқинлаштиришимиз керак.

\* \* \*

51. Статистика воқеликнинг инъикосидан ўзга нарса эмас.

\* \* \*

52. Яхлитлик, умумийлик гоёйсиз статистика йўқ.

\* \* \*

53. Статистика ҳақида ўзинга ўта қийин тасавурларни яратма, унинг тўғрисида оддий фикр юргиз; уни ўта яхши деб ҳам, ўта ёмон, деб ҳам ҳисоблама.

\* \* \*

54. Ҳақиқий статистика тараққиёт асоси, сохта-лаштирилгани эса ҳаётдаги катта тўсиқдир.

\* \* \*

55. Статистика — бу мутлақни англаш ва уни миқдоран

ифодалашдир.

\* \* \*

56. Статистика нафақат миқдор ва сифат, шунингдек, замон ва макон билан боғлиқ бўлган мураккаб фан.

\* \* \*

57. «Нима учун»ни ҳамма илмларнинг, шунингдек, статистиканинг ҳам онаси, деб аташ мумкин.

\* \* \*

58. Статистика билан на донолар, на нодонлар шуғулланмайдилар. Унинг билан донолар ва нодонлар ўртасида турганлар шуғулланадилар.

\* \* \*

59. Статистика, агар унинг билан мўътадил ва ёшлик даврида шуғулланилса, жозибали, бироқ, у билан керагидан ортиқча пайсалланиб қолингудек бўлса, у – ҳалокат.

\* \* \*

60. Ҳар бир фавда қанча статистика бўлса, унда шунча ҳақиқат мавжуд бўлади.

\* \* \*

61. Бошқа фанлар қандай

бўлса, демек статистика ҳам худди шундай фандир; у муайян тамойилларга, қоидаларга, қоиунларга, шунингдек, бениҳоя хилма-хил кўсаткичларга таянади. У мунтазам ўрганишни, чуқур ва узоқ мулоҳазаларни талаб қилади.

\* \* \*

62. Макроиктисодий статистика – нафақат мустақил фан, балки мамлакатнинг давлатманлиги ва салоҳиятини тавсифловчи кўзгудир.

\* \* \*

63. Статистика социал билишнинг кудратли қуролидир.

\* \* \*

64. Фақат статистика тугайли бугуннинг баҳоси эртага аниқроқ берилади.

\* \* \*

65. Статистика ҳодисаларнинг миқдорий ва сифат томонларини тушуниш калитидир.

\* \* \*

66. Статистика тайёр фикрларнинггина эмас, фикрлашни ўргатади.

\* \* \*

67. Кузатишга қурби етмай қолган ерда статистика тугайди.

*Рақам ва сонлар шу даражада  
ҳаётимиз қаърига сингиб кетганки,  
ҳеч ким ўз ҳаётини рақам ва  
сонлардан айрича тасаввур  
қилолмайди.*

Яков Бернули

## **5-боб. Статистика – рақамлар тизими**

1. Статистика — бу рақам. Рақамлар эса ўжар. Улар сиз ва бизнинг ихтиёримизга бўйсунмайди. Рақамлар жозибадор ҳам бўлади. Улар ютуқларимизни ифода этса. Рақамлар ташвиш ва безовталикни ҳам акс эттириши мумкин. Айниқса, ишимизнинг манфий жиҳатлари — зарар кўриш, қарздорлик кўрсаткичлари олдида анчагина бошимизни қашиб ўйланиб қоламиз. Шундай дамларда кўнгилда «Қайси ҳолатда хатога йўл кўйдик?» ёки «Натижамиз бундан ҳам самарали, баракали, чўгли бўлиши мумкинми?» деган саволлар пайдо бўлади.
- \* \* \*
2. Статистика рақамларни бошқаради, рақамлар эса дунёни.
- \* \* \*
3. Статистика рақамни сўздан, сўзни рақамдан айрича бўлмаслигини талаб қилади. У бундай номувофиқликка тоқат қила олмайди.
- \* \* \*
4. Рақамлар, далиллар шу қадар ёмонки, баъзи ҳолларда назарияга мос тушмайди.

\* \* \*

5. Борлиққа статистика кўзи билан қарамоқ керак, зеро, жисмоний кўзлар билан ҳақиқатни билишнинг имкони йўқ.
- \* \* \*
6. Статистика фақат рақамларда ўзини-ўзи англашга кодир.
- \* \* \*
7. Дунёни рақамлар бошқаради дейишади. Йўқ, улар дунёнинг қандай бошқарилаётганини кўрсатишади, холос.
- \* \* \*
8. Одамлар ҳам бир жиҳатдан рақамларга ўхшайди. Баъзилари «даражага кўтарилганда» савлатидан от ҳуркайди-ю, «илдиз чиқарилганда» майдалашиб ногга яқинлашиб қолади.
- \* \* \*
9. Статистика сўзнинг рақамдан олдин кетишига йўл қўймайди.
- \* \* \*
10. Статистика — фактларнинг миқдорий ўлчами.
- \* \* \*
11. Табиийки, фақат рақамларга қараб ҳақиқий ҳаёт ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мушкул. Бу

рақамлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уларни воқеликка айлантирадиган одамлар бор.

\* \* \*

12. Статистика — рақамларнинг миқдорий ўлчамидир.

\* \* \*

13. Ҳар қандай статистика мутлақви англаш ва уни рақамларда, кўрсаткичларда ифодалашдир.

\* \* \*

14. Рақам, далил исботнинг энг кучли қуролидир. Исбот эса ҳақиқатга олиб борувчи йўлдир.

\* \* \*

15. Инсон онги, тафаккури керак бўлса қалби билан боғлиқ жараёнларни рақамларда ифодалаш ўта мураккаб.

\* \* \*

16. Рақам — энг дово нарса. Барча нарсалар рақамга ўхшайдилар.

\* \* \*

17. Статистика рақамлар, кўрсаткичлар, сабаблар, оқибатлар ҳақидаги ёки «янима учун» гўгрисидаги фан.

\* \* \*

18. Статист ўз нутқини рақам, кўрсаткичлар билан безаб сўзламоғи лозим.

\* \* \*

19. Гул сувсиз, қуёшсиз сўлиганидек, статистика ҳам рақамларсиз сўнади.

\* \* \*

20. Статистика менга ўзим би-

лан суҳбатлашиш, рақамларни тилга киритиш маҳорагини ўргатди.

\* \* \*

21. Статистика бошқа фанларнинг хулосаларини рақамлар орқали синайди ва текширади, у борлиқ сирларини ўз кучи билан тадқиқ этади.

\* \* \*

22. Статистика турфа меваларга тўла боққа ўхшайди. Унда рақам — пойдевор, кўрсаткич — қурол (инди-катор), кўрсаткичлар ти-зимми эса қонуниятларни очиб берувчидир.

\* \* \*

23. Ҳар қандай муҳим ғоя ҳам рақамларда ўз ифодасини топмас экан у қуруқ гаплигича қолаверади.

\* \* \*

24. Назария далилларга ҳамма вақт ҳам мос келмайди. Ҳа, далиллар, Рақамлар шу қадар ёмон...

\* \* \*

25. Рақамларнинг мафтункорлиги ўзгача. Улар ҳар биримизни қаддимизни тик тутиб яшашга, кўкракларни тўлдириб нафас олишга, янгича бир жўшқинлик билан ишлашга даъват этади.

\* \* \*

26. Яхлитлик, умумийлик ғоясиз статистика йўқ.

\* \* \*

27. Статистика воқеликнинг  
инъикосидан ўзга нарса  
эмас.

\* \* \*

28. Айтмишларки, сонлар гўё  
оламни бошқаради. Аммо,  
аминманки, сонлар олам  
қандай бошқарилаётгани-  
ни ўргатади.

\* \* \*

29. Статистика — ақл  
қалъасидир. Чунки у  
сержило рақамларга тая-  
нади.

\* \* \*

30. Статистика — бу замона-  
вий муаммоларни кўрсат-  
кичлар воситасида фикр  
тарозисига солувчи муҳим  
воситадир.

\* \* \*

31. Далиллар шу қадар ёмон  
(Гегель ўзи унинг  
назарияси далилларга мос  
келмаётганлиги ҳақидаги  
фикрга кунлардан бир кун  
шундай жавоб берган).

\* \* \*

32. Рақамларда ифодалаб  
бўлмайдиган кўрсаткич-  
ларга статистика эҳтиёт-  
корлик билан ёндашади.

\* \* \*

33. Шоҳлар ва мевалар — да-  
рақтни, қалин ўрмон-  
тоғни безагани каби, ста-  
тистикани рақамлар ва  
кўрсаткичлар безайди.

\* \* \*

34. Фанлардан нимаики  
рақамга асосланган бўлса,  
ҳаммаси статистикага  
боғлиқ.

\* \* \*

35. Статистларга рақамларни  
ҳис этиш хосдир. Зотан,  
рақамлар — стати-  
стиканинг ибтидосидир.

\* \* \*

36. Рақамларнинг ўзини эмас,  
балки улар билан ишлаш  
услубини статистика, деб  
аташади.

\* \* \*

37. Ким статистика билан ан-  
дак шуғулланса, у  
рақамларга шубҳа билан  
ёндашади, бироқ ким  
унинг ичига кирса, уларни  
чуқур ҳурмат қилади.

\* \* \*

38. Юришни ўрганмасдан ту-  
риб чопқилама. Ҳатто,  
шуни ҳам рақамлар  
найқайди, сезади, тасдиқ-  
лайди ёки инкор этади.

\* \* \*

39. Чигал фикрларда сўзлаш  
жуда қулай, аммо  
рақамлар бунга йўл  
қўймайди.

40. Статистика — рақам.  
Рақам эса барча нарса-  
нинг моҳияти. Олам-чи?  
Олам — рақамлар ва улар  
орасидаги муносабатлар-  
нинг гармоник тизимидир.



---

*Аниқлик биринчи галда рақамларнинг  
миқдорий муносабатларини белгилаш,  
статистик усуллардан тўғри ва самарали  
фойдаланиш натижасида қўлга киритилади.*

Мирзо Улугбек

**6-боб. Аниқлик — статистиканинг  
биринчи тамойили**

1. Аниқликка яқинлашишни ягона мақсад қилиб олган статистикагина ҳақиқий статистика ҳисобланади.

\* \* \*

2. Статистика ҳаққоний бўлмоғи лозим. Аммо бу биз қар қандай ҳақиқатни очиқ айтишга мажбурмиз, дегани эмас.

\* \* \*

3. Ҳақиқий статистика, ҳатто подшоҳларга амр қилади.

\* \* \*

4. Айтадиларки, инглиз сиёсий арбоби Б.Дизраэл фикрича, алдашнинг учта тури бор: бири алдов, иккинчиси - ёлгон, учинчиси - статистика. Аммо, менинг назаримда, статистика алдов эмас.

\* \* \*

5. Нуқсон ва камчиликларни кўриб, уларни ҳасдўшлайдиган ёки яширадиган статистикадан қўрқ. Ундан яхшилик кутма.

\* \* \*

6. Статистика — доимо янги шаффоф сувларни ато этувчи булоқ. Ундан тўғри фойдаланилмаса, қуриб қолиши мумкин.

\* \* \*

7. Рўпарангизда қайғу ва умидсизлик бор экан, де-

мак, бу ерда статистикадан ном-нишон йўқ.

\* \* \*

8. Статистика ҳам ҳаёт каби ўйиндир (одамлар каби муғомбирдир).

\* \* \*

9. Статистика томон биринчи қадам — ишонмаслик.

\* \* \*

10. Статистика субъективизмдан (нохолисликдан) батамом озод бўлиши керак.

\* \* \*

11. Статистика муҳокама қилишни эмас, балки ба-жаришни ўргатади. У ҳар бир кишини унинг қонунлари асосида яшашини, ҳаётнинг миқдорий томонларини сифат томонларидан айрича бўлмаслигини талаб қилади, у воқелиқдаги олачипорликка, номувофиқликка тоқат қилолмайди.

\* \* \*

12. Энг хавфли статистика — бироз бузилган ҳақиқатдир.

\* \* \*

13. Статистикада ҳаққонийлик бошқа ҳамма бурчлардан энг биринчисидир.

\* \* \*

14. Ким статистикада алдаса, ҳамма нарсада алдайди.

\* \* \*

15. Тўғри статистика ҳам, ёлғон статистика ҳам фақат субъект орқали юзага келади.  
\* \* \*
16. Чинакам статистлар — ҳақиқатни билишни севадиганлардир.  
\* \* \*
17. Муқаррар статистика ҳамisha ҳақиқат ортидан юради.  
\* \* \*
18. Таажжуб, одамлар статистика билан шуғулланиб ва ҳақиқатни, воқеалар табиатини тадқиқ эта бошлаганларидан бери бирон бир одам у ёқда турсин, бирон бир халқ ёки статистика мактаби ҳам топилмадики, у ҳақиқатни топа олган ёки оча олган бўлсин.  
\* \* \*
19. Биз қандай ҳақиқатни, ниманидир билсак, уни статистикани ўрганиш туфайли биламиз.  
\* \* \*
20. Жавобгарлик статистикада эмас, балки одамнинг ўзида бўлмоғи керак.  
\* \* \*
21. Статистика — воқеаликнинг инъикоси. Одамлар ҳийла-найранглар пайида бўлишади.
22. Катта-кичиклигидан қатъий назар, статистикада йўл қўйилган ҳар бир ғайри қонуний фаолият миллатга, халққа, охиروقибат Ватанга хиёнат ҳисобланишини ҳеч қачон унутмаслик керак.  
\* \* \*
23. Ҳақиқий яшаш — тўғри статистикага таяниб яшаш демак.  
\* \* \*
24. Нима мумкин бўлмаса, ўша мумкин эмас; нима мумкин бўлса, ўша мумкин. Статистиканинг талаби шу. Зеро, арава сув юзида юрмайди, кема қуруқликда сузмайди.  
\* \* \*
25. Агар сохта статистикага кўзинг тушса, у юзага чиқмай қалбингда ўлиб қўя қолсин.  
\* \* \*
26. Ҳақиқат рамзи бўлган статистикагина хурматга сазовор.  
\* \* \*
27. Статистика ёлғонни ҳақиқатга ва ҳақиқатни ёлғонга айлантира олмайди.  
\* \* \*
28. Гарчи ҳақиқат чуқур қудуқнинг тубида яширинган бўлса-да, статисти-

стика уни аниқлай олиш  
қудратига эга.

\* \* \*

29. Статистларнинг ҳазили  
шунчалик мўътадилки,  
уни жиддий фикрлашдан  
ажрата олмайсан.

\* \* \*

30. Ким статистика билан  
шуғулланишни хоҳласа, у  
бошидаёқ ҳамма нарсаларга  
шубҳа билан  
қарамоғи лозим.

\* \* \*

31. Статистика кўп аерлар  
давомида ажойиб ақл-  
заковат эгалари томови-  
дан тадқиқ қилинган ва,  
шунга қарамасдан, у баҳс  
талаб этмайдиган, демак,  
шубҳали бўлмаган, бирон-  
та ҳам бандга эга эмас.

\* \* \*

32. Статистика – бир қадар  
муболага.

\* \* \*

33. Статистика - қайсар, уни  
қанчалик бузиб талқин  
этишга, сиёсий ўйин воситасига  
айлантиришга  
ҳаракат қилманг, унинг

тубида ётган алҳақлик аён  
бўлиши муқаррар.

\* \* \*

34. Статистика оммага кўз-  
кўз қилиш учун ўйлаб  
тошилган эрмак эмас.  
Унинг моҳияти сўзда  
эмас, амалда намоён  
бўлади. Статистика кунни  
завқ билан ўтказишда ёки  
бекорчиликдан зерикиш  
чоғида қўл келувчи оддий  
восита ҳам эмас.

Статистика жамият  
тараққиётини тартибга  
солиб, хатти-ҳаракат-  
ларимизни бошқаради ва  
йўл-йўриқ кўрсатади. У  
жамият бошқарувини қўл-  
га олиб, уни таназулдан  
омон олиб ўтади. Шу  
нуқтага назардан статисти-  
ка хотиржамлик ман-  
баи.

Жамиятда соат сайин  
шундай беҳисоб воқеа-  
ҳодисалар юз берадики,  
биз маслаҳатга муҳтож  
бўлиб қоламиз. Ана  
шунда статистика ёрдамга  
келади.

---

***Статистика социал-иқтисодий  
таҳлилнинг қудратли қуролидир.***

**С.Г.Струмилин**

***Бошқаларга қиёслаб, ўзимиз ҳам  
ўрганамиз.***

**Муаллиф**

## **7-боб. Статистика — қиёсий таҳлил ибтидоси**

- 1.
2. Статистика - қиёслаш воситаси.  
\* \* \*
3. Таҳлилнинг ибтидоси — статистика.  
\* \* \*
4. Аслида тақсимот баробар бўлса, унда ҳаммага етмайди; агар ҳоқимият бараварлаштирилса муштараклик бўлмай қолади; агар барча тенг бўлса, ҳеч кимни ишлашга мажбур этмайсан. Бамисоли ернинг мавжудлигидай, тешадагилар билан пастдагилар ўртасида фарқ бор. Буларнинг ҳаммаси статистик қиёслаш натижасида намоён бўлади.  
\* \* \*
5. Давлатнинг хусусиятларини билиш учун, авваламбор, одамларнинг майиллари ва феъл-атворини статистик нуқтаи назардан кузатмоқ, ўрганмоқ зарур.  
\* \* \*
6. Дунёда ҳамма нарса нисбий. Масалан, маоши озайиброқ кетган одамга ой узайиброқ кетгандек туюлади. Иш билан астойдил банд одамга кун қисқароқ туюлса, бекорчи ишқмасга кун узокроқ туюлади.

\* \* \*

7. Қуёш нурида табиатнинг юзи ярқирайди, статистик қиёсда эса ҳақиқатнинг юзи.

\* \* \*

8. Статистика ўзича ҳеч нарса эмас, унинг баҳоси ундан фойдаланишига боғлиқ.

\* \* \*

9. Статистикани билиш кифоя эмас, муҳими — қўллай билиш.

\* \* \*

10. Бизнинг бошқалар ортидан югуришимизга ҳожат йўқ; бизга ўзимизни очиқ, тўғри баҳоламоқ, кимлигимизни тушуноқ, ёлғондан чиқмоқ ва ҳақиқий имкониятларини аниқламоқ қарор тошмоқ лозим. Шунда биз олға кетамиз ва бошқалардан кўра тезроқ юрамиз, чунки биз уларнинг тажрибасига ва ўзимизнинг олдинги барча машаққатли йўлимизнинг сабоқларига таянамиз.

\* \* \*

11. Статистика — ўхшатиш учун мезон.

\* \* \*

12. Статистика — инкор учун асос.

*Тириклик мавсуми жуда қисқадир. Шу боис дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилма. Қаноат қилсанг ҳамма нарсадан озод бўласан, узоқ умр кўрасан.*

Имом Ғаззолий

**III-қисм. Тириклик фалсафаси  
ёхуд  
ҳаётий шеърӣ лавҳалар**

*Ҳовлиқмай, сабр-тоқат билан яшаган  
ва нафсини тия олган одамнинг умри  
ҳаловатда кечади.*

Муаллиф

Дейдиларки, инсон охиратда бу синоатли дунёда қилган яхши амаллари-ю савоб ишлари туфайлигина сийланар экан. Оламга тафаккур кўзи билан боқсангиз, бу ҳикмат нечоғли ҳақ эканига иқрор бўласиз.

Эътибор қилсангиз, тонглар кулибгина отади. Қуёш илик нурлари билан кунингиз, кўнглингизни нурафшон айламоқ бўлади. Туннинг сокин кенгликлариға руҳингиз, вужудингиз ором олади. Инсоннинг том маънодаги Инсон бўлиб яшамоғи учун Яратган ўз карамини тўқис адо этгандек...

Бу ёғи одамзотнинг ақлий ва жисмоний-куч-идроки билан ишга солинса, ризқ-насиба бутун. Омад ҳам оёғингиз остидан жилмайиб чиқаверади. Тақдир ёрлақаса, мартабангиз улуғ, кўлингиз узун бўлаверар...

Лекин, назаримда, инсоннинг бу бисёрликларға суяниб, ўзи билан ўзи қоришиб яшашға кўникиши унинг алдамчи дунёға алданишидир.

Ҳа, бу алдамчи, бир кам дунё.

Унда: умр - ўткинчи

бахт –сароб

қисмат эса беаёв...

Шундай эмасми? Ишонмасангиз мана қуйидаги сатрларға эътибор беринг:

Ҳаёт ваъдалардан иборатдек эди. Бироқ ваъдалар ҳаёт бўла олмади.

Куртақлар баҳорнинг алдамчи сўзлари, ёлғон муҳаббат изҳорига ишониб юз очди.

Сўнг... у айнан шу ёлғонлар туфайли заъфарон тус олди.

Ёлғон муҳаббатға алданган, ишончи поймол этилган, орзумидлардан айрилган япроқ кўзига мунг қалбига дард чўқди. Япроқ дард оғирлигини кўтара олмади.

Ўз маконидан айрилиб, қисмат шамоллари қўйнида сарсон кезиб юрган япроқни Она-Замин ўз бағриға олди. Муштипар она қайғу-ҳасрат домида тани титраётган япроқни қучиб, унга тасалли бера бошлади:



- қўй, қуюнма, бу асли бир кам дунё...

... Ҳар сафар куз фаслида изғирин ел булоғидан узиб, чор-атрофга сочиб ташланган япроқларга тикилиб, ҳаёт ҳақиқатини англаб етгандай бўласиз:

«Умр - ўткинчи. Бахт –сароб. Қисмат – беаёв...»

Юракда ногаҳоний оғриқ кезинади шу топда. Боиси... Боиси... хазонга айланган япроқда киши ўз қисматини кўради...

... Сен унинг баҳори эдинг. Куртак кўкламга ишониб юз очгани каби сен ҳам унга дилинг қатидаги энг покиза туйғуларингни ҳадя этгандинг. Аммо...

Қисмат шамоллари дилингга эндигина туғилиб келаётган орзуларни ҳазон мисол турли томонга тўзғитиб юборди. Энди изтиробдан титроққа тушган қалбингга таскин учун сўз ахтаришдан ўзга илож йўқ.

... Она-Заминнинг япроққа таскин бериш мақсадида айтаётган сўзлари яна қайтадан қулоғингизга чалинади:

- ... Бир кам дунё. Ҳа, инсон бу фоний, бир кам дунёда ҳаёт ҳукми остида яшайди. Бу йўлда унга курашишдан, машаққатли меҳнат билан эзгу мақсадларига эришишдан ўзга йўл йўқ.

Ушбу бобда жамлаган ҳаётий шеърӣй лавҳаларимиз кенг ўқувчилар оммасига, аввало ҳар бир жамиятнинг суянчиғи бўлган оилага – оталар ва оналарга, ўғиллару қизларга, келинлар ҳамда куёвларга ибрат мактабини ўташи мумкин. Чунки уларда панд-насиҳат билан боғлиқ ғоялар, инсонпарварлик, юксак хулқу ахлоқни ифодаловчи фикрлар ўткир ва таъсирчан изҳор этилган.

Энг муҳими, мазкур шеърӣй термалар дунёнинг фонийлиги, умрнинг - ўткинчи, бахтнинг – сароб, қисматнинг – беаёв эканлиги, вақт-соати етгач шоҳми, гадоми, барибир ёруғ жаҳондан кўз юмиб кетиши ҳаётнинг ўзгармас қонунияти эканлиги ҳақидаги умуминсоний фалсафанинг бир ифодаси сифатида хизмат қилади.

## БУ ФОНИЙ ДУНЁ

*Биз келиб кетувчи тўғарак жаҳон  
На боши маълум на сўнги аён  
Ҳеч кимса ростини айтиб беролмас  
Биз қайдан келдиг-у, кетармиз қаён*

\* \* \*

*Кекса, ёш-ҳаётга ҳар кимки етар –  
Ҳаммаси изма-из бирма-бир ўтар  
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий  
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.*

\* \* \*

*Келмоқ қўлда бўлса, келмасдим бир дам,  
Кетмоқ қўлда бўлса, кетмас эдим ҳам.  
Жуда соз бўларди бу вамхонага  
Келмасам, турмасам, келиб кетмасам.*

\* \* \*

*Афсуски, йигитчилик мавсуми битди,  
Кўклам ўтиб кетди, қиш келиб етди.  
Ёшлиқ деб аталган у севинч қуши  
Билмадим, қачонлар келди-ю кетди.*

Умар Ҳайём

## УМР

*Фурсат игна бўлиб, ҳар кунимизни  
Умр каштасига тикиб боради.  
Яна қайчи бўлиб бу умримиздан,  
Тириклик ипини сўжиб боради.*

*Ким етар манзилга, кимлар етолмас,  
Вақтнинг чархпалаги айланаверар.  
Ким ўтар синовдан, кимлар ўтолмас,  
Барибир тупроққа бойланаверар.*

**Дилфуза Маллаева (◀Ўзбекистон  
овози▶ газетаси, 2000 йил)**

## ҲИСОБЛИ ДУНЁ

*Ҳисобли дунё бу –  
Ҳисобли дунё,  
Ҳар бир қадамингни чўтга солади.  
Сенга кўп нарсани беради, аммо  
Бир кун ҳаммасини қайтиб олади.*

*Ҳисобли дунё бу –  
Ҳисобли дунё,  
Мобадо, қўшилса корингга фириб,  
Мурувват кутмагин ундан мутлақо  
Нима эксанг шуни оларсан ўриб.*

*Инсон,  
Сен ҳам умринг қил ҳисоб-китоб  
Дунёга нима бахш эта олурсан?!  
Гар бунга тополсанг дунёвий жавоб  
Сен ҳам битта дунё бўлиб қолурсан*

**Зайниддин Мансур («Ўзбекистон  
овози газетаси», 15 май 2004 йил)**

## УМР ЎТАЯПТИ

Умр – сўнгсиз сўқмоқ, Қанча йўл босдим,  
Дўстлар билан бирга орттирдим душман.  
Ёғий бўлиб чиқди деганлар дўстман,  
Мақтовдан семирдим, мақтовдан оздим.

Юракда чандиқлар кўпайди, чунон,  
Дардларим гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон бўлди.  
Кимдир кўнглим олди. Ким камрон бўлди,  
Кимлардир қалбимни айлади чаман.

Йиқитди бирови ташлаган тузоқ,  
Дилимда зилзила маломатлардан.  
Одамзот феълени ўйладим узоқ,  
Ақлим гаранг бўлди аломатлардан.

Қаранг, одамият кароматларин,  
Чумолича меҳр йўқдир бирида.  
Бирининг тоғ қадар саховатлари,  
Сўзлардан заҳарли ўқдир бирида.

Аллоҳ, негй келдим бундай якунга?  
Ҳануз тополмадим боши, сўнгини.  
Гоҳ шодликка, гоҳи тўла қалб хунга.  
Бир қоқиб кияркан дўпти чангини,  
«Нега?»

Ҳайқирвордим.  
Топдим даъфатан.  
Қадим фалсафанинг жайдар, мардини.  
... Шегрим!

Дунё кезиб, қалбларни кезиб,  
Ўтибману минг-минг дарёни кечиб,  
Лек дўст тополмадим сендек бағри кенг.

\* \* \*

Умр ўтаяпти, кўп тухфалари  
Кўнгил тўлмас, қийналаман гоҳ.  
Унинг чала, бўш саҳфаларин ожиз сатрларим  
тўлдирарми, оҳ.  
Ўтган йиллар оғир.  
Енгилдир хирмон.  
Бу эса юракка беради зарблар,  
Зарб кетидан зарблар, бешафқат зарблар,  
Тобора каттариб борди армон:  
«Умр ўтаяпти.  
Бўш саҳфаларин  
Ожиз сатрларим тўлдирарми, оҳ...»

**Исмоял Тўлак («Ўзбекистон  
овози» газетаси, 2002 йил)**

## **ТАЯНЧ**

*Мулку мансабинг бор, азизсан ҳамон,  
Дўсту ёр ҳам бисёр, олам чароғон.  
Шу икки таянчдан айрилганинг чоғ,  
Сен ғариб бир зотсан, дунё ҳам зиндон.*

**А.Орипов («Ўзбекистон овози»  
газетаси, 05.06.2004 й)**

## БУ ДУНЁ КЕНГ...

*Кўз тупроққа тўлмагунча тўймас одам,  
Феълимиз, сал кенгроқ эса, кенгдир олам.  
Қўҳна дунё келди-кетди макон асли,  
У қолғуси сизлардан ҳам, бизлардан ҳам.  
Аччиқ Сухан ўрнига сиз ширин сўз денг,  
Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

*Ёруғ-ёруғ кунингизни айлаб қаро,  
Ўз кўксингиз сиз ўзингиз айлаб яро,  
Вақти келиб кунлар кўрманг мотамсаро,  
Хатто бо-ю боёнлардан чиққан гадо...  
Умр қисқа, умрингизнинг ғамини енг,  
Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

*Елкамизга янги гуноҳ ортилмасдан,  
Устингизга токи тупроқ тортилмасдан,  
Одамийлик, эзгуликка юзни буринг,  
Басма-басман қочинг, қочинг қасдма-қасддан.  
Ҳақ олдида шоҳу гадо барчаси тенг,  
Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

*Ман-ман дея бир-бировни йиқадирсиз,  
Йиқадирсиз ва қабрга тиқадирсиз,  
Мансаб дейсиз, дунё дейсиз, даврон дейсиз  
На худодан, на бандадан қўрқадирсиз...  
Пастроқ тушинг, охиратнинг ғамини енг!  
Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

*Бори-йўеи муштдеккина қорнингиз бор,  
Юз йилларга етгулик ош-нонингиз бор,  
Бугун борлар эртан йўқдир, англаб етинг  
Ва халқумда чиқишга шай жонингиз бор...  
Қўйиндаги тошни ташлаб, шукурлар денг,  
Бу дунё кенг, биродарлар, бу дунё кенг!*

**Охунжон Ҳаким («Халқ  
сўзи», 28 феврал 2004 йил)**

## КЕКСАЛИК ГАШТИ

*Қарилик гаштини мақташдан кўра,  
Мухбир болам, уни бизлардан сўра.  
Мана, биз бу гаштни сураётимиз,  
Эрталаб инқилаб тураётимиз,  
Оғриқдан қақшаган белимиз силаб,  
Кавушимиз судраб, чунон имиллаб,  
Белимиз чангаллаб юраётимиз,  
Қарилик гаштини сураётимиз.*

*Билакдан куч кетган, кўздан эса нур,  
Пашамизни зўра қўраётимиз.  
Бир маҳал оқ уриб қилардик ҳузур,  
Энди валокардин ураётимиз.  
Келар ичимиздан хўрсиниқ чуқур.  
Асқар тов эдик-ку, нураётимиз.  
Қўнамиз, не илож, шунга ҳам шукр,  
Ҳарқалай кўз тирик, кўраётимиз,  
Қарилик гаштини сураётимиз.*

*Қариликни ҳавас қилмагин, болам,  
Ёмон кўринади кўзингга олам.  
Қариганда ачиб қоларкан одам,  
Баъзан бобов бўлиб ҳураётимиз,  
Қарилик гаштини сураётимиз.*

*Қарилик гашт эмас, юлеунли дашт ул,  
Қарилик тикандир, ёшлик эса гул,  
Ёшликка не етсин, у ўзи маъқул,  
Ёшлик хазинадир, қарилик – бир пул.  
Йигитларга айтар насиҳатим шул:  
Ёш ёшликда ёшлик гаштини сурсин,  
Кексалик ҳам келар, уни ҳам кўрсин,  
Ҳозирча қаришга шошмасдан турсин –  
Белангиси қурсин, йўтали қурсин.  
Агар маъқул бўлса фахрий деган ном,  
Барча нишонимиз олиб, бир оқиом  
Ёшлигини бизга қарз бериб турсин.  
Қарилик гаштини мақташдан кўра,  
Мухбир болам, уни бизлардан сўра.*

Э.Воҳидов («Тошкент оқшони»  
газетаси, 25.02.2003 й)



## ШАХМАТ УСТИДА АЙТИЛГАН ШЕЪР

*Мен эркак ўрнида туришим керак,  
Ё хотин измига юришим керак.  
Хотиннинг, тўй, лозим оmodаси кўн,  
Ҳа, деса лаббай, деб туришим керак.  
Ҳа, деса лаббай, деб туришим учун,  
Уйимда пул завод қуришим керак.  
Уйимда пул завод қура олмасам,  
Энг катта банкани уришим керак.*

*Энг катта банка ҳам қўлдан келмаса,  
Ҳа, деса шалвираб туришим керак.  
Шалвираб турувчи эркак бўлгандан  
Йўқ бўлиб, дунёдан қуришим керак.  
Дунёдан йўқ бўлиб кетмаслик учун  
Мен эркак ўрнида туришим керак.  
Яъни эркакларнинг ишини қилиб,  
Мазза қилиб шахмат суришим керак.*

**Э.Воҳидов ( «Тошкент оқшоми»  
газетаси, 25.02.2003 й)**

## ДЎСТИМГА САВОЛ

*Бойлик бахтнинг бошимикин, айт  
Бойлик кўзнинг ёшимикин, айт  
Бойлик тақдир тошимикин, айт  
Билсам сендан сўрамас эдим.*

*Кулиб чиқиб йиғлаб ботар кун,  
Тунда қайда ухлаб ётар кун,  
Олов бўлмас нега ҳар учқун,  
Билсам сендан сўрамас эдим.*

*Тилим бунча узунсан, айтгин  
Дилим бунча маҳзунсан, айтгин  
Онам дейди: ёшимга етгин,  
Билсам сендан сўрамас эдим.*

*Сувдек сероб бўлмоқ не ўзи,  
Бахтдан бетоб бўлмоқ не ўзи,  
Қандай шароб шоирнинг сўзи,  
Махмуд, билсам сўрамас эдим.*

**Маҳмуд Тоиров ( «Ўзбекистон  
овози» газетаси, 22.03.2003 й)**

## НАСИХАТ

*Ёшлик ортда қолди,  
Турдинг оёққа.*

*Азму шижоатни унутма, болам.  
Насиҳат ёқмайди энди қулоққа,  
Ақлу фаросатни унутма, болам.  
Бу дунё аслида алдамчи бозор,  
унда лўттибозу нокаслар бисёр.  
Сен мардлар қошида мард бўлгин,*

*зинҳор*

*Ҳайру саховатни унутма болам.  
Балки дастурхонинг доим мўл бўлмас,  
Омад ҳам ҳамиша чарақлаб кулмас.  
Ким айтар сунган падаринг ўлмас,  
Сабру қаноатни унутма. болам.  
Ёвуз кимсалардан айлагил ҳазар,  
Уларнинг қалби пуч, тиллари заҳар.  
Ахтара-ахтара дўст топсанг агар,  
Меҳру садоқатни унутма, болам.  
Оғам деб кимлардир силар бошингни,  
Укам деб еб кетар биров ошингни.  
Минг бир тарозига солар тошингни,  
Макру адоватни унутма , болам.  
Каслар бор, қадрингни гоҳо билмаслар,  
Гоҳо билсалар ҳам кўзга илмаслар,  
Гарчанд улар сенга парво қилмаслар,  
Фазлу диёнатни унутма, болам.  
Дину пайғамбардан лоф ургайлар гоҳ  
Бетавиқ кимсалар гумроқ ва суллоҳ.  
Улар Чорёрларга қазганлар-ку чоҳ,  
Касру касофатни унутма, болам.  
Қадамда учрагай азизлар ҳоки,  
Йўлингни ёритгай ақлу идроки.  
Уларнинг руҳлари шод бўлсин. токи  
Зикру зиёратни унутма, болам.  
Турфа синовларга дуч келгай инсон,  
Гоҳида шодондир, гоҳида нолон.  
Чорасиз қолсанг ҳам, лекин ҳеч қачон.  
Адлу адолатни унутма. болам.*

**Абдулла Орипов ( «Тошкент  
оқшомни» газетаси, 5 май 2004 йил)**

## **БИР ҚАРАСАМ**

*Бир қарасам, дўсту ёрдан кўнглим тўқдай,  
Бир қарасам, атрофимда ҳеч ким йўқдай.*

*Бир қарасам, сунчиқдай болаларим,  
Бир қарасам, улар синиқ лолаларим.*

*Бир қарасам, бу дунёда бахтим бордай,  
Бир қарасам, буткул олам менга тордай.*

*Бир қарасам, муродимга етгандайман,  
Бир қарасам, кўзим очиқ кетгандайман.*

*Бир қарасам, шон-шухратга йўғрилганман,  
Бир қарасам, эндигина туғилганман.*

**А.Орипов («Халқ сўзи»  
газетаси, 27.11.1998 й)**

## ИККИ ТОИФА ОДАМ КЎРДИМ

*Бири бошин эгиб юрар пиёда,  
Бири отда юрар, бўлиб зиёда.  
Бири одамларни шод қилай, дейди,  
Бири шод одамни мот қилай, дейди.  
Бири майиз топса, қирқ бўлак қилар,  
Бири бой бўлса ҳам , яна зар тилар.  
Бири ночор қолган кишига таскин,  
Бири бахт ўериси, юраги Чиркин.  
Бири табиатдан олар нур-зиё,  
Бири нур-зиёни қилар сим-сиёҳ.  
Бири фарзанд учун жон фидо қилар,  
Бири ўз ўелини қарғар, зор қилар.  
Бири ширин сўзни қўшар асалга.  
Бири ўлим тилар ўсал касалга.*

**Суннат Эргашев  
(«Афанди», 04.03.04.)**

## КАТТАЛАРГА НАСИХАТ

*Ярақлаган уйларнинг чанг бўлсаям сиқилма,  
Рўзгорингда бир нима кам бўлса ҳам сиқилма,  
Йўқчиликдан кунда бир жанг бўлсаям сиқилма,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

*Чайнаётган нонингни боламга деб ўласан,  
Катта бўлгач гап бир силтаса сўласан,  
Бино қўйма, сийлама папалама кўрасан,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

*Қариганда ғалвани кўтаролмас юрагинг,  
Қани ота-оналар, сунячўинг, тиргагинг,  
Ётиб қолсанг, оғрисанг, кимга бўлар керагинг,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

*Ғамни олсанг кўнгулга, тўлиб кетаверасан,  
Офтоб урган майсадай, сўлиб кетаверасан,  
Юрагингни чангаллаб, ўлиб кетаверасан,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

*Ўзин боққанинг қолиб, боласин ҳам боқарсан,  
Куч-қувватинг борида ҳаммасига ёқасан,  
Ўзинг учун бир бора чиққанмисан боққа сан,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

*Уйлантир-у болангни, бўлак қилгин уйини,  
Ўзи тортсин рўзгорнинг ташвишини, ўйини,  
Кўриб турсанг бўлгани соғ-саломат бўйини,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

*Таъма қилсанг бир нонни, чимирилар қошлари,  
Сенсиз пишиб ёйилар, ёғлиққина ошлари,  
Юғиришар олдинга, оғриб қолса бошлари,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

*«Эрининг топганини ўйнаб еркан бир аёл.  
Ўзининг топганини ўйлаб еркан бир аёл».  
Бекорга айтилмаган халқ ичида бу мақол,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

*Майли тушган уйида яшнаб юрсин келинлар,  
Мақтаб, алқаб дуо қил, яйраб юрсин келинлар,  
Қайнонаммас онам деб, алқаб юрсин келинлар,  
Ўзинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.*

Ялаб-юлқаган уйинг, келинларга қоладир,  
Сендан кейин ким билар, не куйларга соладир,  
Уйим, болам чақам деб, олаверма хавотир,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Меҳнат қилдинг, тинмадинг, етганича имконинг,  
Ўзинг учун ҳам яша, ганиматдир ҳар онинг,  
Тоғларга чиқ, ҳаво ют, жон-жон ўзингни жонинг,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Ўғилларда қўш улов, сен юрасан ниёда,  
Ўэларидан ошмайди, моли бўлса зиёда,  
Болам, болам, болам деб нима кўрдинг дунёда,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Ўлсанг болаларинг ҳам қабргача боради,  
Айтчи унда сен билан қайси бири қолади,  
Қиёматда қай бири гуноҳингни олади,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Кўнглинг кимни хушласа, ўша билан суҳбат қил,  
Тиконларга қарама, гулга қараб роҳат қил,  
Асабингни қийнама, юрагингга шафқат қил,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Пардоз қилиб, ясаниб, эй аёл ҳеч толмагин,  
Қарилик бўйнингга асло-асло олмагин,  
Ўнта боланг бўлсаям, эргинангдан қолмагин,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Кунлар келар инжиқ чол, биров келмас ёнингга,  
Шу илмиллик кампирнинг оро кирар жонингга,  
Шукур қил бирга ўтган, ҳар соат ҳар онингга,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Тўрт пул топсанг ярмини кексаликка олиб қўй,  
Йиғиб эски нимчанинг, чўнтагига солиб қўй.  
Болаларинг пул деса нафақадан нолиб қўй,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Қўлинг ишда ва лекин Раббанода бўлсин дил,  
Ғийбат, хасрат гапни қўй, Субхоноллох айтсин тил,  
Бу дунё нонин еб, у дунёни ишин қил,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

Йиғиштириб умрнинг қолганини, борини,  
Мархабохон қилгайсан, охиртни корини,  
Қулогингга қуйиб ол, бу насиҳат дорини,  
Ўэлинг еб ўрга кетар қизинг еб қирга.

## ИЗТИРОБ

*Миллатнинг дардига дармон шоирим,  
Энди ўз халқига армон шоирим,  
Йўқ, сенинг ўлганинг ёлгон шоирим,  
Наҳот ажал йўлин бўлмайти тўсиб,  
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Балқиб турган бахтнинг жарангдай хуш,  
Шеър ўқиб элингни қилардинг сархуш,  
Қайга кетдинг, иним, шошгандай қуш,  
Онанг йўлларингга тургандир чиқиб,  
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Демагин сен билан битта жон кетди,  
Қанча ёзилмаган шеър, достон кетди,  
Тангри сенга берган зўр имкон кетди,  
Ноламдан тиконлар чиқмоқда ўсиб,  
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Ҳар нафас кўзларим ўнгидадирсан,  
Меҳринг билан меҳрим рангидадирсан,  
Оҳ, энди оҳларнинг оҳангидадирсан,  
Наҳот сени бошқа кўрмаслар қайтиб,  
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Беҳишт болиш берсин, булбул шоирим,  
Изингдан интизор минг гул шоирим,  
Йўқ, сен ўлганинг йўқ буткул шоирим,  
Ўзбек олиб юрар жонига қўшиб,  
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

**Маҳмуд Тоиров («Халқ сўзи»  
газетаси, 26 апрел 2002 йил)**



## АСРОЛМАДИК...

*Аламларга тўлиб кетди бу кун дилим,  
Армонлардан бағрим бўлди тилим-тилим.  
Аза тутиб йиеладингми, ўзбек элим?  
Муҳаммадни асролмадик, Муҳаммадни.*

*Совуқ ўлим соясини солди наҳот?  
Ёниқ юрак ёнмоқликдан толди наҳот?  
Етим қалам бўзлаб-бўзлаб қолди наҳот?  
Муҳаммадни асролмадик, Муҳаммадни.*

*Устун қўйиб шеърни шуҳрат ва шонидан,  
Халқни, юртни севар эди у жонидан.  
Ёрқин юлдуз учди назм осмонидан,  
Муҳаммадни асролмадик, Муҳаммадни.*

*Ўчмас чироқ, оптоқ қоғоз унга интиқ,  
Бастакорда жарангдор соз унга интиқ.  
Ёрқин юлдуз учди назм осмонидан,  
Муҳаммадни асролмадик, Муҳаммадни.*

*Оддийгина, камтаргина халқ шоири,  
Миллатимнинг ифтихори, ҳақ шоири,  
Ёмонларнинг кўзи теккан бахт шоири,  
Муҳаммадни асролмадик, Муҳаммадни.*

**Ҳасан Абдувоҳидов  
(«Фидокор» газетаси, 2002 йил)**

## МАНГУЛИК

*Марҳумлар кетдилар мангулик сари,  
Кетганлар ҳеч қачон қайтиб келмайди.  
Топганин қолдириб кетишар бари,  
Дардларин бировга айтиб келмайди.*

*Тирикларга даркор ёруғ бу жаҳон,  
Бахт керак, тахт керак, мартаба керак.  
Одам бўламан деб танда ширин жон,  
Адойи тамом ҳам бўлади юрак.*

*Бўлайлик, яхшилар, бир жону бир тан,  
Бир биримизга тутайлик елка!  
Бизлар ахил бўлсак, бутундир Ватан,  
Бошимиз силайди улуғ халқ, ўлка!*

*Бир бор берилади инсонга умр,  
Бўлмасин тириклар хору зор, ночор.  
Кўзи очиқликда берайлик Меҳр,  
Кўзлар юмилганда барчаси бекор!*

*Мардлигу тантилик ва бағрикенглик,  
Шавқату шафоат – Ўзбегимга хос!  
Бўлсин элу юртда тотувлик, тенглик,  
Эзгулик, Адолат – умрга асос!*

*Ўтганлар пок руҳин ҳар вақт этиб ёд,  
Қолайлик, азизлар, буткул савобга!  
Тириклар кўнглини дилдан айлаб шод,  
Яшайлик беминнат ўхшаб Офтобга.*

**Нормурод Нарзуллаев («Ўзбекистон  
овози», 11 май 2004 йил)**

## **ТИРИКЛИК ФАЛСАФАСИ**

*Бу дунёга кимлар келиб, кимлар кетмади,  
Бир кам дунёнинг ками асло битмади.  
Тириклик, молу дунё деб югурдик, елдик,  
Барча ишлар чала қолди, умр етмади.*

**Мажид Ҳасаний («Ўзбекистон  
овози» газетаси, 2002 йил)**

## ШУКР

*Жаннат сени илҳақ кутиб турганмас,  
Дўзах ҳам сен билан, албатта, тўлмас  
Битта сени ютиб ер ҳам тўймагай,  
Энди шукр қилу яшайвергин, бас.*

**А.Орипов («Ўзбекистон овози»  
газетаси, 11.03.2003 й)**

## ЙЎҚОЛМАС

*Йиллар этагидан тўкилган гавҳар  
Сарбон адашмаса карвон йўқолмас  
Ўғлон эътиқоди бут бўлса магар  
Қуёш даргоҳига карвон йўқолмас*

*Бу дониш ҳаётнинг умматлари кўп,  
Собир султониغا ҳимматлари кўп,  
Бошинг омон бўлса, ҳикматлари кўп,  
То офтоб бор экан найсон йўқолмас.*

*Рости-ёлгон бари руҳ мусавирри,  
Бири ота бўлса онадир бири,  
Ростни от қийнатиб турганин кўриб,  
Ёлгон йўқолади, ёлгон йўқолмас.*

*Мардлар келаверар, кетаверади  
Номард ҳам мардман деб ўтаверади  
Эл бир Алпомишни кутаверади  
Замонлар ўзгарар майдон йўқолмас.*

(Саъдулла Ҳаким. Ёз оқшоми.  
Шеърлар. Т. «Чўлпон», 1996 й)

409

### ЭЙ ДҮСТІ

*Бир думалаб ҳоким бўлди бир тулки,  
Ким салом бермайди унинг изига?  
Тулки пойидадир ўрмоннинг мулки,  
Ахир у уйланган шернинг қизига!*

489

### ЭЙ ДҮСТІ

*Тўрт оёқда юрдим эрталаб шодон,  
Туш пайти оёғим икки-чопагон,  
Учтага айланди кечга борибон,  
Бу надир? Бу –Умр, дўсти ғарибон.*

(Азим Суюн. Эй дўст. Т.  
«Янги аср авлоди» 2005 107, 127 бет)

## Устоз ва шогирднинг савол жавоби<sup>1</sup>

### 1. Инсондан нима қолади?

Дедим (савол)	Деди (жавоб)
• Ҳар бир мавжудот муҳтож бўлган нарса недур?	• Меҳр
• Кўздан ҳам ўткирроқ нарсачи?	• Инсонларнинг «қалб кўзлари».
• Инсон ким эрур?	• Умри давомида инсонни ушунишга ҳаракат қилиб ўтадиган онгли мавжудот.
• Ҳаёт нима?	• Кишиларнинг бутун амаллари битилган, хоҳласа хоҳламаса, ҳар куни бир варағи йиртиб олинадиган умр дафтари.
• Қалб амри нима ?	• Дилдан отилиб чиққан садо.
• Нимани баҳолаб бўлмайди?	• Эзгу амални, камтарликни, садоқатни.
• Эзгу амал нима?	• Қалб, тафаккур ва вужуд муштараклигида амалга оширилган ҳаракат.
• Инсондан нима қолади?	• Ўчмас из, агар у инсондек яшаган бўлса.
• Ор нима, номус нима?	• Инсондаги эт ила тирноқ каби ажралмас олий фазилатлар.
• Дунё нима?	• Қувса қочадиган, қочса қувадиган, ҳеч қачон етиб бўлмайдиган, ҳеч қачон тўйиб бўлмайдиган, ҳеч қачон дўстлик қилмайдиган бевафо ёр.
• Меҳр-оқибат нима?	• Инсонни инсон даражасида ушлаб тургувчи улуг фазилат.
• Севги нима?	• Бировга бериб бўлмайдиган, пулга топилмайдиган, фақат дил амрига қулоқ соладиган

<sup>1</sup> Қараг: Махмудов О. Ота нега фарзандга тавбеҳ беради. Т. Ғофур Ғулом нашриёти, 2005, 27-52, 95-97 бет

<b>Инсонга ҳамиша камлик киладиган хислатлар нималар?</b>	• Улар учта: билим, одоб, фаҳму фаросат.
<b>Уларга эришиш йўллари қандай?</b>	• Билимга киши ўз меҳнати орқали етишади, одобга билим, ота-она ва устозлар кўмагида эришилади. Фаҳм-фаросат фақатгина ато этилади.
<b>Нимани ўргатиб ва ўрганиб бўлмайди?</b>	• Соддадилликни.
<b>Кишилар ботинан бир-бирлари билан нимада фарқланади</b>	• Уч нарсада: дилда, тилда, амалда.
<b>Зоҳиран-чи?</b>	• Беш нарсада: ёш, ақл, вазн, бўй ва жинсда.
<b>Бешикнинг тобутдан фарқи нимада?</b>	• Биринчисига фаришта мисол гўдак ётқизилса, иккинчисига бутун гуноҳу савобларга тўла амаллар эгаси ётқизилади.
<b>Ўхшашлиги-чи?</b>	• Иккисига ҳам ётқизилган ўша жонзот ҳеч бир қийинчиликсиз сиғади.
<b>Сабр нима, қаноат нима?</b>	• Сабр — бу киши бошига ғам-ташвиш тушгандаги чидам; қаноат — бориға ҳам, йўғига ҳам ҳамиша шукр қилувчи инсондаги ботиний фазилат.
<b>Дўстларга нимани тиласам энг катта яхшилик тилаган бўламан?</b>	• Соғлиқ, Садоқат ва Тамасизликни!
<b>Тинчлик нима?</b>	• Муайян бир жамоанинг фикр-маслаклари, орзу — истаклари муштарак бўлган осойишталик даври.
<b>Инсон бошқа яратилгандан нимаси билан фарқланади?</b>	• Икки нарсада: ақл-тафаккури ҳамда очкўзлиги билан.
<b>Хотин ким?</b>	• Хонадоннинг маликаси: яхши бўлса — ҳаётинг жаннати,



<b>Кўшни ким?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хурсандчилигингда ҳамроҳ, ёмон кунларингда ҳассакаш бўлгувчи инсон... Агарда у мунофиқ бўлса, ҳаётдаги хавfli душманинг.</li> </ul>
<b>Садоқат нима?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳеч бир нарсага тенглаштириб бўлмайдиган, ҳеч нарға билан алмашиб бўлмайдиган инсоний бурч, туйғу.</li> </ul>
<b>Кишига нима бир умр тинчлик бермайди?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Орзулари. Армонлари!</li> </ul>
<b>Дунёда инсон учун энг кўрқинчли нарса нима?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Халқ нафратига учраб, виждон азобида қолиш!</li> </ul>
<b>Ким кучли, бир кишими ёки юз киши?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бир киши... агарки, унда уша юз кишининг фаҳм-фаросати ва шижоати мужассам бўлса.</li> </ul>
<b>Қандай юмушнинг охири хайрли бўлмайди?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳар қандай ишнинг бошини тутмасдан туриб, ёмон ният қилинса.</li> </ul>
<b>Инсон умридаги «ямоқ» лар нималар?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Унинг қалб жароҳатлари.</li> </ul>
<b>Қачон инсонлар ўртасида ўзаро тотувлик, иноқлик юзага келади?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қачонки, уларнинг айтган сўзлари қалбларида ҳам уйғунликни пайдо қилса.</li> </ul>
<b>Кўпчиликда мавжуд бўлган нуқсон нима?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзининг ақллилигини бошқаларга кўрсатишга интилиш.</li> </ul>
<b>Ақлли ким?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Борлиқнинг гўзаллигини кўра билган ва уни қадрлай олган.</li> </ul>
<b>Ким юксак?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзини ер каби хокисор тутган киши.</li> </ul>
<b>Инсонлар бир умр интиладиган, бироқ ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган неъмат нима?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қалб осойишталиги.</li> </ul>
<b>Дунёни нима ларзага солади?</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мурғак қалбнинг изтироби, мазлумнинг чеккан ноласи.</li> </ul>

<b>Ким донишманд?</b>	• Уз айбини кўра билган ва уни тан олган киши.
<b>Буюклар ҳаётидан нима олинади?</b>	• Ибрат олинади, унга амал қилинади.
<b>Нодонлар ҳаётидан-чи?</b>	• Сабоқ олинади, ундан хулоса чиқарилади.
<b>қандай гапнинг шов-шуви катта?</b>	• Секин, шивирлаб айтилган гапнинг!
<b>Шодликнинг ибтидоси нима?</b>	• Ғам.
<b>Ғамнинг интиҳоси-чи?</b>	• Шодлик.
<b>Бундаги мантқиқ нимадан иборат?</b>	• Шодлик йўқ жойга ғам ўрнашади, ғамнинг ўрнини эса, вақт ўтиб шодлик эгаллайди.
<b>Дунёда ҳеч қандай бойлик ёки пул билан сотиб олиб бўлмайдиган «инсоний сармоя»нинг номи нима?</b>	• Жудаям оддий: инсонлар қалбига йўл топа билиш.
<b>Ақсарият инсонлар йул кўядиган хато нима?</b>	• Вақтдан унумли ва мақсадли фойдалана билмаслик.
<b>Вақт нима?</b>	• Буюк инсонлар учун ҳамиша етишмайдиган, ақсарият учун кўпинча бой бериладиган имконият.
<b>Мард кишининг хислатлари нималарда синалади?</b>	• Асосан уч нарсада: кечиримлилик, масъулиятни ўзига олиш ва сўзида тура билишда.
<b>Инсонлар ҳаётида кўпинча эҳтиёж сезадиган хислатлар нималар?</b>	• Асосан уч нарса: теран фикр, ҳисни жиловлаш, қаноат.
<b>Тамдан ҳам кучли нарсани айтсангиз?</b>	• Тама йўлидаги тамагирлик!
<b>Дунёда нимани топиш мушкулунимани йўқотиш осон?</b>	• Яхши ном қозониш жуда мушкул, уни йўқотиш осон. Зотан, обрў мисқоллаб топилади, билакс инсоннинг

	бир арзимаган ножўя ҳаракати сабаб, ушбу яхши ном бир онда чилпарчин бўлиши мумкин.
• Ҳар бир киши учун бу ҳаётда бажарилиши мушкул бўлган вазифалар нималар?	• Айтган сўзига ўзи тўлиқ амал қилиши; ўзганинг омонатини у ишонганидек сақлай билиши; дўстлашган кишисининг ҳам бахтли, ҳам огир кунларида бирдек ёнида туриши; ўзига раво кўрмаган нарсани бировларга ҳам раво кўрмаслик.
• Нимани кечириб бўлмайди?	• Хиёнатни, хиёнатни ва яна хиёнатни.
• Булар нималар?	• Ватанга хиёнатни, элига хиёнатни, оиласига (ўзига) хиёнатни.

## II. Ота нега фарзандига танбеҳ беради?

Дедим	Деда
• Ота ким?	• Яратганнинг инояти ила фарзанд дунёга келишига сабабчи, умрини зурриёдларини асраб-авайлаб, вояга етказишга бағишлаган зот.
• Она ким?	• Яратганнинг инояти ила фарзанд дунёга келишига сабабчи бўлган, зурриёдлари учун жонидан кечувчи мўътабар зот.
• Ота нега фарзандига танбеҳ беради?	• Бошқалар танбеҳ бермаслиги учун!
• Ота-она яқинми, Устоз яқинми?	• Иккиси ҳам. Ота-онанинг яқинлиги – агарки, улар фарзандига устоздек тарбия бера олса, Устознинг яқинлиги – худди ота-онадек шогирдига нисбатан меҳрибон бўлса.

<b>Ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси нима?</b>	• Баркамол фарзандни вояга етказиш.
<b>Бунга қандай эришилади?</b>	• Асосан тўрт нарса – ҳалол ва меҳрибон ота-она, қаттиққўл ва талабчан устоз, самимий ва содиқ дўст, маърифат ва илм орқали эришилади.
<b>Аксарият ота-она йўл кўядиган хато нима?</b>	• Фарзандидан унинг имкониятидан ортиқча бўлган нарсани талаб қилиш ёки айтарли ҳеч нарсани талаб қилмаслик.
<b>Отани нима адо қилади?</b>	• Уч нарса: боласининг бевақт ўлими, ноқобил фарзанд ва кексайган чоғида аҳли аёли ҳамда зурриёдларидан меҳр-эътибор кўрмаслик.
<b>Нима кўнглини юксалтиради?</b>	• Уч нарса: фарзанди туфайли эл-улус олдида ҳурматининг янада ошиши; набирасида фарзандига берган тарбиянинг намоён бўлиши ҳамда зурриёдларининг қувончига шериклик.
<b>Энг бахтли ота-она ким?</b>	• Турмушда, комил тарбияда нафақат ўз фарзандига, балки ўзгаларга ҳам ибрат бўла олганлар.
<b>Комили устоз ким?</b>	• Ўзида зоҳирий ва ботиний гўзалликни мужассам этган зот.
<b>Нимадан юмшоқ ва нимадан қатти роқ варса йўк бу дунёда ?</b>	• Она меҳридан, Ота қаҳридан.
<b>Тарбиячи ким?</b>	• Аввало, болаларни севувчи, маърифатли ва фидойи инсон.
<b>Қандай устоз шогирди учун ибрат бўла олади?</b>	• Пок орзуларига унинг ўзидек ишонса, муваффақиятига ундан-да ортиқ қувонса... шогирдининг ҳар бир ишига меҳрли ва эътиборли бўлса.

### III. Ақлли фарзанд ким?

Дедим	Деди
<b>Фарзанд нимани танлолмайди?</b>	• Ватанни, ота-онани, туғилиш вақтини, исмни.
<b>Фарзанд учун бу дунеда энг огир гувоҳлар нималар?</b>	• Ота-онага ок бўлиш, халк нафратига учраш, Ватанга хиёнат.
<b>Ақлли фарзанд ким?</b>	• Ота-онаси ҳаётлигида ва умуман мумкин бўлган барча имкониятдан оқилона фойдалана билган ва кейинчалик, албатта, оиласига, элига, юртига манфаати тегадиган фарзанд.
<b>Умр мазмуни нимада?</b>	• Уни беҳудага исроф этмасдан яшашда!
<b>Исроф этмаслик, деганда нени англамоқ даркор?</b>	• Умрни тўрт нарсага йўналтириш: дунёвий илмларни ўрганиш ҳамда диний илмдан бохабар булиш; ҳалол касб эгаси бўлиш; ота-она ва эл хизматида бўлишлик.
<b>Ҳаётда энг афсусли нарса нима?</b>	• Топганини йўқотиш.
<b>Улар нималар?</b>	• Олинган билимни унутиш; қилган савоб ишларини миннат тоши ила «янчиб ташлаш»; машаққат ила эришилган меҳнатнинг маҳсулига эга бўлмаслик.
<b>Ҳар бир фарзанд учун энг зарур бўлган тўрт юмуш нимадан иборат?</b>	• Ёшликда мукамал илм ўрганиш; эгаллаган қунари ила бошқаларга фойдаси тегиб, яхши ном қозониш; ота-она, эл хизматида бўлиш ва ҳамиша пок ният, гўзал хулқ билан юриш.

• Ота-она, элга хизмат қилган фарзанд нима топади?	• Иззат-икром, қалб сокинлиги ва бениҳоя ажру савоб!
• Қандай сабоқ шогирд онгидан мустаҳкам жой олади?	• Ишончли далил, ҳаётӣй мисол ва шах-сий ибрат орқали берилган сабоқ.
• Шогирд учун энг огир, аммо шарафли нарса нима?	• Муносиблар ичида муносиб бўлиш.
• Қай тоифа кишиларнинг ёши эътиборга олинмайди?	• Тўрт тоифа: устоз, ота-она, фозил киши ва раҳбарнинг.

### Қайтар дунё, қилмиш-қидирмиш

У мана етти йилдирки, шу дераза ёнида кириб келаётган ҳар бир янги йилни кутиб олади, «эски»сини кузатиб қўяди. Бу давр мобайнида у етти маротаба баҳорни, етти маротаба ёзни кутиб олди, кузатди, худди шунча марта қолган фасларни ҳам.

«Қаҳрамон»имизнинг ўзи учун эса, бу йиллар ҳаётининг тафаккур фаслига айланди, десак, янглишмаган бўламиз. Зотан, у шу дераза ортида ўтган умрига назар ташлаб, бу она заминда ташлаган ҳар бир қадами-ю барча қилмишлари, айниқса, ёшлигида ўта шўхлиги туфайли қанчадан-қанча паррандаю бошқа беозор жонворларга озор берганини кўз ўнгидан бирма-бир ўтказди.

«Қаҳрамонимиз вақтлар ўтиб, бир амаллаб олий маълумотли бўлиб ҳам олган эди. Буни қарангки, фалакнинг бир инъоми билан у раҳбарлик курсисига ўтирди, аммо шунда ҳам ўзининг «эски» одатини ташламади. Ўшандагидек муносабатини, зуғумини ўз ходимларига ҳам қўлади, мансаб йўлида ҳеч нарсадан қайтмай, кўпларни зор қақшатди... Фасллар кетидан эса фасллар ўтаверди. Қирқ йилда қайтди» деганлари рост эканми, унинг қилган жабр-ситамлари йиғилиб, ўзининг бошига бедаво дард бўлиб қайтди.

Бир вақтлар тоғни урса талқон қиладиган, полвон келбатли бу инсонни хайбатининг ҳозир учдан бир қисми қолган. Охириги вақтларда унинг жуссаси кундан-кунга

кичрайиб, ҳатто ногиронлар араваси ортидан ҳам кўринмайдиган даражага келган.

Мана етти йилдирки, унинг бир вақтлар мушукчаю ҳали кўзи очилмаган кучук болаларни «тўп» қилиб тепган икала оёғи фалаж; ўнг қўли ишламайди; одамларга лўқ қиладиган кўзлари эса анчадан бери кўрмайди; балким юзимни шунчалик кўп берпарво тутганми, балким фалажданми, юзи ҳам қотиб қолгандек.

...Бундай пайтларда тез-тез ёшлигини бувисининг ҳар сафар уни койиб: «Болажоним, уларни тинч қўй, сенингдек уларнинг ҳам жони бор, булар ҳам қарғайди, уларнинг қарғишига қолиб кетмагин», деганларини эслайди.

...Афсуски, энди кеч.

Мана, қия очилган дераза ортига бир гала чумчуқ келиб қўнди, тинмай чуғур-чуғур қилишиб, худди ундан аҳвол сўрашаётгандек...

### Нима учун? Нега?

Нима учун одамлар катта-кичик муаммоларни омадсизликнинг битта, адоқатсиз йўлига жо этгунча андуҳ чекишни ёқтирадилар? **Ташвишларга кўмилиб ўзни тезда қаритиш бунчалар осон?** Нега йиллар ўтган сайин ҳаётда топганларимиздан қувонишни қанда қилиб бораверамиз? Ахир қачондир Худо кимнидир ўзи орзу қилганидек фарзандлар билан сийлаган, кимнидир севимли иши бор, бошқа биров уни ҳамон беҳуда ахтариб юрибди, кимдир ажойиб табиати билан атрофдаги одамларнинг ҳавасини келтиради, яна кимдир ажойиб табиати билан атрофдаги одамларнинг ҳавасини келтиради, яна кимдир чуқур туйғулардан ёки кўркамликдан бебаҳра қолмаган... Бироқ, кўпчилик бу каби хислатлар билан ҳам ўзини бахтли санамайди... Сиз Яратган ҳеч кимни ўз иноятидан бебаҳра қолдирмаслигини тан олинг: ҳаётда ҳар бир одамга имкониятлар берилади, омад кулиб боқади, муҳаббатта сазовор бўлади, яна бошқа кўплаб бошқа нарсаларга эришади, ақли кириб қолгач эса, улар ҳақида унутади. Аслида бизни тарк этаётган ҳар бир лаҳзадан ва янги кунлардан миннатдор бўлишимиз жуда муҳим. Умримизнинг ҳеч бир они қайта такрорланмайди, гарчи бу ҳаммага маълум сўзлар бўлса-да, жуда оқилона айтилган.

Сенга ўзинг одимлаётган йўл қанчалар осон туюлса, сен билан биргаликда яқинларингга ҳам шунчалар енгил қўринади. Инсон учун энг катта бойлик - бу ардоқли кишиларингни сени тушуниши ва қўллаб-қувватлаши бўлса керак. Шундан ҳам биз ўзимиз севган ва бизни севадиганлар учун туфҳа бўла олишимиз жуда аҳамиятлидир. Улардан атрофимизни куршаб турган оламни турфа ранглардан иборат эканлигига, уни эса омадсиз оқ-қора кунлар туфайли эмас, балки мавсумларга бўйсуниб ўзгариб туришига ишонч уйғотишимиз керак.

Ёз борлиқни ранг-баранг, куз эса анчагина ёрқин этади. Баҳорда нафис рангларга, қишда эса оқлиқ зийнатига кўмилади. Бу Оламнинг мусаффо бўлиши эса фақат ўзимизга боғлиқ. Сиз ўзингизни бутун борлиғи билан севадиган кишилар учун тортиқ бўлинг, шунда ҳар бир кун ҳеч қачон тугумайдиган байрамга айланади.



*Устоз – талабчан, ғамхўр,  
келажак истиқболи ҳақида ўйлаб, у  
ёки бу илм асосларини амалий теран  
сингдириш маҳоратига эга инсондир.*

Муаллиф

#### **IV-қисм. Устоз, китоб ва муаллиф ҳақида**

**Устоз... Бу сўз замирида ниҳоятда улуғ маъно ётади. Ҳар қандай жамиятда устоз доимо улуғланиб келинган. Шунинг учун ҳам буюк бобомиз Амир Темури ўз васиятида хокини пири устози Саид Барака қабри пойига қўйишларини айтган эди.**

**Устозларга Навоий, шоҳ Бобур, Нодирабегиму Увайсийлар ҳам таъзимда бўлишган. Алишернинг қўлига қалам тутқизган ҳам, Рустам Қосимжоновни шахмат бўйича жаҳон чемпиони қилган ҳам ўша камтарин инсон - ўқитувчидир.**



Академик  
ШАРИФХУЖАЕВ  
МУРОД ШАРИФХУЖАЕВИЧ

### «Қизіқарли статистика» китоби хусусида

Китоб мундарижаси муаллиф ҳаётининг, ижтимоий-маърифий, илмий серкўлам фаолиятининг ўзига хос умумлашмаси, якуни ҳисобланади. Шу сабаб уни инсон, олим ва мураббий қисматининг муаллифлик хотираси, ихчам мемуар, деса бўлади. Унда Ёрқин Абдуллаевич ўз ҳаётининг, онгли фаолиятининг энг пурмазмун даврларини тизимий мантиқ элагидан ўтказган.

Тўрт қисмдан иборат китобнинг биринчи қисми *“Рақамларнинг сир-синоати”*, деб номланиб, унда инсон тафаккури, минг йиллар оша жамланган ва абадул-абад яшаб келаётган тажрибасининг боқий жавоҳирлари, Қуръони карим қоидаларидан ҳамда ҳадиси шариф намуналари, ҳикматлару мақоллар ўрин олган. Зеро, донолардан мерос донишмандлик намуналари ўзига хос фалсафий-адабий жанр сифатида замондошларимизнинг маънавий-руҳий оламини бойитиши, шубҳасиздир.

Бугунги бозор муносабатларига ўтиш жуда мураккаб давр. Одамларга қуруқ насиҳатгўйлик, ақл ўргатиш ёқмайди. Ҳар бир одам у ёки бу даражада нима яхши-ю нима ёмон, нима одобга киради-ю нима кирмайди, деган саволларни ўз олдига қўйиб, уларга тинимсиз жавоблар излаши табиий. Ана шундай такомиллашиш, маънавий ахлоқий, руҳий-қайҳоний тозариш,

керак бўлса, тавба-тазарру, ўзликни теран англаш жараёнида илоҳий таълимотлару қарашлар, буюк мутафаккирларнинг фикр-ғоялари фавқулудда маънавий, ахлоқий, кўпроқ руҳий қудрат касб этади. Улар баркамол авлодни юксак ахлоқ-одоб, олижаноблик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бетакрор дастуруламал бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Китобнинг иккинчи қисмида Ёрқин Абдуллаевич - таниқли олим, профессор, устоз-мураббийнинг қирқ йиллик илмий-педагогик фаолияти, жумладан, статистика фанини ўрганиш ва ўргатиш жараёнлари билан боғлиқ шахсий кузатувлари, ўй-фикрлари, қарашлари, қатъий ишончлари мантиқий умумлашмасини топган.

Замирида тасдиқ, инкор, сифатлаш, ўхшатиш ва муболаға ётган ихчам пурмаъно қарашлар, хулосалар, шубҳасиз, ибратлидир. Зеро, статистика ҳақидаги ҳар бир фикр теран ва тагдор маънони англатади. Бундай илмий-амалий фикрлар, қарашлар, хулосалар ўзига хос амалий-услубий таърифлар мақомида ўқувчини ўйлашга, ақлни чархлашга, теран мушоҳадага даъват қилади, статистика муаммоларига бот-бот чуқур назар ташлашга, илмий-тадқиқоту изланишларнинг у ёки бу йўналишларини кашф этишга ундайди, рағбатлантиради.

Китобнинг учинчи қисмида жамланган шеърӣ лавҳалар кенг ўқувчилар оммасига, авваламбор, муаллиф таъкидлаганидек, жамиятнинг суянчиғи бўлмиш оилага, ота-оналарга, уларнинг фарзандларига, келинлару куёвларга, алқисса, барча катта ва кичикка мўлжалланган бўлиб, умумлашма ҳолда, ўзига хос ибрат бўлиши муқаррар. Уларда таниқли сўз усталарининг шеърӣ ўғитлари, панд-насихатлари, инсонпарварлик, юксак хулқу ахлоқни ифодаловчи теран ғоялари тажассум.

Мухтасар айтганда, қўлингиздаги китоб ўз маърифий кўлами ҳамда ибрат мақоми билан, баркамол авлод тарбиясига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва руҳий тақомилига, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатимизнинг миллий истиқлол ғоясига мундарижавий сафарбарлиги билан ажралиб туради, ўқувчини ҳам маънан, ҳам ахлоқан ва ҳам руҳан баркамол бўлишга рағбатлантиради.

## Муаллиф ҳақида сўз

Ёрқин Абдуллаевни ўзбек китобхонлари таниқли иқтисодчи олим, статистика илми бўйича ўнлаб монография, дарсликлар, ўқув қўлланмалари муаллифи сифатида яхши билишади. У 1942 йилда табаррук Нуротанинг мрамрарчилар макони бўлмиш гўзал Ғозгон кишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб (1959), Андижондаги савдо билим юртида таҳсил олди. 1961-1964 йилларда армия сафида хизмат қилди. 1964 йили Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кирди.

Денгизлар томон отланган ирмоқлар муродига етгани каби Ёрқин Абдуллаев талабалик ва аспирантлик йилларини испан файласуфи Бальтасар Граспан (1601-1658) айтганидек, “Йигирма ёшида - ҳиссиёт, ўттизда - истеъдод, қирқда - ақл ҳукмронлик қилади”, деган ҳаётий ҳақиқати тамойили асосида ўтказди.

Йигирма олти ёшда статистика илмига муҳаббат ҳиссиёти ўлароқ, Ёрқин Абдуллаев институтнинг “Статистика” мутахассислигини имтиёзли диплом билан тугатди (1968). Айни талабалик йилларида у статистика фанига бўлган муносабатини ён дафтарчасига тушира бошлади. Мана, ўша дастлабки битиклардан айримлари:

- “Статистика - бу мамлакат ҳароратини ўлчовчи термометрдир”.
- “Статистика - бу ақл қалъасидир. Чунки у қайсар рақамлар ва кўрсаткичларга таянади”.
- “Чинакам яшаш - бу тўғри статистикага таяниб яшамоқ, демакдир” ва х.к.

Ўз устида тинимсиз изланиш, илм-фан сирларини билишга бўлган иштиёқ ўлароқ, Ёрқин Абдуллаев 32 ёшида Москва иқтисодиёт-статистика институтида “Иттифокчи республикалар тараққиётини тавсифловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Истеъдодли олим Ўзбекистон иқтисодини яхлит статистик таҳлил қилиш методологиясини, Республика миқёсидаги ишлаб чиқариш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишига муваффақ бўлди.

Маълумки, 1965-1980 йилларда иқтисодий назария ва статистика амалиётида ишлаб чиқариш самарадорлигини уч

бўгин даражасида, яъни собиқ Иттифоқ ва республика миқёсида, айрим олинган вилоят, туман миқёсида ва тармоқ ҳамда корхона миқёсида ўрганиш зарурияти асосланиб келинар эди. Биринчи бўгин - макроиқтисод, иккинчи бўгин - мезоиқтисод ва учинчи бўгин эса - микроиқтисод бўгинлари, деб юритилар эди.

1- ва 3-бўгинлар, яъни макроиқтисод ва микроиқтисод даражасида ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича назарий концепциялар, амалиётда эса статистик кўрсаткичлар тизими, асосан, ишлаб чиқилган бўлиб, улар бўйича олимлар ва амалиётчилар ўртасида умуммуштараклик шаклланган эди.

Аммо 2-бўгин, яъни мезоиқтисод даражасидаги ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича турли назариялар мавжуд бўлса-да, лекин яхлит ишлаб чиқилган концепция ва илмий-тадқиқот ишлари деярли йўқ эди.

Ўта зарур ушбу макроиқтисодий кўрсаткичларнинг республика таркибидаги минтақалар (мезоиқтисодиёт) миқёсида ҳисобланмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикасидаги 12 та вилоят, 1 та мухтор республика, 158 та маъмурий туманлардаги ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги *комплекс макроиқтисодий таҳлилдан* четда қолиб келаётган эди.

Ўша даврда амалда бўлган услубий ишланмалар ва методик кўрсатмаларда бундай таҳлилни ўтказиш зарурияти тўғрисида сўз ҳам бормас эди. Фақатгина 1977 йилда Тошкентда “Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг минтақавий муаммолари”га бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ илмий назарий конференциядан сўнг минтақавий самарадорликни ўрганиш зарурияти белгилаб олинди. Натижада республика миқёсидаги ишлаб чиқариш самарадорлигини статистик нуқтаи назардан комплекс яхлит таҳлил қилиш ва шу асосда давлат бошқарув органларига тегишли тавсияномаларни тайёрлаш зарурати юзага келди. Ана шу зарурат Ёрқин Абдуллаевни зарур назарий ва амалий концепцияларни тайёрлашига асос-замин бўлди. Ёш олим иттифоқчи республика иқтисодиётини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқди, макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш методологиясини асослаб берди, охириги 20 йил ичида Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини аниқ рақамлар мисолида чуқур таҳлил этишга муваффақ бўлди.


Ёрқин Абдуллаев томонидан ишлаб чиқилган услуб Республика Марказий Статистика бошқармасининг 1975 йил сентябрь ойидаги илмий-методик бирлашмасида кенг муҳокама қилинди ва қўллаш учун тавсия этилди.

Республика Марказий Статистика бошқармасининг 1975 йил декабрь ойида бўлиб ўтган коллегиясида ёш олим томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизимига куйидагича баҳо берилган эди: “Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш методикаси статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш йўлидаги дастлабки чуқур илмий ишдир. Шу билан бирга кўрсаткичлар сонини қисқартириш ва статистиканинг таҳлилий ролини ошириш борасида амалий жиҳатдан қўйиладиган биринчи қадамлардандир”.

Республика миқёсида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини яхлит тавсифлаш мақсадида Ёрқин Абдуллаев интеграл ва умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблашни таклиф қилди.

Қиёсий таҳлил натижалари асосида муаллиф томонидан тайёрланган тавсияномалар Республика Давлат режалаштириш ва статистика қўмитасига топширилди.

1985 йилда олим “Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўрганишнинг минтақавий жиҳатлари” номли иккинчи монографиясини чоп этди.





Мезорегионал даражасидаги ишлаб чиқариш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб



чиқиш, уларни ҳисоблаш методологиясини асослаб бериш, ишлаб чиқариш самарадорлигини вилоятлараро (мезорегион миқёсида) қиёсий таҳлил қилиш, ишлаб чиқилган методологияни статистика амалиётига татбиқ қилиш каби муаммолар ўз илмий ечимларини кутмоқда эди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, вилоят даражасида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини ўрганиш зарурияти нима билан изоҳланади, деган савол кўндаланг турарди. Ана шу муаммони илмий жиҳатдан ўрганиш ташаббусини Ёркин Абдуллаев ўз зиммасига олди.

Ёркин Абдуллаев томонидан ишлаб чиқилган вилоят соф маҳсулоти, моддий харажатлар ва ялпи маҳсулотни ҳисоблаш методикаси дастлаб собиқ Иттифоқ Марказий статистика бошқармаси коллегиясида (1986 йил сентябрь), сўнгра Россия Федерацияси Марказий статистика бошқармаси коллегиясида (1986 йил декабрь) кенг муҳокама қилиниб, барча иттифоқчи республикалар вилоятларига ушбу методикани қўллаш тавсия этилди.

Апробациядан ўтган илмий тадқиқотлар асосида Ёркин Абдуллаевичнинг 1987 йилда Москва Иқтисод-статистика институти (МЭСИ)да ҳимоя қилган “Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар” мавзусидаги докторлик диссертация материаллари асосида “Сравнительный анализ эффективности региональной экономики”, “Методика исчисления чистой продукции области” ва “Методика межобластного анализа эффективности общественного производства” номли монографиялари чоп этилди.







Ана шу тариқа Ёрқин Абдуллаевич илмий мақолалари ва монографияларида статистика фанининг долзарб илмий-назарий ҳамда амалий муаммолари таҳлилий умумлашмасини топди ва топмоқда.

### Салоҳиятли педагог


Ўзбекистон ўз истиқлоли ўлароқ, иқтисодий сиёсатда юз бераётган ҳодисаларни, турли ижтимоий гуруҳларнинг таркиб топаётган манфаатларини эътиборга олиш, мулкчиликнинг барча шакллари тенглигини таъминлаш, ишбилармонлик ва хусусий ташаббускорликни, меҳнаткашларнинг унумли меҳнатдан манфаатдорлигини рағбатлантиришни ҳисобга олиш йўлига ўта бошлади.

Шундай шароитда статистика фанининг назарияси ва методологиясини бозор муносабатларини инobatта олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш масаласи кун тартибида кўндаланг бўлиб турарди.

Айнан ана шу муаммолар ечимини излашни олим статистика фани ва унинг тармоқлари бўйича, шунингдек, иқтисодий ислохотлар ва молия-кредит тизими соҳасида туркум китобларни яратишдан бошлади. Жумладан, *“Статистиканинг умумий назарияси”* дарслиги иқтисодчилар тайёрлайдиган барча олий ўқув юрглари ва факультетлари талабалари – (уч марта чоп этилган - 1993, 2000, 2002) бўлажак мутахассисларга соҳа фанининг умумназарий асосларини ўргатади.



Шунингдек, 2002 йилда б  
хаммуаллифликда тайёрланган  
“Менежмент” дарслиги ҳам “Й  
танловида биринчи ўринни эгалла  
даражали дипломи билан тақдирл





Ёрқин Абдуллаев, нафақа  
муаллифи, айна пайтда, моҳир  
мунозарали, баҳсли муаммола  
мазмун, янгича услуб, интерфао.  
бермоқда. Устоз-педагог меҳна:  
Олий ва ўрта махсус таълим в  
*«аълочиси»* кўкрак нишони билан

Бозор муносабатларига ўтиш  
категория ва ғояларга мутлақо  
талаб қилди. Натижада “Сиёс  
суғорилган барча иқтисодий-и

қўлланмалари, дарсликлар ҳамда оммабоп рисоаларни яратиш энг долзарб муаммога айланди.

“Меҳнат” нашриёти 1997 йилдан бошлаб Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ёрқин Абдуллаевнинг муаллифлиги ва ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Иқтисодий ислоҳот ва молия-кредит тизими” номли туркумни чоп этишга киришди. У 30 та ўқув қўлланмасидан иборат бўлиб, ҳозиргача 15 таси чоп этилди («Бозор иқтисодиёти асослари», «Кредит», «Пул», «Солиқ», «Қимматли қоғозлар» ва б.)




Хўш, туркумнинг диққатга сазовор жиҳатлари нимада?




**Биринчидан,** ўқув қўлланмалар Президентимизнинг асарларини, ҳозирги замон иқтисодий назариялари, жаҳонда кенг ўрганилаётган “Экономикс” фани, молия-кредит, пул, бухгалтерия ва аудит, статистика, менежмент ва маркетинг, тадбиркорлик ва бизнес соҳасидаги чет эл адабиётларини атрофлича ўрганган ва фойдаланилган ҳолда, шунингдек,

экистоннинг бозор иқтисодиётига ў  
 амойиллари, миллий иқтисодиётни  
 риляётган ва чуқурлаштириб  
 ўхотларнинг дастлабки якунлар  
 фалар назарда тутилган ҳолда ёзил  
**Иккинчидан**, туркумнинг мақсад  
 сан, ўқувчи ва талабаларни иқти  
 шиш, ўқув юртларидаги дарслик  
 тан танқисликни бир қадар юмшати  
**Учинчидан**, ўқув қўлланмаларини  
 рланганлиги диққатга моликдир.  
 маган ўқувчи ҳам қўлланмалар  
 унчаларга эга бўлади, хабардорла  
 слик ва изчиллик киритади.

**Тўртинчидан**, ўқув қўлланмаларни  
 би ўзига хосдир. Ҳар бир қўлланма  
 топшириқлари берилган. Бу  
 сликларни яратиш амалиётида  
 бўланади.



Омма эътиборини қозонган “Туркум”нинг кейинги сонлари ҳам бирин-кетин чоп этила бошланди.








Ёрқин Абдуллаевич ўқитувчилик фаолиятини Тошкент халқ хўжалиги институтида ассистентлик лавозимидан бошлади. Шундан бери у Тошкент халқ хўжалиги институтида доцент, профессор лавозимларида ишлади, институт талабалар илмий бўлимини бошқарди, деканлик, проректорлик вазифаларини бажарди. 1991 йилдан ҳозиргача Тошкент молия институтида дастлаб ўқув ишлар бўйича, 1997 йилдан бошлаб эса илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор лавозимида ишлаб келмоқда. Ана шу тариқа жонкуяр олим салкам қирқ йилдан бери маърифат тарқатмоқда, устозлик қилиб келмоқда




У киши ҳақли равишда устоз даражасига кўтарилди. Минглаб шогирдлар унинг қўлида тарбия топди, илму урфонимизга беш нафар фан доктори, ўнлаб фан номзодларини тайёрлади, статистика соҳаси бўйича мактаб яратган алломага айланди. Унинг илмий раҳбарлигида 2003-2004 ўқув йилида Улуғбек стипендияси совриндори Санақулова Барногул ва Махсумов Элёр, 2004-2005 ўқув йилида эса Остонақулов Олим Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиати бўлишга эришдилар.

Ёрқин Абдуллаевичнинг фаолият кўлами кенг камровлидир. У шогирдларига, одамларга ҳамиша яхшилик қилишни, эзгуликка, албатта, эзгулик қайтишини, шу орқали обрў-эътиборга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг ўзи ҳам ана шу ақидага амал қилиб яшапти. У нимагаки эришган бўлса, жуда катта ва машаққатли меҳнати эвазига

эришди. Унинг сермазмун ҳаёт йўли ёшлар учун ўрнатилган ва мактаб, деса бўлади.

Ёркин Абдуллаевич олий таълимда рейтинг тизимини жорий этишда фаол ташаббус кўрсатган мураббийлардан. Моҳир педагог рейтинг тизимининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ қилиш усуллари ҳақида 1995 йилда “Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини рейтинг асосида ташкил этиш бўйича методик тавсияномалар»нинг иккинчи қисми - “Профессор-ўқитувчиларнинг рейтингини аниқлаш бўйича услубий тавсияномалар” номли қўлланмани тайёрлади ва чоп этди. Унда ҳар бир ўқитувчининг ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари, маънавий-маърифий фаолияти, шунингдек, касбий маҳорати ва ташаббуси, умумий маданиятини баҳолашда рейтинг усулини қўллаш тартиби батафсил баён этилган. Ушбу усулни қўллаш бўйича муаллиф “Ўқитувчининг рейтинг дафтари”ни ишлаб чиқди ва уни амалиётга жорий этди.





Erkin Abdullayevning bu kitoblari uning ijodiy faolligi va sifati haqida ma'lumot beradi. Uning asosiy mavzulari ijtimoiy fanlar, ayniqsa, statistika va jurnalistika bo'limlari bo'lib, ularning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash maqsadida Erkin Abdullayev "Uqituvchi talabalar niqog'ida" va "Surov varakasi" ishlab chiqildi va bir qancha surov utkazish joriy qilindi. Surov reyting daftarчасининг sўnggi sahifalarida berildi (ilovaga qarang). Sotsiologiya va urta maxsus ta'lim vazirligi va muassasalarida qullash uchun tavsif etilgan il iuliy oyi. Erkin Abdullayev Rossiyaning rbiy xizmatidan Toshkent Davlat (Xozirgi) jurnalistika b'limiga uqishga khabiri - u eшлигидан журналист b'ltuman, sўngra Privol'zhsk xarbiy a tez-tez maqolalari chop etilardi.



Кириш имтиҳонларидан, афсуски, ўта олмади. Омадини Токент халқ хўжалиги институтига синаб кўрди. Сабаб – бу институтга қўшимча талабалар қабул қилиш имкони бор эди. Ана шу имкониятдан у муваффақиятли фойдаланди. Ёрқин Абдуллаев “Статистика” мутахассислиги бўйича талабалар сафига қабул қилинди.

Журналист бўлиш иштиёқида бўлган Ёрқин Абдуллаев иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқиётган бўлса-да, публицистик фаолиятини ижодий давом эттираверди. Ижодий жараён унинг қисматига айланди. Бундай қисматнинг самараси, жумладан, унинг “Фидойи кишилар ҳаётидан” туркум китобларида ёрқин намоён бўлди.

Ушбу рисоалар қаҳрамонларининг ҳаёт йўллари соҳа ходимлари, барча ёшлар учун ибрат намунасидир. Ўз касбига садоқатни, инсонларга меҳрни, мақсад йўлида қандай курашиш кераклигини ўргатувчи – туркум китоблар ҳаммабоп қўлланмаларга айланди.

Аслида инсон умри, гарчи у бир асрнинг нари-берисида бўлса-да, лаҳзалардан иборат, холос. Одамзод умри давомида кишиларга қилган яхшиликлари, эзгу амаллари билан эл назарига тушади. Эл ўзининг ана шундай ўғлонларини ардоқлагани сари, улар улғайиб бораверади. Чунки одамларни, бутун борлиқни чин дилидан севган, умр бўйи кишиларга меҳр кўрсатган инсонни қадрлаш бутун борлиққа маънавий-руҳий қувват беради.

Қадимги хитойлик файласуф Конфуций “Бутун умр таяниб яшаш мумкин бўлган ягона сўз борми?” деб сўраганларида, “Ҳа, бу бағрикенглик”, деб жавоб берган экан. Немис файласуфи Артур Шопенгаур (1788-1860) “Дунёдаги ўз йўлингни босиб ўтиш учун ўзинг билан эҳтиёткорлик ва бағрикенгликнинг катта захирасини олиш фойдали; биринчиси бизни зарар ва йўқотишлардан, иккинчиси эса баҳслар ва жанжаллардан сақлайди”, деган эди.

Ёрқин Абдуллаев ҳам, буюк файласуфларнинг таъкидлаганидек, бутун умри давомида ана шу бир сўз билан ифодаланадиган бағрикенглик ва эҳтиёткорликни машаққатли меҳнати билан уйғунлаштириб яшашга муносиб бўлишга ҳаракат қилди. Ва, ишонч билан айтиш мумкинки, бунга у муваффақ ҳам бўлди.

“Эришган ютуқларингизнинг асоси нимада?” деган саволимга у камтарона шундай давоб берди: “биринчидан – бу Яратганнинг марҳамати, иккинчидан – ота-онамнинг хизмати ва устозларнинг муруввати, учинчидан – бетиним меҳнат натижаси”.

Дунёда ҳар ким ҳаёт сўқмоғини ўзи очиши, дуч келган қийинчилик, тўсиқларни мардонавор енгиб ўтиши, қисматини ақл-идроки ва кучи билан яратиши учун курашмоғи лозим. Омонат нарсалар, енгил-елпи ҳаёт тарзига ўрганган инсон боласи ҳеч вақт бахтли бўла олмайди. Кўз юмиб очгунчалик умр, деб аталмиш икки эшик оралиғидан иборат масофада ким қандай иш қилиб улгуриши инсоннинг тутган ҳақиқат йўлига, иймонига, эътиқодига боғлиқ.

Ёрқин Абдуллаев тақдирнинг ана шу йўлдан бориб, баркамол инсон мақомига эришди. Унинг ҳаёти яхши, эзгу ишлар билан жўшқин.

Сиз ҳаётингиздан розимисиз деган саволимга у камтаринлик билан қуйидагича жавоб берди:

«Мен-қу ҳаётимдан минг бор розиман  
розимикин мендан ҳаётим».

Яъни айтмоқчиман-ки, ҳаётимдан нолимайман, чеки йўқ орзуларимнинг катта қисмига эришдим, деб ўйлайман. Алишер, Бахтиёр, Азизжон, Хуршиджон ўғилларим ва Покизахон қизим иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида хизмат қилиб келмоқдалар. Саккиз нафар ўғил ва энг кичик икки нафар қиз набираларим – менинг бойликларим.

Жонкуяр, яхшилик йўлида тинмай изланишида бўлган инсон - Ёрқин Абдуллаевнинг мазмунли ва ибратли ҳаёти, кенг кўламли фаолияти узоқ йиллар ана шу йўлда Аллоҳ мададкорлигида давом этаверсин.

*Буюклар босиб ўтган йўлни зеҳн ва  
қунт билан ўрганиш ҳар бир инсонни  
камолот поғоналари сари элтади*

Муаллиф

**Номлар кўрсаткичи**

## Иқтибос қилинган манбалар ҳақида мухтасар маълумот

Номлар 2	Изоҳ 3
<p><b>Ҳазрат Сулаймон (1033-973)</b></p>	<p>• Сулаймон алайҳиссалом Довуд алайҳиссаломнинг кенжа ўғли бўлиб, милоддан аввалги 1033 йилда туғилиб, 973 йили 60 ёшида вафот этган.</p> <p>Тавротда Соломон деб зикр этилган. «Соломон» сўзи (яхудийча) «мулойим», «тинчликсевар» деган маъноларни англатади.</p> <p>У Иудея ва Исроил давлатига ҳукмронлик қилган. Қуддус шаҳрида Яхва ибодатхонасини қурдирган. Замондошлари Сулаймоннинг донолигидан завқланишган. У ўзининг ўтқир ақли ва ғайриодатий фикрлаш тарзи билан шуҳрат қозонган.</p> <p>Қуръони Каримда Сулаймон алайҳиссалом ҳақида жуда кўп оятлар қелган.</p>
<p><b>Зардушт (VIII-VII)</b></p>	<p>• Дунёда яккахудоликни тарғиб этган илк мутафаккирлардан бири. Зардушт милоддан аввал VIII асрда яшаб ижод этган ва VII асрнинг бошларида вафот этган.</p> <p>Ўз ғоясини ўттиз ёшларидан бошлаб ўз уруғи ва қабиладолари орасида тарғибот қила бошлайди. Лекин ҳар бир худога алоҳида ибодат қилиб одатланган кишиларга якка тангрига сажда қилиш кераклигини сингдириш ниҳоятда мушкул иш эди.</p> <p>Зардушт ўз қабилалари томонидан бадарға қилинади.</p> <p>Зардушт етмиш етти ёшида ўзи томонидан тархи чизилган марказий ибодатхонанинг очилиш маросимида ҳукмдор Аржасп буйруғи билан Братар Вахш томонидан ўлдирилади.</p>
<p><b>Зардуштийлик (VIII-VII)</b></p>	<p>• Қуйи Амударё ҳудудларида вужудга келган яккахудоликни тарғиб этадиган дин. Зардуштийлик Зардушт томонидан ислоҳ қилиниб, такомиллаштирилди. Бу таълимот милоддан олдинги VII асрда</p>

Арийшайона давлати (тарихда Катта Хоразм давлати деб аталади)нинг инқирозга юз тутган даврда вужудга келди.

Мамлакат инқирозининг олдини олиш учун қабилалар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериб, умумий манфаатлар муштараклигини тарғиб қилувчи муайян мақсадга қаратилган изчил ғоялар яратиш зарурияти вужудга келган.

Бундай таълимот:

- биринчидан, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини сақлаб қолиш учун хизмат қилиши;
- иккинчидан, уруғ ва қабилавий динлардан устун турувчи ҳамда барча уруғ ва қабилалар манфаатларига мос тушадиган эътиқод шаклини яратиши;
- учинчидан, ҳар қандай қонли урушлар ва хунрезликка қарши халқларни осойишталикка чақиритиши.
- тўртинчидан, давлат чегараларидан ташқари кўчманчи чорвадор қабилалар ҳужумига қарши мамлакат ичкарисидаги кучларни жипслаштирувчи ғоялар тизимини шакллантириш зарур эди.

Зардуштийлик дини ҳам ана шу ғояларни тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди.

**Авесто  
(VII-VI аср)**

• «Ҳаёт йўриқномаси» деб номланган китоб. Зардуштийлик динига тааллуқли адабиётларнинг умумий номи. Зардуштийлик динининг асосий китоби «Насиҳатнома», «Қонунлар тўплами», «Билимлар мажмуаси» сифатида талқин қилинадиган тарихий манба.

Авесто – Турон, Хуросон, Озарбайжон, Ироқ, Эрон, Кичик Осиё халқларининг милоддан олдинги қадимий даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва маънавий қадриятлари ҳақида маълумот

	<p>берувчи асосий манба.</p> <p>Милоддан аввал XIII асрдан то милоднинг IV асргача бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўзида акс эттиргани учун миллий ғояларни асраб авайлаш, халқни жипслаштириш, уни маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш ва миллий аъёнларни сақлаб қолишда муҳим касб этган.</p> <p>Зардуштийлик динининг асосий ақидаларини ўзида мужассам этган бу китобда ўша даврдаги устувор ғоялар, маъбудалар шаънига айтилган мадҳиялар, дуолар ҳам ўз ифодасини тошган.</p>
<p><b>Пифагор (576-486)</b></p>	<p>• Милоддан олдин жанубий Италиянинг Регия шаҳрида туғилган қадимги юнон файласуфи. Пифагор узоқ вақт давомида Мисрда таҳсил олган. Зардуштийлик динига жуда қизиққан.</p> <p>У Мисрда илм сирларини ўрганиш учун ҳатто хатна қилдиришга ҳам рози бўлган. Акс ҳолда уни китобларга яқинлашгирмасди. У сон - барча нарсанинг моҳияти олам, олам эса сонлар ва улар орасидаги муносабатларнинг гармоник тизимидир деган ғояни илгари сурган.</p> <p>Пифагорнинг қуйидаги асарлари маълум: «Табиат ҳақида», «Давлат ҳақида», «Тарбия ҳақида», «Жон ҳақида», «Олам ҳақида», «Илоҳий калом».</p> <p>Пифагор милоддан аввалги 486 йилда душманлари томонидан ўлдирилган. Пифагор ҳаётнинг мазмунига оид қарашларга «Фалсафа», деб ном берган биринчи донишманд эди.</p>
<p><b>Конфуций (551-479)</b></p>	<p>• Қадимги Хитой мутафаккири, сиёсий арбоб, конфуцийликчиликнинг асосчиси. Лу князлигида амалдор бўлиб хизмат қилган. Хитойда биринчи марта хусусий мактаб очган.</p> <p>Конфуцийнинг асосий қарашлари «Сухбатлар ва мулоҳазалар» китобида</p>

	<p>баён этилган. Бу китобда унинг шогирдлари ва издошлари ёзиб олган хикмат ва суҳбатлардан иборат.</p> <p>Конфуций тақдир – сабаб, деб таълим беради. У ўзининг ахлоқий қарашда ҳамма нарса меъёрида бўлиши кераклигини таъкидлайди. Жамият осмон қонуни билан яшаши керак, чунки осмон ўз табиати билан яхшиликдир, у ҳамма вақт яхшиликка интилади.</p> <p>«Одам ҳайвонми ёки фаришта?» - деган саволга Конфуций ҳар иккиси ҳам деган жавобни беради ҳамда бу нуқтаи назарни исботлашга ҳаракат қилади. Одамлар табиатан бир, фақат тарбия туфайли улар бир-биридан фарқ қиладилар.</p>
<p><b>Геродот</b> <b>(490-480)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қадимги юнон тарихчиси.</li> </ul>
<p><b>«Сукрот»</b> <b>(469-399)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Машҳур юнон файласуфи. У жуда кўримсиз қиёфага эга бўлган. Паст бўйли, қорни осилган, калта бўйинли, кенг ва дўнг пешонали, бурувларининг тешиги катта, лаблари дўрдок. Сукротнинг икки кўзлари кишига зимдан боқишга мойил эди.</li> </ul> <p>У доим эски либосларда, яланг-оёқ юрган. Гарчи икки марта уйланган бўлса-да, оилавий бахтга эришолмаган. Сукрот асосий вақтини мунозара ва баҳсларда ўтказган. Баҳсларда доим унинг сочидан тортиб калтаклашган, устидан кулиб, ҳақоратлашган.</p> <p>Сукрот ҳаммасига дош берган. Ҳатто бир куни тепки еганда ҳам чидаб тураверган. Одамлар бундан ажабланишганда уларга қарата шундай деган: «Эшак тенса, уни судга беролмайман-ку!»</p> <p>У талабаларга оғзаки сабоқ берган ва ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган.</p> <p>399 йили Сукрот бир юртдошининг фитнаси туфайли фуқаролик меъёрларини бузганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл</p>

<b>Платон (428-347)</b>	<p>этилган.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қадимги юнон файласуфи Афлотун Афина шаҳрида милоддан аввал 428 йилда туғилиб ўсди. Унинг асли исми Аристокл бўлган. «Платон» унинг лақаби бўлиб, юнонча «кенг елкали», «бўлали» деган маънони англатади. Бу лақабни унга Сукрот берган.</li> </ul> <p>Сукротнинг ўлимигача унинг энг яқин шогирдлари қаторида бўлган. Платон кўп вақтини шеърятга бағишлаган. Манбаларга кўра, у қатор дostonлар, лирик асарлар, фожа ва комедияларнинг муаллифи бўлган.</p> <p>Унинг «Сукрот маҳқи», «Давлат», «Сиёсатдон», «Қонунлар» каби суҳбатлар китоби барчага маълум.</p>
<b>Сенека Л.А. (мил. авв. 4 й. мил – 65 й)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Рим ёзувчиси, император Нероннинг тарбиячиси. Сенеканинг таълимоти ўша даврнинг низо-жанжалларини акс эттиради ва ниҳоятда зиддиятли таълимотдир.</li> </ul> <p>Тақдирни қарангки, Сенеканинг пешонасига телба император Калигула (37-41 йиллар), ақли заиф ҳукмдор Клавдий (41-54 йиллар) ҳамда шафқатсизлик бобида донг таратган император Нерон (54-68 йиллар)нинг хизматида бўлиш ёзилганди (Нерон милоднинг 68 йили 7 июн куни ўз жонига қасд қилган).</p> <p>Милоднинг 57 йилида Сенека олий лавозимга – элчилик вазифасига тайинланади. Сенеканинг олий мартабаси ва мол-давлатига ҳасади келган кимсалар Нероннинг ожизлиги ва шуҳратпарастлигидан фойдаланиб файласуфга фитна кўзгайдилар. Улар Сенекани императорга қарши фитнанинг иштирокчиси сифатида маккорликда айблаб, тухмат қиладилар.</p> <p>Бўхтонларга лаққа ишонган ҳукмдор Нерон Сенекани ўлимга маҳкум этади. Ўз жонига қасд қилиш турини тапплаш ҳуқуқи эса Сенеканинг ихтиёрига топширилади. Кекса файласуф ноҳақ</p>



ҳукми мардона қарши олиб, томирини кесади ва дунёдан кўз юмади.

Сенеканинг «Медея», «Федра», «Эдип», «Агаменон» деб номланувчи фоживий асарлари маълум. У қўл урган мавзулар кенг қўламли бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум мақсадларга йўналтирилгандир. Мана улардан баъзилари:

- руҳий камолотга етиш йўлида вақтдан фойдалана билиш;
- ўлим даҳшати ҳақида;
- келажакдан қўрқиш ҳақида;
- ўлимни хотиржамлик билан қаршилашга ҳозирлик хусусида;
- эл назари остида яшаш ҳақида;
- инсонларнинг тенглиги;
- кулфатларга шай туриш хусусида;
- яхши ном қолдирмоқ борасида;
- ўз жонига суиқасд қилиш ҳақида;
- қайғу ҳасрат чекишнинг меъёри хусусида ва бошқалар

**Аристотель  
(384-322)**

• Қадимги юнон файласуфи. У 17 ёшдан 37 ёшигача файласуф Афлотуннинг Академиясида таҳсил олган.

343 йилдан бошлаб Арасту Александр Македонскийга мураббийлик қила бошлаган. Искандар ҳукмдорлик тахтига ўтиргач, ўз устози ва дўстига атаб ҳайкал барпо этди. Бу ҳайкалнинг пойида шундай ёзувлар бор эди:

«Искандар ушбу ёдгорликни Никомахнинг ўғли, буюк донишманд ва авлиё Арасту хотирасига ўрнатди».

Шарқ асотирларида ёзилишича, бир куни Искандар Зулқайнардан сўрадилар:

- Не сабабдан устозинг Арастуни отанг Султон Файлакус (Филипп)дан ҳам аъло кўрасан?

Шоҳ Искандар шундай жавоб қайтаради:

- Отам менинг жисмимни тарбиялаб, осмондан ерга олиб тушди. Устозим Арасту эса менинг руҳимни тарбия қилиб, ердан осмон қадар юксалтиради.

	<p>Милоддан аввалги 366 йилда Арасту Афина шаҳрида ўзининг хусусий мактабини очади. У ҳавас қиларли даражада ўткир зеҳн соҳиби бўлган.</p> <p>Арасту 445270 сатрдан иборат 28 та китоб ёзган. Унинг «Мегафизика», «Методика», «Жон ҳақида», «Осмон ҳақида», «Физика», «Севги ҳақида», «Уйқу ва бедорлик ҳақида» каби асарлари шу китоблар сирасига киради.</p>
<p><b>Цицерон Марк (106-43)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қадимги Рим республикасининг атоқли давлат арбоби, нотик, файласуф, тарихчи ва ҳуқуқшунос. У рум жамоасини фалсафий маърифа-парварлик руҳида тарбиялашга умрини бағишлаган. «Нотик ҳақида», «Худолар табиати тўғрисида», «Каромат ҳақида» ва бошқа асарларида натур-фалсафанинг долзарб муаммолари ечимига қаратилган бир қатор ўз фикр-мулоҳазаларини илгари суради.</li> <li>Инсоният тарихида Цицерон атоқли мутафаккир ва буюк нотик, «Рим ҳуқуқи» мажмуининг ижодкорларидан бири сифатида ном қолдирган.</li> </ul>
<p><b>Аврелий Марк (121-180)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• 161 йилдан Рим императори, файласуф-стик, афоризмлар шаклида ёзилган. «Ўзим тўғримида ўзим» деган рисоланинг муаллифи. Мазкур рисолада у ижтимоий-сиёсий ҳаёт, моддий ва маънавий олам, ахлоқ-одоб муаммолари ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини қисқача ёзиб қолдирган.</li> <li>Марк Аврелий инсон ўзининг бахт саодатига ўз хулқ-атвори, ҳис-туйғулари, қарашларини умумтабиат қонуниятларига амал қилиб намоён бўладиган ва инъикос этиладиган ташқи оламга ҳамоҳанг бўлишига етишгандагина эриша олади.</li> </ul>
<p><b>Муҳаммад алайҳиссалом (571-632)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аллоҳнинг расули (элчиси) ва пайғамбари, Ислом динининг асосчиси, қурайш қабиласидан бўлиб, милодий 571 йилнинг 21 апрелида Арабистон ярим оролининг Макка шаҳрида туғилдилар ва милодий 632 йил 8 июнда шамсий йил</li> </ul>

	<p>ҳисоби (григориан календари) бўйича 61 ёшу 1 ой 18 кунда қамарий йил ҳисоби бўйича 63 ёшу 3 ой 3 кунда Мадина шаҳрида вафот этдилар.</p> <p>Қабрлари Мадинаи мунаварададир.</p>
<p><b>Имом ал-Бухорий</b> <b>(810-871 й)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Имом Исмоил ал-Бухорий 810 йили туғилиб, 871 йили вафот этган. У киши Ислом оламида Пайғамбар ҳадисларини тўплаб «Ал-жомъи-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) китобини яратувчи сифатида машҳурдир. Бундан ташқари олимнинг Шарқ халқлари ҳамда Ислом тарихига доир бир неча асарлар ёзгани ҳам маълум.</li> </ul> <p>Ушбу тўпламга киритилган ҳадис намуналари «Ҳадис» (1992-1993), «Минг бир ҳадис» (Абдулазиз таржимаси, 1991 й.) китобларидан олинди.</p> <p>Шарқда Ислом таълимотини ёйишда Имом ал-Бухорийнинг хизмати беқиёсдир.</p>
<p><b>Ат-Термизий</b> <b>(824-892)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Термезда туғилган буюк муҳанддис ва мутафаккир. Имом Бухорийнинг шогирдларидан бири. У диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган.</li> </ul> <p>Термизийнинг «Жамловчи», «Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари», «Ҳадислардаги оғишлар», «Исmlар ва лақаблар ҳақида китоб» каби асарлари бизгача етиб келган. Машҳур асари «Ал-жомийъ» («Жамловчи») пайғамбар алайҳиссаломга бағишланган 6 та ишончли ҳадислар тўпламдан иборатдир. Бу асар «Термизий тўплами» номи билан ҳам юритилиб, у расулуллоҳнинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, адолатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига олган манбадир.</p>
<p><b>Фаробий Абу Наср</b> <b>(873-950)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Марказий Осиёлик машҳур қомусий олим, файласуф. Қадимги юнон мутафаккирлари Афлотун, Арасту, Евклид кабиларнинг асарларини таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган, илмий фикрларини ривожлантирган.</li> </ul>

	<p>Юнон илмини яхши билгани ва Аристотель фалсафасини талқин этишдаги ва мантиқ соҳасидаги шарҳлари учун у <b>Шарқ Арастуси</b>, яъни <b>Иккинчи муаллим</b> деган номни олган.</p>
<p><b>Абу Райхон Беруний (973-1048)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• 973 йили Хоразмнинг Қиёт қишлоғида зиёли оиласида дунёга келади. Дастлаб хусусий муаллимларда, сўнгра Қўхна Урганч мадрасасида таълим олади. Хоразмшоҳ Маъмур академиясини бошқаради. У «Масъуд Жадвали», «Ҳиндистон», «Сайдана» (доривор ўсимликлар ҳақида), «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорлик», «Геодезия» сингари 150 дан зиёд асарлар ёзган. Қадимги ҳинд эпослари «Вед», «Маҳобҳорат» ни, шоир Унсурийнинг «Ҳингбут ва Сурхбут», «Шодбаҳр ва Айнулҳаёт» дostonларини араб тилига таржима қилган. Қомусий билим соҳиби Беруний 1048 йили Ғазнада вафот этган.</li> </ul>
<p><b>бу Али ибн Сино (980-1037)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган қомусий олим-таиб, табиатшунос, файласуф, астроном, математик, мусиқашунос, ҳуқуқшунос, ахлоқшунос, тилшунос, адиб ва шоир. Европада у Авиценна номи билан машҳур. Ибн Сино Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Афсона қишлоғида 980 йил туғилиб, 1037 йил Исфохон шаҳрида 57 ёшида вафот этган. Унинг «Тиб қонунлари» китоби Шарқ ва Ғарб мамлакатларида 600 йил давомида врачлар учун асосий қўлланма бўлиб келмоқда.</li> </ul>
<p><b>Хўжа Аҳмад Яссавий (1041-1166)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Яссавия тариқатининг асосчиси, машҳур шоир, файласуф, сўфий, ислом тарғиботчиси бўлиб, Қозоғистоннинг Чимкент вилояти Сайрам қасабасида 1041 йилда таваллуд топган. 125 йил умр кўриб 1166 йилда вафот этган.</li> </ul>
<p><b>Насриддин Рабғузӣ</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• XIII асрнинг охири XIV асрнинг боши. Хоразмнинг Работи Уғуз мавзеида</li> </ul>

<b>(XII-XIV)</b>	<p>туғилади ва ўша ерда яшаб ижод қилади. Умр бўйи қозилик қилади.</p> <p>Рабғузийнинг бизгача етиб келган якаю яғона асари «Қиссаи Рабғузий» (1311) ёки «Қиссасул-анбиё»дир. Китоб қисман назм аралаш қисса ва ҳикматлардан иборат.</p> <p>XV асрда китобнинг бизгача етиб келган энг қадимий қўлёзмаси кўчирилди. Ҳозир бу қўлёзма Лондонда сақланади. Пайғамбар ва саҳобаларга бағишланган қисса ва ҳикоятларда ахлоқ-одоб, одамийлик ғоялари тарғиб этилади.</p>
<b>Умар Ҳайём (1048-1132)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Нишонур шаҳрида, бадавлат хунармапд оиласида 1048 йилда туғилади. Унинг лақаби Ҳайём бўлиб, бу сўз «чодир тикувчи» деган маънони англатади.</li> <li>У тили аччиқ, баджаҳал одам бўлган. Ўз шеърларини форс тилида, насрий асарларини эса араб тилида битган. Ҳайём ўзининг рубоийлари билан ном қозонган. Унинг тахминан 400 та рубоийси мавжуд бўлиб, шулардан 293 таси Кембридж дорилфунунининг кутубхонасида сақланади.</li> <li>Умар Ҳайём қомусий олим эди. Унинг 600 йилдан сўнг аниқланган математик формулалари мавжуд. «Алгебра ва муқобала исботлари ҳақида рисоласи»да бутун мусбат сонлардан илдиэ топишнинг қонидси кашф этилган. Умар Ҳайём шарқда биринчи бўлиб иррационал сонлар назариясини яратган.</li> <li>Умар Ҳайём узоқ йиллик илмий тадқиқотлардан сўнг 1079 йилда янги ислоҳ қилинган тавқим тақлиф қилган. Бу тавқим Европада ундан 500 йил кейинроқ қабул қилинган ва ҳозирги кунгача амалда қўлланилаётган Григориан тавқимида ҳам аниқроқ бўлган.</li> </ul>
<b>Имом Ғаззолий (1058-1111)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Йирик Ислom илоҳиётчиси, файласуф. У Ислom илоҳиёти тизимини ишлаб чиққан ва уни фалсафий асослаган. Тус шаҳрида</li> </ul>

	туғилиб, 1091 йилдан бошлаб у Бағдоддаги машхур Низомий мадрасида талабаларга фалсафа ва илоҳиёт илмидан сабоқ берди.
<p><b>Замаҳшарий (1075-1144)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўрга Осиёлик қомусий олим. Дастлабки билимларини отасидан олди. Сўнг Урганч ва Бухоро мадрасаларида ўқишни такомилга етказди. Унинг ижоди серқирра ва сермахсул бўлиб, эллиқдан ортиқ йирик асарларнинг муаллифи сифатида бутун дунёга машхурдир. Замаҳшарийнинг «Ал-Кашшоф» асари тўққиз асрдан буён машхур ислом мадрасаларида Қуръони Каримни ўрганишда асосий қўлланма вазифасини бажариб келмоқда.</li> </ul>
<p><b>Фаридиддин Аттор (1148-1220)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Йирик олим, форс-тожик шоири, кўплаб шеърий ва насрий асарлар муаллифи. У Нишопурда туғилган. Умр бўйи табобат ва дўқондорлик билан кун кечирган, ғазаллар, маснавийлар битган. Фаридиддин Аттор юздаи зиёд китоб ёзган.</li> </ul>
<p><b>Насафий Азизиддин (1240-1300)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Машхур файласуф ва шоир. Ёшлиқ йиллари Насаф (ҳоз. Қарши) да кечган. Сўнгра Бухорога бориб, кўп йиллар илм ўрганган. Нажмиддин Кубронинг шогирди шайх Ҳамавийдан (1191-1252) тасаввуф сирларини ўрганган. Айни пайтда тиб илмидан сабоқ олган ва табиблик қилган. Ўзининг чуқур билими ва қобилияти туфайли шайхлик мартабасига эришган. У «Инсонни комил» («Комил инсон») асари билан машхур. У баркамол инсонга шундай таъриф беради: «Билгилки, баркамол инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга атайдилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтйин. Билгилки, инсон шундай инсондирким, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».</li> </ul>

	<p>Унинг мазкур таърифидан келиб чиқадиган хулоса шуки, баркамол инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши фазилатларни эгаллаб борган инсон ана шундай мартабага кўтарилла олади.</p> <p>Бунинг учун эса риёзат чекиб тариқат мақомларини босиб ўтиш зарур.</p>
<p><b>Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мутафаккир, шоир, моҳир хунарманд, енгилмас паҳлавон, жувонмардлик ҳаракатининг пешволаридан бири. XII-XIV асрларда Хоразм жувонмардлари уч буюк сиймодан – Шайх Нажмиддин кубро, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуддан маънавий озиқ ва амалий ибрат олдилар, бу таълимотни кенг тарғиб этдилар.</li> </ul>
<p><b>Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• 1318 йили Бухоро яқинидаги Когон туманида туғилган. 1389 йил 71 ёшида шу қишлоқда вафот этган. Бул зот сўфийликнинг нақшбандия тариқати асосчиси бўлган. Кимхоб матоларга нақш бериш касби билан шуғулланганлиги учун унга «нақшбанд» тахаллуси берилган.</li> </ul>
<p><b>Амир Темур (1336-1405)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Соҳибқирон Амир Темур 1336 йили Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида барлос уруғидан бўлиши Баҳоудур Муҳаммад Тарағай хонадонида дунёга келди.</li> <li>У ёшлигидан барча билимларни, тарих, жўғрофия, фикҳ, Қуръон ва ҳадисларни пухта ўрганди. Амир Кулол сингари шайхларнинг тарбиясини кўрди: ҳарбий юришларда иштирок этди. 1361 йили Кеш вилоятига ҳоким бўлди.</li> <li>Ҳарбий тактика ва стратегияда якто даражасига етди.</li> <li>У узоқ давом этган жангу можаролардан сўнг охириги мўғул ҳукмронларидан бири Ҳусайини орадан кўтариб, 1371 йили «Амири Темури Курагон» номи билан Мовароуннахру Хуросоннинг ягона ҳукмдорига айланади.</li> </ul>

	<p>У оз фурсатда Волгабўйи, Олтин Ўрда, Эрон, Туркия, Кавказ, Ирок, Миср ва бошқа ўлкаларни тадбиркорлик, адолат билан бирлаштириб, ягона улкан империяни ташкил этди.</p> <p>Амир Темур 1405 йили Хитой юриши арафасида касалга чалиниб, Утгор шаҳрида вафот этди. У «Темур тузуклари» номли панднома яратган.</p>
<p><b>Улуғбек (1394-1449)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Асл исми Муҳаммад Тарағай – машҳур ўзбек математиги, давлат арбоби. Амир Темурнинг невараси, Мовароуннахрнинг хокими (1409-1449).</li> </ul> <p>Ўрта Осиё халқлари илм-фан ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг олдинги сафига олиб чиққан олимлардан бири. Унинг астрономия соҳасига бўлган қизиқиши устози – атоқли олим Салўҳиддин Мусо ибн Қозизода Румий таъсири остида шаклланди.</p> <p>Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси (1420) фақат олий ўқув юрти эмас, расадхона билан бирга олганда ўша даврнинг академияси ҳам эди. Замонасининг машҳур олими, математик ва астроном Румий мадраса муаллимларидан бири эди. Улуғбекнинг ўзи ҳам астрономиядан дарс берган.</p> <p>Ғиёсиддин Жамшид ал-Қоший, Низомиддин ал-Биржандий Улуғбек мактабининг таниқли астронимларидан бўлган. У олиб борган ишларида унга яқиндан ёрдам берган шоғирдлардан бири Али Қушчидир.</p> <p>Тарихчи Давлатшоҳнинг ёзишча:</p> <p>«Улуғбек геометрия борасида Евклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди.» Унинг астрономик жадваллари «Зижи Кўрагоний», «Зижи жидидий Султоний», «Зижи жадидий Кўрагоний» каби номлар билан илмий муомалага кирган.</p> <p>Улуғбек аниқлиги миллиарддан бир бўлган тўққиз хонали тригонометрик жадвалларни тузишга эришди.</p>



		<p>Самарқанд расадхонаси томонидан олиб борилган кузагувлар натижасида 1 йил 365 кун 6 соат 10 минут 8 секунд қийматида белгиланади. Бу маълумотни Ньюкомб маълумоти (365 кун 6 соат 9 минут 6 секунд) билан қиёслаганда Улуғбек ўз жадвалларида юксак аниқликка эршиган.</p> <p>Улуғбек илм-фан, маданият аҳли, иқтидорли талабалар, ижодкорларга ҳомийлик қилган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишчи: «Унинг даврида олиму фузалолар мартабаси ниҳоят чўққисига кўтарилди».</p> <p>Улуғбек жадваллари 200 йилдан кейин, 1643 йилда Оксфорд университетида форс тилидан лотинчага таржима қилиниб чоп этилди.</p> <p>1917 йилда «Улуғбек зижи» АҚШда нашр этилди. Улуғбек Птолемей, Коперник, Галилей каби буюк олимлар қаторидан эътиборли ўрин эгаллайди.</p>
31.	<p><b>Алоуддин Аттор (1400-...)</b></p>	<p>• Бухорода туғилган. Нақшбандийлик тариқатининг йирик вакилларида бири. Унинг илмга ихлоси Баҳоуддин Нақшбанднинг назар-эътиборини тортади. Кейинчалик у Нақшбанднинг қизига уйланади, унинг биринчи халифасига айланади.</p> <p>Атторнинг фандаги асосий хизмати Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумотлар йиғиб китоб этиб чоп этган. Жумладан, Муҳаммад Порсо Аттор ёрдами билан «Мақомат» асарини ёзади. Китобнинг кўп қисмини Атторнинг ўзи сўзлаб берган.</p> <p>Бу услуб Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Нақшбанд» асарида «Хожа Алоуддин айтмишлар» деб сақлаб қолинган. Атторнинг тасаввуфга таалуқли кўплаб ўғитлари Муҳаммад Порсо томонидан йиғилган бўлиб, «Мақомоти шайх Алоувиддин Аттор» номи билан машҳурдир.</p>
32.	<p><b>Абдурахмон</b></p>	<p>• Форс-тожик шоири, мутафаккири ва</p>

<p><b>Жомий</b> <b>1414-1492)</b></p>	<p>файласуфи. Навойнинг устози ва дўсти. Жомий донишманд ва маданият арбоби эди. У ўз даври адабиётини юксак поғонага кўтарган улкан шоир.</p> <p>Унинг Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайхо, Саломон ва Абсоли, Искандар ва Флотуни жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олган нодир образлардандир.</p> <p>Жомий инсонни улуғлади, Ватан ҳақида қайғурди. Одамлардаги зарарли халқларни қоралади, фитна ва фуружни, худбинлик ва айёрликни мунофиқлик ва алдамчиликни, текинхўрлик ва талончиликни кескин танқид остига олади.</p> <p>Шоир ўзининг ҳажвияларида воизлар, зоҳидлар, шайхларнинг, амалдор гумашталарнинг ярамас хулқ-атвориши аёвсиз танқид қилади. Уларнинг бутун фаолиятлари заминда фирибгарлик ва ғаламислик, қабоҳат ва разолат, мунофиқлик ва шуҳратпарастлик каби жирканч иллатлар ётишини фош этди.</p> <p>Жомий билан Навоий ўртасидаги дўстлик, умуман буюк шахслар ўртасида бўлган энг ибратли ва энг самимий дўстлик намунасидир. Бу дўстлик икки халқ ўртасида бўлган энг ибратли ва энг самимий дўстлик намунасидир.</p> <p>Жомий олийжаноб ва илғор фикрларни ифода этувчи шундай юксак сўз санъати намуналарини яратдики, улар дунё мамлакатлари хазинасини бойитди ва жаҳоннинг деярли барча маданий мамлакатларига ёйилди. Унинг номи ва асарларидан намуналар, Европага ҳам етиб борди.</p>
<p><b>Давлатшоҳ</b> <b>Марқандий</b> <b>1435-1495)</b></p>	<p>• Адабиётшунос олим. Отаси Алоуддавла Шохрух Мирзонинг амирларидан бўлган ва у билан бирга кўплаб урушларга қатнашган. Давлатшоҳ ҳам дастлаб Шохрух, Абусаид ва сўнгра султон Хусайн Бойқаро олиб борган урушларда иштирок этган.</p> <p>Ёши эликка бориб қолганида Сарой хизматини тарк этиб, ўзидан илгари</p>

		<p>ўтган шоир ва адиблар, фузалолар ҳақида китоб ёзишга аҳд қилади. X-XV асрларда Ўрта Осиё ва Хуросонда ҳамда уларга қўшни мамлакатларда яшаб ижод этган шоирлар ва адиблар фаолиятини ўрганишга киришади.</p>
34.	<p><b>Хусайн Воиз Кошифий (1440-1505)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Нозиктаъб адиб, нуқтадон олим, маърифат дарғаларидан бири. У Сабзавор вилоятининг Байҳақ ноҳиясида дунёга келган.</li> <li>1470 йилда Ҳиротга келган Жомий ва Навоийлар ҳомийлигида мадрасада таҳсил кўради: нотик, воиз, олим, ёзувчи, мударрис, ҳаттот сифатида шуҳрат қозонди.</li> <li>Адибнинг ахлоқ-одобга доир ёзган ўнлаб асарлари, хусусан, «Искандар ойнаси», «Қалила ва Димна» сингари асарлари Шарқ илм-абад аҳли орасида катта шуҳрат ва эътирофга муяссар бўлган.</li> </ul>
35.	<p><b>Алишер Навоий (1441-1501)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, адабий тилимизни камолотга етказган Навоий Ҳирот шаҳрида Теурийлар хонадони амирларидан бўлмиш Ғиёсиддин Кичкина оиласида 1441 йил 9 февралда таваллуд топди.</li> <li>1445 йил мактабга бора бошлайди. Мактабда бўлажак подшо Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди ва у билан умрбод дўстлашди.</li> <li>1459 йил. Алишер Абдурахмон Жомий билан танишади. 1469 йилнинг бошида Ҳирот тахтини Ҳусайн Бойқаро эгаллайди.</li> <li>1472 йил. Навоий амир (вазир) этиб тайинланади.</li> <li>1476 йил. Навоий вазирликдан истеъфо беради. Энди у давлат ишларидан йироқда астойдил бадиий ижод билан шуғуллана бошлайди.</li> <li>1483-1485 йиллар. Навоий ўз ичига «Ҳайрат ул аброр» (1483), «Фарход ва ширин» (1484), «Лайли ва мажнун» (1484), «Саббаи сайёр» (1485), «Садди Искандарий» (1485) дostonларини олган</li> </ul>

	<p>буюк «Ҳамса» асарини яратди.</p> <p>1487 йил. Ҳусайн Бойқаро Навоийни Астробод шаҳрига ҳоким қилиб тайинлайди. 1489 йил шоир у ерда икки йил ишлагач Ҳиротга қайтади.</p> <p>1488-1500 йиллар давомида Навоий йигирмадан ортиқ илмий асарлар яратди.</p> <p>1501 йил 3 январ. Буюк Навоий дунёни тарк этди. Ҳусайн Бойқаро буйруғига кўра бутун мамлакатда мотам эълон қилинди.</p>
<p><b>Эразм Роттердамский (1469-1536)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Нидерландия филологи ва ёзувчиси, Уйғониш даври йирик гуманистларидан бири.</li> </ul>
<p><b>Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• 1483 йил 14 феврал. Таниқли давлат арбоби, иқтидорли кўшин кўмондони, ажойиб лирик шоир ва адабиёт назариётчиси, ўз даврининг буюк тарихчиси ва наср устаси Бобур Андижон шаҳрида теурийзода подшоҳ Умаршайх мирзо оиласида дунёга келади.</li> <li>1494 йилнинг июни. Фожиали вафот этган отасининг ўрнига 12 ёшли Бобур тахтга ўтиради. Шу кундан бошлаб у ўз олдига улуғ бобоси Амир Теурунинг буюк давлатини тиклашни мақсад қилиб кўяди.</li> <li>1497 йил ноябр. Бобоси Теурунинг пойтахти бўлган Самарқандга ҳужум қилади ва уни эгаллайди.</li> <li>1498 йил феврал. Ўзини Андижон ҳокими деб эълон қилган.</li> <li>1503 йил. Андижонни Шайбоний забт этади. 1504 йил 300 тача йигити билан Бобур Афғонистонга жўнайди. Тез орада Афғонистонга подшо бўлади.</li> <li>1512 йил. Бобур Самарқандга ҳужум қилиб уни эгаллайди. 1513 йил Шайбоний сулоласидан бўлган Убайдулло Султон ва Муҳаммад Теуру Султон Самарқандга қарши юриш бошлайдилар. Бу урушда Бобур енгилди ва Самарқандни ташлаб, Ҳиротга қочади.</li> <li>Шундан сўнг у бобоси юртини</li> </ul>

	<p>эгаллаш ва давлатини тиклаш умидидан воз кечади.</p> <p>1519-1525 йиллар. Ҳиндистондаги ўзаро келишмовчиликлардан фойдаланган Бобур 5 марта юриш қилди ва охири Ҳиндистонни батамом бўйсундирди.</p> <p>1526 йил 27 апрель. Бобур Ҳиндистоннинг ҳокими мутлақи, деб эълон қилинди ва ҳамма жойда унинг подшолиги таъ олинди.</p> <p>У кундалик дафтар юритиб, улар асосида машҳур «Бобурнома» номли мемуар асарини яратди. Унда 1499-1529 йиллар воқеалари тасвирланган. Бобур «Хатти Бобурий» деб аталган алифбе яратган (1503-1504). У Аруз назарияси ҳақида «Муфассал» рисоласини ёзган.</p> <p>1530 йил 26 декабр куни Бобур Аграда вафот этди.</p>
<p><b>Коменский Я.А.</b> <b>(1592-1670)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Чех халқпарвар педагоги, жамоат арбоби</li> </ul>
<p><b>Футлер Томас</b> <b>(1608-1661)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Инглиз адиби</li> </ul>
<p><b>Машраб</b> <b>(1640-1711)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Оташқалб шоир ва тасаввуфнинг машҳур намояндаси. Машраб қосиб-бўзчи оиласида таваллуд топди. Наманганда шуҳарт топган Мулло Бозор Охунд – Хўжа Убайдулло ҳузурига бориб форс тилини ўрганди.</li> <li>У Шарқнинг машҳур шоирлари Саъдий, Навоий, Бедил қабиларнинг шеърятига ихлос қўяди ва улардан илҳомланиб шеърлар машқ қилади. Бир қанча йил Қошғарда Офоқ Хожага мурид бўлади. У пирнинг гўзал қанизақларидан бирига севги изҳор-муҳаббат қилганлиги туфайли Офоқ Хожа томонидан жазоланади ва бу даргоҳдан қувилади.</li> <li>Машрабнинг сарсон-саргардонлик йиллари бошланади. Унинг ҳаёти Балхда ўзининг сўнгги нуқтасига етади: у 1711 йили Махмудбий Қатағон ҳукми ва уламоларнинг фатвоси билан дорга осилади.</li> </ul>

Машрабнинг тасаввуфий қарашларига кўра, бу олам яратганнинг зуҳури. Ҳар бир нарса Тангри вужудининг шаҳодатидир. Барча эзгулик, мурувват ва саховат Аллоҳдандир. Унга чин дилдан эътиқод қилган одамлар инсон зотига хурмат бажо келтироми лозим. Аксинча, улар кечаю кундуз қағчалик Қуръонни тиловат қилмасинлар, ўз муддаоларига етолмайдилар.

Инсоннинг дилига озор етказган кимса ҳеч қачон Ҳақнинг ишқида олов бўлиб ёна олмайди. Ҳақ таоло дили танг, бағри тош бандаларнинг саби-ҳаракатларига ризолик билдирмайди. Асосий асарлари: «Мабдаи пур», «Девони Машраб».

**Сўфи Оллоёр  
(1645-1723)**

- Каттақўрғонда туғилиб Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида вафот этади.

Тасаввуф таълимотининг йирик вакилларида бири, шоир, жамоат арбоби. Унинг тасаввуфга бағишлаган «Мустаҳкам хазина», «Тақводорлар маслағи», «Ожизлар саботи», «Толиблар совғаси» каби асарлари асосан ислом дини қонун-қондалари ва маросимларига бағишланган.

У ўз асарларида бу дунё азоб-укубатларига чидаш, қийинчиликларга кўникиш, жаннат ва дўзах ҳақида ёзади. Шоир зоҳидларнинг хулқ-атвори, юриш-туриши ҳақида, ахлоқий ва руҳий поклик ҳақида, саҳий очиқ юзли, мурувватли, ширинсухан ва хушмуомала бўлиш ҳақида ёзади.

Бундай хислатларга эга киши аждарҳони енгиси, уруш жанжалсиз бировни қўлга олиши, гумроҳларни тўғри йўлга бошлаши мумкин, дейди.

**Кавт Иммануил  
(1724-1804)**

- Машҳур немис файласуфи, йирик табиатшунос олими. Унинг «Танқидий фалсафа» си XVIII асрнинг 80 йилнинг бошида шаклланади. Бу таълимот унинг «Соф ақл танқиди», «Амалий ақлнинг танқиди», «Муҳокама этиш

		<p>қобилиятининг танқиди», каби асарларида ўз ифодасини тошган.</p> <p>Канг бу асарларида ўзининг билиш таълимотини, ахлоқ, одоб, эстетика, табиатда мақсадга мувофиқлик муаммоларини ёритиб беради. Уларнинг асосини «нарсa ўзида», «нарсa биз учун» ва ҳодиса тўғрисида концепция ташкил этади.</p> <p>Унинг фикрича, бизнинг онгимизга, ҳиссиётимизга боғлиқ бўлмаган нарсалар олами, салтанати мавжуддир. Уни файласуфлар «нарсa ўзида» сифатида таърифлайди.</p> <p>Кангнинг таъкидлашича, билиш жараёни «нарсa ўзида»нинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсири остида ҳис-туйғунинг уйғонишидан бошланади. Ҳис-туйғулар, тушунча ва ҳукмлар ўз ҳолича «нарсa ўзида» тўғрисида муайян назарий билим йўқ экан, деган хулосага келмаслик керак.</p> <p>Математика ва табиатшунослик айнан шундай ишончли билим манбаидир. Бу фанлар эришган ҳақиқатлар энг умумий ва зарурий характерга эгадир.</p>
43.	<b>Махтумқули (1733-1793)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Буюк туркман шоири ва мутафаккири, туркман адабий тилининг асосчиси. У ўзининг дастлабки шеърларидаёқ она халқининг оғир қисмати, жамиятдаги тартибсизликлар ижтимоий адолатсизликларни фoш этишга интилди. «Насихат», «Чақирик», «Қолмас», «Бахши» ва бошқа бир қатор шеърларида шоир халқни унинг мард ўғлонларини Ватан озодлиги, эркин ва осойишта турмушни таъминлаш йўлида курашга чорлайди.</li> </ul>
44.	<b>Делиль Жак (1738-1813)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Француз шоири ва таржимон</li> </ul>
45.	<b>Иоганн Гёте (1749-1832)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Немис файласуфи, Франкфурт шаҳрида туғилиб ўсди. У 3000 дан зиёд асарлар муаллифи. Унинг чоп этган асарлар тўплами 143 жилддан иборат. 1797-1817 йилларда Гёте Ваймар театрини бошқарган. 1808 йилда</li> </ul>

	<p>Наполеон билан учрашган. У оғир сил хасталиги билан оғриган. Шундай вақтлар бўлганки, томоғидан қон қуюлиб келган, аммо шунга қарамай, у 83 йиллик умрини мутлақо соғлом одамдек яшаб ўтган.</p> <p>Гётенинг табиатида беқарорлик, жиззакилик, енгилтаклик каби хусусиятлар ҳам бўлганидан атрофдагилар уни бадфеъл одам, деб ҳисоблашган.</p> <p>Манбаларга кўра, Гёте қўл урмаган касб бўлмаган: у портретнавис, манзаранавис, рассом, ҳайкалтарош, меъмор, танқидчи, хотиранавис, публицист, актёр, режисёр, театр директори, муковачи, заргар, анатом, ботаник, физик, геолог, оптик, файласуф, фалакшунос, сағъатшунос, давлат арбоби, молиячи, кутубхона мудири ҳам бўлган.</p>
<p><b>Гегель</b> <b>(1770-1831)</b></p>	<p>• Йирик немис файласуфи. Берлин университетида 1829-1830 йилларда ректорлик лавозимида ишлаган Гегель фалсафий талимотида барча табиий ва ижтимоий ҳодиса ҳамда жараёнларнинг тубида мавҳум руҳий ибтидо борлигини асослашга ҳаракат қилган.</p> <p>Унинг таълимотида ривожланиш «триада» - 3 босқичлик (тезис, антитезис ва синтез) шаклида юз беради. Шунга мувофиқ, мазкур фалсафанинг марказий тушунчаси – «мутлоқ руҳ» диалектик ривожланиш жараёнида уч босқични босиб ўтади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. «Мутлоқ руҳ»нинг табиат яратилганига қадар бўлган соф тафаккур босқичи.</li> <li>2. «Мутлоқ руҳ»нинг табиатга айлавиши.</li> <li>3. «Мутлоқ руҳ»нинг табиатнинг инкори сифатида яна ўзига қайтиши.</li> </ol> <p>Хуллас, унинг фалсафасида жамият диалектик ривожланишининг пойдевор тамойиллари: зиддият, сифат ва миқдор ўзгаришлари, инкорни инкор этиш қонунлари ифодаланган.</p>



<p><b>Мальтус</b> <b>(1776-1834)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Инглиз иқтисодчиси, руҳоний Кембридж университетининг Жезус коллежини тугатган. У «Аҳолишуносликнинг қонуниятлари тўғрисида тажрибалар» (1798) номли асарида аҳолининг геометрик прогрессия бўйича, озик-овқат маҳсулотлари арифметик прогрессия бўйича кўнаиб бориши тўғрисидаги қонунни кашф этди.</li> </ul>
<p><b>Нодира</b> <b>(1792-1842)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• исми Моҳларойим, Андижонда туғилиб Қўқонда вафот этади. Ўзбек шоираси. Нодира XVII аср охирида Андижонда Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси Раҳмонқули бий оиласида таваллуд топган. Олимхоннинг укаси Умархонга турмушга чиқади. 1810 йилда Олимхоннинг вафотидан сўнг Умархон унинг ўрнига тахт соҳиби бўлади. 1822 йилда Умархон вафот этади. Сарой аҳли Умархон ва Нодиранинг ўғли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон)ни подшоҳ қилиб кўтарадилар. Нодира тез фурсатда мамлакатни идора қилиш ишларида фаоллик кўрсатади. У Умархон даври аъёналарини давом эттириб, илм аҳлига, адабиёт ва савъат намояндларига ҳомийлик қилади, маънавий ҳаётнинг юксалишига ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшади. Муҳаммад Алихон 21 йил ҳукмронлик қилди. Турли сабабларга кўра унинг руҳонийлар билан муносабатлари кескинлаша борди. Ундан ҳафсаласи пир бўлган кимсалар Бухоро амири Насруллодан нажот излаб, Маъдалихон ўз ўғай оналаридан бирига уйланади, дея мишмишлар тарқатишди ва Насруллога бу кофирдан Фарғонани қутқариш керак, деб муурожаат қилишди. Насрулло қоғли жанглار натижасида Қўқонни забт этади ва Маъдалихон, укаси Султон Маҳмудхон, ўғли Муҳаммад Аминхон, онаси Нодирахонни ва бир қанча аъёнларни қатл эттирди.</li> </ul>

	<p>Нодира «Комила» ва «Нодира» тахаллуслари билан ижод қилиб бутун Фарғона водийсида «Нодираи даврон» номи билан шуҳрат қозонди. Шоира ижодида инсон учун буюк неъмат ҳисобланган вафодор ёр тимсоли ўзининг ёрқин ифодасини топган.</p> <p>Нодира муҳаббат майдан сархуш бўлиб, ўз севгилисини, кулиб боққан бахтини куйлайди. У учун муҳаббат комилликнинг нишонаси. Ёрга вафодорлик, унинг қадр-қимматига етиш, уни эъозлаш, қалб тўрида авайлаб сақлаш – Нодира ғазалларининг мазмун-моҳиятидир.</p> <p>«Муҳаббатсиз киши одам эмасдир, гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт. Куйиб, эй Нодира олам элига муҳаббат шевасини ошкор эт.» мисраларига янгича урғу бериб,</p> <p>«Маъъи муҳаббат на қилурсан менга, рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз» каби изоҳлар беришни маъқул кўради шоира.</p> <p>У энди «ёр лаълининг хуморидан» майхонада дам-бадам май ичади, Яратганга илтижо қилиб, «жамолнинг менга муддао субҳу шом, висолнинг менга орзу рўзу шаб», - дея ҳитоб қилади.</p> <p>Нодиранинг «Фарҳод агар», «Марҳабо», «Келтир шароб», «Шитоб айлаб», «Келгил эй ёр», «Берай жон висол ичра» каби шеърлари эл ичра шуҳрат қозонди.</p>
<p><b>Бальзак Оноре Де</b> <b>(1799-1850)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Француз ёзувчиси</li> </ul>
<p><b>«Оталар сўзи»</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Озарбайжонда нашр этилган асар номи. Унда араб тилидаги кўпгина ҳикмат ва мақоллар ўрин олган бўлиб, уларнинг озарбайжон тилидаги муқобиллари ҳам келтирилган.</li> </ul>
<p><b>Огаҳий</b> <b>(1809-1874)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилди. Ўзбек шоири, тарихнавис олим, таржимон. Инсонпарварлик ғояси шоир ижодида катта ўрин тутади. Огаҳий ўзининг инсон кўнценциясида ақлини, илмини асосий фазилати сифатида</li> </ul>

	<p>таъкидлайди, у инсон ва жамият шаклланиши ҳамда ривожланишининг мезонидир.</p> <p>Огаҳийнинг эстетик қарашларида Шарқ аристотелизми, тасаввуф эстетикаси, Алишер мактаби анъаналарини юксак даражада мужассамлашган. Шоир фикрича, энг қимматли қадрият – бу инсонни улуғлашдир, инсон илоҳий асоснинг ердаги олий даражада намоён бўлиши, бу дунёнинг зийнатидир.</p>
<p><b>Маркс Карл (1818-1883)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Адвокат оиласида туғилган. Бонн ва Берлин университетларида ўқиган. 1841-1843 йилларда Маркс дунёқарашида кескин бурилшлар даври бўлди: Гегель фалсафасига доир танқидий фикрлар шакллана борди ва Фейербах фалсафасининг таъсири кучая бошлади. У ўзининг «Гегель ҳуқуқ фалсафасининг танқидига доир» асарида Гегельнинг фикрига қарама-қарши ўлароқ давлат жамият тақдирини иқтисодий муносабатлар белгилайди, бунда пролетариат жаҳоншумул тарихий миссияни ўтайди.</li> <li>Бугунги кунда бу ғоялар, қарашлар эскириб қолди.</li> </ul>
<p><b>Боденштедт Фридрих (1819-1892)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Немис ёзувчиси</li> </ul>
<p><b>Энгельс Фридрих (1820-1895)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Немис файласуфи, марксизм таълимотининг асосчиларида бири. Гегель фалсафаси билан танишиб унинг диалектик методи тарафдорларидан бирига айланди. Шу даврда у Фейербахнинг «Христианликнинг моҳияти» (1839) асарини мутоала қилгандан сўнг Фейербах таъсирига тушади. 1842 йилда Кёльнда (Германия) «Рейн газетаси» бош муҳаррири К.Маркс билан учрашади ва унинг тарафдорига айланади.</li> <li>Энгельс «Табиат диалектикаси», «Анти Дюринг» «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири», «Ойла, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» ва бошқа асарларида марксизмга хос фалсафий масалаларнинг</li> </ul>

<p><b>Толстой Лев Николаевич (1828-1910)</b></p>	<p>• Рус ёзувчиси</p>
<p><b>Морлей Жон (1838-1923)</b></p>	<p>• Ипглиз давлат арбоби, журналист, танқидчи.</p>
<p><b>Муқимий (1850-1903)</b></p>	<p>• XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги ўзбек миллий адабиётининг энг йирик намояндalarидан бири, лирик шоир ва забардаст ҳажвиячи.</p> <p>Шоирнинг илғор дунёқараши, фаровон ҳаёт ва озод жамият, инсоф ва адолат, баркамол инсон ва инсонийлик, иймон-эътиқод ва эрк ҳақидаги орзу интилишлари билан мустамлака шароити, мавжуд адолатсиз тузум, зўравонлик ҳукмрон бўлган замона ўртасидаги жиддий зиддият Муқимий ижодида воқеаларга нисбатан кескин таъқидий муносабатнинг узил-кесил шаклланишига олиб келади.</p> <p>Шоир ўзбек адабиёти тарихида ижтимоий-сиёсий ҳажвиятнинг асосчиларидан бири бўлиб майдонга чиқди. Унинг «Танобчилар», «Московчи бой таърифиди», «Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи» каби ҳажвияларида мустамлака тузум даврининг ҳаётий мавзулари – жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, табақаланиш, ҳукмрон адолатсизлик каби жиддий масалалар таҳлил этилади.</p> <p>Халқчил шоир ўта мустамлака тузум устидан:</p> <p>«Дунё қурулгон дор экан», - дея кескин ҳукм чиқаради. Бу билан бирга «Саёҳатнома» асарида муаллифнинг ватаншарварлик туйғулари, она юртига садоқат ва ифтихор ҳислари яққол кўриниб туради.</p>
<p><b>Фурқат (1859-1909)</b></p>	<p>• маърифатпарвар, лирик шоир. XX асрнинг 2-ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг йирик намояндаси. У Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганган, форс тилини мукамал ўзлаштиради. Фурқат ўз ғазалларига «Фурқат» - «айрилиқ» тахаллусини</p>

		<p>қўйиб шуҳрат қозонади.</p> <p>Муқимий, Завқий каби ижодкорлар билан бевосита мулоқотга киришади. 1889 йилда Тошкентга келиб Қўқалдош мадрасаси хужларидан бирига жойлашади. Бу ерда у «Сайдин қўявер сайёд» мусаддасида айланган ўлкадаги ҳукмрон зўравонликка қарши инсон шарафи ва ғурурини улугʻлайди.</p> <p>Фурқат 1909 йилда Ёркентда вафот этади.</p>
59.	<b>Зелинский Н.Д. (1861-1963)</b>	• совет химик олими
60.	<b>Рубакин Н.А. (1862-1946)</b>	• Рус библиографи ва ёзувчиси
61.	<b>Горький Максим (1868-1936)</b>	• Рус совет ёзувчиси
62.	<b>Ленин Владимир Ильич (1870-1924)</b>	<p>• КПСС ва Совет давлатининг асосчиси. Россияда Симбурск шаҳрида туғилган. Унинг бошчилигида большевиклар 1905 йили ҳамда 1917-йил февралда подшоҳни ағдариб ташлашга уринишган ва 1917 йил октябр ойида бу мақсадни амалга оширганлар. У Маркс таълимотига тўлиқ амал қилмаган. Зўравонлик, зулм, босмачилик ва даҳшатли оммавий қатағонлар воситасида амалга оширилган социалистик тузум-инсонлар устида ўтказилган бу қонли «эксперимент» куч ва мунтазам террор йўли билан 75 йилга яқин базўр ушлаб турилган</p>
63.	<b>Абдулло Авлоний (1878-1934)</b>	<p>• 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг Мерганча маҳалласида тўқувчи Миравлон ака оиласида таваллуд топди. Аввал Ўқчидаги бошланғич мактабда, сўнг шаҳар мадрасаларидан бирида таҳсил олди. Бироқ мустақил ўқиб ўрганди, тез орада ўз даврининг саводхон, маърифат-парвар кишисига айланди.</p> <p>Авлоний асримиз бошларида ўлкамизда авж олган жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси сифатида миллат болаларини саводхон қилиш, Ватанни озод кўриш, фаровон этиш йўлида фидойилик билан меҳнат</p>

	<p>қилди.</p> <p>1907 йил ўз уйида «Шухрат» номли газетани нашр этди. Ўз маҳалласида янги усулдаги мактаб очди. «Усули жадид» мактаблари учун тўрт қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар», «Биринчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби дарслик ва ўқиб китобларини тузди.</p> <p>Ҳадрода «Мактаб кутубхонаси» китоб дўконини очди. У ташкил этган «Турон» группаси (1913) ўлкамиздаги биринчи профессионал театр труппаси эди. Адиб драматургияда ҳам унумли фаолият олиб борди. Татар, Озарбайжон драматургларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди, ўзи ҳам «Пинак», «Адвокатлик осонми?» номли пьессаларни ёзиб, сахнага қўйди.</p> <p>1919-20 йилларда Авлоний Ҳиротдаги совет элчихонасида Бош консул вазифасида ишлади. Хизматдан қайтгач, ҳарбий ўқув юртида, Ўрта Осиё Коммунистик университетида, Ўрта Осиё давлат университетида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, профессор даражасигача кўтарилди. «Меҳнат қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.</p> <p>Маърифатпарвар адиб, педагог, театршунос, ношир ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний 1934 йили 25 августда Тошкентда вафот этди.</p>
<p><b>Блок А.А. (1880-1921)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Рус совет шоири</li> </ul>
<p><b>Абдурауф Фитрат (1886-1937)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбек ёзувчиси ва олими. Отаси савдогарлик билан шуғулланган, ўқимшли шахс бўлган.</li> </ul> <p>Фитрат дастлаб эски мактаб ва Мир Араб мадрасасида таълим олиб, 1909 й. «Жамияти Хайрия»нинг кўмагида Истанбулга ўқишга боради. У ерда Истанбул дорилфунунининг ваъзхонлик куллийтида таҳсил олади. У ерда ташкил этилган «Бухоро таълими, маориф жамияти»нинг фаол иштирокчиларидан бирига</p>

	<p>айланади.</p> <p>Фитрат 17 ёпидан бошлаб жиддий илмий ижодий иш билан шуғулланади. Унинг асарлари 260 босма табоқдан зиёд илмий меросни ташкил этади. Бу асарлар адабиётшунослик, этика, эстетика, мусиқа, шахмат, мелиорация, геодезия каби билим сохаларига бағишланган бўлиб, улар Фитратнинг қомусий тафаккур ва ақл эгаси бўлганлигидан дарак беради.</p> <p>Фитрат Петроград дорилфунунининг Шарқ факультетида маърузалар ўқиб юрган кезлари, ўзбек олимларидан биринчи бўлиб профессор унвонига сазовор бўлган. У Британия энциклопедиясида ўзбек файласуф олими сифатида қайд қилинган биринчи адибдир.</p> <p>Унинг ҳар бир асари миллий меросни қайта тиклаш, миллий истиқлол ва мустақил тараққиёт концепцияларини баён этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Миллатпарвар Фитрат 1937 йилда машғум Қатоғон сиёсатининг қурбони бўлди.</p>
<p><b>Капиев Эффеңди (1909-1944)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Доғистон совет ёзувчиси</li> </ul>
<p><b>Жадидчилик (XIX-XX аср)</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• XIX аср охири XX асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё, Қрим Кавказ, Волга бўйи ҳудудларида шаклланган, янги замонавий мактаб, матба ва демократик тараққиётнинг илғор усул ва йўлларини ёқлаб чиққан ижтимоий-маърифий ҳаракат.</li> </ul> <p>Жадидчиликни шакллантиришда кўплаб миллат зиёлилари фаол қатнашган. Жамиятни ўрта асрчилик иллатлари, маданий қолоқлик ва мустамлака зулмидан, хурофотдан озод қилиш, халқни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлатчилик асосларини буёёд этиш ҳаракатнинг асосий мақсади эди.</p> <p>Туркистондаги жадидчилик ҳаракатиға Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат,</p>

		<p>Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар» ташкилоти раҳбарлари бошчилик қилишган.</p> <p>Бу ҳаракат ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, XIX аср бошларида мавжуд бўлган диний ислохотчиликдан фарқ қилади. Огаҳий, Нодира, Аҳмад Дониш, Турди, Махмур, Фурқат, Муқимий каби ижодкорлар мансуб бўлган авлодларнинг қарашлари, асосан маърифатпарварлик тамойилига таянар эди.</p> <p>Жадидлар эса нафақат маърифат, балки жамият ҳаётининг барча соҳларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан бордилар.</p>
68.	<p><b>Каримов Исло</b> <b>Абдуғаниевич</b> <b>(1938 йил,</b> <b>Самарқанд)</b></p>	<p>• Ўзбекистон Республикаси Президенти, ЎзФА академиги, мустақиллик фалсафаси ва миллий истиқлол ғоясининг асосчиси. Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида истиқлолга эришиши ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаиб бориши бевосита Исло Каримов номи билан боғлиқ.</p> <p>Унинг ташаббуси билан собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилди. (24.03.1990) Олий Кенгашнинг II сессияси 1990 йил 20 июнда «Мустақиллик декларацияси»ни қабул қилди ва 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон парламентининг тарихий VI сессиясида И.Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.</p> <p>1991 йил 29 декабрда тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муқобиллик асосида И.Каримов мутлақ кўпчилик овоз билан сайланди.</p> <p>Исло Каримов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш</p>



йўли танланди. «Тараққиётнинг ўзбек модели» концессияси, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди, ёш мустақил давлат ҳаётида ислоҳотлар даври бошланди.

Тарихан қисқа муддатда янги демократик тузум асослари яратилди, миллий давлатчилик қайта тикланди, кўппартиявийлик, турли мулкчилик тизими шаклланди, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни давом этмоқда, юртдошларимиз онги ва шуурида истиқлол маънавияти такомиллашиб бормоқда.

Бу даврда:

- «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди (18.11.1991).
- «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди (10.12.1992).
- Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси муомалага киритилди (01.07.1994).
- Ўзбекистон Республикасининг «Конституцияни қабул қилиш тўғрисида»ги қонуни тасдиқланди (08.12.1992).
- БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикаси БМТ аъзолигига қабул қилинди (02.03.1992).
- Ўзбекистон Халқаро молия корпорациясига аъзо бўлди. (1993 йил сентябр).
- 1993 йил 27 сентябрда И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида иштирок этди ва маъруза қилди.
- 1994 йил 24 октябрда Тошкентда БМТ нинг расмий ваколатхонаси очилди.
- 1996 йил июнда И.Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи ва унинг Президент Б.Клинтон билан учрашуви бўлиб ўтди.
- 1996 йил Юртбошимиз томонидан «Амир Темур йили» деб эълон қилинди.
- 1997 йили эса Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди.

- 1998 йил эса «Оила йили» деб аталди. Шу йилнинг 23 декабрида Президентимиз томонидан «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, донов а албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган қанотбахш калом ўртага ташланди.
- 1999 йили «Аёллар йили» деб номланди. Буй или Ислон Каримов НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан Вашингтонда ўтказилган саммитда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамики тараққийпарвар давлатлар ва ташкилотлар, шу жумладан, АҚШ ҳамда НАТО билан ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ҳамкорлик қилиш, дўст бўлиш тарафдори эканини таъкидлади.
- 2000 йили «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди.
- Йилларнинг номланишидаги занжирли халқа давом этиб, 2001 йил «Оналар ва болалар йили» бўлди.
- 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Бу йил республикамизда биринчи марта 10 йўналиш бўйича магистрант-талабаларга Президент Давлат стипендиати қолибляк дипломлари топширилди.
- 2003 йил эса «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди.
- 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб номланди.
- 2005 йил Президентимиз томонидан «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинди.

## Хуриятли талаба!

Рейтинг комиссияси ўқитувчилар томонидан ўқитиладиган дарслар сифатини аниқлаш мақсадида «Ўқитувчи талабалар юзгоҳида» социологик сўровни ўтказмоқда. Шу муносабат билан сўров варақамиз саволларига рўй-роҳат ва виждонан жавоб беришнингизни илтимос қиламиз.

Бунинг учун варақадаги ҳар бир саволни эътибор билан ўқиб, уяга берилган жавоблардан фақат биттасини, яъни ўзингизга маъқул бўлганини танилаб, унинг рўйбароқдаги баллни жавобга ёзилган ўқитувчининг исми-шарифи тўғрисидаги устунларга қайд этишингиз кифоя.

Жавобингизни самимий бўлиши учун исми-шарифингизни кўрсатманг.

Ўқитувчининг исми-шарифи	Кафедра	A <sub>1</sub>	A <sub>2</sub>	A <sub>3</sub>	A <sub>4</sub>	A <sub>5</sub>	A <sub>6</sub>	Жами

Социологик сўров натижалари бўйича ўқитувчи максимум 28 балл йиғиши ва унинг фаолияти «аъло» баҳода бақоланиши мумкин. Бу энг юқори даражадаги рейтинг ҳисобланади.

Агар ўқитувчи шу баллнинг 55 фоизидан камини, яъни 15 баллдан камини йиғса, унинг фаолияти «қопқарсиз», 56-70 фоизини, яъни 16-20 баллни йиғса, унинг фаолияти «қониқарли», 71-85 фоизини, яъни 21-24 баллни йиғса, унинг фаолияти «яхши» баҳода бақоланади. Агар ўқитувчи шу баллнинг 86-100 фоизини, яъни 25-28 баллни йиғса, у ҳолда унинг фаолияти «аъло» баҳода бақоланади.

A<sub>1</sub> Уқитувчининг билим даражаси

1. Ўз фаинини жуда чуқур билади.....	5
2. Ўз фаинини яхши билади.....	4
3. Ўз фаинини ўртача билади.....	3
4. Ўз фаинини юзак билади.....	1
5. Ўз фаинини жуда ҳам юзак билади.....	0

A<sub>2</sub> Уқитувчининг педагогик маҳорати

1. Дарсни мазмунан чуқур, юзат тушунарли ва ўта қизиқарли ўтади.....	5
2. Дарсни мазмунан яхши, сода ва қизиқарли ўтади.....	4
3. Дарсни ўтишда маъруза матнидан бош кўтармай ўқиб беради.....	3
4. Дарсни мазмунан саёз, зерикарли ўтади.....	1
5. Дарсни мазмунан жуда ҳам саёз, ўта зерикарли ўтади.....	0

A<sub>3</sub> Уқитувчи дарснинг сифати

1. Дарсда долзарб масалалар кўтарилади, ҳаёт билан боғланади, қизиқарли янги маълумотлар, рақамлар ва уларнинг таҳлили келтирилади.....	5
2. Дарсда онда-сонда долзарб масалалар кўтарилиб, янги маълумотлар, рақамлар ва уларнинг таҳлили келтирилади.....	4
3. Дарсда долзарб масалалар умуман баён қилинмайди, ҳаёт билан боғланмайди.....	3
4. Дарсда яшгилик йўқ, келтирилган рақамлар, фактлар эскирган.....	1
5. Дарсда янги билим бермайди.....	0

A<sub>4</sub> Уқитувчининг иштироки

1. Уқитувчи дарсни ўз нақияда бошлайди, дарсни илдин тугатмайди.....	3
2. Дарсга гоҳо-гоҳо кечикиб келади ва дарсни эрта тугатиб қоллари бўлиб туради.....	0
3. Дарсга тез-тез кечикиб келади ва эрта кетади.....	1
4. Дарсга келмай қолган қоллари бўлади.....	2
5. Ўзинга бошқи ўқитувчи тез-тез ўтиб туради.....	3

A<sub>5</sub> Уқитувчининг шахсий фаёлияти

1. Катта, хушмуомала, тўғри сўз.....	5
2. Унчалик камтарин, хушмуомала эмас.....	3
3. Кўрс; муомала маданияти оспа паст.....	0
4. Талабаларни назар-писанд қилмайди, ўта қўпол.....	1

A<sub>6</sub> Уқитувчининг баҳо қўвишдаги ҳолислиги

1. Адолатли, талба билимга ҳолисона баҳо беради.....	5
2. Гоҳо-гоҳо адолатсизлик қилиб туради, маърифат кутади.....	1
3. Адолат, ҳолислик янма эҳсанлигини билимайди, маърифат кутади.....	3
4. Жуда ҳам адолатсиз, талабалардан фўқар маърифат кутади.....	5

## Фойдаланилган адабиётлар<sup>1)</sup>

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т, «Ўзбекистон» 1996
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т., «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т. «Ўзбекистон», 1996 (18) Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. Т. «Мовароуннахр», 2001 й.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6., Т. «Ўзбекистон», 1998
5. Абдуллаев Е. Статистика назарияси. Дарслик. Т. «Ўқитувчи», 2003.
6. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. Т. «Мовароуннахр», 2001.
7. Дурдоналар хазинаси. Т. «Шарқ», 1999.
8. Машриқ замин-ҳикмат бўстони. Т. «Шарқ», 1997.
  
9. Махмудо О. Ота нега фарзандга танбеҳ беради Т.Ғофур Фулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи. 2005
  - Махмудов О. Ота нега фарзандга танбеҳ беради. Т. Ғофур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2005
10. Муҳаммад Пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т. «Камалак», 1991.
11. Оз-оз ўрганиб. Т. «Адабиёт ва санъат» нашриёти. 1998.
  - Сержило тафаккур дурдоналари. Т. «Наврўз» нашриёти, 2003.
  - Тафаккур гулшани. Т. «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1989.
71. Темур тузуклари. Т.Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
  - Фалсафа. Қомусий луғат. Т. «Шарқ», 2004.
82. Шомахсудов Ш., Шорахмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. Т. «Ўзбекистон энциклопедияси», 1990
  - Ҳақиқат манзаралари. Т. «Янги аср авлоди», 2002.
  - Дейл Карнеги. Как завоевывать друзей и оказывать влияние на людей. Пер. с англ. Самара: «АВС», 1997.
  - Ўзбек халқ мақолалари. Тўплам. Т. «Адабиёт ва санъат» нашриёти. 1989.
  - Носирхўжаев С. Сиёсатшунослик фани бўйича қисқача луғат-маълумотнома. Т. «Ўқитувчи», 1997.

<sup>1)</sup> Рақамланган адабиётлар ихтибос қилинган манбалар.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	5
<b>1-ҚИСМ. Рақамларнинг сир-синоати .....</b>	<b>9</b>
<b>1-боб. Жумбоқли рақамлар ва топишмоқлар.....</b>	<b>17</b>
• 45 рақамидан 45 рақамини айириб 45 сонини чиқаринг.....	19
• «Юнон алифбоси»да нечта қарф бор?.....	19
• Ниманинг учини ва охирини топиш мумкин эмас?.....	19
• $102+1=101$ тенгликнинг ўрили бўлиши учун инма қилиш керак?.....	20
• 1 дан 100 гача сонлар қаторида нечта 9 бор?.....	21
• Қайси бири катта: 70 сўмнинг 5 %ми ёки 5 сўмнинг 70 фоизми?.....	21
• Пўлат иннани қандай қилиб сув устида суза оладиган қилиш мумкин?.....	22
• Етти ака-уқанинг биттадан синглисн бор. Уларнинг қаммасн нечта бўлган?.....	22
• “Сен менинг ўғлимсан, лекин мен сенинг отанг эмасман”, деб ким айта олади?.....	23
• Эркак ўз бевасийини синглисига уйлана оладими?.....	24
• 84 ёшга кирган киши неча марта туғилган куқини нишоқлайди?.....	25
• Пойинтар-сойинтар.....	25
• Жавоби сиздан.....	26
• Саволи ҳам жавоби ҳам биздан.....	27
• Қандай китобни таълаб ўқиш мучалга боғлиқми? .....	27
<b>2-боб. Биласизми?.....</b>	<b>29</b>
• Энг кам гапирадиган қайси халқ?.....	31
• Муваффақиятнинг неча фоизи омад?.....	32
• 70 йил умр кўрган киши неча йил гавирган бўлади?.....	32
• Оролнинг тақдирини биласизми?.....	33
• Энг катта қарздор қайси мамлакат эқалигини биласизми?....	34
• Ўзга сайёраларда бир кеча-кундуз қанчага тенг?.....	34
• Даҳоларин «тўратиш» учун оталарини ёши нечада бўлиши керак?.....	35
• Битта фермер неча кишини боқади?.....	37
• Қадам ташлашига қараб кишиниинг характерини билш мумкинми?.....	38
• Тарихнинг такрорланишини қарапг. Шундан хабарингиз борми?.....	39
• Кутилаётган башоратлардан хабардормисиз?.....	40
• Чанақайлар ҳам машҳурлик даражасига кўтарилганларми?.....	41

• «Бўладиган бола бошидан» деган ҳикматга қандай далиллар келтироласиз?.....	42
• Ўғил хоҳлайсизми ёки қиз? Ихтиёр ўзингизда.....	42
• Кимлар энг бадавлат, кучли ва обрўли ҳисобланадилар?.....	43
• Қадимий ўлчов бирликларини биласизми?.....	43
• Дунё миқёсида нечта аёл Бош вазир лавозимида ишлаган?.....	46
• Ўзбекнинг одатлари бисёр эканлигини биласизми?.....	46
• Фаробий Аристотелнинг қайси бир китобига шарҳ ёзган?.....	47
• Сайёрамиз кўчаларида тезлик қандай?.....	49
• Дунёда қанча одам инглиз тилида сўзлашади?.....	49
• Бахт неча пул туради?.....	50
• Сайид (лар) ким-у Хўжалар ким?.....	50
• Кимларни хожа ёки шайх дейишган?.....	50
• Муршид (пир) ким-у эшон ким?.....	51
• Кимларни сўфийлар деб аташган?.....	51
• Тасаввуф қандай таълимот?.....	52
• Шарият нима? Тарикат-чи?.....	52
• Маърифат нима?.....	53
• Ҳақиқат нима?.....	53
• Валий ким-у Набий ким?.....	54
• «Оқ қилиш» нимага аниқлатади?.....	54
• Одамни ўлмасдан кўмиб юборилган ҳолатлар ҳам бўлганми?.....	55
• Пайғамбарларимиз, буюк файласуф ва алломаларнинг қайси бирлари милод (эра)дан аввал, қайси бирлари эса милодий асрларда ижод қилишган?.....	56
• Нима учун Худо Одам Ато танасининг бошқа жойидан эмас, айнан қовурғасидан умр йўлдошини яратди?.....	58
• Пайғамбарлар ва азиз авлиёлар ҳақида нималарни биласиз?.....	59
• Фитр-садақасининг фазилатларини биласизми?.....	65
• Нима учун «5 кунлик дунё» дейилади?.....	66
• Ёш бўлиб юриш учун нималарга риоя қилишни биласизми?.....	67
<b>3-боб. Рақамлар тилга кирганда.....</b>	<b>69</b>
3.1. Бир рақамнинг сўздаги ифодалари.....	85
3.2. Икки рақами тилга кирганда.....	89
3.3. Уч рақамнинг сўздаги ифодалари.....	95
3.4. Тўрт рақами тилга кирганда.....	109
3.5. Беш рақамнинг сўздаги ифодалари.....	123
3.6. Олти рақами тилга кирганда.....	133
3.7. Етти рақамнинг сўздаги ифодалари.....	139
3.8. Саккиз рақами тилга кирганда.....	151
3.9. Тўққиз рақамнинг сўздаги ифодалари.....	161
3.10. Ўн рақами тилга кирганда.....	165
3.11. Ўн бир ва бошқа айрим рақамларнинг.....	

сўздаги ифодалари.....	177
<b>II-ҚИСМ. Статистика ҳақида айрим фикрларим.....</b>	<b>189</b>
4-боб. Статистика – қайсар ҳақиқат.....	191
5-боб. Статистика – рақамлар тизими.....	197
6-боб. Аниқлик – статистиканинг биринчи тамойили.....	201
7-боб. Статистика – бу қиёсий таҳлил ибтидоси.....	205
<b>III-ҚИСМ. Тириклик фалсафаси ёҳуд ҳаётий шеърӣ лавҳалар.....</b>	<b>207</b>
• Бу фоний дунё.....	210
• Умр.....	211
• Ҳисобли дунё.....	212
• Умр ўташти.....	213
• Таянч.....	214
• Бу дунё кенг.....	215
• Кексалик гашти.....	216
• Шахмат устида айтилган шеър.....	217
• Дўстимга савол.....	218
• Насиҳат.....	219
• Бир қарасам.....	220
• Икки тоифа одам кўрдим.....	221
• Катталарга насиҳат.....	222
• Изтироб.....	224
• Асролмадик.....	225
• Маъгулик.....	226
• Тириклик фалсафаси.....	227
• Шукр.....	228
• Йўқолмас.....	229
• Эй, дўст!.....	230
• Устоз ва шогирднинг савол-жавоблари.....	231
• Қайтар дунё, қилмиш-қидирмиш.....	238
• Нима учув? Нега?.....	239
<b>IV-ҚИСМ. Устоз, китоб ва муаллиф ҳақида.....</b>	<b>241</b>
• «Қизиқарли статистика» китоби хусусида.....	243
• Муаллиф ҳақида сўз.....	245
• Салоҳиятли педагог.....	249
<b>Номлар кўрсаткичи.....</b>	<b>247</b>
.....	259
<b>Илова.....</b>	<b>278</b>
.....	291
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>279</b>
.....	292





10

11

## Қайдлар учун

---





**Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич**

**Қ И З И Қ А Р Л И  
СТАТИСТИКА**

**Тошкент- «IQTISOD-MOLIYA»-2005**

**Муҳаррир: Э.Бозоров  
Мусаҳҳих: Э.Махсумов**

<b>Босишга рухсат этилди</b>	<b>14.06.06</b>
<b>Қоғоз бичими</b>	<b>60x84 1/16</b>
<b>Шартли босма табағи</b>	<b>17,6 б.г</b>
<b>Адади</b>	<b>1000 нусха</b>
<b>Буюртма</b>	<b>№ 30</b>

**Баҳоси шартнома асосида**

**«IQTISOD-MOLIYA» нашриёти, 700084, Тошкент, Ҳ.Асомов,  
кўчаси, 7-уй.**

**Шартнома № 03-05**

**ТМИ босмаҳонасида терилди ва «RISO» нусха кўлайтириш  
қурилмасида чоп этилди.**

**700084, Тошкент, Ҳ.Асомов, 7.**